


*Шермурод Тоғай*

# Тавба йўли



Шермурод  
Тоғай

# ТАВБА ЙЎЛИ


*Қисса*

«HILOL-NASHR»  
ТОШКЕНТ  
2016

УЎК 821.512.133-31 - *Ўзбек аф-ти*  
КБК 84(5Ў)6-44

T-73

*Гиёҳвандлик асримиз вабосига айланиб бораётгани бугунги кунда барчани ташвишга солмоқда. Унга қарши кинофильмлар ишланмоқда, бадиий асарлар ёзилмоқда, оммавий ахборот воситаларида тинимсиз гапирилмоқда. Ушбу китобнинг муаллифи сизга таниш. Шермурод Тоғай пойтахтдаги «Тинчлик» жомеъ масжидининг имом-хатиби. Адабий оламга ижодкор дин вакилларининг кириб келиши қувонарли ҳолдир. Қиссада эри гиёҳвандлик балосига йўлиққан, аммо оила бутунлигини сақлаб қолишга интилган садоқатли келинчакнинг сабр ва бардоши ҳақида ҳикоя қилинади. Асар ёш ошлалар учун бир ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз.*



T-73

Шермурод Тоғай

Тавба йўли Т.: «Hilol-Nashr» 2016. – 368 б.

УЎК 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)6-44

ISBN 978-9943-4633-0-1

© Шермурод Тоғай  
© «HILOL-NASHR» нашрияти, 2016.

## КЕЛИННИНГ СЎНГСИЗ САБРИ

Ёзнинг сокин туни охирлаб, осмонни зийнатлаб, чараклаб турган юлдузлар секин-аста сўниб борар, самодда бир лаҳзалик хаёлдай субҳи козиб кўриндию, кейин ғойиб бўлди. Бир оздан кейин субҳи содиқ қора парда ортидан оқариб кўринди. Тун ортидан қуёш дунёни ёритиш учун йўлга чиққанини билдириб, замин узра эринчоқлик билан нурафшон нурларини соча бошлади.

Тонг ёриша бошлагач, галма-гал қичқираётган хўрозлар: «Умрнинг бир туни ўтди, янги кунни ўтказишга шайланинг, ёруғлик оламига навбат етди», деб инсониятга янги хабар бераётгандек гўё. Ҳа, уларнинг қўшиқлари авжига чиққан. Масжид муаззинининг ширали овози ҳам узокдан кулоққа чалинади.

Тонгнинг муздек шабадаси юзни майин силаб ўтар, муаттар гулларнинг ёқимли ҳиди кўнгилга ажиб ҳузур бахш этарди. Тонг роҳатини саҳарда сайр қилганлар билди. Ҳа, мусаффо тонг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиш қандай роҳат!

Ширин уйқудан эринибгина турган келинлар қўлларида челак, супурғилар билан кундалик вазифаларига шайланмоқда. Ҳамма бугунги кунни яхшилик билан қаршилаш ҳаракатида бомдодни адо қилиб, Аллоҳдан ибодат ва дуоларини қабул қилишини, берган неъматлари, янги кун ва мусаффо тонгга етказганига шукроналар айтиб, илтижо ва дуолар билан яқунлаган ибодатларидан сўнг кимдир уйига, кимдир бозорга ва бошқа хизматларга ошиқмоқда.

Келинларга қўшилиб бўй етган қизлар ҳам қўлларида челақ кўчаларга сув сепиб, супуришга киришишди. Сўлимлашган, тоза кўчадан ўтаётганлар хонадон ахларига барака, бахт тилаб дуо қилишади.

Маҳалла бошидаги катта ҳовлилардан бирида гиёҳвандлик дардига мубтало Абдурашид хотини Зебунисо билан бирга яшайди. Абдурашид уйига тонг пайти кириб келади, гоҳо икки-уч кунлаб келмайдиган кунлари ҳам бўлади. Шундай бўлса-да, Зебунисо оилани муккаддас билиб, уни сақлаб қолиш учун сабр ва бардош билан ўзбек келинларига хос йўл тутаяди. Кечалари ярим тунгача эрининг келишини кутади. Келмаган кунлари унга инсоф сўраб Парвардигорга ёлворади, дуолар қилади.

У ёшлигидан тонгда туришга одатлангани боис, бугун ҳам жуда эрта турди. Мусаффо тонг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Кўнгли ғаш бўлсада, қизлигидан ота-онаси ўргатган урфга кўра – кўчага сув сепиш, супуриш одатига қатъий риоя қилади. Асло бу савобли ишни канда қилмайди. Бугун ҳам кўчага сув сепиб, супурди. Намоздан қайтаётган кексаларни узоқдан кўргач, челагини кўтариб, секин эшик ортига ўтди. Бугунги тонгда ҳам одатдагидай Абдурашиднинг ҳовлиси олдида тўхтаган отахонлар эшик ортида турган келиннинг дуоларига мунтазирлигини билишиб: «Барака топ қизим, умринг узоқ бўлсин, кўшганинг билан қўша қари, уйинг файзли ва баракали бўлсин. Аллоҳ таоло яхши-яхши фарзандлар берсин, Абдурашид ўғлимизга ҳам ҳидоят берсин», деб дуо қилиб, қафтларини юзларига суришди. Абдурашиднинг жуфти ҳалоли уларнинг дуоси қабул бўлишини сўраб, «омин» деб турди.

Отахонлар ҳар куни намоздан қайтишда мана шундай дуо қилишади. Абдурашиднинг ҳолидан хабардор бўлганлари боис, келиннинг кўнглини кўтаришиб, сабр

билан яхши умидда бўлишни тайинлаб, унинг кўнглига таскин беришади. Ҳар куни шу аҳвол. Бу муштипар, сабрли келин куни келиб уларнинг ва ўзининг дуолари мустажоб бўлишидан умидини узмайди.

Мана, бу кеча ҳам эри Абдурашид уйига келмади. Унинг келишини кутиб тунни ёлғиз ўтказган келин эрининг барибир бир куни инсофга келишига ишонади. Ҳай-ҳотдек ҳовлида ёлғиз ўзи. Уй ҳам ютиб юбораман дейди. Аммо нима қилсин? Эри гиёҳванд! Уни шу иллати сабаб ташлаб кетса, ҳоли нима кечади? Бундан ҳам баттар бўлиб кетса-чи?! Эрининг олдидаги вазифасига риоя қилмаса, Аллоҳнинг олдида нима деб жавоб беради? Шуларни ўйлагани учун ҳам қайта-қайта инсофини сўрайди. Худо тавфиқ берса, бир лаҳзада яхши бўлиб кетиши ҳеч гапмас. Чунки эрининг насл-насаби пок, тарбия кўрган, ўзига тўқ оилалардан. «Асл айнимас, олтин зангламас», дейди халқимиз. Шу сабаб ҳам жуфти ҳалолининг аслига қайтишига ишониб яшайди. Нима бўлганда ҳам эри бувасининг тарбияси ва дуосини олган йигит. Бувасининг дуоси, улуғларнинг олқишлари, албатта, ўз самарасини беришини қалбан ҳис қилади. Зебунисо дўконда сотувчи, қайнонасига ёрдам беради. Ўзини иш билан овутади. Садоқати, меҳнатсеварлиги, одобу андишалилиги учун қайнонаси ундан миннатдор. Энди ишга шошилиши керак.

Ҳовлига ҳам сув сепаиб, бир қур супуриб чиқди. Уйга кириб ётоғини йиғиштирди. Кўрпаларни чиройли қилиб тахмонга тахлади. Уй ишларини саранжомлагач, чой қайнатди. Ўзи учун эринмасдан дастурхон ёзиб, нон ва бошқа нарсаларни қўйиб чиқди. Иштаҳаси йўқ, томоғидан ҳеч нарса ўтмаса-да, ўзини мажбурлаб улбул нарса еган бўлди. Парвардигорга шукрона айтиб, дастурхонга дуо қилиб, юзига фотиҳа тортди. Иши эрта бошлан иши боис кўчага шошилди.

## НАДОМАТ ТУНЛАРИ

Туни билан исён ботқоғида ётган одамлар гуноҳ ва айбимизни кўриб қолмасин деб кундуз кунлари турли пана, хилват жойларга беркиниб олишади. Бундай кимсаларга қолса, ҳеч тонг отмаса, тунда қилаётган гуноҳларини ўзгалар кўрмаса! Ана шундайлардан бири Абдурашид. У ҳамтовоқлари билан тонггача бўкиб ичиб, одатий маишатини қилди. Ичкилик ва гиёҳванд дорилар таъсирида қаттиқ маст бўлиб, хонадаги искирт, бадбўй кўрпага ағанаб, бир зумда ухлаб қолди. Айни тонг маҳали ваҳимали тушдан кўрқиб-титраганча, сакраб турди. Иссиқдан бўғилиб кетган Абдурашиднинг юраги кинидан чиқиб кетгудай тез-тез урар, нафаси бўғиларди. Кечкурунги зиёфат, ичкилик ва гиёҳванд дорининг таъсирида нима иш қилганини ҳам билмайди. Тўрт-беш шериги билан уч аёлга қўшилиб ичгани, маст бўлгани, телбаларга ўхшаб алжирашгани, бемаза қилиқлар қилиб рақсга тушганлари, боши айланиб, тўшакка ағдарилганини сал-пал эслайди, холос.

Ҳар тун тайинсиз, майхўр, гиёҳванд улфатлари билан шунақа маишат қилишади. Кун ёришгач эса туни билан қилган гуноҳларини эслаб, ўзидан уялади, калби афсус ва изтиробдан безовта бўлади. Мастлигида кўзига ниҳоятда чиройли кўринган фоҳиша аёл ҳушига келганида кўзига чўчкадек жирканчли кўринади. Шу пайт уйдаги покиза хотинини эслаб, юрагини нимадир эзғилайди.

Инсон гуноҳга қадам қўйганида уни васвасага солган шайтон фоҳишаларни чиройли қилиб кўрсатади, заҳардай ичкиликларни тотли дейди. Тўрига илингач, ҳийласига учиб, гуноҳ ботқоғига ботган одамзод гуноҳ ишини бошлаши билан ундан ҳазар қилиб қочади. Шайтон Абдурашидни ҳам осонгина алдаб, тузоғига илинтирар,

гуноҳга қўл уриши билан ундан юз ўтириб, устидан қулиб қочарди. Унинг қалбида пайдо бўлган безовталик, ҳаловатсизликлар шайтоннинг ора йўлда ташлаб қочиб қолганини билдирарди. Абдурашид ёшлигида:

«Шайтон гуноҳга ундаб, уни чиройли кўрсатгач, инсон гуноҳни бошлаган илк дақиқадан қочар экан» деган сўзларни уйларига келган меҳмонлардан кўп эшитарди. Ана шу меҳмонлардан бири бувасидан: «Гуноҳга қўл урган одамдан шайтон ҳам қочармиш, шу тўғрими?» деб савол берганида, буваси турли мисоллар келтириб, жавоб берган эди. Абдурашид буни тез-тез хотирлайди. Бувасининг: «Шайтон инсонга «куфр келтир», деди. Инсон куфр келтиргач, «Энди сен билан ишим йўқ. Мен бутун оламлар Роббиси Аллоҳдан кўрқаман», деб қочгани ҳақидаги гаплари ёдида қолган. Демак, инсон исён ва гуноҳлар ботқоғига ботса, шайтон ҳам бундай инсондан ҳазар қиларкан.

«Мен ва мен кабиларнинг гуноҳидан шайтон ҳам кўркиб, ҳам жирканиб қочади», дерди Абдурашид ўзига-ўзи. У разолат ботқоғига бутунлай ботиб кетмагани учун гоҳо қилаётган амаллари, гуноҳларидан уялар, қилмишларининг оқибатидан кўрқар эди. Ҳозирги аҳволини кўриб, ёнида одам тугул шайтон ҳам қолмаганини ҳис қилди. Чунки у катталарнинг насиҳатига кирмади, меҳрибон, кўпни кўрган бувасининг пандларини олмади. Шу сабабли гиёҳвандлик тўрига ўралиб, энди ундан қутула олмай ҳалак. Неча марта тубанлик тўридан қутилишга ҳаракат қилди. Аммо, бунга сабр-матонат етмади, нафсининг устидан ғолиб келолмади. Бу ботқоққа тобора қаттиқроқ ботиб бораверди. Тавба қилиб, гиёҳвандликка асло яқинлашмайман, деганида яна шайтон ёнида пайдо бўлар, гуноҳ ишларни чиройли қилиб кўрсатаверарди.



Ўргимчак тўрига тушган пашшанинг умри ўлим билан тугаганидек, гиёҳвандлик ўргимчаги уни борган сари ўз тўрига ўраб, қонини сўриб борарди. На уйқусида, на юриш-туришида ҳаловат бор. Уйкуга кетди дегунча юзлари нуроний буваси тушига киради. Бувасининг олдига бориб қўлларидан тутмоқчи бўлса, қўлини тортиб олиб, унга жаҳл билан қарар, гоҳида меҳрибонлик кўрсатиб насиҳатлар қилади. Бир сафар қўлидаги ҳасса билан таҳдид қилиб: «Яхшилар билан юрмасанг, қаттиқ савалайман!» деб уни узоқ қувлади. Бувасидан кўрқиб, қоча-қоча зўрға қутилди. Бошқа тунлари эса турли йиртқич ҳайвонлар уни емоқчи бўлар, шохлари узун, кўзлари чақнаган дев ва жинлар оловга ташлар, осмонга олиб чиқиб, ерга улоқтирар, захарли бўғма илонлар захарлаб: «Сен гиёҳванд, бангининг жазоси шу!» деб вишиларди. «Борадиган жойинг жаҳаннам, ичадиганинг йиринг аралаш қайноқ сув, гуноҳ-маъсиятларингнинг жазоси бизга ем бўлиш, захар-заққум ютиш», деб эзгилашиб тупроққа булар, мажбурлаб оғзига захар қуйишар эди. Йўғон-йўғон бўғма илонлар ўраб-чирмаб, кўзига кўркинчи тикилиб чақиб олар, бўйнидан қисиб бўғарди. Атрофда ўзи каби додлаётган, раҳм-шафқат сўраб йиғлаётганларни кўрар, даҳшатли инграш ва бақириклардан кўрқиб, сапчиб уйғонар, терлаб жикқа ҳўл бўлган бемажол танасини кўтара олмай, яна ўзини тўшакка ташларди.

Охирги пайт бундай тушларни у жуда кўп кўрадиган бўлиб қолди. Ўзига – ўзи «Энди ташлайман, ичмайман, дорига яқинлашмайман», деб ваъда беради, қасам ичадию, ичкилик ва дорининг хумори тутганда ҳамма нарсани унутади. Тавба қилмоқчи бўлади, дард қийнаганида эса барчасини унутади.

У охирги пайт бувасини тез-тез эслайдиган бўлиб қолди. Раҳматли буваси узун бўйли, кенг яғринли, оқ-

сарикдан келган, нур юзли, ўткир кўзли, оппоқ соқолли, тоғдек виқорли, кўркам инсон эди. Айникса, кийимлари ўзига ниҳоятда ярашарди. Бошида салла, эгнида оқ тўн, оппоқ кўйлак, оёқларида маҳси-ковуш, кўлидан ҳассасини кўймасди. Кўчада кўрган одам борки, кўлини кўксига кўйиб салом бериб, ҳурматини жойига кўярди. Юрганида кексаларга хос виқор билан қадам ташларди. Уйда ҳам кийинишга катта эътибор берарди. Уйларига келиб турадиган меҳмонлар ҳам буvasи каби кийинишар ва: «Бу кийимлар Навоий бобомизнинг кийган либослари», деб фахрланиб кўйишарди. Ўша ширин дамлар, буvasининг меҳмонлари даврасида бўлган суҳбатлари кечагидек кўз олдида.

Бир гал бувамдан туш тўғрисида сўради. Улар:

– Болажонларим, туш уч хил бўлади. Биринчиси, кун бўйи кўрганларимиз-эшитганларимизнинг таассуротини тушимизда кўрамиз. Иккинчиси, шайтоний туш бўлиб, унда шайтон васваса қилиб, турли ваҳимали, ғайритабиий нарсаларни кўрсатади. Учинчиси, солиҳ, раҳмоний тушдир. Кўрганда рўёбга чиқадиган, яхшилик ва ёмонликдан огоҳ этадиган туш ҳақиқий тушдир.

– Туш қаердан пайдо бўлади? Худди кино кўргандек кўрамиз-а, бува?

– Буни ҳеч ким айтиб беролмайди. Туш қаердан келади, ким кўрсатади, буни фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади, болам!

Абдурашид буvasининг гап-сўзлари, қилган насиҳатларини ўйларкан, бугун тонгда кўрган тушлари, бошидан ўтказган кечинмалари кўз ўнгидан худди кино лентасидек бирма-бир ўта бошлади.

## АБДУРАШИДНИНГ ҲИКОЯСИ

Гиёҳвандлик балосига йўлиқиб, бу иллатга муккамдан кетганман. Бугун сахарга якин яна туш кўрибман, жуда кўрқинчли туш. Кўрққанимдан додлаб, ўрнимдан сакраб турдим. Тушимни ўзимча таъбир қилиб, гиёҳвандлигимнинг оқибати ёмонлик билан тугаши, турли қийинчилик ва азобларга учрашимни хис қилиб, ич-ичимдан эзилдим. Тушимда бир кутурган туя мени роса қувди. Ундан жон ҳолатда қочардим. Югура-югура ҳарсиллаб қолдим. Нафасим бўғзимга тикилган ҳолда терлаб-пишиб, чуқур жарнинг ёқасига келиб қолдим. У яқинлашар, мен эса кўрққанимдан дир-дир титрардим. Туя оғзини очиб ҳамла қилган эди, ўзимни пастга, жарликка отдим. Жарликка додлаб қулаб борардим. Бир вақт жарнинг тубига қарасам, у ерда бир катта аждаҳо оғзини катта очганча домига тортишга шай турарди. Бақирганимча оёқ-қўлимни силкитиб, аждаҳо оғзига тобора яқинлашардим. Оғзига тушишимга бир баҳя қолганда, қаердандир бувам пайдо бўлди. Оппок кийимда қўлларини менга чўзиб, илиб олдилар. Аждаҳо ҳамла қилганди, қўлидаги ҳассалари билан аждаҳони бир ургандилар, у пастга, коронғилик қаърига қулаб, ғойиб бўлди. Бувам қўлимдан тутиб, кўкаламзор гўзал бир боғ ичига олиб кирдилар. Боғ шундай чиройли эдики, ундан кўз қамашарди. Атрофда турли-туман гуллар муаттар ҳид таратар, атроф ям-яшил ўтлок, дарахтларда сархил мевалар ҳил-ҳил пишган, булбулларнинг хушовоз хонишлари дилларга ажиб ошуфталик берса, ям-яшил ўтлоқлар кўзларга сурур берарди. Кўрганларимни тил билан таърифлай олмайман. Балки бу беҳиштдир, жаннат деганлари шудир, буниси Яратгангагина аён. Бу гўзалликни кўриб бошимдан ҳушим учди. Зеро инсон

хаётлигида кутилмаган ердан совға, мукофот ёки катта ютуққа эришса, хурсандчилигидан бошидан ҳуши кетгани каби жаннатга кириш насиб қилган бандалар у ердаги марҳаматлар, нозу неъматлар, боғ-роғлар, бир-бири билан ҳусн талашган ҳуру ғилмонлар, кавсар сувларини кўргач, ҳушларидан айрилиб қолишларини бувам тўлкинланиб айтиб бергандилар. Эҳтимол, «беҳишт» беҳуш сўзидан олингандир?

Мен ҳам ўшандай ҳолатга тушгандим, Бувам боғ ичида нур таратиб турган бир йўлни кўрсатиб: «Шу йўлдан борсанг, албатга, бахтингни топасан, болам! Асло орқанга ва атрофингга қарама, сени бу йўлдан қайтармоқчи ва кўрқитмоқчи бўлганлардан асло ҳайиқма, чўчима!» деб оппоқ мрамрли ҳовузлардан фавворалар отилиб, атрофлари гулзор, йўлақларидан нур таралаётган томонга бошлади. Энди шу йўлга бир қадам ташлаган ҳам эдимки, оғзидан қони оқиб турган бир неча ўлаксахўр кузғунлар атрофимда айлана бошлади. Кўзлари қонга тўлган, кўриниши одамга ўхшаш кушлар: «Биздан қутулмоқчимисан, асло қутулолмайсан. Сен осийнинг жойинг жаҳаннам!» деб чанг солишди. Кузғунлардан бири қўлимни юлиб олгудай чўқиб, тортқилай бошлади. Шу пайт яна бувам қўлидаги ҳассаси билан кузғунларнинг бирини урди. У қулаб тушди. Бунни кўриб бошқалари хунук овозда қағиллаб, шовқин солганча учиб кетишди.

Бу ваҳимали тушдан кўрқиб, хансираб ўрнимдан сакраб турдим. Тушимни яхшиликка йўйишни сўраб чап томонимга уч марта туфлаб, «Эй Худо, тушимни хайрли қил!» дедим хансираб.

Ўз уйимни қўйиб, хотинимни ёлғиз ташлаб, ҳозир ётган жойим майхўр, гиёҳвандлар, жин ва шайтонлар маконини танлашимнинг ўзи, нималарга аралашиб

қолганимни билдирарди. Тоза кўрпа-ёстик, меҳрибон ёримни кўйиб, сассиқ кўрпаларга бурканиб, фоҳишалар этагини тутиб ётишим аҳмоқ ва нотавонлигимдандир. Ётган хонам кўзимга янада қоронғу, ифлос ва тор қафасдай кўринди. Тушимдан қаттиқ кўрққаним боис, жуда чанқагандим, томоғим қуриб, юрагим ёнарди. Ўтирган жойимда ичишга сув кидира бошладим. Атрофимда уч-тўртта бўш шишадан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ичкаридаги хоналарда бирор киши бормикан, деган ўйда, зўрға овоз чиқариб бир неча марта: «Ким бор, сув беринглар!» дедим. Аммо ҳеч ким жавоб бермади. Жавоб бўлмагач, бир амаллаб ўрнимдан турдим. Гандираклаганча ошхона томон юрдим. Ошхонадаги челақдан сув ичиш учун бирорга тоза идиш тополмадим. Кечкурунги ароқхўрликдан сўнг уй сигарет, наша, ароқ ҳидидан сасиб-бижиб кетганди. Ошхонада кеча пиширилган овқатнинг сарқитлари тўкилиб-сочилиб ётар, ювуксиз идиш-товоклар остин-устун булиб кетганди. Пашшалар ҳалиги сарқитлар устида уймалашарди. Бу уй эмас, шайтон-жинлар макони. Иблиснамо, худо урган ҳамтавоқларим эса, қаергадир кетишган эди.

Сув ичишга тозароқ идиш тополмагач, сув турган челақни кўтариб ича бошладим. Сувнинг илиқлигидан кўнглим айниб кетди. Шу пайт ваннахона эсимга тушиб қолди. Ўша жойга кириб жумрагини очиб оқиздим. Ундан муздек сув оқди. Ўзимга келиш учун чўмилдим. Ҳали мастликнинг кучи кетмаганди. Бошим айланиб, ваннахона деворига қотирилган ярми синиқ ойнага қараб, унда бадбашара бир одамни кўрдим. Аввалари тез-тез ойнага қараб, соч соқолларимга аҳамият берардим. Аммо бугун бошқача боқдим. Ўзимнинг тумтайган, оқариб кетган юзим, киртайиб, ичига кириб кетган кўзим, тўзғиган сочларим, ўсиб кетган соқолимни кўриб, «бу ким экан? Наҳотки, шу мен бўлсам?» деган фикр бир

зум хаёлимдан ўтди. Нурли юзларимга бокиб: «қанийди, шу хушсурат йигит ёрим бўлсайди?» деб неча қизлар орзу қилган, ҳамма ҳавас қилган чехрам бугун мурданикидек оппок, рангсиз, хунук, этлари суякка ёпишиб кетган, кўрқинчли башарага айланганди. Аҳволимга бокиб исён ботқоғида ўтаётган умримга афсусландим.

Ваннахонадан зўрға судралиб чикиб, ётган хонамга бир амаллаб етиб олдим. Яна бадбўй кўрпага ўтирганча бошимни чангалладим. Ўзимга-ўзим: «Гиёҳвандлик бошимга битган бало бўлдинг. Сендан кутулармиканман?» деб зорландим. Қилган ишларимнинг Аллоҳ кузатиб турганини, бувамнинг руҳи кўриб турганини ҳис қилиб, ўзимдан ҳам уялиб, ҳам нафратландим. Раҳматли бувам, бахтли оилам, хуррам болалигим, ҳар тонг хуш кайфият билан уйғонишларим, тўйиб-тўйиб тоза ҳаводан нафас олишларимни соғиндим. Бувамнинг: «Тонгда ухлаш ризқларингни кесади, болаларим», деб ҳар куни такрорлаб, эркалаб уйғотишларини кўмсадим. Ўша дамларни ҳозирги ҳайвоний ҳаётимга таққослаб, надомат чекканча ўзимдан хафа бўлиб, маҳзун ҳаёл сурардим. Ҳар куни кўрадиган ваҳимали тушларим мени тобора чарчатиб, ҳолдан тойдириб борарди.

Эски сим каравотга ўтирганча ўйга толаман, ўй-хаёлларимнинг тагига етолмасдан янада тушқунликка тушаман. Ўтган умримнинг ширин дамларини ва гиёҳванд бўлишимнинг сабабларини сарҳисоб қилавериб, чарчаб ҳам кетдим. Ўша ширин болалик, бир кечада мени бутунлай йўлдан оздириб ташлаган ўша машъум дамлар, бошимдан ўтган ишлар худди кинодагидек яна бирма-бир кўз олдимдан ўта бошлади.

\*\*\*

Мен туғилиб ўсган жой пойтахтдан анчагина узоқда, саноат, ишлаб чиқариш, савдо-сотик ривожланган, дех-

қон бозори гавжум кичик бир шаҳарча. Кўчалари текис, икки томонида чиройли дўконлар, баланд бинолар қад кўтарган. Шаҳарда машина серқатнов, туман маркази одамлар билан тўлиб-тошганди. Зўрға судралиб келаётган автобуслар шаҳар кираверишидаги шохбекатда одамларни туширади-ю, яна ҳарсиллаб навбатдаги рейсига жўнайди. Кимдир бозорга, биров ишга, баъзилар юмушига ва хизматига шошади.

Шаҳар марказида катта бозор бор. Айниқса, бозор шанба-якшанба кунлари ниҳоятда гавжум бўлади. Шаҳар марказида истироҳат боғи ҳам бўлиб, баланд, серсоя дарахтлар, соя-салқин жойлар, ихчамгина чўмилиш ҳавзаси, кулай болалар майдони, турли аттракционлари бор. Дарахтлар соясига ва кўл атрофига ўриндиклар ўрнатилган. Овқатланиш жойлари, музқаймоқ расталари одамлар билан доимо гавжум. Айниқса, боғ кечга бориб ёшлар билан тўлиб-тошади. Кимдир кечки салқинда боласини ўйнатиб айлантиради, кимдир сайрга чиқади. Боғдаги рақс майдонида ёшлар ўйинга тушиб, тинимсиз кий-чув қилади. Гоҳо ёшларнинг турли нағмалари, эшилиб-диконглаб тушадиган беҳаёларча рақсларидан, бақириб, кийкириб кулишларидан, ажнабийларга тақлид қилган қизларнинг ҳаёсизларча эшилиб-буралишларини кўрган одам бу расволиклардан уялиб кетади. Ҳатто, шу ўйинларни ўйлаб топганларнинг ўзлари ҳам уялиб кетса, ажабмас. Даҳрийларнинг асл мақсади ҳам аждодлари дунё аҳлига пешқадам бўлган ушбу юрт фарзандларининг ахлоқини бузиш, уларни ҳақ йўлдан тойдиришдан бошқа нарса ҳам эмас.

Кечки ўн-ўн бирларга бориб боғ анча бўшаб қолади. Аммо, рақс майдонида шайтон ўйини ярим тунгача давом этади. Тунги икки-учгача ит каби санғиганлар куни билан ухлашади. Кечгача ухлаганлар тунни кутадилар.

Тун кириши билан яна гуноҳлар ботқоғига ботадилар. Итда бир одат бор экан. Куни билан ухлар, кечаси санғиб, вовуллаб, шовқин кўтарар, тонгда, дуо қабул бўладиган пайтда эса ухлар экан. Раҳматли бувам тонгнинг баракаси ҳақида ит билан қўйни мисол қилган, тонгда бедор бўлувчи қўй бир-иккитадан болаласа ҳам баракали бўлиши, ит саккиз-ўнтадан туғса ҳам, сира кўпаймаслигини айтиб берган эдилар.

Шўроларнинг пешволари биз, ёшларни кайфу сафо, турли бузқлик йўлларига киришимиз учун ҳар хил разолат ва гуноҳ ишларга босқичма-босқич ўргатиб борарди. Ҳар хил рақс кечалари, байрам ва кўнгилхушликларни ўйлаб топарди. Биз болаларга бу ўйинлар жуда қизиқ туюларди. Ҳар бир янгиликни ҳаётимизда синашга, бу ишларга бош-қош бўлувчи кўркмас синфдошларимизни ўзимизга йўлбошчи қилиб олишга интилардик. Айниқса, шароб-ичкиликсиз тўйни тасаввур қилиш ҳам мумкин эмасди. Ичкиликсиз тўй тўйми? Ичкиликсиз тўй – эскилик сарқити, тўй ичкиликсиз бўлиши мумкин эмас. Керак бўлса, келин-куёвлар кўпчилик ичида, давранинг тўрида ўпишишни ўрганиши, тўйга келганлар «горька-горька» дейишлари керак, дейишарди. Буни янгича маданият, деб тарғиб қилинарди. Аммо зиёдиларимиз, бу иллатларнинг палак отиб кетишига қарши тинмай курашардилар. Улар бундай бебошликлардан куюниб, танқидий муносабат билдиришса-да, инсон табиатининг ёмон ишларга ўчлиги сабаб, ёшлардан аксарининг қулоғига насихат кирмасди.

Олтинчи-еттинчи синфларда ўқиб юрган кезларимда қишлоқда яшайдиган ойимнинг оналари, яъни бувимникига таътилда дам олишга борганим эсимда. Кичик тоғам ўшанда ўнинчи синфда ўқирди. Мени чўмилишга бошлаб борар, далаларга олиб чиқар, эрталаб бирга қўй



бокиб келардик. Кун бўйи ўйнаб, тўп тепиб, кўй боққанимиздан, кечқурунлари зўрға овқатимизни еб олишга куч топардик. Овқатни еб бўлибоқ, уйкуга кетардик.

Ёз кунлари қишлоқ туни жуда ҳам файзли бўлади. Бувим қатор қилиб ҳовлидаги супага жой солиб берардилар. Осмондаги саноксиз юлдузларнинг милтираши, учишларига маҳлиё бўлиб боқардик. Чигирткаларнинг тинмай чириллаши, қурбақаларнинг қуриллаши одамни ўйга соларди. Гоҳо ухлаш олдидан кўрпадан бошимни чиқариб, бувимдан сўраб қолардим:

– Бувижон, қурбақалар, чигирткалар нега тинмай чириллаб, қуриллаб чиқади? Бувижоним:

– Улар ҳамду сано айтади, барчага баракат тилайди, – деб жавоб берардилар.

– Улар гапиролмайди-ку! Қанақасига сано айтади?– дейман ажабланиб.

– Худо ҳамма жонзотларга бир-бирини тушуниши, сано айтиш учун тил берган. Аммо биз уларни тушунмаймиз. Осмондаги юлдузларни бир томоша қилгин-а! Қандай чиройли. Улар бизнинг яшаётган еримиздан бир неча бор катта, осмонда учиб юришади, – дейдилар бувим.

Мен яна:

– Улар бир-бири билан тўқнашиб кетмайдими? – деб, савол бераман.

– Аллоҳ таоло уларни бир-бирига тегиб кетмайдиган қилиб, катта илм билан бошқариб туради, – дея билганларича тушунтирардилар. Уларни саволга тута-тута ухлаб қолардик.

Бувимнинг сочлари оппоқ, кулча юзидан нур балқир, илмли, ниҳоятда ҳаёли ва иболи аёл эди. Тонг саҳарда намоз ўқиб, ҳамманинг ҳақиға узоқ дуо қилардилар. Кийинишлари, юриш-туришлари ҳам ажойиб.

Узун, енглари кенг кўйлак, бошларида оқ рўмол, гоҳо оқ рўмол устидан дока ташлаб кўкракларини икки қават қилиб тўсиб оладилар. Сочларини ҳеч кўрмаганман. Сабабини сўрасам, «Кампирларнинг сочига бегоналарнинг кўзи тушса гуноҳ бўлади, болам», дердилар. Турмуш ўртоқлари – бувам раҳматли элик ёшларида вафот қилган, бувим турмуш кўрмасдан, сабру бардош билан болаларини катта қилиб, икки қизларини жойини топиб узатганлар. Икки қиздан кейинги кенжа ўғил бўлган тоғамнинг оти Мусо, ўнинчи синфда ўқийди. Мени жуда яхши кўради. Қаерга борсалар бирга олиб борадилар.

Бувимнинг бирор марта бўлса-да болаларини ёки бошқа бировни қаргаганларини, овозларини баландлатиб гапирганларини эшитмаганман. Гоҳо шўхлигимиз ҳаддидан ошиб, буюрган ишлари эсимиздан чиқиб қолса: «Ҳой, умрингдан барака топгурлар, хой олим бўлгурлар. Умринг узок бўлиб, бошларинг илмдан чиқмагурлар, қори бўлиб танилгурлар...айтган ишларим эларингдан чиқдими?» дердилар. Бизга шу танбехнинг ўзи етарди. Бувимдек гўзал одоб, ширин сўз, ҳикмат соҳибасини бошқа учратмадим. Ҳеч нолиганларини эшитмаганман. Ҳамма нарсани Аллоҳнинг тақдиридан деб билардилар. Ҳаётдан нолиган, қийинчиликларга сабрсизлик қилганларни кўрсалар: «Айланай, Худо мол-дунё берганда, «нега менга мол-дунё бердинг, яхшиликларни етказдинг, менга бергунча фалончига берсанг бўлмасмиди?» деб сира нолимагансиз. Бошингизга озгина синов тушса, дарров нолийсизми? Сабр қилинг. Ҳазрат Сўфи Аллоҳёр ҳазратлари ҳақиқий мўмина аёлларга: «Ўн йил уйда бўлмаса ун, чиқармайди ун», яъни ўн йил уйда нон қилишга уни бўлмаса-да, овозини чиқармайдиганларга шундай тавсиф берганлар. Бизлар ана шундай аёллардан бўлишимиз керак!» деб насиҳат қилардилар.

Гапирганларида ҳамма вақт табассум қилиб турар, лабларининг устидаги қора холлари кулганларида жуда чиройли бўлиб кетарди. Нихоятда фазилатли кампир эдилар. Қиш кунлари меҳмон бўлиб келганимизда иссиқ танча атрофида эски, вароклари унникиб кетган Хожа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар»идан ўқиб берардилар. Шунақа чиройли ўқирдиларки, қанча эшитсак ҳам тўймасдик.

Бешак билинг бу дунё, барча элдан ўтаро,  
Инонмагин молингга бир кун кўлдан кетаро.  
Ота-она, қариндош қаён кетди фикр қил,  
Тўрт оёғли чўбин от бир кун сенга етаро.

«Етаро, ета-а-а-ро, бир кун сенга етаро», деб хиргойи қилганларида кўзларидан ёш чиқиб кетарди. Кекса бўлишларига қарамай, ўзимизнинг туркий забонда битилган китобларни жуда кўп ўқирдилар. Айниқса Навоий, Бобур, Фузулий, Саъдий, Шерозийдек шоирларнинг ғазаллари, пайғамбарлар тарихини ўқисалар бор вужудимиз билан тинглардик. Мактабда бўлса тинмасдан ўзбек халқи саводсиз бўлган, уч фоизигина ўқишни билган, аёллар қоронғи хоналарда эзилган деб таъна-маломатлар қилишарди. Бувим бўлса ўн олти ёшларигача отин бувиларда ўқиб, пунчалик даражага етгандиларки, бунча кўп ҳикматларни ўн олти ёшгача қандай ўқиб-ўргандилар экан, деб ҳайрон қолардик. «Саводсиз» ўзбек хонадонининг оддий қизи шунча нарсани билишидан кўплар ёқасини ушларди. Биз, совет тарбиясини олган болаларга «Навоийнинг битта ғазалини ўқиб-шарҳла», деса биронтамиз бувимчалик ифодали ўқиб, уларчалик шарҳлаб беролмаймиз. Форс адабиётини гапирмаса ҳам бўлаверади. Гоҳо одобсиз, сабрсиз аёл-қизларни кўрга-

нимда: «Бизнинг дунёда тенгсиз олийжаноб бувиларимиз бўлган, уларнинг йўлларини тутинг, ибрат олинг опа-сингиллар!» деб ҳайқиргим келади.

Август ойида қишлоқларда тўй кўп бўлади. Чунки шу пайт пахтакорларга озгина, ўн-ўн беш кунгина дам бериларди. Қолган тўйлар қиш пайтлари бўларди. Тоғам қишлоқлардаги тўйларга мени ўзи билан бирга томоша қилгани кўп олиб юрар, мен тенги болалар ҳам қўшилиб бирга борардик. Қишлоққа кўп бориб турганим учун улар билан дўстлашиб кетгандим. Тўйга боргач дўстларим билан бекинмачок, «уруш-уруш» ўйинларини ўйнардик. Ўйин жуда қизиқарли бўларди. Бир тўпимиз немис-фашист, иккинчимиз қизил армия аскарлари бўлардик. Қўлларимизда ёғоч автомат, оғзимизда «пақ-пақ» дея кичикириб, бир-биримизни отар, қўлга тушириб, кинода кўрганларимизга тақлид қилардик. Иккинчи жаҳон уруши давридаги воқеалар суратга олинган фильмларни кўп кўрганимиз боис, немис фашистларини жуда ёмон кўрардик. Шу сабабли ҳеч ким немис бўлишни хоҳламасди. Сўнг куръа ташлардик. Куръа кимга тушса, ўша томон немис бўларди. Маза қилиб ўйнардик. Қишлоқдаги тўй биз болалар учун ҳақиқий байрам бўларди.

Тўйга атаб катта ҳўкиз, бир нечта қўй сўйиларди. Уларни сўйишларини томоша қилгани борсак: «Кечаси кўрқиб чиқасанлар, ҳўкизнинг деви бўлади, обқочиб кетади. Қани жўнанглар!» деб ҳайдашса, ўчоқ бошига борардик. У ердаги ошпазлар: «Қани, шумтакалар, ош пишгунча бошқа жойда ўйнанглар. Ўчоқнинг чўғига кўп қарасанглар, кечаси иштонларингни хўллаб қўясанлар!» деб баланд жойга ўйиб қилинган ўчоқ олди-дан ҳайдашарди.

Аслида тўй уч кун олдин бошланган. Биринчи куни маслаҳат оши, иккинчи куни сабзи тўғрар, учинчи куни

катта тўй. Маслаҳат куни яқин қариндошлар, қанча жой қилиш, кимларнинг айтувчилик қилиши, ким нимага масъул, меҳмонларни қай йўсинда жойлаштириш керак, артистни ким олиб келади, каби нозик масалаларни ҳал қилиш билан оввора бўлади. Айниқса қанча ичкилик олиш кераклиги узоқ тортишувга сабаб бўларди. Чунки бир қишлоқда бир кунда иккита тўй бўлса, ортиқча ичкиликни ким ичади?

Агар тўй кам бўлса, олинган ичимликнинг етмай қолиши тўғрисида узоқ баҳс-мунозара бошланади. Тўй эгаси олган ичимликларнинг ҳисобини, сони қанчалигини бир-бир айтиб ўтади. Тўйбошилар ўн-ўн беш яшик ароқ, беш яшик вино, пиво қишлоқда битта тўй бўлса камлиги, иккита бўлса учма-уч етишини айтади. Ҳеч ким: «Қишлоқда олтиш-етмишта хўжалик бўлса, буларнинг ярмини аёллар, кексалар ва болалар ташкил қилса, бунча ичимликни ким ичади?» демас эди. Балки ҳамма янада кўпроқ ичкилик олишни, меҳмонларнинг олдида уялиб қолмаслик учун пулнинг бетига қарамасликни, ортиқчаси зарар қилмаслигини тавсия қиларди. Маслаҳат тугагач, маслаҳат якуни деб ичишни бошлашарди.

Маслаҳат ярим тунгача давом этади. Иккинчи куни сабзи тўғрар ҳам шундай бўлади. Учинчи кун ҳақиқий хизмат бошланади. Ўчоқ кавла, қозон топиб кел, тўйхонанинг устини ёп, тахтадан стол-стул қил, қўшнилاردан кўрпача таши, лаган, қошиқ йиғ ва ҳоказо каби ишларга тонг саҳардан киришилади. Хотинлар бир кун олдин сўйилган молнинг калла-почаларини тозалаб, лик-лик (холодец), ҳасип пиширишга киришади. Қисқаси, кечгача ҳамма нарса тахт бўлиши керак.

Шу тариқа уч кундан буён қўшниникида тўй. Уч кун қўшниларникида овқат пиширилмайди. Катта-кичик, эркак-аёл тўйхонада овқатланишади. Бизга ўхшаган бо-

лаларга ўчоқ бошида ош ёки бошқа овқатлардан икки-уч кишига бир лагандан берилади. Қоринни тўйдиргач, яна ўйин билан овора бўламиз, очқолсак яна қайтадан ош еймиз. Кўзимиз кўрмайдиган даражада қоронғулик тушгач, секин тўйхонага мўралардик. Тўйхона ичи катта кичик билан тўлади. Аёлларга рухсат йўқ, улар ўтиришмайди. Тоғам тенгилар ўсмир бўлишса-да арок ичишни бошлаб юборишади. Сабаб, яшиклаб олинган ичкиликларни ичадиган одам топилмас, стол-стуллар бўш қоларди. Пулига ичи ачиган тўй соҳиби тўққиз-ўнинчи синфда ўқийдиган ўсмирларни ҳам столга ўтказиб, «Сизларам катта бўлиб қолдинглар, қани олинглар, еб-ичинглар, ичкиликни йигитнинг гули ичади. Қани, олдиларингизга қўйилган ичкиликдан ичиб, таомлардан тортинмай тановул қилинглар!» деб мажбурлайди. Ўргани олиб борувчи эса, ичкиликка тарғиб қилувчи турли шеърлар айтиб, чиройли гаплар гапириб, «Икки ёшнинг бахти, кичкинтойларнинг соғлиги учун кўлингиздаги қадаҳни олиб, бир намуна кўрсатинг», дейди. Ёш йигитчаларни ҳам эсидан чиқармасди. Уларнинг олдига бориб, ичишдан кўрқиб, уялиб турганларга: «Қани, укагинам, қадаҳингни бўшатиб, йигитлигингни кўрсат, қани-қани, охиригача сипқор. Э, маладес, ҳақиқий йигит экансан», деб мақтар, ичмайдиганларни масҳара қилиб, ичишга мажбурларди.

Тоғам ҳам икки-уч марта шунақанги тўйларга бориб мазасини билиб қолганми, қаерда тўй бўлса, ғизиллаб чо-нади. Кийимларини дазмоллаб, сочларини ювиб-тарайди, ўзини катта одамдек тутишга ҳаракат қилади. Қишлоқнинг одати шуки, тўйга келганни «Қаердан келдинг, кимнинг ўғлисан?» деб ўтирмасдан, дастурхонга таклиф қилаверади. Катта ёшли одамларга эргашган ўсмирлар ҳам улар билан дастурхон атрофига ўтириб олади. Уларни ҳеч

ким ҳайдамайди. Ака ёки тоғаларимиз биз болаларни тўйга етаклашининг сабаби шунда эдики, ўзлари бўкиб ичишар, қайтишда оёқлари чалкашиб, йиқилиб, кўча-кўйда ётиб қолмасликлари учун уларни суяб, етаклаб келиб, уйдагиларга сездирмасдан меҳмонхонага ётқизиб чиқиш вазифасини юклашарди. Икки-уч чакирим узоқдаги қишлоқдан маст одамни етаклаб келиш ўлимдан ҳам қийин. Лекин мажбурмиз, кимнингдир акаси, кимнингдир тоғаси ва ҳоказо. Баъзилар ҳаддан ташқари кўп ичгани, ичкиликни кўтаролмаслиги туфайли юролмай йиқилиб қоларди. Уларни суяб юриш чарчатарди. Жонимизга тегиб кетгач, сал бегонароқларни суяб турғизиш, кейин секин кўйиб юборамиз, оёғи чалкашиб дарахтдек гуп этиб қулайди ва юзтубан йиқилади. Биз хохохлаб куламиз. Гирт маст, азобдан инграб ўрнидан туришга ҳаракат қилади-ю, туролмайди. Унга раҳмимиз келади. Уларга ёрдам бермасак бўлмайди, чунки эрталаб ўзига келгач биздан шикоят қилиб қолишлари мумкин. Шу сабабли биз, болалар ака-тоғаларнинг калтагидан чўчиб, бир амаллаб ўрнидан турғазамиз. Яна хархаша қилса, ўн-ўн беш метргача суяб бориб, яна кўйиб юборамиз. Яна юз тубан йиқилади, тўнғиллаб, ғингшиб, каловланиб йиқитмаслигимизни сўраб илтимос қилади. Шу тариқа янги, ювилган кийимлар чангга буланиб, лой бўлиб кетади. Юзлари шилинган, кўзлари кўкарганларни кечаси соат бир-иккида зўрға уйига олиб келамиз. Тоғамни бувимга сездирмасдан хонасига олиб кириб кўяман. Бувим билсалар ҳам индамайдилар. Эртасига ўзига келган тоғамга узоқ насиҳат қиладилар. Тоғам бошини эгтанча: «Ойи бошқа такрорламайман, ваъда бераман», деб қутилади. Қаёқда дейсиз, эчкининг қасами бўлмаганидек, ароқхўрнинг қасами ҳам бир-икки кунлик. Ичкиликни кўрса, қасам ҳам, бошқа нарса ҳам эсидан чиқиб кетаверади.

## ТОҒАМНИНГ ҲИКОЯСИ

Тоғамнинг ичкиликка ўрганишига сабаб, саккизинчи синфда ўқиб юрганида қишлоқларида бир кунда кетма-кет учта тўй бўлибди. Одамларнинг аксарияти обрўйлироқ одамни кетиб, камбағалпроқнинг тўйига одам кам келибди. Жойлар бўш, дастурхонлар тўла, ўтирадиган одам кам.

– Ҳали биз ичкилик нималигини ўйлаб ҳам кўрмагандик, – дейди тоғам. – Ароқ ичишдан кўрқардик. Лимонадни ҳам чўчиб ичардик. Ўша куни тўйга борсак, меҳмон жуда кам, дастурхонлар эса турли нозу неъматлар билан тўлиб-тошган, аммо аксар ўриндиқлар бўш. Икки-учта жўра тўйхона атрофида ўралашиб юрганимизни кўрган тўй эгаси Жўра ака бизларни кўярда-қўймай дастурхонга ўтказди. Қиш фасли бошлангани боис, ҳаво анчагина совуқ эди. Катта, узун жой қилинган, тўйхонанинг усти нахта бункерларини ёпишга ишлатиладиган катта брезентлар билан ёпилганди. Камида икки юз кишига мўлжаллаб жой қилинган. Ўртага узун тахта столлар, ўтиришга қулай узун-узун ўриндиқлар ўрнатилиб, устига кўрпачалар солинганди. Тўйхонанинг тўрига келин-куёв учун баланд махсус жой тайёрланган, орқага осилган қизил гиламга келин-куёвнинг исмлари пахта билан ёзилиб, исмларининг ўртасига иккита халқа, пастига эса келин ва куёвнинг тўйига қўшиб хатна қилинадиган боланинг номи ёнига катта ҳарфлар билан «Бахт тилаймиз, суннат тўйингиз муборак бўлсин» деб ёзиб қўйилган.

Тўй бошланишидан олдин бир-бирини етаклаб куёв билан келин чиқиб келди. Куёвнинг устида беқасам тўн, бошида дўппи, келин шўрлик оппоқ юпқа кийим кийган. Ғарбликларга тақлид қилиб оппоқ капрон кўйлак кийгани учун совуқдан дир-дир титрарди. Улар учун



тўйхонанинг тўридан махсус жой қилинган. Келин-куёвни ҳамма ўрнидан туриб қарсақлар билан қарши олди. Артистлар тўйлар муборакни бошлаб юборди. Келин-куёв жойига ўтирди. Тўй бошланмасдан совқотаётган куёвнинг жўралари ўтириши билан унга исишингта ёрдам бўлади, деб бир пиёла ароқ ичиришди. Янги ҳаёт оstonаси, тўй ичкилик билан бошланди. Келин-куёвни табриклагани чиққан одам сўзини айтиб бўлгунча келин-куёв тик турар, табрик сўздан сўнг жўралар куёв шўрликка бахт тилаб яна-яна ичиришди.

Натижада куёв анчагина маст бўлди. Совуқдан титраётган келинга ҳам исиниши учун озгина ичишни таклиф қилишди. Кўнмаган эди, ёнидаги янгаси келиннинг кулогига нималар деб шивирлади. Келин кўлига қадаҳни олди. Ароқ ичишни тасаввурига ҳам сиғдиролмаган келин кўрка-писа, ҳамманинг тикилиб турганидан уялибгина озгина ичди. Ароқнинг сассиқ ҳиди ва аччиқлигидан туйилиб қолди, йўталиб, оғзидаги ичкилик устига тўкилди. Буни билдирмасликка ҳаракат қилди. Лимонад ичиб бу ҳолатдан бир амаллаб чиқиб кетди. Ёнидагилар устидан қотиб қулишди, баъзи бир ширакайфлар келинни олқишлаб қарсақ чалишди. Келиннинг аҳволини кузатиб турган ёнимда ўтирганлардан бири:

– Ана маданиятсизлик! Биз маданиятдан анча орқада қолиб кетганмиз, келинни тўйдан олдин шампан, вино ва ароқдан оз-оз ичишга ўргатиш керак эди. Румка қандай тутилади. Ичкилик қандай симирлади. Рус қардошларнинг хотинларига қаранг, эркаклардан қолишмай бир синқоришда истаконни бўшатиб ташлайди. Бизларники-чи? Ярим пиёла ароқни ичишни ҳам эплашмайди. Мана бу келинга қаранг, йигирмага кириб, ҳали кўлига шампан олиб кўрмаган, меҳмонларнинг ичида одамни шарманда қилиб қўйди. Биз ичкилик ичиш, румкани

ушлаш, вальс тушиш маданиятини хаммага ўргатишимиз керак. Ҳатто ўқувчилар ёшлигидан тост айтишни, шаробга бағишланган шеърларни ёдлаш керак, – деди.

– Эй биродар, хавотир олманг, – эътироз билдирди ёнида ўтирган эллик ёшлардаги амаки, – совет давлати омон бўлса, кўраверамиз. Ҳозир бу столларда фақат биз, эркаклар ўтирибмиз. Сиз айтган маданият яшин тезлигида кириб келяпти. Хавотир қилманг, яқинда бу столларда ўтириш бизларга ҳам насиб қилмай қолса, ажабмас! Ҳаммасини ёшлар ва хотинлар эгаллайди. Ичкиликни сиздан ҳам кўп ичадиган бўлишади. Аҳвол шу тарзда бўлса, бундан багтарини ҳам кўрамиз, биродар! Кейин афсус чекиб, ёшларни, аёлларни орқага қайтаролмай бошимизни чангаллаб ўтираемиз.

Уларнинг ёнида ўтирганлардан бири ўқитувчи экан, у ҳам гапга қўшилиб шундай деди:

– Аёлларнинг ичишини орзу қияпсиз. Замони келса, бу шўролар кишлок эркакларини Сибирнинг хуторларидаги эркак, хотин-қизларимизни ўзларининг аёлларига ўхшатиб қўяди, Аёл-қизларимизга шарм ва ибони унуттириб, ичкиликка муккасидан кетказдиради. Ҳатто ичиб эрларини урадиган, кўчага ҳайдайдиганларни тайёрлашга бел боғлаган буларингиз. Масалан, мен ўқитувчиман, ёнингизда ўтирган манави хумпарларга нима дейсиз? Келажакда булар ароқдан бошқага ярамайдиган бўлади. Ҳозирдан жигарларини ишдан чиқариб, ярим жон бўлиб, хотинига кучи етмай, хотинининг топганини еб, кўлига мўлтираб қарайдиган манкуртга айланади!

– Малим, сиз сиёсатти қўйинг, напасингизни иссиқ қилинг, меҳмон болаларни хапа қиманг. Ароқдан ўлсам мен ўлардим, неча йилдан бери ичаман, хўппи! – деди боя ичишни билмаган келинни танқид қилган киши. Муаллимнинг сўзидан уялиб ерга қарадик.

– Қани йигитлар, дастурхонга қаранглар, олинглар. Бу малимни гапига кўп эътибор қилаверманглар, малим зотининг ҳаммаси шунақа сергап, ўзларича ақлли бўлади. Булардан ғийбатдан бошқа гап чиқмайдиган паст инсонлар бўлади, – деди бояги одам. Бечора муаллим бу одамнинг гапидан кейин юзлари кизариб-бўзариб кетди. Муаллимни танқид қилган одамнинг гапи менга ёкиб тушди. «Тўғри-да, муаллим бўлсанг, мактабда муаллимсан! Бунинг устига бошқа мактабнинг муаллимсан, ишинг нима?» дедим ичимда. Кейинроқ билсам муаллим устозку! Устоз отангдан улуғ, деган мақолнинг маъносига кейинроқ тушундим. Уша ўтиришни эсласам, ҳар гал масхара бўлган муаллимимизни кўрсам уялганимдан ерга қарайман.

– Малим, ўқувчиларингиз билан қиттак-қиттак қиласизми? – деди кулиб бояги одам. Бу гап ошиб тушди. Муаллим ўрнидан шартга туриб:

– Сен расво билан тенг келаманми? – деганича ўрндан туриб тўйхонадан чиқиб кетди. Бу одам роса мириқиб, муаллимни болаганидан хурсанд, хохолаб кулди. Шу пайт бошимни кўтариб тарафимизни олган одамнинг юзига диққат билан тикилиб қарадим. Оқ оралаган сочлари ювиб-таралмаганидан патак бўлиб кетган, сақоли чала олинган, устида яғири чиқиб кетган фуфайка, ниҳоятда нурсиз одам экан. Аммо тили ширин эди. Уйда тили қандай, Худо биледи.

Нон ва мева-чевалардан тортиниб, ея бошладик. Катталар бир шишани бўшатишди. Навбат бизга келди. Рўпарамизда бизлар билан бирга ўтирган қирқ ёшлардаги бошқа бир меҳмон дастурхон устига қўйилган иккинчи ароқни очиб:

– Таом бусиз томоқдан яхши ўтмайди. Шунинг учун орасини совутмай тез-тез олиб туриш керак. Қолаверса,

мана, орамизда ўринбосарларимиз – ёшлар ўтирибди. Буларга иштаҳа очадиган ичимликлардан ичишни, ҳақиқий йигитлик гаштини суришни ҳам ўргатишимиз керак, шундай эмасми? – деди. Атрофдагилар «шундай-шундай» деб бош ирғаб, унинг гапларини маъқуллашди. Бирор киши: «Ҳали булар ўспирин бўлса, буларга ичишни ким қўйибди?» демади. Мен ўзимни билмаганга солиб бошқа томонга қараб ўтирдим. Тўй бошида ўртани очган тўй бошқарувчи икки ёш ва суннат тўйи қилинаётган болани табриклаш учун қариндошларига ва яқинларига тинмай сўз берар, ҳар бир сўзга чиққан одам намуна кўрсатиб қўлидаги ароқ тўла пиёлани охиригача сипқорарди. Шу тариқа ҳамма жойда «комсомолча», баъзи жойда «қизил тўй» деб аталадиган мана шунақа замонавий тўйлар авж ола бошлаганди.

Отарчилар (ўша пайт тўйда юрадиган артистларни отарчи дейишарди) нағмасини аввал оғир ашулалардан бошлади. Давра қизиб, одамларга ичкилик таъсир қила бошлагач, икки чиройли жувон столлар оралаб рақсга туша бошлади. Ўриндиклар ораси бир метрдан нарибери бўлгани сабабли ўйинчилар ўртада турли нағма қилиб ўйнар, нозу карашмалар қилиб пул йиғар, отарчи қўлида тор, ёнида доирачи, гармончиси билан унинг орқасидан қўшиқ айтиб, секин-секин эргашиб келар, битта бола микрофонни артистнинг оғзига тутиб борарди. Отарчи бир сўзни юз марта қайтариб:

«Қарғалар учса қарайлик,  
 Марғилоннинг йўлига, Марғилоннинг йўлига,  
 Ҳиди келса, маст бўлайлик,  
 Ҳандалакнинг бўйига, хандалакнинг бўйига,  
 ёки

«Лаълихон, ҳайда қўйингни боқаман», деб овози борича бақирарди. Айниқса, Хоразмнинг лазгисини бузиб,

хоразм шеvasига тожикча, ўзбекча сўзларни аралаштириб-бузиб, «Хўй-хўй, ола кўз» деб хўкиздай бақирар, доирачи ҳам ғирт маст шекилли, жон-жаҳди билан доирасини гумбирлатар, гармончи гоҳ чийиллатиб, гоҳ дўриллатиб гармонини чўзарди. Одамлар сакраб-сакраб, қалтираб ўйнар, ўртага шайтон оралаб, шарм-ҳаё тabora кўтарилиб борарди. Тўйхонанинг четида турган хотин-қизлар бир ерга қараб, бир даврага қараб, оталарининг, тоға, акаларининг ўйинини томоша қилишарди. Ўйинчига шилқимлик қилаётган эрига қараб турган хотини: «Хў, жуванмарг ўлгир», деб уни қарғарди. Ота боласини, тоға жиянини елкасини тутиб силкитар, кайфи ошиб қолган ота боласининг олдида ўйинчига кўзини қисар, уни кучоқлайман, деб талпинар эди. Боласига китоб олиб беришга пулни қизганганлар ўйинчининг чаккасига аямай пул ёпиштирар, ўйинчи қизлар нозларини янада ошириб, эркакларни жазавага соларди. Улар кўпроқ пул берган одамнинг кўлидан ароқ ичар, баъзиларининг тиззасига ўтириб олиб, қошини қоқиб, минг ишва билан чўнтагини шиларди. Ақли расо одам буларнинг қилиқларини кўриб ёқа ушларди. Никоҳ, суннат тўйи деб бошланган маърака шайтонлар базмига айланарди. Суннат нималигини билмайдиганлар кун сайин кўпайиб, тabora тубанлик ботқоғига ботиб бораётганини кўрган кексалар: «Астағфируллоҳ» дейишдан нарига ўтолмас эдилар.

Бу каби тўйларда насихат йўқ, ибрат йўқ, савоб йўқ. Тўйда бирор олим ўртага чиқиб, ёшларни инсофга, одоб-ахлоққа чақиролмасди. Тўйларда меҳр-оқибат, одамийлик хусусида сўз юритилмасди. Шовқин суронли куй-қўшиқ. Шайтоний ўйин. Микрофончи карнайларни баландлатгани-баландлатган. Отарчи пулни кўпроқ оладигандек бор овози билан янада қаттиқроқ

бақирмоқда. На кўшиққа тушунасан, на бир маъно англайсан, на уларни биров тинглайди. Хўп ажойиб томоша. Пул топиб ақл топмаган халқим, топганингни юпун кийиниб юрган болангга сарфла! Китоб-дафтар, илм олиши учун шароитга сарфламайсанми? Албатта бу ишларга сарфласа бўлади. Аммо одамлар гапирмайдида! Гўё у катта тўй берса, одамлар бир умр уни мақтайди. Туғри, яхшигина ичиб хотинини урган, уйда тўполон қилганларнинг хотин, бола-чақалари «уйинг куйгур, тўйинг бошингда қолгур», деб қарғаб анча вақт эслаб юришади. Эри билан жанжаллашиб ажрашганлар бир умр эсидан чиқармай қарғайди.

Шу тариқа бола билан отанинг ўртасида ҳурмат, устоз билан шогирд ўртасида уят аста-секин кўтарилди. Авваллари отасидан, устозидан ҳайикадиган бола бугун ўқитувчидан тортинмай сигарета, сўрайди. Отаси билан ўтириб ичадиган бўлди.

Тўй қизигандан-қизиди. Раққосаларга ҳам ичкилик таъсир қилди шекилли, кўкраklarини силкилатиб, қошларини қокиб, шайтоннинг отини миниб кийшанглаб чопгани чопган. Отарчи яллачиларда уят, ор-номус, аёллик иффати ўрнини пул эгаллаган. Юзларига чаплаган атир-упалари уларни гўзал қилиб кўрсатади. Улар маст йигитларнинг кўзига фаришга бўлиб кўринади. Аслида уларга фаришта сифатини қўллаб бўлмайди. Кўринишлари гўзал бўлса ҳам, қалби ва амали бузук, шайтонга кул бўлган эркакларнинг нафсини кўзғайдиган отарчи-яллачилар.

Аслида эркакларнинг сукланиб тикилишлари, маҳлиё бўлишларининг бошқа сабаби ҳам бор. Бечора қишлоқ хотин-қизлари совет ҳукуматининг пахта планини бажариш учун қишин-ёзин, дам олишсиз, эртаюкеч далада меҳнат қилишади. Қишда зовурларни қазийш,

бахорда пахта экиш, ёзда чопиқ, кузда пахта теришнинг асосий оғирлиги аёллар елкасида. Ҳавоинг совуқ ва иссиғи, шамол, кетмои кўлларини дағал, юзларини ёрган, атир-упа ўрнига вазелин суриб, шампун ўрнига сочларини қатиқ билан ювган, ишдан келган эрларининг олдига эски, тўзиган кийимларни кийиб, терлаб-пишиб, бадбўй ҳидлар билан чиққан содда, қалби беғубор, бузуқлик, шумлик кўчасидан ўтмаган хотинлари эрларининг кўзига хунук кўринар, ўзига хушбўй атир сепган, юзларини упа билан оқартирган, қошини қоқиб, кўзини сузиб ўйнаётган отарчи-яллачилар эса уларнинг ҳирсини кўзгаб, ўзига ром қиларди.

Кексалари бошқараётган, ўзининг кимлигини билган, фарзандлар тарбиясининг жилови ўз кўлида бўлган оилаларда одоб-ахлоқ, кийиниш, тозалikka, миллий қадриятларга қатъий амал қилинарди. Улар болаларини ичкилик ичадиган тўйларга юбормас, ўзлари ҳам бундай тўйларни қилишмасди. Кўплар бу оила аъзоларини маданиятсиз, замондан орқада қолган эскилик сарқитлари деб ҳисоблашарди. Аммо тарбия масаласида ўзларини пешқадам санаганлар фарзандлари қайси йўлдан кетаётганларини англашмасди ҳам, уларга англатилмасди ҳам. «Таълим-тарбияни қайси вақт бошлаш керак, нимадан бошлаш керак?» деган саволлар жавобсиз эди.

Туйда ичиб олиб, маст бўлган, яллачилар билан ўйинга тушаётган кишилар қизларини, келини ёки хотинини асло бундай шармандали ҳолда кўришни хоҳламасалар-да, мастлик уларни чегарадан чиқариб юборганди. Ялтир-юлтир, ясан-тусан қилиб юрган таннозларни кўрган эркаклар хотинини соғиниб уйига шошади. Уйда эса аёлининг кийими, чиройининг бир ҳолатда эканидан ҳафсаласи пир бўлиб, кўчани хоҳлаб қолишади. Ваҳоланки аёл киши ҳамма ясан-тусанини

уйида қилиб, чиройли ҳолатда эрини кутиб олиши керак. У энг чиройли кийимини бегона эркакларга кўз-кўз қилиш учун эмас, ўз жуфти ҳалолнинг кўнглини кўтариш, кўзини қувонтириш учун кийиши керак эмасми? Шунда жуфти ҳалоли бегоналарга қарашдан ўзини тияди. Аммо, бечора колхозчи аёлларда бу нарсаларни билиш, тушиниш учун вақт бўлмасди, илм етишмасди. Колхозчи аёл-қизларни арзимас маошга ишлатиб, устларидан яна «маданиятсизлар» деб кулиб ҳам кўйишарди. Шуларни ўйлаб ўтирарканман, бизлар билан ёнма-ён ўтирган киши:

– Қани, йигитчаларга ҳам эллик-эллик қуйингларчи! – деди. Буйруқни кутиб тургандек соқий ярим-ярим қилиб икки пиёлага ароқ қуйиб бизга узатди. Шу пайтгача ичмаганимизни айтиб:

– Ичмаймиз, – деб туриб олган эдик

– Ҳой йигитчалар! Бир хўплам, бир хўплам кимни ўлдирибди? Озгинадан ичсаларинг ҳеч нарса қилмайди, буни йигитнинг гули, юрагида ўти бор эркаклар ичади! Тўй эгасининг ҳурмати йўқми ёки бизларни назарга илмаяпсизларми? Ичмасанглар эркаклар ичида ўтирмай, анави ердаги хотинларнинг орасига борсаларинг бўлмайдими? Қани, бўлинглар, ўзларингни бир кўрсатингларчи! – деб гапни-гапга улаб, ярим дўқ аралаш сиёсат қилгач, ароқ қуйилган пиёлани олиб бир хўпламдан ичдик. Аччиқ ароқ ичимизни қуйдириб кетди. «Уҳ-ух»-лашимизни кўриб, ёнимиздагилар бизни масхаралаб, тиззаларига уриб қаҳ-қаҳ отиб, мириқиб кулишди.

– Биринчиси шунақа бўлади, ҳали кўникиб кетасизлар, – деди соқий. Кейин яна ярим пиёладан ичдик. Ичкилик таъсирини ўтказди. Бошим айлана бошлади. Кейин ўзимдан кетиб қолиб, ўртага чиқиб роса ўйнабман. Яллачиларга шилқимлик қилибман, аммо ўзим билмай-



ман. Кимдир тўйхонадан судраб чиқиб, бир-икки тарсаки ҳам қўйибди. Ўртоқларим бир амаллаб уйга олиб келишгани сал-пал эсимда. Мени кўрган ойим тинмасдан: «Вой ўлай, вой шўрим! Бунга қайси бетавфиқ ичирди, ахир бу ҳали ёш бола-ку!» деганларини элас-элас эслайман. Эрталаб эшитадиганимни эшитдим. Аммо секин-аста уйдан қочиб, тўйларда ичишга ўрганиб кетдим. Шу тариқа у тўй, бу базмга бориб, охир оқибат икки хўплам, бир пиёлага ўтиб, пиёлалар пиёлага уланиб, ичишни яхшигина ўргандим. Энди қаерда тўй бўлса, оёқни қўлга олиб чопаман. Тўй йўқ кунлари ўртоқлар билан бир сўм, бир сўм қилиб қишлоқ четига чиқиб, ким нима егулик олиб келса, ўтириб вино ичадиган бўлдик.

Тўйларда муаллимларимиз билан ўтириб қолсак, тап тортмасдан улар билан қўшилиб ҳам ичардик. Борган сари тайёр арокхўрга айланиб борардик. Ойим ҳар кун тинмасдан ичкиликнинг салбий оқибатлари тўғрисида қулоғимга қуйгани-қуйган. Ичимиздан энг содда Эркин ичкиликка муккасидан кетиб, ичкиликсиз туролмайдиган тайёр арокхўрга айланди. Унинг дарди ҳам, ўйу хаёли ҳам, қандай бўлса-да пул топиб ичиш. Кунига ичмаса туролмасди. Ичкиликка пул тополмаса кўкнори эзиб ичарди, уни ҳам тополмаса пенталгин деган дори ичарди. Бўлмаса қўли қалтираб, ранглари оқариб қотиб қоларди. Битта вино учун мардикорлик қиларди, одамларнинг хизматини бажарарди. Ваҳоланки у энг ахлоқли оиланинг фарзанди эди. Отасининг йўқлиги сабабми, уни тўғри йўлга бошлайдиган, ёмон йўлдан қайтарадиган бўлмади. Баъзи насихат берганларни назарига илмади. Муштипар онасининг йиғлаб, ёлвориб қилган пандларини қулоққа олмади. Охир оқибат йигирмага етмай жигари ишдан чиқиб, ярим жон бўлиб қолди, деб бир оз сукут сақлаган тоғам яна гапида давом этди.

– Бориб-бориб аъло баҳоларга ўқийдиганларнинг кўрсаткичлари пасайди. Ёшларни қайтарадиган катта ёшлиларнинг кўплари ўзлари ҳам ичкилик деса, томдан ташлайдиган бўлди. Танаффус пайтлари мактабнинг орқасига ўтиб беш-ўнтамиз нос-сигаретимизни чекиб, бемалол дарсга кирадиган бўлдик. Тўғрида, кимдан кўрқамиз, сигарети қолмаса биздан сўрайдиган муаллимданми? Беш-ўн сўм берсак, айтганимизни маъқуллаб, кўзимизга мўлтираб турадиган синф раҳбариданми? Ана шунақа жиян, биз минбарларда янграб, совет ҳукуматининг бош котиби тинмай мақтанаётган коммунистларнинг ишонган тоғимиз, – деб тоғам суҳбатларини тугатдилар.

Ҳа, тоғам минбарда бошқа, амалда бутунлай бошқа муносабатда бўлаётган шўролар юрти раҳбарининг заиф ва ногиронларни келажақдаги бахтли фарзандлар деб мақтаганларини эшитар ва телевизорда кўрар эди. Совет давлати ароқхўр ватандошларимизни, ёшларимизни кўпайтириб, қурилиш батальонлари, БАМ темир йўлларини очишга жалб қилди. Белкурак ва чўкич кўтаришга кучи етадиган йигитларнинг кўлига қурол ўрнига лапатка тутқазиб, устига ҳарбий кийим кийдириб текин мардикорларга айлантирди. Бу ишларни бажариш учун касалманд ёшлар кўпроқ керак эди. Бунинг учун ёшларнинг орасида майхўрларни кўпайтириш лозим эди. Соғлом, бақувват бўлишса, ракета қисмлари, денгиз флоти каби асосий хизматларга юборишга мажбур бўлишарди. Соғлиги тўғри келмаса, қурилиш батальонига юбориш осон бўларди. Шунинг учун бир қурилиш ротада юз киши бўлса, шунинг саксон нафари Ўрта Осиёлик, қофқазлик эди. Бу давлат ўзбек халқини келажақда майиб-мажруҳ қилиб тарбиялаш, авлодларининг йўлидан узоқлаштириш, ўзлигини англашдан жудо қилиш пайида секин-аста ғаразли ниятларини амалга оширарди.

Яна ёзги таътилда бувимни кўргани бордим. Тоғам яна ичибди. Ярим кечаси ўзига келгач, менга насихат қилиб қолди:

– Жиян, ичкилик, папирос балоларига асло йўлама! Мана ён қўшнимиз Болтавой ака онасининг ёлғиз бола-си, ойиси уни еру кўкка ишонмай ювиб, тараб, оғзига нима топса тутиб, эркатой қилиб ўстирди, деб гап бошлаган эди, оғзидан сассиқ, кўланса ҳид димоғимга урилиб, жирканиб кетдим.

– Нима бало, тоға салярка ичганмисиз? Намунча сасийсиз? Кўриниши кўрқинчли, мойга ботиб юрадиган амакими? Унинг овозини эшитган ҳамма болалар қочиб қолишаркан-а?! – дедим билмаганга олиб, ҳаяжонланиб.

– Ҳа, ўша амаки армияга бориб автомашина тузатадиган уста бўлиб келди. Қўли гул, ҳар қандай машинани тузатади. Аммо машина тузатиб бўлгач киттак-киттак қилиб, охир оқибат пианиста бўлди. Хотинини, болаларини шунақанги уриб-сўкадики, асти сўрама? Узокдан бақириб келади. Овозини эшитган хотини, болалари қўшниларникига қочади. Агар кўлига тушиб қолса тамом, айби борми-йўқми, фарқи бўлмайди! Кўзига кўринганини аямасдан савалайди. Онаси қарғагани-қарғаган, отаси оқ қилган. Бир ойлар олдин кўчада бир бегонани урган экан, қаматиб юборибди. Турмадан омон келадими-йўқми, Худо билади? Кўрдингми, жиян, ароқ сабаб қамалиб кетди-я! Бу кишлок аҳли, оиласи учун катта иснод. Бу иснодни ювишга қанча умр керак? Болалари отаси қамалган деган иснодни кўтаришини айтмайсанми? Эртага ҳеч ким бу хонадонга қизини бермай, қизини олмай қўяди. Мана ичкиликнинг оқибати, жиян! – деди тоғам ёнига бувим қўйган муздек чойни симираркан.

Тоғам шундай дедию ниманидир унутгандай бирпас хаёл суриб қолди. Кейин яна менга тикилиб гапира кетди:

– Бу балойи азим сабаб қанча одамлар ўлиб кетди. Аварияга учраган, бировга пичоқ санчган, муштлашганларнинг саноғи йўқ. Айниқса пахта терими тугагач, қиш кунлари, узун тунларда китоб ўқиб ўтирардик. Энди бўлса, эҳ-ҳх, энди тўрттамыз йиғилсак бир сўм–бир сўм қиламыз, ичкилик ичамиз, қарта ўйнаймыз. Топганларимизни ютқазамиз. Баъзилар уйдан пул ўғирлайди. Кўшнилариинг уйига кирадиганлар ҳам чиқиб қолди.

– Ичкиликнинг шунча зарари бўлса, ичманг! Нега била туриб ичасиз, қўйинг, ташланг-да кутулинг, – дедим ўзимча бувамдан эшитган сўзлардан фойдаланиб, насихат қилган бўлдим.

– Эҳ, жиян, гапириш осон! Бу нарсага мубталосанми, томоғинг тақиллайверади. Шайтон домига тортаверади. Шунинг учун асло бошингга бу балолар ёғилмасин, адашиб кетмагин, демокчиман, – дедилар тоғам. Гапига ўзи амал қилмаган, мастлигида оғзидан сассик хид анқиб турган одамнинг насихати кулоққа ғалати эшитилар экан. Лекин, кейинчалик бувим тоғамни кўп уришиб, насихат қила-қила, охири бир амаллаб бу бало-дан узоқлаштирдилар.

Бугун билсам, арокхўрлик балоси мен ўтирган нининг олдида ҳолва экан. Аммо болалигимда кўрганларим, эшитганларим ҳеч эсимдан чиқмасди. Бугун мен гуноҳкор ширин хотираларим, ўтган ажойиб ёшлигим, бувамнинг доно дўстлари суҳбатларини хотирлаяпман. Зеро, одамнинг бошига оғир кунлар, фалокатлар ёғилса, Парвардигорини эслаб қоларкан. Утган ширин ҳаётини орзу қиларкан.

## ҲАСРАТ

Ёзнинг айни чилласи. Тонг маҳал кўзимдан негадир уйқу қочди. Ҳар тонгдаги каби ҳозир ҳам хўрозлар «тонг отмоқда, туринглар...», дегандек бири қўйиб, бири қичқирарди. Субҳнинг майин шамоли дарахтларнинг барглари шитирлатиб, юзимни оҳиста майин силарди. Секин кўзимни очиб, бувам ётган тамонга қарасам, намоз ўқияптилар. Намозни тугатгач, узоқ дуо қилдилар. Сўнгра бомдод намозини ўқиш учун масжидга чиқиб кетиш олдидан менга: «ўрнингиздан туринг» деб қўйдилар. Сакраб ўрнимдан туриб, юз-қўлимни ювдим. Ойим ҳовли ва кўчага сув сепиб, супуришни бошладилар. Мен эса кўрпа-тўшакларни йиғиб, уйга олиб кирдим, ҳафсала билан таҳмонга тахлаб чиқдим. Каравотга хонтахтани қўйиб, атрофига кўрпачаларни солдим. Хонтахта устига дастурхон ёзиб, пиёлаларни тўнтариб қўйиб чиқдим. Бувам эрта нонушта қилишга одатлангани боис, ойим ошхонага кириб чой қўйдилар. Орадан бир соатча ўтиб бувам намоздан қайтдилар. Одатлари бўйича қўлларида тўртта иссиқ нон, бир коса қаймоқ. Салом бериб, нарсаларни қўлларидан олдим. Дархол офтоба ва дастўйини олиб, қўлларига сув қуйдим, билатимдаги сочикни тутдим. Ойим қайноққина чой дамлаб келиб, бувамнинг олдиларига қўйдилар. Бувам «Илоҳи барака топинглар», деб дуо қилдилар, сўнг нон синдириб, бир тишламни оғизларига солдилар. Бир пиёла чой ичиб бўлганимиз ҳам йўқ эди, дарвоза тақиллаб қолди. Уйимизга бомдоддан кейин бувам билан суҳбатлашгани тез-тез меҳмонлар келиб туради. Уларни кутиб олиш бувамнинг одатлари бўлгани боис, ўринларидан туриб, дарвоза томон юрдилар ва етиб бормай:

– Ким у? – дедилар.

– Мен Хусниддинман, – деган овоз келди. Эшкни очган бувам:

– Келинг, келинг, Хусниддин қори, хойра мақдамин (қадамингиз хайрли бўлсин), хуш келибсиз, сафо келибсиз, – дедилар. Дарвоза олдида қўлларида оқ чит белбоққа тугилган тўртта нон ва бир косада қаймоқ кўтариб, Хусниддин бува кулиб турардилар. Бувамнинг таклифи билан ичкарига кирдилар. Югуриб бориб қўлларидагиларни олдим. Беш-олти кундан бери кўришишмаган шекилли, аввал ўнг елка, сўнг чап елка ва охири яна ўнг елкаларини бир-бирига теккизишиб-қучоқлашиб кўришишди. Ва бувам у кишини уйга таклиф қиларкан, «пўшт-пўшт» деб қўйдилар. Бу уйга номаҳрам эркакнинг кириб келгани, аёллар кўзга кўринмаслигига ишора эди. Энди ҳовлига чиққан ойим бувамнинг сўзларини эшитибок ичкарига кириб кетдилар. Меҳмон кутиш одатий хизматим бўлгани боис, тезда ичкаридан янги кўрпачалар, ёстиқларни олиб чиқиб, жой тайёрладим.

Хусниддин бува узун бўйли, кенг яғринли, кўзлари ўткир, оппоқ соқоли ўзига ярашган, бошида хитойи кўк салла, эгнига оқ кўйлак, шалвар кийган, устидан кўкимтир яктак, белига белбоғ боғлаб, унга чуствичоғи тақиб олган, оёғида махси-ковуш, гаплари ширин, овози йўғон, виқорли отахон. Қўлида ҳасса, юрганда салобат ва виқор билан қадам ташлаб, миллати, миллий кийимидан фахрланиб юрадиган ҳақгўй, ҳалол, ажойиб инсон.

– Ассалому алайкум, Хусниддин бува, хуш келибсиз! – дедим яна такроран қўлимни кўксимга қўйиб, бошимни салгина эгиб.

– Ваалайкум ассалом, барокаллоҳ, Абдурашид ўғлим, умринг узок, иймонинг саломат бўлсин, икки дунёда бахтли бўл, Аллоҳ ҳидоятдан адаштирмасин, – деб менга қўл узатдилар. Бу ҳам одобнинг бир тури, катта-

лар қўл узатишади, кичиклар тезда икки қўллаб бориб, қўлларини олишади. Қўлларимни икки қўллаб сиқиб, секингина силтаган ҳолда «Аллоҳумма солли ʼала Муҳаммадин ва ʼала», деб салавот айтдилар. Икки қўллаб, қўлларни сиқиб, силкиб салавот айтиб кўришишса, гуноҳлари тўкиларкан. Ҳусниддин бува буни яхши билгани боис, шу тариқа кўришар ва бошқаларга ҳам шуни ўргатардилар. Ҳусниддин бува каравотнинг тўрига бувамнинг қистовлари билан ўтдилар ва қўлларини очиб:

– Роббим, манзилу байтларимизни барокатли айла. Тинчлик, осойишталик ва хотиржамлик, ибодатингда қоим, зикрларингда собит, иймонимизни бут эт, ҳаммага омад ато қил, – деб дуо қилдилар. Мен уйга кириб, дастурхонга Ҳусниддин бува олиб келган тўртта нондан икитасини ва қаймоқли косани, қанд-курс каби ширинликларни тўрт бурчакли лалига солиб, дастурхонга қўйдим. Бир оздан кейин иссиқ чой дамлаб келдим ва «яна хизмат борми?» дегандек бувамга қараган эдим, индамадилар. Секин кейинги ёғоч калавотга бориб ўтирарканман, уларнинг суҳбатларига кулоқ сола бошладим. Бир маромдаги суҳбатдан мени уйку элтар, қарияларнинг сўзларини узук-юлуқ эшитардим. Улар ёшлик даврларини, бошларидан ўтказган оғир кунларини эслашди. Сўнгра бугунги ҳаёт, ёшларнинг тақдири тўғрисида гапира туриб:

– Дўстим, сиз билан ўтирсам кўнглим яйрайди. Ўтган машаққатли, синовларга бой умрларимизни сарҳисоб қилиб, кўнглим тоғдек кўтарилади. Биздек каминаи камтаринни ҳурмат қилиб келибсиз, бундан бошим осмонга етди. Биз хатокор, кори нисъндан иборат дўстингиз, сизни анчадан буён бориб кўра олмади. Узримни қабул айланг! – дедилар бувам. Ваҳоланки бундан ўн беш кунлар олдин Ҳусниддин қорининг зиёратига бувам билан бирга борган эдик.

– Раҳматли устозларимиз «Ўзаро дўстлик ришталарини мустаҳкам боғламас экансизлар, жаннатга кирмайсизлар», деб айтишган. Мен энг яқинларим, яхши кўрганларим билан жаннатда бирга бўлишни хоҳлайман. Дийдор ғанимат. Бизга тикилиб турган Абдурашиддек ўғилларимизга нимани мерос қолдирамиз? Улар миллатимиз, тилимиз, гўзал одобларимизни биздан кўрган ва ўрганган омонатларга хиёнат қилмай келажак авлодга етказишлари керак. Бу нарсаларни улар биздан олмаса, ўрганмаса, бошқа кимдан ҳам ўрганарди. Бу борада маънавий жавобгарликни сезсинлар деган умидда, тез-тез учрашиб турсак, фойдадан холи бўлмас деб ўйлайман.

– Субҳаналлоҳ, барокаллоҳ, ҳақ гапни айтдингиз. Агар биз уларга гўзал хулқ, одобу ахлоқ қолдирмасак, улар ўзларининг кимлигини ҳам унутиб қўйиши хавфи бор.

– Аҳмаджон дўстим! Аллоҳ таоло савоб ишларингизга мададкор бўлсин! Ўзи асрасину, халқимиз кундан-кунга кўп нарсаларини йўқотиб бормоқда. Шўролар турли найрангларни ўйлаб топиб, болаларимизнинг тарбиясини бузаяпти, ҳар хил гуноҳ ишларга, хоссатан майхўрликка, бузиқликка ўргатиб, иймон-эътиқодидан узоқлаштирмоқда. Бу кетишда буларнинг аҳволи нима кечади, ишқилиб охири хайрли бўлсин! – дедилар Ҳусниддин қори бува салмоқланиб.

Қори амаки ва бувам кабилар юрт, миллат қайғусида куяр, бундай сўзларни айтишдан асло чўчиб, кўрқишмасди. Сабаби, улар садоқатда мустаҳкам эдилар. «Ватанига содиқ, чин фарзанднинг юртга муҳаббати мустаҳкам бўлса, ҳеч нарсадан кўрқмайди. Садоқатли инсондан ҳар қандай зўр ҳам чўчийди. Юртини севмаса, иймони заиф бўлса, кўчадаги дайди ит ҳам қошиб ўтади», дердилар бувам. Бу у кишининг олтинга тенг сўзлари эди. Шўролар бундай жасур ва кўрқмас халқ-



нинг авлодларини кўрқоқ ва заиф қилиш учун ёшларни гиёҳванд ва ароқхўрларга айлантиришнинг разил йўлларини ўйлаб топишарди.

– Биласиз, мулла Хусниддин, майхўрлик, ароқхўрлик энг ёмон кулфатлардан. Эшитишимча, энди ёшлар орасида бангилик балосини ҳам тарқатишаётган эмиш. Ёш-ёш йигитлар томирларига игна санчиб, турли эс оғдирадиган доридан укол қилишаётгани ҳақида гап-сўзлар юрибди, – дедилар бувам Хусниддин қорининг энгидан тортиб.

– Авваллари онда-сонда кўкнори эзиб ичадиганлар тўғрисида эшитганману, аммо ўзини ҳеч кўрмаганман. Халкимиз кўкнорига мубтало бўлганларни одам ўрнида кўрмаган. Давра ва тўйларга қўшишмаган. Уларнинг балоси бошқаларга юкмасин, дейишган-да! Аммо бугун томирига игна билан қандайдир гиёҳ ёки дори юбориб, ўз умрларини барбод қилаётганларни эшитиб, Парвардигоро, бу офатингдан болаларимизни ўзинг асра, дейишдан нарига ўтолмаймиз, шекилли, – дедилар Хусниддин бува кўкракларига охиста туфлаб. – Ҳа, ота-буваларимизнинг ҳаёлига келмаган гуноҳлар содир бўлмоқда. Бу шўро дегани шу каби йўллар орқали ёшларимизнинг онгини заҳарлаб, заиф ва нотовонларни кўпайтиришни, ўз ҳукмини янада ўтказишни, миллатимизни йўқ қилишни ният қилган кўринади.

– Авваллари тўйларимиз ичкиликсиз, одоб-ахлоққа бой, илмий суҳбатлар билан ўтарди. Аҳли илм тўрда ўтирар, ҳамма уларнинг дуоларини олиш учун хизматда шай турарди. Бугин-чи, ўзининг тайини йўқ, гапининг бурди йўқ аллақаддаги отарчи-яллачилар тўрни эгаллаб, олимларнинг жойи пойгақда қолди. Қаранг, тўйларимизда энг юқори жойни кимлар эгаллади-ю, олимларнинг жойи қаерда бўлиб қолди? Шоир Махтумқули:

*Энди кўрдим замонанинг озганин,  
 Ёмонлар яхшидан қоча бошлади.  
 Қайта бад аслар аслзодани,  
 Писанд этмай тўрга ўта бошлади,*

деб бежизга айтмаган эканлар. Тўйлардаги ёр-ёрлар, ўланлар қайга кетди, дўстим. Курашлар, тортишмачоқ каби турли ўйинларимиз бўларди. Меҳмонларга думба ёғ, кунжут, зиғир ёғлардан ошлар дамланарди. Ошдан кейин улуғларимиз ёшларнинг ҳақиға яхши дуолар қилишарди. Бу гўзал урфларимизнинг ўрнини ичкиликбозлик, алёр айтишлар эгаллаб боряпти. Кап-катта одамлар қўлларига ароғу вино тутиб, ёшларни дуо қилишяпти. Ахир қўлда Аллоҳ ҳаром қилган нарсани тутиб қилинган дуони У Зот қабул қилармиди?! Наҳот шунга ақллари етишмаса? Боз устига ичкиликсиз тўй ҳам тўй саналмайдиган бўлиб қолди, – дедилар бувам афсус билан.

– Эй Парвардигор, бизни тўғри йўлингдан адаштирма! Э, нимасини айтасиз, дўстим! Ёшлар билан кексаларнинг ўртасига ғов солишди. Қариялар ичкилик бор жойга бормаи кўйди. Тўй қилаётган хонадон соҳиблари кексалар учун кўшнисининг уйдан алоҳида жой қиладиган бўлди. Таомларнинг энг сараси яллачи ва майхўрларга, қолган-қутганларни қарияларга аталадиган бўлди. Энди ёшларимизни гуноҳ ишлардан қайтарадиган, яхшилиққа чақириб танбеҳ берадиган, тўйларга бош-қош бўладиганлар ўртасига кўринмас баланд девор урилди. Кексалар ва ёшлар бир-биридан узоқлаштирилди. Биз, кексалар маҳаллага кўшилмаган, халққа хизмат қилмаган, одобсиз ёшларга танбеҳ бериб, уялтириб, хатоларини тўғрилاردик. Қариялардан узоқлашган ёшлар мана энди

бетгачопар, тарбиясиз бўлиб бормоқда. Ёшларга берадиган гўзал одобларимиз ва диний кадриятларимизни «эскилик сарқити» деб тииимсиз жар солишди, мақола ва эшиттиришларда қайта-қайта таъкидлашди. Уломоларни «эскилик сарқитини тарғиб қилувчилар» деб устларидан кулишаверишгач, ёшлар улардан узоқлашиб, насихатларини олмайдиган бўлиб бормоқда. Бу иллат бора-бора одамларни оқибатсиз қилиб қўймасайди, деб кўрқаман! – дедилар Хусниддин қори бува пиёладаги чойларини секин хўплаб. Кейин яна салмоқланиб гапларининг келган жойидан давом эттирдилар: – Баъзи тайинсиз фильмларни қаранг, янгича тўй мақталиб, ҳақиқий ўзбекона, минг йиллар мобайнида урфимизнинг кўрки бўлиб келган тўйлар танқид қилинмоқда. Одатда илгари тўй қилсак, бой-камбағал, катта-кичик – бутун қишлоқ тўйга таклиф қилинарди. Ҳозир «замонавий тўй» дегани чикқан. Тўйга фақат таклиф қилинганлар кириб, таомлар билан сийланмоқда, қолганлар тўйхона атрофида томошабин. Йигит-қизлар, болалар даврада бўлаётган воқеаларга, ичкилик ичаётганларга ҳавас билан: «Эртага катта бўлсам, мен ҳам тўйларда мазза қилиб ичаман», деб тикилиб туришибди. Бир фильмда кўрсатилишича, одамлар кўз ўнгида келин-куёв бир-бирининг лабидан ўпишишди. Фақат ажнабийларга ўхшаб «горька-горька» дейиши қолди, холос. Буларни кўрган ёшларимиз шу ишни ўз никоҳ тўйларида такрорлашни хошлашмайдими? – деди Хусниддин буванинг кўзлари чакнаб.

– Ақллари бинойидай етади. Аммо уларни Масковдан туриб бошқарувчи, мажбурловчилар бор. Бу ишга кирдим, орқага йўл йўқ. Чунки бошқаларда келин-куёв кўпчилик ичида ўпишишади, бу нарса уларда уят ҳисобланмайди. Болалари ярим яланғоч ота-онасининг олдида ўтираверади. Айб-уят бўлмайди. Бу каби одат-

лар уларнинг урфи, улар ўша беҳаё урфларини бизга сингдириш пайида, Хусниддин кори! – дедилар бувам сал асабийлашиб.

– Ҳа, шўроларнинг қай бир кўзга кўринмас ташвиқотини гапирасиз. Урмай, сўкмай, бошимизни силаб, ёшларни маънан ва жисмонан ногирон, заиф, фикр доирасини тор, дунёқарашини йўқ қилишни режалаштириб, секин-аста ғаразли мақсадларига эришишмоқда, – деб сўзларини давом эттирдилар кори бува.

– Тўғри бир миллатга, айниқса мусулмонларга зарба беришнинг жуда фирибгорона йўллари топишди. Аввал Чор Россияси, сўнг советларнинг тузуми Туркистондек буюк юрт фарзандларини миллату элатга ажратиб, ички низоларимиздан фойдаланиб, зиддият ва келишмовчиликлар чиқарди, бир-бирини қўлламаздан заифлашган халқни осонлик билан босиб, кул қилди. Бойликларимизни ташиб, камбағал қилиб, қўлларимизга кўринмас кишан урди. Мен қаердандир эшитганим бор, қайсидир давлат арабларнинг юртини босиб олиб, сигарет-папиросни текин қилиб қўйган экан. Бу юртда олдинлари ичкилик ичилмас, папирос чекилмас экан. Биров нонга, чойга, гугурт ва ҳоказо нима харид қилгани дўконга кирса, қўлига бир кути папиросни текинга беришаркан. Олмаيمان деса, «текин олавее-ер», деб мажбурлашар эмиш. Орадан икки-уч йил ўтиб, кашандалар роса кўпайибди. Энди дўкондан нарса харид қиладиганларга текин папирос бермай қўйишибди. «Нега папирос бермайсизлар?» деб сўраганларга «Папирос энди пулга сотилади. Баҳоси мунча, хоҳласанг ол, бўлмаса катта кўча», деб папиросни бир неча баробар қимматига сотишни бошлаб юборишибди.

– Нега нархини оширишибди? – деди хайрон бўлиб бувам.

– Одамларни кашандаликка ўргатгунча текин бериб, минглаб сўм зарар кўришган, энди ўша зарарни қоплаш ва фойда олиш учун нархини ошириб, харажатларини қоплаб, минг-минглаб фойда қилишади, чунки энди кашандалар чидаб бўлмас хуморини босиш учун истасаям, истамасаям, пулни аяшмайди-да!

– Субҳаналлох, бу қандай ярамас хийла эканини кўринг! Бизнинг халқимизни ҳам шу балойи азимга мубтало қилиш учун бу худосизлар папиросни арзимас чақага, ичкиликнинг минг хилини арзимас пулларга сотишаётган экан-да! Мақсадлари аниқ, халқимизнинг эътиқодини бузиб, кашандалик ва ичкиликка мубтало қилишн ўйлашибди-да!

– Ҳа, ўлманг! Ичкилик, гиёҳвандлик дардига мубтало бўлганлар ҳеч нарсани ўйламай кўяди. Бориб-бориб, тайёр қулга айланади-қолади. Бу ножинслар қабих режаларини амалга оширишга йигирма –ўттиз йиллик режа тузиб, овчи ўлжасини пойлаб ўтирганидек кузатиб, кутиб турадилар. Кунни келиб тўрни тортишади. Уларнинг тузоғи ҳеч ақлга сиғмайдиган тузоқ. Тузоқнинг ичига қўйилган хўраги эса, ичкиликдир. Дўконларга кириб, бир пештахталарга кўз қирингизни ташланг, ранго-ранг, катта-кичик ўнлаб хил ичкиликларнинг тахлаб ташланганини кўрасиз. Ичишга қулай қилиб, эллик граммлисидан бир литрлигигача қўйиб қўйишган. Пул топмаганлар кичикроғини олади. Эллик граммлигини ёш болалар қизиқиб олиб, ичиб кўришади. Ялтироқ қоғозига ишқивоз бўлганлар эса туғилган кун, байрамларда дўстларига совға тариқасида харид қилишади. Сабоби, ҳам арзон, ҳам чиройли. Халқ бу шишалар ичида умрнинг заволи, миллатнинг қотили, иймоннинг ўғриси, гуноҳларнинг онаси ётганини қаердан билишсин?! Уларга буни ким тушунтиради?

Бувамларнинг суҳбати қизиб борар, сира тугай демасди. Куёш аллақачон кўтарилиб, борган сари оламини секин қизитиб борарди. Уларнинг суҳбатини тинглаб, уйкум ҳам қочиб кетди. Суҳбатнинг охири нима билан тугашига қизиқиб, жон қулоғим билан тинглай бошладим. Аслида, бу суҳбат кейинчалик мендек гиёҳвандлик дардига учраган гумроҳ учун катта сабоқ, кўзимнинг очилишига дарс эди.

– Дунёда яна бир халқ бор экан. Келин ва куёв унаштирилгач, қирқ кун иккаласига алоҳида-алоҳида уй қилиб, қирқ кун кўчага чиқармасдан, энг сара, пок таомларни бериб, қирқ кун ўтгач никоҳ ўқишиб, қовушишга рухсат берар экан. Бундай қилишларининг сабабини сўрашганда: «Ичкилик қон орқали одамнинг вужудини, онгини камраб олади. Агар маст ҳолда келин-куёв қовушсалар, арокхўр фарзандлар кўпаяди, ногиронлар сони ортади. Арокхўр ва ногирон болалар ўзгаларга қул бўлади. Қонига ҳаром нарса аралашмаган фарзандлар ақлан соғлом, жисман қувватли бўлиб, озчилик бўлса-да, келажакда дунёда ўз ўрнига эга бўлади. Биз болаларимизни жасур-ботир бўлишлари учун бу иллатга яқинлаштирмаймиз», дейишган экан. Қаранг, улар бу ишни ўз миллатининг шаъни ва дину диёнати учун минг хил китобларни кўриб, тажриба ўтказишиб амалга жорий этишган экан, – дедилар бувам бошларини силкиб. Кейин пиёлага танга кўмгудай чой қуйиб, дўстларига узатдилар.

Суҳбатнинг ҳар дақиқаси ганиматдек, икки қария нон-чойга ҳам эътибор бермай кўйишди. Бирлари кўйиб, бирлари гапни давом эттиришларидан икковлон ҳам илму заковат, ҳаёт тажрибаларида бир-биридан қолишмасликлари кўриниб турарди.

– Ишқилиб дуо қилиб турайлик, миллатимиз, динимиз, ҳозир қад кўтариб турган санокли масжид-мадра-

саларимиз бузилиб, келажак авлодларимиз кўлига саломат етмасдан йўқ бўлиб кетмасин. Шундоқ ҳам қанчаси бузилиб, ер билан битта бўлди, ҳатто изи ҳам қолмади. Ҳа, бу юрт заминини кимлар паймол қилмади? Аммо Чингизхоннинг вайронгарчиликлари-ю, Чор Россияси зулмларининг ҳеч бири шўроларникидек қалбларда аламли из қолдирмаса керак, – деди Хусниддин бува чуқур уҳ тортиб.

– Бундай дейишингизнинг сабаби нима? – қизиксиниб сўрадилар бувам.

– Сабаби, олдин бостириб келганлар юртимизни босиб олиб, масжид-мадрасаларни баъзиларини вайрон қилишди, уламоларга зулм қилишди-ю, лекин динимизни, урфларимизни йўқ қилишмади. Ибодатдан қайтаришмади, мадрасаларимизда илм олиш йўлларини тўсишмади. Тилимизга ортиқча тажовуз қилишмади. Аммо шўролар-чи? Ҳамма бойликларимизни тортиб олгани етмагандай, маънавий бойлигимизга ҳужум қилиб, миллий кийимлар, тилимиз, урф-одатларимиз, хуллас, ҳамма-ҳаммасини йўқотиш пайида. Аҳвол шу тарзда давом этса, бора-бора ўзбек деган номнинг ўзи қолади-ёв! Ундан бошқа ҳаммаси йўқ бўлиб кетади, деган ўйдаман. Ўз ташвиқотлари билан ўзимизни-ўзимизга ёмонлаб, ичимиздан ёв чиқармасайди?! Буларнинг олдида шайтон ҳам ип эшолмайди. Дунёда фитна энг катта қурол ҳисобланади. Телевизор, радио орқали, мактаб, олийгоҳ ва ишхоналарда тинмай «Дин афюнدير, ота-боболарингиз эски, яғири чиқиб кетган кийимларда юрган бесавод халқ эди, сизларга ҳақиқий маданиятни биз олиб келдик. Эскилик саркитини улоқтиринг, янгича кийининг, эски кийимларнинг жойи музейда», деб тинмай вайсаб, қандайдир фитналарни ҳам режалаштирмоқда. Буларнинг уруғи қуримагунча ҳасад ва фитна тўхтамайди.

– Миллий кийимларимиз ҳам йўқ бўлиб кетади, деб ўйлайсизми, Хусниддин қори? – дедилар бувам ажабланган ҳолда.

– Худди шундай, вақти келиб ёшлар ўз миллий кийимидан ҳам орланиб қолади. Чунки келажак авлодга йўл кўрсатадиган оталар майхўрлик балосига мубтало қилинаверади. Вақти келиб ёшлар кексаларни, устозларни ҳурмат қилмайдиган, ҳатто ота-онасини қариялар уйига олиб боришдан кўркмайдиган бўлиб боради. Сабаби, келажакимиз суянчи бўлмиш авлодларимиз ҳақиқий маданият, урф, таълим-тарбия йўллари тополмай қолишлари мумкин. Улар кимга эргашишсин, қайси миллатнинг этагидан тутсин? Маърифат нурига нима олиб чиқишини, тўғри йўл қандайлигини билолмай, аросатда қолишлари мумкин, – деди куйиб-пишган Хуснидди бува. Кейин бир оз сукут сақлагач, кафтини кафтига урганича яна куйиниб сўз бошлади: – Ким ёшларга маърифатни танитади, ким уларга ахлоқ, эътиқоддан сабоқ беради? Бугун неча миллионли аҳолига бор-йўғи ўттиз-қиркта масжид, Бухоро ва Тошкентда иккитагина мадраса. Уларда ҳам атига ўттиз-қирк талаба ўқийди. Ҳаммаси ҳам миллатимиз вакиллари эмас, совет иттифокининг Маскўп, Қафқоз, Озарбойжон, Қозоғистон, Татаристон каби турли ўлкаларидан келган ҳар хил миллат вакиллари. Ўзбекистондан бор-йўғи беш-олти бола диний таълим олса-олади, бўлмаса йўқ! Шунча халққа ҳар йили мадрасани битирган беш-олти имом нима хизмат қилиб бериши мумкин? Мактабларда, олийгоҳларда болаларимизга «Худо йўқ, биз маймундан таркаганмиз, маймун отамиз» деб туришса, аҳвол нима бўлади? Эртага Худодан кўркмайдиган, ҳақни билмайдиган миллат пайдо бўлиб, охири ҳалокатга учрашидан кўрқаман, дўстим. Қалбимни шу ғам-ташвиш ўртади. Аллоҳдан сў-



райлик, юртимизни бу иймонсиз бетавфиқлардан тезроқ кутқариб, зўравонликлардан ҳимоя қиладиган, «миллатим», «юртим» деб куядиган, иллат ва балолардан сақлайдиган фидойи, ватанпарвар ва динпарвар бир инсонни пешво қилиб юбориб, бошимизда хурриёт куёшини ёритсин! Илоҳо омин, дуо ва илтижоларимиз мақбул бўлсин, – деб кўзларига ёш олганча бор вужудлари билан дуо қилган Хусниддин бува пиёладаги совиб қолган чойни сипқордилар. Кейин бир нуқтага тикилганларича яна бир воқеани сўзлай кетдилар:

– Бундан бир неча йил олдин, олис тоғда яшайдиган жиянимникига меҳмонга борувдим. У пайтларда тоғларга ҳали электр чироқлар, телевизор, радиолар етиб бормаган эди. Шомга яқин жиянимнинг катта ўғли қишлоққа артистлар келганини, кечкурун катта кансерт беришини, театр томошалари ҳам бўлишини айтиб қолди. Ўғлининг сўзларини эшитган жияним:

– Тоға, биз ҳам кансертга борайиқ, нималарни кўрсатайкан? – деди тоғликлар шевасида.

– Эҳ, жиян, нимани ҳам кўрсатарди ўша артистларнинг? Маишатга берилган, бир неча хотинга уйланган, камбағалларнинг қонини сўриб, қашшоқларнинг борбудини тортиб олаётган золим бойни, нураган ва йиқилай деб турган мадрасада бошига катта салла ўраб олган, дарсини ўқимаган болаларни оёғидан осиб, хипчин билан ураётган, қонаган товонига туз босаётган раҳмсиз муллоларни, бойларнинг қўлига мутеъ устозларни, ота-онасидан қочиб эрга тегиб кетган итоатсиз қизларни кўрсатади-да! Ўзимиз ўз устимиздан куламыз, урфимиздан, маданиятимиздан куламыз жиян! Ленинни мақтаймиз, уни йўлига чақириламиз! – дедим.

– Буларни қайдан биласиз тоға? – деди оғзи очилиб жияним.

– Томошани кўрсанг, сўзларимнинг ростлигига ўзинг тўлиқ ишонасан. Майли, сен айтганчалик бўлсин, улар қишлоғингизда қандай янгича усулдаги томошани кўрсатар экан, яна бир бор кўрайин, – деб боришга рози бўлдим. Шом намозини ўқиб, томоша кўрсатиладиган жойга йўл олдик. Жиянимга битта кўрпача олволишни тайинладим. Чунки тоғда клуб бўлмаса, ерда ўтиришга тўғри келади. Томоша кўрсатиладиган жой қишлоқ чеккасидаги катта адирликда экан, тумонот одам катта ярим доира қилиб ўтиришарди. Доиранинг ортига кичкина ўтов қурилибди. «Ҳойнаҳой артистларнинг ечинадиган жойи бўлса керак», деб ўйладим. Ўтовнинг ёнига баландлиги бир ярим метр, узунлиги ўн беш-йигирма метрлар чамаси сахна қилинганди. Сахнага яқинроқ жойнинг икки томонига икки ярим метрлар келадиган иккита катта йўгон тўсин тикка қилинган бўлиб, тўсиннинг учига эски кўрпани ўраб, устига ёқилғи қуйишаётган экан. Бу машғалага мўлжалланганди.

Қишлоқ бригадири у ёқдан-бу ёққа юриб одамларни тартибга солар, ёш болаларни қувиб ҳайдар, аёлларни бир тарафга, эркакларни иккинчи тарафга ўтинглар, деб буюрарди. Бошқа қишлоқлардан ҳам катта юк машиналарида томошабинлар олиб келинганди. Уларни алоҳида жойга ўтказишганди. Жияним бригадирнинг қулоғига нималар деб шивирлаган эди, бригадир мен томонга шошиб келиб, кадрдонлардек икки қўллаб кўришди. Бригадир бошига ярашмаган катта дўппи, устига ёқасиз оқ кўйлак кийиб олган, аскарларнинг кенг шими уни янада бесўнақай қилиб кўрсатар, бунинг устига оёғидаги катта кирзавой этиги кимлигини кўрсатиб турарди. Юзи юмалок, қисик кўзлари ниҳоятда айёрлигини билдирарди. Мен билан саломлашгач, сахнага яқинроқ жойга ўтиришимизга ишорат қилди. У кўрсатган жойга жияним кўр-

пача солиб, ўтиришга таклиф қилди. Кўрпачага ўтирдим ва атрофни кузатарканман, тоғлик аёллар бошларига қасавали (саллага ўхшатиб ўралган) гулли рўмоллар ўрашган, энги кенг узун кўйлақларда эди. Катгароқ ёшдагилар кўкракларига оппок дока рўмол ташлаб олишганди. Буни «желак» дейишади. Умрларида бундай йиғин ва томошаларни кўришмагани боис, театр нималигига ақллари етмасдан, уялишиб туришибди. Қизларнинг устида атлас, чит кўйлақ, бошларига ёпинчиқ ташлаб олишган. Йигитларнинг ҳаммаси дўппи кийган, кишлоқ аҳлига мос кўйлақ, устидан желак кийишган, қарияларнинг бошида кўк, сиёҳранг ва оқ салла, устларида ёшига ярашган яктақлар. Уларнинг ҳурмат, одоб билан турганларини кўриб, рости қувондим.

Қизалоқларнинг бошларида қизил, оқ, кўк турли нақшлар солинган дўппи. Жамалак сочлари чиройига зеб бериб турибди. Уларга маҳлиё бўлиб турганимда, шоп мўйлови оғзига тушиб кетган, устида аскарлар кителли, оёғида ялтираган хром этик, бошида қоғқозларникига ўхшаш тумшуги узун шапкаси, кўлида папкаси билан паст бўйли, қорни қаппайган, ҳеч кимни менсимай, гердайданича колхоз раиси келиб қолди. Бригадир ва гумашталари югуриб пешвоз чиқишди. Раисга икки кўлини узатганларга у кибр билан бир кўлини узатар, уларга нописандлик билан қарарди. Бригадир раисни саҳнага таклиф қилди. Раис учун қаердандир курси ва стол топиб келиб, саҳнанинг олд томонига қўйишди. Курсига ўтирган раиснинг олдида гирдикапалак бўлаётган кишлоқ бригадири кўлини кўксига қўйиб мўлтиранича: «Амрингизга мунтазирман, жаноби олийлари», дегандек бош эгиб турарди. Раис бригадирга нималардир деди. Бригадир машғалани ёқишга шай турган йигитга оловни ёқишни буюрди.

Машғала ёкувчиларни «машғалоб» дейишади. Гоҳо машғалоб машғалага ёкилғи қуяётганда ёғ билагига оқиб кетиб, ўзи ёниб кетишига оз қоларди. Шу сабаб, эҳтиёткорлик билан аввал кичкина машғалани ёндирган машғалоб эрталабдан мой (солярка)га ботириб қуйилган кўрпага тутди. Кўрпа устунга ўрнатилиб, устидан тез-тез мой қуйилиб тургани боис, лов этиб ёниб, атроф ёришиб кетди. Болалар «гурр-ее» деб қичкириб, машғала томон югуришди. Машғала атрофида юрганлар уларни ҳайдай бошлади. Аммо болаларнинг чуғур-чуғури тинай демасди. Бунга эътибор бермаган раис ўрнидан туриб, салобат билан катта-катта кадам ташлаб, сахнанинг олд томонига халққа яқинроқ борди. Бригадир соядек орқасидан эргашди. Сахнанинг олдида тўхтаган раис бригадирга қаради. Бригадир баланд овозда:

– Ўртоқлар, диққат, диққат! Ҳамма жим бўлсин, болалар ўтирингла-а-ар! – деди овозини чўзиб. Аммо болалар сира тинчий демасди. Шунда бригадир:

– Тошмат, ҳанаву занғарларни овозини вўчир, жонга тийиб кетди-ку! – деди ўртада турган давангидек йигитга тоғ шевасида. Йигит айикдек лапанглаб уларга яқинлашди, кўзларини олайтириб бир нарсалар деб, қўлини кўтариб бақирган эди, болалар оналарининг пинжига кириб кетди. Ҳамма жим бўлди.

– Ҳурматли журтдошлар, коммунист ва камсамол ака-ука, опа-сингиллар! Бугун қишлоғимизга катта миймонлар келган. Вулар бугун бизга томоша кўрсатади, – деди бригадир. Томошабинлар ичидан кимдир:

– Айиқ вўйнатадимми, илон вишиллатадимми ёки дорвозда вўйнашадимми? – деган эди, ҳамма «гурр» этиб қулиб юборди. Ноқулай аҳволга тушган бригадир:

– Жим-жим, адабсизлик қилинмасин! Ҳазир ҳаммасини бизнинг Лелин колхозининг раиси ҳурматли Эн-

гелъс Ёрбобоев тушунтириб берадилар, – деб раисга сўз навбатини берди. Ёнимда шивир-шивирлар бошланди.

– Бу занғарнинг оти асли Эрмуҳаммад, колхозга раис бўғач, Лелинга вўхшайман, раҳбарларга вўзини ёхши кўрсатаман деб отини Энгелс кўйволған.

– Вой баччағар сотқин-ей! – деди уни тинглаб турган тоғликлардан бири. Сўзга чиққан раис бошқа бир тумандан келган экан, тили тожикчага тортиб кетарди.

– Хурматли Лелин колхозининг граждандари, колхозчи вўртоклар! Акун, колхозимизга шаҳардан артис ва саноатчилар келишгон, – деди. Санъат билан саноатни фарқига бормайдиган, зўрға иккинчи синфни тутатган раис гапларни чалкаштириб, терлаб-пишиб бир нарсалар дерди. Сўзининг охирида:

– Бизларни немис фашислари, босмачилар, золим бойлар, эски алмсоқдан қоғон таълимдан кутқарган Лелин бовомизга минг раҳмат. Лелин бова бўмаганидо пақир-камбағалларға озодий йўқ эди. Шу сабаб Лелин бобога раҳмат деймиз ва у кишининг хотираси учун бош кийимимизни ечиб, бир минут сукут сақлаймиз. Чунки партия бизни шунга вўргатган, биз партия кўрсатмасига содиқ бўламиз, – деб раис бошидан шапкасини кўлига олиб, жим бошини эгиб, бир минутча сукут сақлади.

Бригадир ҳайрон бўлиб, раисга тикилди. Бригадир фақат шапкаси борлар бош кийимини ечса керак деб, ўйлаган шекилли, оғзи очилган ҳолда анқайиб қараб турарди. Шу йили қишда раис райкомга мажлисга борган эди. Ўша кун Ленин ўлган кун экан, райком куйиб-пишиб нутқ сўзлагач, доҳийнинг хотираси учун бош кийимини ечиб, бир минут сукут сақлаганини кўрган экан. Ўшанда бошқалар ҳам райком бово каби бошларидан телпагини ечган экан. Буларни кўриб раис ҳам телпаги-

ни ечиб, бошини қуйи қилиб сукут сақлаганди. Аммо у келгинди ажнабийларнинг марҳумларни хотирлаганда бош кийимини қўлга олишини қаёқдан ҳам билсин?

Салла, дўппи кийган тоғликларни ҳам шунга ўргатиш мақсадида райкомда қилган ўша ишени бу ерда такрорлади. Ўзи нима учун бош кийим ечилади? Нимага бир дақиқа сукут сақланади? Шундай қилишда савоб борми? Бу нарсаларга раиснинг ақли етиши учун эллиқ қовун пишиғи керак. Шундаям ақли етса! Тоғликликлар учун бу янгилик эди. Ҳамма ҳайрон, аммо ҳеч ким бош кийимини ечмади.

– Кўропсизларму биз замондан орқада қолиб кетгонмиз, ақун. Улуғ дохийларни эслангонда бош кийим ечилик, сукут сақланади, ўргонинглар, хайми? Бизда Куръон ўқилади. Секин-аста Куръон ўқишни ташлаб, бош кийимни ечиб, сукут сақлашга ўтамиз, – деди раис.

– Сен вўлсанг, ювиб кафанламай, яшиққа солиб, тобутингни устида бир минут сукут сақлаймиз, жаноза ва Куръон ўқимаймиз, тўғри гўрингга тикиб келаемиз, раис! Йекки кун раис бўлиб, худосиз бўлай дебсан-ку! – деди кимдир орқа томондан.

– Э, ўша сени ўргатган устозингни..., – деди яна кимдир.

– Ким бу гапни айтди, қани бу ёққа чиқсин. Чик деёпман...! Совет ҳўкуматининг раисини ҳақорат қилганинг учун қаматиб юбораман, – деб ўшқирди раис.

Ҳеч ким чурқ этмади. Тоғликлар мард халқ, бир-бирини сотмайди. Аммо халқни турли ваҳима ва кўрқитиш билан ушлаб туриш, «фалончини турмада ундай қилибди, бундай қилибди, отиб ташлабди», каби мишмишлар усули давом этарди. Раисга айтилган гап учун ҳеч ким қамалмаса-да, раис «қаматаман» деб одамларнинг қалбига ваҳима солиб қўйди.

Ҳамма тинчлангач, раис навбатни санъаткорларга берди. Саҳнага йигирмадан зиёд артист чиқиб, бошида дўппи, устларида адрас тўн, қўллари кўксиларида совет давлатининг мадҳиясини айтишди. Сўнгра биринкетин шўх кўшиқлар куйлана бошланди. Ўртага атлас кўйлак кийган, юзларини атир-упа билан оқартирган ўйинчи қизлар чиқиб, рақсга туша кетди. Раққосалар ҳар айланганида этаклари белигача кўтарилар, шунда тоғнинг бўз йигитлари «оҳ-оҳ»лашиб юборарди. Умрида этагини тиззасидан баланд кўтармаган аёллар «Вой бети қурсин, вой шарманда, ҳаёсизлар», деб болаларининг кўзини қўллари билан тўсишга уринар, улар эса ҳеч нарсага тушунмай оналарининг қўлини кўзларидан нари суришарди. Бировнинг қизига, келинига, умуман бегона аёлларга шаҳват билан қараш гуноҳлигини ота-она, устозлардан эшитган йигитлар раққоса қизларга еб қўйгудек қарашарди. Бу миллий одоб, ҳурмат, ҳаёга қилинаётган илк тажовузлардан эди.

Сўнгра испектакли бошланди. Испектаклининг номиям «Гўдалак»ми-ей, қисқаси шунга ўхшаш эди. Унда чол билан кампирнинг «муҳаббати» ва тўшакка чақириши кўрсатилди. Чол устига йиртиқ-ямоқ кийим, яғири чиқиб кетган дўппи кийган, камбағал, саводсиз, бойлардан ёруғлик кўрмаган, шалварининг боғи тиззасигача осиглик, кампирнинг кўйлаклари тиззасидан, унинг ҳам лозимининг боғи осилиб турарди. Гўё бу халқ одоб-ахлоқ, ётиб-туриш, кийиниш, ювиниш нималигини билмайди-ю, даҳрий шўролар уларга маданиятни ўргатишмоқда. Булар одоб деган сўзни ўзгартириб, маданият дейишга ўтишганди. «Одобсиз» дейиш ўрнига, янгичасига «маданиятсиз» сўзини халққа сингдирардилар. Гўё одоб эскича сўз? Унинг ўрнига маданият сўзини ишлатиш керак, мана шунда эскиликдан

кутуламиз, деб тарғиб қилишарди. Улар бизнинг минг йиллик маданиятимизни қаердан ҳам билсин? Иккинчидан, улар ўз миллати ва тили билан фахрланиб, «биз улуғ миллатмиз, керак бўлса, бу улуғ миллатнинг тилини билмаганлар ғирт маданиятсиз», дейишди. Болалар оммавий равишда рус тилини ўрганишга киришиб кетишди. Ваҳоланки, шу юртнинг тузини еган, сувини ичганлар шу юрт тилини билмаслиги ва ўрганмаслиги маҳаллий халққа нисбатан ҳурматсизлик бўлмайдими? Йигирма йил Ўзбекистонда яшаб, «ўзбек тилини билмайман», деб турган одамга ёки ўз тили, миллатидан орланиб юрган одамга қандай баҳо бериш мумкин? Бу инспектакл ҳам айнан одамларни асрий одату одобларидан узоқлаштириш учун қилинаётган пинҳоний ва ошқора бир ҳаракат эди.

Ёстик кучоқлаган чол кампирини олдиға чорлаяпти. Кампир нозланиб, йўқ демоқда. Чол уни ётоғига киргизиш учун минг нағма, шармсиз сўзларни гапирмоқда. Ҳамма чолнинг укувсизлигию, кампирнинг шумлигидан хохолаб кулмоқда. Аёллар шармдан ерга кириб кетай деб кўзларини қуйи тикиб туришибди. Бир амаллаб кампирини кўндирган чол унинг қўлидан тутиб, «кампиржон» дея, қўлтиклаганича парда ортига тортиб кетди. Бирор марта бўлса-да отасининг хотинига қарата «севаман» деганини эшитмаган, қўлидан ушлаб бағрига босишини тасаввурига сингдиролмаган тоғлик томошабинлар чол-кампирнинг қилиғидан уялиб кетишди.

Сўнгра қорни катта бой чиқди. Унинг очкўзлиги, камбағалларни уриб-сўкиши, оч қолган халқнинг аянчли аҳволи кўрсатилди. Қизил аскарлар бойнинг молмулкани тортиб олиб, камбағалларга тақсимлаб берди. Халқдан ғаллани беркитган бой отиб ташланди. Кейин навбат муллоларга келди. Болаларни бир хонага қамаб,



қўлида хипчин билан ураётган, азобдан йиғлаб, ёлвораётган ўқувчиларни кўрганда ҳамманинг ғазаби келди. Араб алифбосини айта олмаётган ўқувчилардан яна бири жазоланди. Муллоларни ўзбек халқининг илмсиз бўлишига сабабчилар, деб кўрсатилди. Бироздан кейин сочлари силлиқ таралган сариқ оға чиқиб, таълимнинг янгича усулларини чиройли қилиб ўргатар экан:

– Совет давлатининг озод фарзандларига, хур ва бахтиёр болаларига азоб берадиган, раҳмсиз муллолар керакмас. Сиз энди, математика, физика, химия ва бошқа фанларни ўқийсиз, Худо йўк, унга ишонманг, эски тўнларни ечиб, замонавий кастюмлар кийиш керак. Мадрасадан фақат ахлоқсиз, саводсиз, одамлар чиқади, – деб ярим русчалаб нималарнидир тушунтира кетди. Бу гапларни эшитиб шартта ўрнимдан туриб кетганимни билмай қолибман денг, – деди жаҳл билан Хусниддин бува ҳозир ҳам ўша томошада ўтиргандек. – Кейин денг, «Ҳей Худосиз, дунёга донғи кетган олимларимиз мадрасаларда, сен масхара қилаётган саводсиз муллоларнинг қўлида ўқимай, катта холагни қўлида ўқиганми, бетавфик! Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино сен айтган мадрасаларда ўқимай қаерда ўқиган?!» – деб юборибман.

– Отахон бу спектакль, томоша, уснокойтесь, – деди ҳалиги тиржайиб. Ичида менга қарата: «Ҳали шошмайтур, бошларингга ит кунини соламиз», дегандек бўзрайиб қаради, томоша тугамасданоқ чиқиб кетди.

Жияним:

– Жон тоға, жим бўлинг, илтимос! Булар билан ўйнашманг, бошингизга бир балони орттириб олманг, – деб мени бир амаллаб жойимга ўтказди.

– Ахир санъат халққа хизмат қилиши керак. Кимларнидир ғийбат, маломат қилиб, буюк тарихимизга, улаомларимизга лой чапламаслиги, ўзимизни ўзимизга қарши

қўймаслиги керак, жиян! Ёшларимиз бу томошалардан ибрат олсин, яхшиликка интилсин, бу нимаси ахир! То-хир ва Зухра, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнунни қўйсин, мириқиб томоша қилайлик. Артистларимиз Ал-помиш, Гўрўғли, Ошиқ Ғариб ва Шохсанамдан айтсин, Машрабдан куйласин, қалбимиз роҳатлансин, қўшиқ-лардан мана бу қора кўзлар бирор фойдали нарса ўр-гансин! Ҳақиқий санъаткор бўлсанг, кўрсат ҳунарингни, номард! Ҳақиқий санъаткорлардан ўкиб-ўрган, сенлар санъаткор эмас, отарчисанлар! Халқни алдаб шилишни биласанлар. Жиян билсанг, Хадрада отарчилар тўплана-диган жой бор. Карнайчи ва сурнайчилар ҳам ўша ерда тўйга айтадиганларни кутиб, доира, карнай, сурнайла-рини дарахтларга осиб қўяди. Авваллари йиғилишиб, каловатларда ўтириб олишиб аския, ўзларича қўшиқлар-дан мусобақа қилардилар. Бир кун Усмон Юсупов бу-лар бу ерда тўпланиб, ҳар хил ашулаларни қилмасинда, ҳаммасини вилоятларга жўнатиб юборинглар. Қишлоқ аҳлига хизмат қилсин деган экан. Булар ўша ердан чиқ-қан отарчилар бўлади – деб бакириб турганимда брига-дир секин жиянимни олдига чақирди. Бу бригадир эмас, балки ҳақиқий жосус, сотқин эди. Қишлоққа ким келди, ким кетди, кимникида иеча киши йиғилди, нима ҳақда суҳбат бўлди, ҳаммасини раисга етказадиган мунофиқ эди. Жияним билан нималарнидир шивирлашди. Бри-гадир ундан: «Тоғанг қанақа одам ўзи, жиннимасми?!» деб сўрабди. У бўлса: «Тоғам кекса одам, урушда канту-зия бўлиб келган, ўзидан ўзи бақириб юборади. Тоғамга парво қилманглар» дегач, сўзига ишонибди.

Шу пайт саҳна бирданига қоронғилашди, иккита йиғит катта этак тутиб машъаланинг оловини ярмини тўсди, саҳнани ярим қоронғилик босди. Гўё ой гоҳ чи-қиб, гоҳ ботиб турган тун. Саҳнанинг бир томонидан

бир йигит, иккинчи томонидан қиз чиқиб келиб, сахна-нинг ўртасида учрашишди. Йигит қизни бағрига босди. Сочларини силади. Менинг жаҳлим чикди. Буни сезган, жияним этагимдан босиб:

– Жон тоға, яна бакириб юрманг, илтимос!, – деб ялинди. Саҳнадаги йигит:

– Сени соғиниб кетдим, жонгинам, тезроқ тўй қилай-лик, бир-биримизнинг висолимизга етайлик, – деди.

– Отам сизга турмушга чиқишимга қарши, сиз туғ-рингизда онамга: «Ота-онасининг тайини йўқ, келиб чиқиши бузуқ йигитга қизимни турмушга бермайман, насл-насаб деган гап бор. Бу йигитингнинг асли бузуқ», депти. «Аслига тортади чопқир чаманлик, Чопқирни чаманга сотгувчи бўлма», деган экан Махтумқули деган шоир. Шу шоирнинг шеърини маҳкам ушлаб олиб, розилик бермаяпти, – деди киз.

– Қўйсанг-чи ўша тайинсиз, чўлу биёбонда ўсиб, афюн динни тарғиб қилган қандайдир туркман шоирининг гапини! У севги-муҳаббатни қаердан ҳам билсин? Сенинг муҳаббатинг қалбимни ёндирмоқда, ишонма-санг қалбимга қулоқ тут, – деб кўксини очди. Бечора анқов, содда қиз бошини йигитнинг кўксига қўйди. Шайтоний ҳирс кўзгаганда ҳар қандай юрак ҳапқириб уришини билмаган бечора қиз унинг юраги уришини хис қилдию, гапларига чиппа-чин ишонди.

– Отанг нима деса дер, кел, қочамиз, золим ота-она севги нималигини қаердан ҳам билсин, – деди йигит ва қизни қайта бағрига босди.

– Оқ бўлиб қоламан, охири нима бўлади? – деди қиз оҳиста.

– Қўй, ўша оқ-қора деган гапларни, ҳаммаси диний сарқит, ҳаммаси алмисоқдан қолган гаплар! Бизнинг севгимизни ҳеч нарса ва ҳеч ким тўсолмайди. Совет

давлати, Ленин бобомиз бор. Сен ва мен каби севишганларга давлат уй-жой, иш беряпти. Кўчада қолмаймиз, кетдик! Буюк Ленин бобомнинг йўли оқ йўлдир, деб қизни олиб қочди ва никоҳсиз турмуш бошлади. Қиз рози, йигит рози, тоғлар гувоҳ бўлди-да! Тўй килиб, одамларга ош беришнинг нима кераги бор? Отанани кейинчалик рози қилса ҳам бўлаверади!

Шу пайтда пастда, томошабинлар орасида бошқача гаплар бўлаётган эди. Гўё эскилик сарқитига ботган тоғлик одамлар ота-онасини рози қилмай қочиб кетган қизга маломат тошларини отиб, қизнинг отасига турли гаплар гапириб, норози бўлишарди. Томошабинлар фарзандларига инсоф сўраб, тавба қилишар, кўксиларига туфлашар эди. Қизларининг шармандали ҳолда, бегона йигит билан қочиб кетишидан тинмай паноҳ тилашарди.

Саҳнада эса воқеалар мафкурачилар чизиб берган лойиҳа асосида давом этарди, ота-онанинг юзи ер тубан, район милициясига мурожаат қилмоқчи бўлиб йўлга тушганида, колхознинг партқўми келиб қолди. Улардан бўлган воқеаларни сўраб-суриштиргач:

– Хўш, тушунишимча, улар бир-бирларини севишган, фақат ота-она рози эмас, шундайми? Ҳозирги ҳукумат қонунлари бўйича икки ёш оила қуриши учун ҳеч кимдан розилик олиши шарт эмас. Эскича никоҳ ўқитиш ҳам керак эмас. Ҳозир ЗАГС деган жой бор, улар ўша ердан қонуний никоҳдан ўтиб, оила қуриб яшайверишади. Тушунарлими? Биз ўзбеклар олдинлари ор-номус деб, бир-биримизни ўлдиришдан ҳам тоймаганмиз. Бу катта хато, янги давлатнинг қонун ва кўрсатмаларини қабул қилишимиз керак, шундай. Ортикча гап-сўзларга ўрин йўқ! Ленин отамизнинг, партиянинг кўрсатмаси шу, тушунарлими? – деди.

– Тўй-чи, злу юрт-чи?! – деди ота кўрқа-писа.

– Тўй ҳам қиласиз, халқ ҳам тушунади. Партия бизни алдамайди. Шунинг учун ўзингизни маломату дашномлардан устун қўйинг, ота, – деди парткўм. Шу пайт мусиқа янгради, унинг садоси остида парткўм яна қандайдир сиёсий гапларни тушунтирди. Унинг гапидан кўнгли тўлган ота кўкрагини кериб, парткўм ортидан, партия йўлидан мусиқа остида шахдам қадамлар билан олға кетди. Қаердандир қишлоқдошлари пайдо бўлди. Парткўм барча қишлоқдошларини ҳам ортидан, партия йўлидан эргаштириб кетди.

Саҳнага бир йигит чиқиб, севги-муҳаббат йўлида уйдан қочган қиз ва йигит шаҳарда икки хонали уйда, янги туғилган чақалоқ билан бахтли яшаётгани, йигит заводда, қиз фабрикада ишлаётганини чиройли сўзлар билан тушунтира бошлади. Ота-она розилиги, хонадон обрў-эътибори, ҳалол никоҳ деган гапларнинг беъманилиги, катталарнинг юзига оёқ қўйиш, қишлоқдош, қариндошларнинг юзини ерга қаратиш, улардан қочиб, никоҳсиз турмуш қуриш, никоҳсиз фарзанд кўришни қораламаслик, бундай ишлар аслида партияга садоқат экани ҳақида гапирди.

Шу пайт томоша бошида қочиб кетган тоғлик қиз ёш боласини етаклаб, устига комбинезон кийган, сочлари кесилган, қошлари терилиб, юзлари оқартирилган ҳолда, уни олиб қочган йигит билан чиқиб келди. Йигит ҳам хотини каби устига комбинезон кийган, сочлари чиройли қилиб таралган, оғзида сигарет, қўлида лимонадми, пивомми кўтарган замонанинг «зиёлий», «маданиятли» йигити кўринишида, севгилиси билан қўлтиклашиб, боласини олиб дам олиш куни истироҳат боғига сайрга чиқишган. Икки бахтли, ёш оила, олдида фарзанди, скамейкада ўтириб, бир-бири билан ширин суҳбат қуриб, музқаймоқ емоқда. Уларни кўрган ёшлар дарҳол ҳавас

қилиб қолди. Ёшлар қий-чув қилиб, қарсақ чалишди. Улар ҳам саҳнадагиларники каби севгини орзу қилишди. Ота-она розилиги, қариндошчилик, ибо ва ҳаёни хаёлан бўлса-да бир зумга унутишди. Момолардан бири:

– Юзинг курсин сен ҳаёсиз, бузуқини! Қизларимизни йўлдан урмоқчимисан, бетавфиқ, – деб қолди. Чунки тоғлик кексалар қийинчиликларни кўп кўрган, катта ҳаёт тажрибасидан ўтганлари боис, бундай томошани кўтара олмасдилар.

Бизга кўрсатилаётган бу томоша сохта ҳаётнинг бир кўриниши эди. Аслида бахтиёр йигит ва қиз заводда оғир меҳнат қилишади. Кўпинча бири тунги, бири кундузги сменда ишлайди. Кундузги навбатда бир ҳафта саккиз соатдан, бир ҳафта тунги навбатчиликда уйқусиз саккиз соатдан станок олдида қорамойга ботиб, арзимас пул учун тинмай меҳнат қилишади. Эри кечаси ишласа, хотини кундузги навбатда, хотини кечаси ишласа, эри кундузги навбатчиликда – бир-бирларини ҳафталаб кўролмасдан юришарди. Бундаин ҳаёт тарзининг кулфатлари кўп эди. Эр-хотин бир-бирларини рашк қилар, гоҳо хиёнат сабаб оилада жанжал-можаролар келиб чиқарди. Қишлоқдан шаҳарга келиб, ичкиликка мукасидан кетган ёшлар, алданиб номуси топталган қизларнинг ҳаёти ва оғир меҳнатини умуман кўрсатишмасди. Ҳафта давомида ҳар куни тунлари ухламай ишлаш одамни ҳолдан тойдиради. Уйқусизликдан толиқиш, соғлиқни йўқотишни тасаввур қилиб кўринг! Катта қурилишларда эркаклар билан баровар оғир юк кўтариб ишлаётган хотин-қизларга, ҳавонинг иссиғида асфальт ётқизаётган аёлларга партия мана шундай оғир имкониятларни туҳфа этган эди.

Шўроларнинг энг катта иллоти фарзандларимизга ёлғон гапиришни ўргатгани, ўз ёлғонига ишонтириш учун

яна турли ёлғон нарсаларни ўйлаб топганидир. Ота-буваларимиз ҳамма вақт бизларга тўғрилиқни, ростгўйликни ўргатишган. «Ёлғон гапирсанг, оғзингдан чиққан бадбўй хиддан фаришталар бир мил нарига қочади», дейишган. Шу сабаб ёлғондан ҳазар қилганмиз. Шўролар бўлса, халқимизни, ёшларни ёлғон гапириш, ҳамма нарсани бўрттириб кўрсатишга ўргатяпти. Шўро раҳбарларининг телевизордаги чиқишлари бошқача, радиодаги нутқлари янада ўзгача, амалда эса мутлоқа тескариси.

– Ташвиқотнинг кучини кўрдингизми? Ёшларнинг онгини бузиш, эътиқоди ва динидан узоқлашиштириш учун қўйилган тузоқ. Бу тузоқни ўша санъатни нима-лигини билмайдиган артисларнинг ўзи ҳам билмайди. Аллоҳдан сўраймиз, сиз айтгандек бир кун ҳуррият шамоли елиб, бу кунлар унут бўлсин! – бувам кафтларини юзларига сийпаб дуо қилдилар.

– Энди менга рухсат, дўстим, – дедилар Ҳусниддин бува ўринларидан кийналиб кўзгалар экан.

– Яхши суҳбат куриб ўтиргандик, борардингиз-да! – дедилар бувам қўлларини кўксиларига қўйиб дўстларини кузата туриб.

– Сиз билан суҳбатлашиб анча дардларим енгиллашди, раҳмат! Сиз ҳам бизникига ўтинг, – деб тайинладилар Ҳусниддин бува хайрлашаётган чоғда, чакқонлик билан туриб, дарвозанинг бир қанотини очиб, чиқишларини кутиб турдим.

Дарвозадан чиқишда:

– Мулло Абдурашид, бувангиз билан биргалашиб ўтинг, ўғлим – дедилар қўлимни сиқиб хайрлашарканлар Ҳусниддин бува.

– Худо хоҳласа, албатта борамиз, – дедим бошимни сал эгган ҳолда бувам ўргатганларидек қори буванинг ҳурматларини жойига қўйдим. Бувам дўстларини қан-

дай кутиб олган бўлсалар, шундай кузатиб қўйдилар. Эшик олдида, дўстлари кўринмай кетгунча қўллари кўксиларида, кузатиб турдилар. Бу ҳам бувамнинг одатланган фазилатларидан эди, ҳар қандай меҳмон келса, эшиккача кузатиб, меҳмон узоқлашгачгина уйга қайтиб кирардилар. Бу ишни бажаришда юксак одоб ва ҳурмат, камтарлик борлигини уқтирардилар.

Икки қария айтганларидек, ичкиликбозлик ёшларни ўраб-чирмаб домига тортар, майхўрликка мубтало бўлган ёшлар сони кундан-кун ортиб борарди. Ёшлар ҳатто отаси, муаллими билан бир стол атрофида ўтириб ичишдан тап тортмай қўйишганди. Авваллари отаси ёки муаллимини узоқдан кўрган ёшлар уларга ҳурматан ўзларини панага олишган бўлса, энди бу ҳурмат ва кўркиш ўрнини сурбетлик, бетгачопарлик эгаллаганди. Энди йигитларга қўшилиб баъзи аёл-қизлар ҳам турли тадбир, байрам, туғилган кун баҳонасида секин-аста май ичишни ўрганишарди...

### ИСТИРОҲАТ БОҒИ ВА БОЗОР

Шаҳримизнинг ихчамгина истироҳат боғида баҳор ойининг илк кунларидан кеч кузгача туни билан ўйинкулги тинмайди. Боғнинг четроғида, одамлар кам ўтадиган жойларида гиёҳвандлар тўпланади. Мастликда турли жиноятларга қўл уриб, йўлдан ўтганларни тунаш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради. Ичкилик ичиб, гиёҳванд моддасини қабул қилишгач, ўзларидан кетиб, бебошликлар қилишади, қий-чув солиб, ҳамманинг асабига тегишади.

Ичкиликнинг жуда арзонлиги сабаб, бу балога мубтало бўлганлар ҳам анчагина. Айниқса, ўз юртида кадр топмаган ишёқмас, пиянисталар бу шаҳарга ишга сафарбар қилинади. Уларнинг ишлаганидан ишламай юради-



гани, ёшларни бузадигани кўп. Баъзиларининг насли-насаби, ота-онаси кимлиги номаълум. Турли шаҳарларнинг етимхоналарида ота-она тарбияси, меҳрини кўрмай, дийдаси қаттиқ бўлиб, одамгарчиликдан мутлақо беҳабар ўсганлар анчагина. Уларда «ватан, миллат» деган қайғу йўқ. Уларнинг қаерда қорни тўйса, яхши яшаса, ўша ер ватан, ўша ер яхши шаҳар. Озгина заҳмат, кулфат айниқса, машаққатга учраса тамом, шаҳар аҳлини ёмонлаб, ҳукуматни айблаб, дарҳол яхши жой қидириб қолишади. Ана шундайлар кўча ва бозорларда юмалаб ётар, уларни кўраверганимиздан кўзларимиз ҳам ўрганиб, бепарво ўтиб кетадиган даражага бориб қолдик.

Бу келгиндилар туғилиб-ўсган жойини эсга ҳам олмас, ота-онасини соғиниш, ёру дўстларининг тўй-томошаси, азага бориш, қариндошлик ришталарини боғлаш, деган тушунчалардан узоқ. Туғилиб ўсган кишлоғини, ота-онасини кўрганини, қачон борганини билмайдиганлари сон мингта. Шундайлар миллатимиз устидан кулиб, бизга маданият ўргатишмоқчи! Миллати, ватанини севадиганларнинг уларга инсоф тилашдан бошқа чоралари йўқ! Уларнинг аҳволини кўриб, авваллари раҳмим келарди. Аммо ўзим ҳам бир куни шу аҳволга тушимни ўйламасдим.

Шаҳар бозорига кирсангиз, шовқиндан бошингиз оғрийди. Ҳамма ўз молини тезроқ ўтказиш пайида. Тонг саҳарда деҳқонлар олиб келган молларни бозор ичкари-сига киритмасдан, арзон гаровга сотиб олиб, кимматига сотиш одатга айланган. Деҳқон молларини уларга сотмаса, жанжал кўтариб, тортиб оладиганлари ҳам бор. Бечора деҳқонни норози қилиб, арзон-гаровга молини алдаб олганларнинг топганлари буюрмасдан, бола-чақасидан зулм билан қайтганлари қанча?! Шўролар ўргатган ёлғон кўпчиликни қон-қонига сингиб бўлган. Далада бир

соат меҳнат қилмаган савдогар опа-акалар: «Картошкани ўзим экканман, пиёзни ўзим етиштирганман ёлғон гапирсам, Худо урсин», деб кўзини лўқ қилиб ёлғон қасам ичади. Катталар ёлғон гапириб турганда, ёшлар ёлғон гапирса нима бўлибди? Бу каби ёлғончиларнинг кўпининг болалари тайинсиз, нашаванд, арокхўр.

Дехқон бозорига қовун-тарвуз олиб келинса, бозоримиз атрофидаги хонадон болалари уни машинадан туширишга ёрдамлашади. Шўролар тарбиясини олган ўғри болалар ўзаро келишади-да, дехқоннинг кўзини шамғалат қилиб, қовун-тарвузларни машина ортида пойлаб турган шерикларига узатади. Бир машина қовун-тарвудан анчасини дехқонга сездирмай, ўғирлаб қўйишади. Соддароқ дехқоннинг шўрини қуритишади. Бечора дехқоннинг ҳаромхўрларни астойдил қарғаб, дуоибад қилганини кўп кўрганман. Ўша болаларнинг кўпи жувонмарг бўлиб кетди. Ота-онаси ҳам ўғирлаб келинган, текин қовун-тарвузни бемалол еб ўтиришаверади. Фойда бўлса бўлди-да, бошқаси билан нима ишлари бор.

Шўро таълимини олганлар фақат кўрган нарсаларига ишонишар ва ёшларни ҳам шунга ўргатишарди. «Дуо кўзга кўринадими? Йўқ! Демак дуо деган нарса йўқ! «Қарғиш, дуоибад» деган гаплар сафсата, бунақа эскича қарашдан юз ўгириш керак», деб ёшларнинг қулоғига қўйгани-қўйган. Аждодларининг олқишини, «барака топ» деган дуосини олиб камолга эришганларга бугун ҳеч қандай дуо керакмас. «Қарғиш ўтмайди», деган тушунчалар кўп ёшларни чалғитарди.

Инсон ўзини ақлиман, деб ҳисоблайди. Хўш ақлнинг жойлашган ўрни, кўриниши, рангини айтиб бера оладими? У кўринмайди, демак ақлини кўрсатишга ожиз моддиюнчи аҳмоқ экан-да! Одамнинг жисмида қанча касалликлар бор, уни енгиш, кўришдан ожизмиз-ку, дуонинг

кабул бўлиши, Аллоҳнинг даргоҳида мақбуллигини қандай ҳам кўра олардик? Инсоннинг ўзи кўрмаган нарсаларга ншонмаслиги тўғри йўлдан тойдириб, эътиқодига зарар келтириши эса унча ташвишга солмасди.

Хафақон касалига учраган бир моддийончи муаллим болаларга: «Инсон коинотнинг ҳокими. Бутун борлик унга бўйсунди...» деб сафсата сотаётганда, бир шаддод ўқувчи шартта унинг гапни бўлиб: «Ўз қон босимига ҳоким бўлолмаган инсон қандай қилиб, бутун коинотга ҳоким бўлсин?!» дебди.

Ҳаётда қанчалаб одам устозининг, улуғларнинг, онасининг хизмати ва дуолари самарасидан камолотга эришган, обрў-мартабага сазовор бўлган. Қарғиш, дуоибад олган ўғри, каззоб, муттаҳамларнинг қанчаси хор бўлганига тарих гувоҳ. Худди шу каби деҳқонларни чув тушириб, алдаб, уларнинг қарғиш ва лаънатини олганларнинг ҳеч бири бахтли бўлмаган.

Дадамнинг Сирдарёлик дўстлари ёзда тарвуз экибди. Тарвузларини сотгани бозоримизга олиб келди. Дадам бозордан жой қилиб бердилар. Бир-икки кун дарсдан кейин мен ҳам ёрдам бердим. Учинчи куни тарвузларни сотиб бўлиб, уйга қайтдик. Нимагадир сотилган тарвуз пулининг чўғи кам, дадамнинг дўстлари Хайрулло амакининг кайфияти тушкун эди. Сухбат асносида у киши дадамга:

– Биз тарвузларимизни далада сотганимиз маъқул экан, жўра! Кўп фойда қилмасак ҳам шуниси бизга яхши бўларкан! – деди хафа бўлиб.

– Нимага бундай дейсиз, бирортаси хафа қилдимиз, Хайрулло? – деди дадам.

– Кеча куни билан тарвуз сотдим, барака топсин, ўғлинг ҳам ҳар куни дарсидан кейин ёрдам бериб турди. Кеча қаттиқ чарчаган эканман, тонгга яқин донг қотиб ухлаб қолибман. Бир вақт уйғонсам, не кўз билан кў-

райинки тарвузлар канот қокиб, пастга юмалаяпти. Пастда бир нечта бола уларни қўлма-қўл қилиб ташиб кетяпти. Шундай ёнгинамда ўспирин бир бола тарвузларни бемалол пастга юмалаяпти. Унга:

– Нима қилаяпсан, падар лаънати! Бир уриб, майиб қилиб қўйинми? – деб ёқасидан ушлаганимни биламан, биқинимга бир нарса тиралди. Шундай қарасам, мўйлавлари ўсиб кетган, бакенбарди қулоғидан пастга тушган, кўзлари қизарган, сочлари елкасида, буқадай бир йигит биқинимга пичоқ тираб, кўзини лўк қилиб, тикилиб турибди. Ёнида иккита шериги ҳам бор.

– Ўлгинг келмаса, овозингни ўчир, – деди ўшкириб.

– Ука, инсоф қилинглар-да, бола-чақамга нима олиб бораман? Худодан кўркқин, – десам, кошки қулоғига гап кирса. Шунда сенинг номингни айтгандим, юмалатишни тўхтатишди. Акахонга айтиб юрманг, жонингизни қутқаришга улар ҳам ёрдам беролмай қолишлари мумкин, – деди кўзларини ола-кула қилиб.

– Хохласанг, бозорни оёққа турғизиб, ўша муттаҳамларни ҳозироқ топтириб келаман, – деди дадам жаҳл билан муштларини қисиб.

– Қўй, ўшаларни, мен сабаб сенга ҳам бирор зарар етмасин, дўстим. Илоҳи, тешиб чиксин, жувонмарг ўлишин, ўша падар лаънатилар, эссиз, текинга кетган тарвузларимга ичим ачиб қолаверди. Пулига болаларга қишлоқ кийим-бош олмоқчидим, – деди надомат чекиб. Дадам ўртоғининг хафа бўлишларини хоҳламаганидан:

– Бўпти, кетган нарса кетди, ўша муттаҳамларга буюрмасин. Болаларингга арзон нарҳда кийим-бош гаплашиб бераман. Ўша нарса харажатларингнинг ўрнини босиб кетади. Кўп куюнмаверма! – дедилар. Дўстлари оладиган нарсаларининг рўйхатини ва бироз пулни дадамга тутқазди. Дадам уларни олиб, бир неча соатдан

кейин яхшилаб боғланган, каттагина иккита қоғоз қутида бир нарсалар олиб келдилар.

– Дўстим, ҳамма айтганларингни олиб, шу иккита қоғоз қутига жойлаштирдим. Шу десанг, бахтинг бор экан, дўконларимизга арзон моллар келиб қолди. Уйингга борганингда очиб, болаларингни бир хурсанд қиласан. Фақат тарвузларингни ўғирлатганингни гапириб юрма, ҳамма устингдан кулади-я! Нарсаларни тарвузнинг пулига олдим деявер, хўпми? – дедилар қулиб. Дўстлари дадамдан хурсанд бўлиб, кучоклаганча:

– Раҳмат, дўстим, ҳамма яхшиликларинг болаларингдан қайтсин, – дея олди, холос.

– Ҳа, айтгандай, ёдимдан кўтарилай дебди, автобусга чипта ҳам олгандим, – деб автобус жўнаш вақтини айтиб, чиптани унга бердилар ва: – Ҳали автобусингнинг жўнашига бир-бир ярим соат вақт бор. Тушлик қилиб олайлик, ҳайдовчим автобусга чиқариб қўяди, – дедилар.

Аммо дўстлари тезроқ уйига боришини айтиб, қўлини кўксига қўйиб узр сўради. Кейин бувамнинг олдига кириб, дўстини ёрдамани гапириб, алқаб-алқаб миннатдорчилигини билдиргач, кетишга изн сўради. Бувам йўлларини беҳатар бўлишини сўраб, дуо қилдилар. Дадам дўстини машинага чиқариб қайтиб келди.

– Боя дўстинг анча тушкун ҳолатда эди. Ҳозир кайфияти чоғ. Унга ёрдам бердингми? – дедилар. Дадам бошини кимирлатиб, «ҳа» ишорасини қилдилар.

– Дўстингнинг кўнглини кўтариб ёрдам бериб, хурсанд қилибсан, барака топ, ўғлим, кам бўлмагин, – дедилар бувам.

– Қарасам, кўнгли ўксиган, болаларига кийим-бош қилолмаганидан жуда хафа. Озгина йиғиб қўйганим бор эди. Ўша пулга айтган нарсаларини харид қилиб, берган пулини кийимлар орасига яшириб қўйдим. Бола-чақасига ишлатар, – дедилар дадам.

– Сен ҳақиқий дўстсан. Ҳақиқий дўст бошга иш тушганда билинади, болам, – деб ҳаммамизнинг ҳақимизга қайтадан дуо қилдилар.

Кексаси бор уй қандай файзли, ҳар куни, ҳар соат дуо оласан, панду насихатлар эшитиб, савоб ишларни ўрганасан. Ҳар қандай ишнинг охирини ўйлаб, одоб доирасидан чиқмасдан қадам ташлайсан. Шаҳримизда бувам каби диёнатли, инсофли, иймонли, сабру қаноатни ўзига дастур қилган, ажойиб фазилатга эга бўлган кексалар жуда кўп. Улар орасида мусофирларга, муҳтожларга, бева-бечораларга ёрдам қиладиган, камбағалларнинг тўй-маросимларига бош-қош бўладиганлар, оила куришга қийналганларга моддий ёрдам кўрсатадиганлар кўпчиликини ташкил қилади. Отахонларнинг қиёфалари ҳам рисоладагидек, кийинишлари миллийча, бошларида салла, ўзлари намозхон, маънисиз гаплардан ўзини тийган, қўшниси, маҳалласининг хурсандчилигини ўз хурсандчилигим, қайғусини қайғум деб биладиган нуроний инсонлар улар. Сўзлари ўткир, ҳатто муттаҳамказзобларни қойиб, тизгинини тортиб қўйишга қодир. Улардан раҳбарлар ҳам ийманиб, илтимос-талабларини ҳаяллатмай бажарса, баъзи ўғри-каззоблар ҳам улардан чўчиб, уялиб туради. Ҳатто отахонларни кўрган масталаст ҳам ўзини тиклаб, қўлини кўксига қўйиб, бош эгганича йўлнинг четига ўтиб туради. Шаҳримиз отахонлари мана шундай ҳурматга сазовор инсонлардир. Бирор зарур жойга ёки нахор тўйига борадиган бўлсалар ўзлари билан мени ҳам олиб борадилар. Шундай пайтларда масжидда бувамнинг ёнида бомдодни ўқиб тураман. Бугун ҳам шундай бўлди. Бомдод намозини тамомлаб, ташқарига чиқмоқчи бўлганимизда:

– Биродорлар масжид ҳовлисида тўпланинглар, кичик бир маслаҳат чиқиб қолди, – деди масжид мутавалиси Абдураҳим ота ўрнидан туриб.

Масжид ҳовлисида намозхонлар бир-бирлари билан кўришиб чиққач, кенг доира ясаб, қўллар киндик баробар ковушган ҳолда, бошларини бир оз ҳам қилиб, одоб билан бир бирларига салом бериб, жим турдилар. Ҳаммадан кейин чиққан имом домла ҳам доирани айланиб, ҳамма билан сўрашиб чиқди ва:

– Ассалому алайкум, ҳурматли отахонлар! Сизларнинг бир дақиқа вақтингизни оламан. Аллоҳ таоло ўз Каломида бизларни сахийлик, оқибат, ўзаро ёрдамга, оила-сиз, турмуш кура олмаётган, ўз жуфтани тополмаётганларга муносиб жуфти ҳалоллар топишга ёрдам беришга буюрган. Бунга фарзандларимиз, кўни-кўшни, маҳалладошларимиз, шаҳримиз аҳолиси бўлган фуқаролар ичида оила қуролмаётганларни оилалик қилиш ҳам киради. Шаҳаримизнинг Навоий кўчасида яшовчи камбағалроқ, ёши сал ўтинқираган қиз бор экан. Ўша хонадоннинг оилавий шароити оғирроқ. Оилавий шароитини яхшилаб ўрганиб, иложи бўлса, муносиб жуфт топиб узатсак, Аллоҳ таолонинг буйруғига итоат этган бўламиз, улуғ савобларга эришамиз. Маълумингизким кадимда мана шундай ишлар жуда кўп қилинарди. Энди эсимиздан чиқмасин, келажак авлодларимиз ҳам ўрганишлари керак, шуни сизларга эслатиб қўйсам, – дедилар.

Шунда намозхонлардан Қозоқбой бува:

– Жуда туври айтингиз, тақсир! Бурунда бир жувон бева қолсағўй, вўни болалари жетим қомасин, тарбия-сиз қомасин, бева оёл овулдида бузар, деб дарров вўз жоқинларидан бировига никоҳлаб берардик. Мана екинчи жаҳон урусидан кейинда су аҳвол бўмадима? Сунинг ушун фасод тарқамасин десак, дарров бу қизга муносиб жигит товайлик, – деди.

– Тўғри айтдингиз, кўка! Бу ишлар бизнинг азалий одатимиз, ёшларда шайтоний ҳирс, нафс кучли бўлади.

Фарзанд кўриш истаги бор. Уларни оилалик қилиб қўй-масак, гуноҳга қадам қўйишса, ҳаммамиз айбдор ва гуноҳкор бўлиб, таълим-тарбиясига эътибор бермаганимиз боис Аллоҳ таолонинг олдида юзимиз шувут бўлади. Ҳамманинг шодлиги, бизнинг шодлигимиз, қайғуси қайғумиздир, – деди яна бир отахон.

– Қиз ҳам, бева ҳам овулингдан чикмасин, деган гап жуда тўғри. Иложи борича шаҳримизнинг қизларини шаҳримиздаги муносиб йигитларга узатиб, оилалик қилишимиз лозим, – деди яна бошқа биров. Ўн-ўн беш дақиқалик мунозарадан сўнг бир қарорга келишди, натижасини домлага айтишларини билдириб, ичларида энг кексалари, соқоллари қордек оппоқ Муҳаммаджон бувага дуо қилдиришди. Унинг:

– Илоҳо, ёшларимиз бахтли бўлишсин, домламиз айтган қизимизга ҳам муносиб куёв топилиб, қўша қарисин. Мана шундай хайрли ишларга бош-қош бўлганларни Аллоҳ таоло азиз қилсин, – деб юзларига фотиҳа тортишди.

Орадан ўн беш кунча ўтиб, қизнинг тўйи бўлди. Тўйга ким гўшт, кимдир гуруч, сабзи, ёғ берди. Кекса онахонлар сарпо-сеп учун газмоллару қўйлақларни тортиқ қилишди. Яна кимлардир тайёр кийим-кечаклар билан ёрдам қилиб, муштипар қизни узатиб юборишди. Тўйга маҳалла раиси ва масжид домласи бош-қош, отахонлар саркор бўлиб, ихчамгина қилиб ўтказишди. Бахтини кутиб ётган қиз мана шу ҳамжиҳат отахонлар сабабли оилали бўлди.

### НАФС ҚУЛИ

«Шаҳар аҳлининг фахрланса арзийдиган зиёлилари қатори нафс қулига айланганлари ҳам афсуски анчамунча бор», деб ўйлаб турган пайт эшик тарақлаб очилиб, сочлари тўзиган, алламбало ҳолда Роза кириб кел-



ди. Роза деганлари туну кун кўп ичкилик ичаверганидан нурсиз, кўзлари қизарган, алвастиникига ўхшаган юзи бўёқ суркалавериб бужмайиб кетган бир аёл. Ёшлигида фоҳишаликда ном чиқарган, қирққа етмасдан тузалмас касалга чалиниб, бор ҳуснидан айрилган. Уйида фоҳишахона очиб, аёлларни маст-аласт эркакларга қўшар, хотинбозларни алдаб, кўнглини овлаб, чўнтагини шилар, пул учун иймонини сотадиган, маккора аёл. Аёл бўлсаям эркакшода аёл. Майхўрликда эркаклардан қолишмайдиган бу бадбахт кириб, Абдурашиднинг ширин хаёлларини бузди.

Роза шу уйнинг эгаси. У ўта кўпол, кўрс, раҳмсиз, ҳўппа семиз, юзини бир неча хунук хол босган, алвастига ўхшаш расво хотин. Розанинг холларидан жун ўсиб чиққан, кекса момоларда онда-сонда учрайдиган лабидаги сезиларли мўйлов ҳам унинг туркини янада хунуклаштириб юборган турки совук аёл. Унча-мунча эркакларни ўтказиб-турғазадиган, жанжалкашлиги, юзсизлиги ва ҳаёсизлиги билан номи чиққан, эркакча сўкишни хотинча қарғашдан оширадиган Роза нимагадир мени ҳурмат қилиб дардларини айтар, суҳбат асносида отамдан чўчиши сабабидан ёмонлик қилмаслигини ҳам қистириб ўтарди. Гиёҳванд бўлсам-да, отам давлат идорасида катта мансабда ишлашини, сўзи кўп жойга ўтиши, қўли узатган жойга етишини аёл яхши билди. Дадамнинг таниш-билишлари кўплиги-ю шаҳарда ҳурмати баландлигидан, ҳатто милиционерлар ҳам унинг сўзига қулоқ солиши, баъзи ўғрилар ҳам ўйлаб гаплашишидан огоҳ эди. Шу сабабли Роза менга бирор шикаст етказиб қўйса, отам йўқ қилиб юборишидан кўрқиб, ширин муомала қилишга мажбур. Отамнинг гапини бошқалар қулоқ қокмай бажаришса ҳам, мен нондонга таъсир қилмас эди.

– Абдурашиддон яхши дам олдингизми, кушларимиз кўнглингизни овлай билдимиз? – деди кўлини кўксига кўйиб, ёқимсиз тиржайиб, тил ёғмалик қилиб тепамда турган Роза. Унга қарасам, кўзимга ифлос шайтон кўринади. У бошлаб келган қизларнинг турқиға ҳам қарамагандим. Ҳозир эса қайфиятим йўқ, уйқумда ҳаловат йўқ, турли тушлар тинчлик бермагани сабаб, уни итариб юбориб яхшилаб сўқдим. У мен қабиларнинг сўқиш ва таҳқирларига чидашга мажбур, чунки биз унинг соғадиган сигирлари, боқадиган ҳомийларимиз. Шу сабабдан ғинг демайди. Агар мавқеи Розадан пастрок биронта сўқиб кўрсинчи нақд онасини кўрсатади.

– Кушларингга кўшилиб кўшмозор бўл, олдимдан қоч, – деб кўксидан итариб ташқарига гандирақлаб чиқдим. Розанинг бузуқ қизлари нима, ҳайвон нима? Нафс-ни қондирадиган шайтон махлуқлар, иффати, миллати, мусулмончилик шаънини булғаган, оналик ғурурини, қадрини оёқости қиладиган, туфлаб ташланадиган сакич. Инсон ҳаёси ва иффати билан одам. Агар унинг ҳаё ва иффати бўлмаса, одам дейиш мумкинми? Ҳаё нақадар улуғ неъмат. Одам ҳаёсини йўқотса, ота боладан, қиз ота-онасидан, кўшни кўшнидан, одамлар бир-биридан уялмай кўйса-чи? Дунёнинг низоми, тартиби издан чиқади. Бизлар дори истемол қилганимиздан сўнг ҳаё, ибони мутлақ эсимиздан чиқарамиз. Нафсимизни қондириш учун нималар қилмаймиз. Бу эркак, бу аёл деган гаплар эсдан чиқиб кетади.

Розанинг ўзида ҳам, кўлида малайдек хизмат қиладиган қизларида ҳам ҳаёдан асар йўқ. Миллати, насаби тайинсиз баъзи аёллар ҳайвон билан ҳам ётишга тайёр. Дори қабул қиладиганларини аҳволотини гапирмаса ҳам бўлаверади. Эсиз уларга аёл деган ном, эсиз оналик ғурури. Уларга барибир, туни билан ичиб, нима қилга-

нини билишмайди-да, эрталаб ўзига келгач яна ҳеч нарса кўрмагандай, юзларини оқартириб, лабларини бўяб, қимматбаҳо атирларни сепиб, маданиятли инсонмиз деб юришаверади. Кўчада сал эскироқ кийим кийган, бошида рўмол, дўппи, узун кўйлак кийган кишлоқдан келганларни кўрсалар, «кишлоки, маданиятсиз», деб устларидан кулиб ҳам қўйишади. Улар қўйнинг устидан кулган эчкига ўхшайдилар. Шўролар пок, муниса хотин-қизларни мана шу йўллар орқали бузиб, юртимиз халқини устидан ҳукмдорлигини янада ошириш каби қабих режаларини амалга оширадди.

Тез-тез борадиган жойим Розанинг шаҳар четидаги ҳозирги кўримсиз бир маҳаллада жойлашган ҳовлиси. Бу маҳалла пастқам-пастқам, шаҳарга бошқа жойлардан келган одамларнинг ўзбошимчалик билан режасиз қуриб олган барак уйларидан ташкил топган. Бу уйлардан бири гиёҳвандлар тўпланадиган жой.

Роза ҳам шундай ҳовлиларлардан бирини ўзиники қилиб олган. Аслида, бу ҳовли-жой ҳам уни фоҳишалик йўлларига бошлаб, бола-чақа кўрмай хор бўлиб, ўлиб кетган устозидан мерос бўлиб қолган. Ҳовлига кириш дарвозаси кичик, тахталарга кийшиқ-мийшиқ қилиб тунука қоқилган, занглаб кетган дарвоза, ҳовлининг деворлари баррикада қурилганга ўхшаш учли қилинган тахталардан қатор қилиб қоқилган. Унинг ҳам ярми қийшайиб турибди. Бир-иккита хода ёғоч йиқилмасин деб тираб қўйилган. Ёғоч девор атрофида наъматак экилган. Вақтида қирқилмагани учун, ажинанинг сочига ўхшаб ётибди. Наъматаклар кўшимча девор вазифасини бажаради. Ундан ошиб ўтиб ҳам бўлмайди. Бу тиканаклар ҳовлини янада хунуқлаштириб юборган. Каталақдек ҳовли. Ҳовли уч хонадан иборат. Ҳовлининг бурчагида кичкина ёғоч ҳожатхона сасиб ётибди. Ҳовлига киришда чап томонда кичкина уйча бор.

Бу уйча Розанинг хос хонаси. У шу уйчада ётиб-туради. Топганини шу хонада сақлайди. Хонада битта сим кароват бўлиб, унга яхшигина кўрпа-тўшаклар солинган, кароват остида кичкинагина темир сандиқча, унда топган пул ва бошқа қимматроқ нарсаларини қўяди. Деворда катта ярими синиқ кўзгу, унинг ёнида қийшиқроқ бўлсада кийимлар иладиган жавон, кароват ёнида кичкина курси турибди. Қисқаси Роза ўзи учун сал бўлсада шароит яратиб қўйган. Хонанинг эшиги темирдан, деразага симли панжара қилинган. Гоҳо жанжаллар тўхтамай қолса, қочиб шу хонага кириб бекиниб олади. Жанжаллар сал босилгач чиқиб, жанжалнинг сабабларини аниқлайди, вақти келгач жазолайди. Еткизилган зарарни ундиради. Ҳовлининг тўрида учта хонадан иборат уй бўлиб, киришда оёқ ечадиган ромли, эшиги йўқ кичик айвонча, ўнг ва чап томонда иккита қийшиқ ром, уйнинг икки хонаси икки томондалигини билдириб туради. Уларнинг ойналари ювилмаганидан сарғайиб, синиб, қоғозлар билан ямалаверганидан минг ёмоқ. Кираверишда ўнг қўлда опхона, чап томонда ювиниш хонаси. Унда кичкина эски ванна бўлиб, эшиги кичкина, тутқичларига резинка боғланган, у ҳам ювилмаганидан занги чиқиб ётибди. Ваннанинг жумраги бузилган, оғзидан доимо сув оқиб туради. Жўмракдан сув оқмасин деб, очкичига латта боғлаб қўйилган. Хоналарда тешилган трубаларга ёғоч михлар қоқилган, ўртада кичик каридор, ўнг ва чап томонда биттадан хоналар бор. Хоналарнинг иккитаси кичкина, биттаси тўрда сал каттароқ мана шу хонада зиёфатлар уюштирилади. Хонада чироқ бўлмаса зимистоннинг ўзи, сигарет, ароқ ва нашанинг ҳиди хонани босиб кетганидан кўнгил айнайди. Бир йил шамоллатсанг ҳам ҳиди кетмайди. Бақирсанг овозинг чиқмайди. Хира чироқлар уйни янада хунуқлаштириб юборган. Бойўғлининг ов масканига ўхшайди.

Тўғри-да, Розанинг ўғил-кизи бўлмаса, топганини еб-ичиб, энг зўр кийимларни кияди. Бир куни устози каби хор бўлиб қаердадир ўлиб қолишини олдиндан билади. Шу сабаб унга қаср нимага керак? Топганини совуради. Совурганда ҳам ҳаром ишларга совуради. Унда орзу ҳавас, ўғил уйлантирай, қиз чиқариб набира кўрай деган ўй-хаёлнинг ўзи йўқ. Аслида бундай дейишнинг ўзи нотўғри. Ҳамма инсоннинг орзу ҳаваси бор. У бўлса Аллоҳ берган ёшлик, куч-қувват, имкониятларни маишат, бузукликка сарфлади. Ёшлик, гўзаллик, келишган қомати абадийдек туюлганди. Ҳуснига керилиб, кеккайиб юрарди. Унча-мунча аёлларни менсимасди. Афсуски, ёшлиги ўтди, орзулари барҳам топди. Авваллари эркаклар суқланиб қарар, келишган қомати, гўзал ҳуснига ҳавас қилишарди. Бир касаллик сабаб, қирққа кирмай қирқилди. Озгина нарса еса ҳам семириб кетадиган, нафаси бўғиладиган бўлди. Хипча беллар, нозик оёқлар йўғонлашди, боши хумдай бўлди, юзида хунук холлар пайдо бўлди, чиройидан ажради. Аввал ҳавас билан суқланиб қараганлар, бугун жирканиб қарайди. «Қари алвасти», деб жержиб ташлайдиганлар қанча! Энди чеккан афсусу надоматидан нима фойда? Бошига тушадиган оғир мусибатларни ҳис қилиб, куни келиб гуноҳлари хароб қилишини, чексиз азобларга учрашини кутиб яшайди. Лекин кўнглига иймон ўрнашса, астойдил тавба қилиб йиғласа, надомат чекиб кўз ёшлар тўкса, ажабмас Парвардигор гуноҳларини кечириб, афв қилса!

Роза билан Сотим ака орқали танишганман. Бу уйда кўп гиёҳванд ошналар орттирганман. Улар билан тез-тез йиғилишиб, гуноҳ ботқоғига ботдик. Шу ерда дори истеъмол қилишга қаттиқ ўргандик. Дорифурушлар Роза орқали гиёҳвандларга наркотик модда, наша, героин етказиб беради. Ўртада тургани учун у уч-тўрт сўм фойда кўради.

Хаёллар оғушида Розаникидан чиққан Абдурашид чоғроқ майдонча олдидаги дарахтлардан бирига суяниб, соясида ўзига келгунча ўтирди. Кун секин-аста қиздириб борарди. Ҳаво қиздиргани сари юраги сикилиб, кўнгли беҳузур бўла бошлади. Қулоғига на кушларнинг сайраши ва на бировнинг гапи ёқарди. Розанинг тақдири, ўтган ҳаётига асло қизиқмаган бўлса-да, нима бўлди-ю бугун у тўғрида яна ва яна ўйга чўмди.

Розанинг жирканч ишларидан кўплар хабардор бўлса-да, унга тегишмасди. Гоҳо кўлга тушар, нимагадир яна чиқариб юбораверишарди. Розанинг файзсиз уйида нима ишлар бўлмади дейсиз? Қанча алданган қизлар зўрланиб, шу ерда номусини йўқотди. Алқо-мат йигитлар мажруҳ гиёҳвандга айлантирилди. Баъзи бой, мансабдорлар тузоққа туширилиб, пули шилинди. Бу ишлардан орган ходимлари ҳам хабардор, аммо улар ҳам Розанинг ишларидан манфаатдор эди. Бу аёл орқасидан жарақ-жарақ пул қилишарди. Бўлмаса, бир лаҳзада йўқ қилиб ташлаш улар учун ҳеч нарса эмасди. Роза турли жойларга хизмат қилиб, ўз хавфсизлигини ҳимоялаб туради. Айтганларини қилмаса, тамом, уни ҳимоя қиладиган кими бор? Оғаси ёки тоғаси министрликда ишлармидики, ҳимоя қилса, ўзини-ўзи хор қилиб бўлса-да шу йўлни танлаган. Бу фоҳишанинг ортидан пул қилганлар Розани ҳам на-сибасиз қолдирмайдилар. Аммо, ҳаром пул барибир ҳаром экан, беш-олти йилдан буён воситачилик билан шуғулланса-да, сира косаси оқармайди. Энди у ўзига ўхшаган қизлардан янги-янги ўринбосарлар тайёрлаб, учирма қилиб юбораяпти.

Бир кеча Роза кимдандир қаттиқ сўкиш эшитган экан, аламдан ичиб маст бўлиб қолди. Оғзига келганини алжираб, менга дардини айтиб, ичини ёрди:

– Абдурашид, сен мени фоҳиша бўлиб туғилган бўлса керак, деб ўйлайсан, шундайми? – деди пишил-лаб ерга қараганча.

– Йўк, нега энди! – дедим кўнглини қолдирмаслик учун.

– Ҳамма мени шундай деб ўйлайди. Аслида мен узоқ бир қишлоқда туғилганман. Оиланинг кенжатоё эрка қизи эдим. Ота-онам еру кўкка ишонмасди. Оғ-зимдан чиққанини, айтганларимни мухайё қилишарди. Жуда тантиқ, айтганимни қилдирадиган инжиқ қиз бў-либ ўсдим. Исмин аслида Рўзигул, бу ерда ҳамма қис-картириб Роза дейдиган бўлиб кетди.

Ўнинчи синфда ўқиб юрган кезларим қишлоққа шаҳардан пахта тергани талабалар келишди. Улардан Қаҳрамон исмли бир йигит билан танишиб қолдим. Та-лабалар кўшнимизнинг уйида туришарди. Йигит билан бир-икки марта гаплашдик. У мени ширин сўзлари ва турли аскиялари билан ўзига ром қилди. Уни севиб қол-дим, кечалари уйқумни ўғирлаб, хаёлимни банд қилди. Уни кўргим келаверар, овозини эшитиб қолармиканман деб кечалари ҳовлимизни айланардим. Пахта тергани кетаётганда учратиб қолсам, ўзимни йўқотиб, сўз то-полмай қолардим. Бир куни қишлоқдан узоқроқ жой-даги пахта даласида учрашиб қолдик. Аслида, у менинг ортимдан ёлғиз қолишимни пойлаб юрган экан. Озгина гаплашдик, кечаси учрашувга чиқишимни илтимос қил-ди. Тезроқ кеч бўлишини интиқлик билан кутдим. Ол-тин топган одамдек ўзимда йўқ хурсанд эдим. Нималар-нидир хиргойи қиламан. Ниҳоят кеч кирди. Кечқурун ҳеч кимга сездирмай у айтган жойга чиқдим. Юрагим тинмай дук-дук урар, ёшлик эҳтироси, шайтоний ҳирс мени у айтган жойга судрарди. Ҳинд киноларида йигит ва қизнинг жўшқин муҳаббатларини кўп кўрганман.

Ўшалардек муҳаббатга эришишни, ўша хинд кизларига ўхшашни истардим. У билан учрашдик. Озгина сайр қилдик. Қизик-қизик гаплардан гапира туриб кўлимни ушлади, юрагим кинидан чиқай деди. У секин қулоғимга «Мен сени севаман», деди. Унинг иссиқ нафаси ўзлимни унуттирди. Секин кучоғига тортди....

У билан пахтадан кетгунча бирга юрдим. Пахта те-ришига кўмаклашдим. Қишлоқ қизлари менга ҳавас қилишсин деб, кўлтиклашиб юрардик. Қизлар эса «ўл-е уят-сиз, шарманда...», деб масхаралар, маломат қилишарди. Бошқа қизлар ота-оналаридан кўп насихат эшитганлари, бегона йигитларни номаҳрам деб билишгани боис бундай йўл тутишмас, ўз ифбатларини сақлашар экан. Мен бўлса уларни қолоқликда айблабман. Ота-онам мени бе-каму кўст ўссин, кўнгли ранжимасин деб кўп нарса харид килиб беришибди-ю, аммо асосий вазифаларимни ўргатишмаган экан. Тўғри йўл кўрсатмаганлари, ифбат, одоб-ахлоқ, ҳаё деган нарсаларни тушунтирмаганлари учун мендай ғўр, шаддод ва ҳаёсиз киз адашдим.

Шу тариқа шаҳарлик йигит билан, исми ҳам жисмига мос Қаҳрамон билан ҳар кеча учрашувга чиқиб юрдим. У менга уйланишини айтиб, тоғдек ваъдаларни берди. Аммо, ота-онам бу ишимни билса, ўлдиришларини унга айтдим. Йигит бўлса, муҳаббат йўлида ҳар нарсага тайёр бўлишим, керак бўлса, ота-онадан ҳам кечишимни айтиб, авради. Шаҳарда алоҳида квартираси борлигини, у ерда бирга яшашимизни, ҳеч қандай муаммо бўлмаслигини тинмай қулоғимга қуярди. «Кейинчалик ота-онамизни ҳам рози қилиш йўлларини топамиз, ташвиш қилма!» деган сўзларига чиппа-чин ишонибман. «Биргаликда севгимиз йўлида ўзимизни қурбон қилиб бўлса-да, муҳаббатимизни асраймиз. Хинд фильмларини кўрганмисан, улар ўз севгиси деб



жонини ҳам қурбон қилишга шай бўлишади. Ота-она-сидан ҳам воз кечишади. Уларнинг ота-оналари фарзандларининг муҳаббатини тушунишади. Сен ва мен ҳам ўшалардек йўл тутишимиз ва қочишимиз керак», деб бошимни айлантириб, турли ваъдаларни берди.

Охирги пайтларда ҳар хил ҳинд фильмлари кино-театрларда кўйилаверганидан кўп қизларнинг аклини ва туйғуларини фильм воқеалари ром қилди. Қизларнинг фильм қаҳрамонларига тақлидан кўйлаклари тор ва калта бўлди. Ўз коматларини севганларига кўрсатиш, ҳатто баъзи кизлар севгилисининг қучоғида тунларни ўтказиш каби орзулар онгу шуурларини қамраб олганди. Ҳатто баъзи қизлар севги деб ўзига ўт қўйди, сувга ташлаб чўкиб ўлди. Севган йигити эса бошқага уйланиб ҳеч нарса бўлмагандек, жин ҳам урмай, тинч-хотиржам, отаси уйлантириб қўйган киз билан бахтли яшаб юрибди. Ўзига ўт қўйган қизлар итдек ўлим топди. Бориб-бориб уларни ҳеч ким эсламай қўйди.

Мен сароб севгига, йигитнинг ёлғон муҳаббатига ишониб, аҳмоқ бўлиб, айтганларига лаққа тушиб ўтирибман. Ота-онамга айтмасдан у билан шаҳарга қочиб кетдим. Ота-онам ялиниб-ёлворади, деб ўйлагандим. Афсуски, отам юзини ерга қаратганим, эл-юрт олдида шарманда қилганим учун оқ қилиб юборди. «Қишлоққа қадамини босса, оёғини уриб синдираман», дебди. Улар элу юрт ичида маломатдан бошини кўтаролмасдан қолишибди. Шаҳарда учрашиб қолган қишлоқдошларимдан эшитган бу сўзларим нафсига қул бўлган мен беномусга берилган катта ҳаёт зарбаси бўлди. Эшитганларим юракларимни тилка-пора қилди.

Қаҳрамонни эрим деб айтолмасдим, чунки ўртамизда никоҳ йўқ эди. Қариндошлардан бекиниб шаҳар чегидаги кўп қаватли уйларнинг бирида никоҳ йўқ, тўй

йўк бирга яшардик. Кўчага чиқсак, ҳамма «анави фоҳишага қаранглар», дегандек бўлаверарди. Шунда никоҳ нималигини, нимага тўй қилиш зарурлигини англадим. Никоҳнинг ортида оила шаъни, қизлик иффати ётар экан. Агар никоҳсиз қиз қочиб кетса, авлод-авлодини бадном қиларкан. Ёки бир хонадонда бир аёл ёки қиз пайдо бўлса, «Бу кимнинг қизи, нега бу хонадонда пайдо бўлди?» деган саволлар берилавериб, шу оилга нисбатан маҳалла аҳлининг нафрати уйғонар экан, ҳатто кичик-кичик болалари ҳам таҳқирланиб камситилишини шунда билдим. Ота-онага ҳам майли, аммо никоҳсиз туғилган болага қийин бўларкан. Туғилган бола гуноҳсиз. Ота-онаси гуноҳкор бўлсада, пешонасига валади зино тамғаси босилган бола қаерга борса, ота-онасининг гуноҳлари юзига солиनावерганидан, ота-она ва жамиятдан нафратланиб катта бўлгач, баъзилари ота-оналарини азоблаб, уриб-сўкар экан. Секин-аста хатоим ва гуноҳимни англаб борардим. Қийинчиликлар биринкетин қаршимдан эшик очиб келарди. Отасининг пули ва стипендияга кун кўрадиган, ўйин-кулги, маишатга мойил бу йигитнинг оилани тебратишга қурби етмасди. Муҳаббатимиз сароб бўлди. Ўртада уриш-жанжаллар бошланди. Энди эр деб ишонганим мени фоҳишаликда айблар, «Тарбия кўрган қиз бўлганингда отангникидан қочармидинг?» каби маломатларни бошимга тошдек ёғдирарди. Сочларимни силаб, эркалаб, «жоним» деб суюдиган ёрим бир куни маст бўлиб келиб, сочларимдан тортиб, судраб урди. Жанжал устига жанжал бошланди. У мени аёвсиз калтақларди. Кўзларим кўкариб, орзуларим чилпарчин бўлди. Дардимни кимга ҳам айтардим, чидашга мажбур эдим. Ўзим пиширган ошни ўзим ердим. Ҳимоя қиладиган қариндошларимнинг юзини шувут қилиб, юзтубан қилган шарманда эдим. Ўзимни

хорлаганимни, ҳаром ишларга қадам қўйгунча «сени севаман» деб, бор сирларимни очганимни сезиб турардим. Ёлғонни қалаштириб, икковимиз ҳам бир-биримизни алдаганимиз энди аён бўлиб қолган эди. Ҳаёни ўртадан кўтариб бўлганимни англадим.

– Бир-бирларингизни алдаганмидингизлар? – дедим Розанинг маъюс кўзларига боқиб.

– Ҳа, ёшлик курсин, тарбиясизлик ва тажрибасизлик курсин. Ўзимни бой-бадавлат кўрсатиш учун оиламизнинг энг ибратли оила экани, тоғам у ерда, оғам бу ердаги фалон ишларда ишлайди каби ёлғон сўзларни мактаниб гапиргандим. Учрашувга гоҳо у кўйлақда, гоҳо бу кўйлақда чиқиб, йигитнинг юрагига ўт ёқардим. Аслида опамнинг ва дугоналаримнинг кўйлақларини вақтинчага сўраб олардим. Уларнинг тақинчоқлари, ойимнинг тилло узук ва сирғаларини тақиб чиқардим. Қаҳрамон бу нарсаларни кўриб, мен орқали бойишни мўлжаллаган бўлса керак. У учрашганимиз сайин жуда кам гапирар, кўпроқ мени тинглар, мен аҳмоқ эса мактанишимни қўймасдим. Йигитнинг мақсади мен орқали, меҳнатсиз бировнинг қўлидаги бойликка эришиш бўлган бўлса, ажабмас.

– Кейин нима бўлди?

– Сирлар очилди. Ота-онамнинг сўраб-суриштириб келмаслиги натижасида ур-сурлар кундан-кунга кўпайиб бораверди. Бир-биримизни кўрсак, иблисни кўргандек бўлардик. Турмушимиз шу зайлда кўпга бормай адоий тамом бўлди. У мени ташлаб кетди. Доду фарёдларимга, йиғиларимга парво ҳам қилмади.

– Қандай ташлаб кетади? Ахир бу йигитнинг иши эмас-ку! Шунча ваъдалар берган бўлса, ўртада муҳаббат бўлса, қолаверса ота-онаси хабар топган бўлса, боласини уришиб-койиб, уйларига олиб кетса бўлмасдими? – дедим нимагадир Розага ачиниб.

– Уйига олиб кетиш! Ўз иффати, оридан умрбод қайтариб бўлмайдиган қизлигидан ажраган мендек бенаво қиз кимга ҳам керак? Аслида ташлаб кетишининг боиси – отаси каттароқ жойда ишлар экан. Ўғлининг ишидан хабар топгач, шарманда бўлишдан чўчиб, менадан воз кечишини қатъий туриб талаб қилибди. Ўғли ташлаб кетса шарманда қилишимни, ўқишидан айрилишини айтгач, отаси мен билан учрашгани ўғли билан бирга келди. Бир кун пешиндан кейин дўмимиз олдида оппоқ «Волга» келиб тўхтади. Мен нимагадир деразадан қараб тургандим. «Волга»дан эрим ким биландир тушиб келарди. Биласиз, «Волга» машинасини фақат нуфузли жойларда ишлайдиган, катта мансабдор ва бой одамлар минади. Машинадан бир киши, орқасидан эса эрим тушди. Уларни кўриб, нимагадир безовта бўлдим. Эрим унинг орқасидан эргашиб подъездга кирди. Эшик таққиллади. Секин эшикни очдим. Аввал машинадан биринчи тушган одам шахдам уйга кирди. Салом бердим. Саломимга алик ҳам олмади. Оёқ кийимини ҳам ечмади. Индамай ерга қараганча одоб билан кўрпача солиб, ўтиришга таклиф қилдим. У эримнинг отаси эди. У элликларга кирган баланд бўйли, устига қимматбаҳо пальто кийган, бошидаги қоп-қора шляпа, оқ кўйлагига тақилган галстути ва оёғидаги ялтираган туфлисидан катта мансабдор экани кўриниб турарди. Кейин билсам, эрим отасининг мансаб ва бойлигидан фойдаланиб, кўп қизларни расво қилган экан. Менга ўхшаган содда қизларни шу йўл билан тузоққа тушириб, кейин меъдасига теккач, ташлаб кетаркан. Қизларни авраш унинг учун чўт эмасди. Отаси ўғлини жазолаш ўрнига бечора қизларга сиёсат қилиб, кўрқитиб ҳайдар, ўғли отасига ишониб, яна янгисини топаверар, ота яна ҳимоя қилаверар экан. Аслида бу бузуқлик ишлар отадан ўғилга,

наследан ўтганди. Чунки отаси табиатан бузуқ бўлгани боис, бу ирсийёт фарзандига юкқан эди. Бу гал ҳам ота ўғлини тарафини олиб, унга қараб:

– Шуми? – деди. Эрим «ҳа» ишорасини қилди. Отаси билагимни қаттиқ қисиб, ғазаб билан кўзларимга тикилди. Ҳаётимда бундай қараш ва сиёсатни кўрмаганим учун кўркув ва уятдан тилимга бир калима сўз келмай қолди.

– Ҳўй, манжалақи, менга қара! Нега ўғлимни йўлдан урдинг? Пулим, ҳашаматли уйим, давлатим соясида роҳатда яшагинг келиб қолдимми? Билиб қўй, сендай фоҳиша, бузиқиларга ўғлимни бериб қўймайман, тушундингми? Обрўйингнинг борида, бирор пана жойда ўлиб кетмайин десанг, ўғлимни тинч қўй! – деди. Бу гаплардан юрак-бағрим тилкаланиб кетди. Йиғладим-сиктадим, ўғлининг алдаганини, мен эса уни севишимни айтдим.

– Менга кўз ёши қилма, сендақаларни яхши билман. Яхши қиз бўлганинда танимаган-билмаган бир эркакнинг орқасидан итга ўхшаб эргашиб келарминдинг. Яна огоҳлантираман, агар ўғлимни тинч қўймасанг, сени йўқ қилиб юбораман! Ўлдираман, ўлигингни ҳеч ким излаб ҳам тополмайди. Қолаверса, сендек бузуқи фоҳишани ким ҳам қидирарди? – деб ўғлини олдига солиб, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Мен ўкириб, йиғлаб, сочларимни юлиб, ўзим ва эримни лаънатлаганча, бўзлаб қолавердим. Қаҳрамон бошқа қайтиб келмади. Квартира ҳам бировники экан. Ижара пули тўланмагани учун уй эгаси қарзни тўлашни талаб қилиб келаверди. Охир-оқибат кўчага итдек ҳайдалдим. Уйсиз, бир тийинсиз кўчада қолдим. Санғийсанғий бир аёлга дуч келдим. У ҳам мен каби хорланган фоҳиша бўлиб, кексайгач уйдан фоҳишахона очган экан. Мен ожиза гуноҳқорни қанотига олди.

– Сиз шу ишга рози бўлдингизми?

– Аввал ҳаммаси ўтиб кетар, дедим. Чунки мендеклар бу ишлар вақтинчалик ўтиб кетади, кейинчалик яхши бўлади деб ўйлайди. Бу ишлар кўзига арзимас нарсадек кўринади. Маъсият ботқоғи эса кундан кун бағрига тортиб кетаверади. Мен ҳам бу иш билан вақтинча шуғилланаману кейин ташлаб юбораман деб хом хом хаёлга боргандим. Қолаверса, рози бўлмасдан нима ҳам қилардим? Қаерга ҳам борардим, менга кимнинг кўзи учиб турган эдики, олдига ёрдам сўраб борсам? Орсииз, ҳаёсиз, эркатой қиз кимга ҳам керак? Менга ёрдам қўлини чўзган, фоҳишалик йўлини кўрсатган устозим мана шу шаҳарга ўзи билан олиб келди ва жирканч ҳаётга ўрғатди. Устозим мени кимларга сотмади, кимларга қўшмади? Қанча одамларнинг кўнглини овламадим? Менинг ҳаётим тамоман издан чиққан эди. Киноларда кўрган орзуларим сароб бўлди. Кинолардаги бир-бирига суйкалиб ликкилаётган қизларни кўрсам, нафратим аланга олади. Ахир, ўша фильмлардаги воқеаларга ишониб, ўзимнинг ноқлигим, ифқатим ва номусимни оёқ ости қилдим, разиллик ботқоғига ботиб, қанча гуноҳлар қилдим! Мен сабабли қанча содда қизлар ота-оналарининг юзларига оёқ босишди. Уйдан қочган, ўзини осганлар қанча? Ахир ота-оналар қизини кимга узатаётганларини яхши билишади. Мана, ўзим ҳам таг-тугини суриштирмай қочиб кетишим оқибатида, турли балоларга гирифтор бўлдим. Бу билан ҳақиқий, чин қалбдан севишганларни балки айблай олмасман. Нима бўлганда ҳам бегона эркакка бор сирингни очишинг, ҳирс ва лаззатни ўйлаб, уни кучоғига ўзингни отишинг бир кун бошингга бало бўлар экан! – деди.

– Киноларни миллионлаб қизлар кўришади, ахир улар сиз каби фоҳиша бўлишаётгани йўқку! Кинони айблашингиз яхшими? – дедим.

– Тўғри! Аммо кинодаги воқеаларга бор вужудим билан ишониб, ўшаларга ўхшашни хоҳлаганман, бу менинг катто хатоим эди, – деди йиғлаб.

– Балки ота-оналаримизнинг ҳам айби бордир! – дедим чуқур уҳ тортиб.

– Аслида менинг бу балоларга гирифтор бўлишимда отамнинг ҳам айби бор бўлса керак? Отам қишлоқдаги катта дўконда сотувчи эди. Машиналаб вино-ароқ сотарди. Тарозидан урмаса туролмасди. Одамлардан қарз олса, уларни оворайи сарсон қилар, гоҳо қарзларини бермай, тониб ҳам кетарди. Қарзини ундуrolмасдан иложсиз қолганлар: «ёмонлигинг болаларингта урсин, Худодан қайтсин!» деб отамни қарғарди.

– Одамларнинг қарғиши ураркан-да! – дедим унинг гапларига астойдил берилиб.

– Урганда ҳам ёмон ураркан. Отам кексайганда йиқилиб, оёғи синди. Тузалиб олти ойлар юргач, яна йиқилиб, бел ва сони синиб, шу дард билан минг азобда бу дунёдан ўтди. Жанозасига бориш, охирги манзилга кузатиш менга насиб қилмади. Бора олмадим, боролмайман ҳам. Боришга юзим чидамайди... Отамнинг ҳаром ишлари менга ҳам урди. Одамларнинг «Фарзандларингдан қайтсин» деган қарғишлари мен орқали оилам ва отамга қаттиқ зарба бўлди, деб йиғлаб юборган Роза яна бир оз бироз сукут сақлагач бошини чангаллаб ўтирди, чуқур «уфф» тортди, пиёлага тўлдириб ароқ қуйиб, уни симиrди ва яна гап бошлади:

– Устозимдан турли ҳийлаларни ўргандим. Эҳ-ҳе, қанча одамларга макр ишлатиб, пулларини шилдик. Бир неча оилаларни буздик. Болаларнинг етим бўлиши, аёлларнинг бева бўлишига сабабчи бўлдик. Гоҳо устозим билан дардлашиб турардим. Унинг дарди меникидан баттар эди. У ўлгач, уйи, мол-мулки менга мерос қолди.

Кейинчалик ҳусним ҳам кетиб, ҳеч ким қарамай қўй-гач, устозимнинг йўлини тутдим, қўшмачиликни касб қилдим. Аммо қишлоғим, муштипар онамнинг олдига боролмайман. Сабаби, ота-онасига оқ бўлган, ака-ука, қариндошлари юз ўтирган, кўрганда ғазаби қайнайди-ган қишлоқдошларим олдига қайси юз билан бораман? У ерга боришдан кўрқаман. Қишлоғимизнинг ориятли одамлари кўплашиб, қишлоқнинг шаъни, ор-номуси деб, мени ўлдириб қўйишади, – кўрқаман.

Лекин ёлғизлик, хорланишлар, ҳақоратлар мендек нафснинг қулига айланган жувонни ҳам тез-тез хаёл сурадиган, кечалари юм-юм йиғлайдиган қилди. Кечирилмас гуноҳларимдан энг мудҳиши қишлоқдан шаҳарга иш излаб келиб, шаҳардаги фабрикалардан бирига ишга жойлашган содда бир қиз билан танишиб қолишим бўлди. Унга бор маккорлигимни ишлатиб: «Қизим, қаерликсан, бизнинг шаҳарда нима қилиб юрибсан?» деб ўзимни ниҳоятда ширинсўз, меҳрибон қилиб кўрсатдим, сўнг ҳийла тузоғига илинтирдим. Уйимга меҳмонга олиб келиб, ўзимга оғдириб олдим. Бир кеча лимонадига банг солиб ичириб, маст қилдим ва катта пул эвазига эски танишларимдан бирига қўшдим.

Эрталаб ўзининг шармандали аҳволини кўрган қиз бечора йиғлади, сиқтади, ёлворди, қарғади. Аммо унинг кўз ёшлари, йиғилари кўнглимни заррача юмшатмади. Уйимга қамаб, бир неча бор одамларга қўшиб, мўмайгина пул ишладим. Кўп қизлар қўлимга тушиб шарманда бўлгач, тақдирга тан бериб, айтганларимни бажаришга кўникиб кетишади. Аммо бу қиз жуда ўжар, қайсар ва ориятли чиқиб қолди. Тинмасдан мени қарғар, Худого нола қилиб: «Йлоҳо, мени алдаб шу қўйларга солган Розани икки дунёда хор қил, дўзахда илонларга ем қил, икки дунёда шарманда қил», деб тинмай дод со-



лар, дуоибад қиларди. Мен эса уни сочларидан тортиб, юлиб, уриб – хорлардим. Аммо қарғишларидан тўхтата олмадим. Орадан уч-тўрт ойлар ўтгач, уни шармандали ҳолатдаги суратларини кўрсатиб: «Агар бирон кишига оғзингдан гулласанг, ота-онангга суратингни юбориб, қишлоғингга тарқатаман, одамлар ичида шарманда қиламан», деб қўйиб юбордим. У бошини қимирлатиб, нималарнидир ничирлаб, кетди. Кейин суриштирсам, мен топган одамларнинг қайси биридандир ҳомиладор бўлган экан. Шу сабаб ўзини осиб қўйибди. Қиз ҳам ўлди, ичида боласи ҳам ўлди. Мен икки инсоннинг қотилига айландим, – деди Роза чуқур ух тортиб, хўрсиниб.

– Қорнидаги бола кимдан экан? – дедим унинг ҳикоясидан таъсирланиб.

– Кимданлигини қаердан биламан? Буни фақат Худо билади.

– Тушунмадим!

– У билан алоқа қилганларнинг аксари пулдор танишларим эди. Пули кўп, нима қилишни билмай нуқул маишатга сарфлашади. Ўша аёлнинг қорнида нобуд бўлган норасида у билан бирга ётиб, ҳирсини қондирган қайсидир зинокорнинг боласи-да! Аммо ўша зинокор боласи бўлганини билмайди ҳам. Ахир ўша ўлган ёки отасиз туғилган бола ҳам кимнингдир боласими?! Унинг тарбиясига, илм олишига кимдир масъул бўлиши керакми?! Беникоҳ, бекиниб қилинган шахват сабабли қорнидан боласини олдирган, ўлган болаларнинг гуноҳи учун ўша зинокорлар ҳам Худонинг олдида жавоб берадими?

– Ҳа, албатта жавоб беради, – дедим бушашиб.

– Ахир дунёга келган болалар киёматда даъво қиладими?

– Шунча нарсани қаердан биласиз? Гуноҳлигига ақлингиз етаркан, нимага бу иш билан шуғуланасиз? – дедим ажабланишимни яшира олмай.

– Э, укагинам! Бу бошимдан нималар ўтмади, кимларни кўрмадим? Охирги пайтда китоб ҳам ўқийдиган бўлиб қолдим, мана шунақа гаплар...

– Сиз-а-а, китобхон бўлдим денг! – дедим гапларидан кулиб. Бир умр фоҳиша бўлган маккора аёлнинг гаплари қулоғимга ғалати эшитилди. – Ўғри қариса сўфи....., дейилган мақол сизга ўхшаганларга айтилган экан-да. Ҳайнаҳой, бу ишларингизни бас қиларсиз, энди?

– Қайда, ўрганган кўнгил ўрганса қўймас экан. Бу менинг тирикчилигимга айланган, бу – балои нафсимнинг истаги. Шу сабабли нафсим ва шайтоннинг вас-васаларига учаман. Уларга асирман, чиқиб кетишимга кўзим етмайди. Қарғиш ва дуоибадлар бугун бўлмаса, эртага тегишини ич-ичдан ҳис қилаяпман. Сенга ўхшаган бангиларнинг, баъзи бойларнинг таҳқирлаб-камситишлари, устимдан кулишлари, ҳақоратлари безбетлигимни ошириб бораверади.

– Опа, маст бўлгандан кейин оғзимизга нима келса валдираймиз-да. Уйдаги хотинимизни танимай сўкиб, урамиз-ку, сиз ким бўлибсиз? – дедим Роза опани юпатиш учун.

– Хотинингга сўкишларинг таъсир қилмайди. Чунки у ўзингники, ўргилиб-суйсанг ҳам, уриб-калтакласанг ҳам жуфти ҳалолнинг, билинмайди. Бегоналарнинг камситиши, ҳақоратлаб, уриб-сўкишлари юрак-бағрингни тилка-пора қилади. Буни сен қаердан ҳам билардинг?

– Кечирасиз, сизнинг дардларингизни тинглаб, кайфим ҳам учиб кетди. Аммо сизни шарманда қилган йигитнинг аҳволи нима бўлди, шундан хабарингиз борми? – дедим кизиқиб.

– У-ми?... Менга ўхшаган яна бир неча қизларни расво қилибди. Ўрганган кўнгли яна шундай ишларга ундайверибди. Охир-оқибат бир қиз уни пичоқлаб қўйибди. Ҳам-

ма ҳам индамай кетаверади, қизларнинг номусини булғасам, бу заифаларнинг қўлидан нима ҳам келарди, деб ўйлаган-да! Аслида мен ундан қасос олишни, оиласини бузиб, шарманда қилишни ният қилиб юрардим. Мендан-да эзилиб, номуси топталган мард бир қиз уни ўлдириб қўйибди. Мана шунақа, Абдурашид, ичимдаги дард-аламларим мени адойи тамом қияпти – деб Роза ўрнидан зўрға турди, гандираклаганча хонасига кириб кетди.

Уни Худонинг кўринмас қиличи секин-аста киймаларди. Кўчада кийинишлари, юришларини кўрган баъзилар энг бахтиёр ва ғамсиз аёл шу бўлса керак, деб ўйлайди. Аммо, у ўзини энг бахтсиз, жирканч аёл деб ҳисоблайди. Ёши ўтиб, кексайгани сари Аллоҳ таолонинг қаҳрига учраши, ҳисоб-китобнинг яқинлигини ўйлаб, кўрқувга тушади. Ота-онаси, ака-укаларини, яқинлари, туғилиб-ўсган қишлоғини, ўйнаб ўсган далаларини, дугоналарини соғинади. Унинг шармандагарчиликлари туғилиб-ўсган қишлоғига боришига ғов бўлди. Бу ғов қачон олиб ташланади, ўзи ҳам билмайди. Отаси ўлди. Кекса, муштипар онаси дараксиз кетган кизининг дардида кўзлари кўрмайдиган бўлиб қолди. Отасининг дийдорига тўйиб, охириги манзилига кузата олмади. Чунки жанозада бу каби шарманда бўлганларнинг қатнашишига йўл йўқ! Меҳрибон, ғамхўр онасини кўролмаслиги дилини тинмай ўртарди. «Бу дунёда шунча шармандачиликка учрадим, охиратда бундан-да шарманда бўлсам, ҳолим не кечади?» деб ўйлайдию, охири «Нима бўлса, бўлар» деган таскинга боради. Лаънати шайтоннинг яна ва яна: «Охиратни ўйлаб нима қиласан! Ўлганлар қайтармиди, ўйнаб-кулиб қолсанг-чи!» деган сўзларига кириб, қайтадан гуноҳлар уммонига ботаверарди.

Мен билан сирлашгани боисми ўртамизда қандайдир иликлик пайдо бўлди. Одам гоҳо кимгадир дарду

аламларини сочиши керак-да! Дардларини айтмаса, дилини ёрмаса, адоий тамом бўлади. Шу сабаб баъзан дардларини, юрагини менга очиб қолади.

– Юрагимни тилка-пора қиладиган яна бир воқеа содир бўлди, – деб қолди яна бир куни: – Ўшанда ни-магадир ишим юрмай, пулдан қисилиб қолдим. Маж-бурлигимдан бир йиғинга идиш-товоқ ювишга ёлланиб бордим. Йиғиндаги катта хонада бир имом маъруза қиларди. Мен унинг маърузасини эшитиш учун дера-зага яқинроқ бордим. Имом: «Зино қилган кишининг жазоси боласи, қизи ёки бирор қариндошидан қайтади. Орадан ўттиз-қирқ йил ўтса ҳам зинокорга Аллоҳ таоло шу дунёнинг ўзидаёқ жазо беради. У қабрида ҳам турли азобларга учрайди. Охиратда шармандали ҳолатда бош кўтариб, халойиқ ичида хўрлаиб, жазоланади», деган сўзларини эшитдим. Ва ўзимга ўзим: «Наҳотки аждод-ларимдан биронтаси зинокор бўлса дейману, бирдан отамнинг қилмишлари яна кўз ўнгимдан ўтади. Наҳот отамнинг гуноҳлари мен орқали қайтаётган бўлса», деган ўй-хаёллар, қўрқинчли тушлар, кечалари қабрда азоблаётган фаришталарни кўриб, кўрқиб уйғонаман, анчагача титроғим босилмай ётаман. Ҳеч қандай гу-ноҳдан кўркмайман, деган одам ҳам барибир бир кун келиб, ёши ўтгани сари интиқом яқинлигидан кўрқиб қоларкан. Мен ҳам мана шу интиқомни ҳис қилиб, ички кўркув билан яшайман. Руҳим гуноҳларимдан безовта бўлаверади. Кўп пулдорларни ёки ёшлик эҳтирослари-ни жиловлай олмаган йигитларни кўраман. Уларнинг гулдай хотини, бола-чақаси бўлса ҳам, ўзлари фоҳиша-лар ортидан итдек югуришади. Ҳаром ишларга пул со-чишади, бир кечалик фоҳиша жазманини «жонимлаб», гуноҳ ботқоғига ботишади. Фоҳишада уят борми, сиз яхши биласиз! Пулингизни шилиб олиш учун бор ху-

нарини ишга солади. Ўзи билан алоқани истаган одамнинг кўнглини овлаб, чўнтагини куригади. Оила қурган хотин билан эрнинг ўртасида ибо ва ҳаёдан парда бўлади. Фоҳиша билан жазманнинг ҳаё пардаси йиртилади. У билан бирга бўлган кишига: «Ҳозир майлингни қондирган фоҳиша аёл билан бирга яша, хотин қилиб ол», десангиз асло кўнмайди. Сиз кўнасизми?

– Мутлақо кўнмайман! Буларингизни турки курсин. Бувамдан эшитганманки инсонни ҳамма вақт фаришталар ўраб турар экан. Биттаси гуноҳни, бири савобни ёзар экан. Ҳатто эру хотинлар ҳам қип ялонғоч ётмаслиги, уларни кузатиб турган фаришталардан уялиши керак экан. Сизнинг фоҳишаларингизда ҳаё нима қилсин. Ҳайвонга ўхшаш қип ялонғоч бўлиб, ҳамма жойингизни ялаб ташлайди. Чунки буларда ҳаё йўқ, шарм йўқ. Худодан кўркмайдиган жирканчли махлуқ – дедим кўкрагимга туфлаб.

– Ҳа, демак фоҳишалар одам эмас, буларга ишонч йўқ, улардан жирканасиз, шундайми? Жиркансангиз, нимага уларнинг ортидан юрасиз?

– Нафс, шайтон!

– Ҳа, ҳаммамиз шайтонни айблаймизу, аслида шайтон ҳам биздан жирканиб қочади. Бир йигит бўларди. Ўзи яхшигина жойда ишларди. Топиш-тутиши кам эмасди. Оиласи, шириндан-шакар учта боласи бор эди. Аёлларга ўчлиги уни хароб қилди. Касалликка учраган аёллардан бири билан қўшилиб, майлини қондиргач хотини билан бирга бўлибди. Натижа нима билан тугади денг? Иккаласи ҳам бедаво касалга учраб, шарманда бўлди. Оиласи бузилди, у йўлиққан касалликни даволаш қийин. Балки касалини даволаш мумкиндир. Шармандаликничи! Ўйлаб кўринг, болалари бирор ерда дўстлари билан ўтирса, уларга отасининг гуноҳларини гапириб устидан

кулишса, масхара қилишса ёки унга келин топиш учун совчиликка боришса-ю, оиласини айблаб рад жавобларини беришса, фарзандлар нима кўйга тушишини ўйлаб кўринг? Бир лаҳзалик роҳат деб ўзимизни келажагимиз, болаларимизнинг келажагини ҳам барбод қиламиз. Бунга ўзим мисолман. Менинг на келажагим, на орзу ҳавасим бор. Бирорта ақли солим инсон хурмат қилмайди. Авваллари ортимдан чопганлар бугун маломат тошларини отишади, – деди хўрсиниб.

– Ҳа, бошингиздан ўтганларни китоб қилиб ёзсангиз бўларкан! – дедим гапни ҳазилга буриб. Ҳазилимдан жаҳли чиққанини кўриб, чалғитмоқчи бўлдим: – Кечирасизу опа, фарзанд кўриш, қайта оила куриш дегандек ниятларингиз бордир? Ҳаётингизда ҳомиладор бўлганмисиз? – дедим. Бу саволимдан Розанинг бирданига ранги оқариб, ғазаби келиб, пешонасига бир уриб, хўнграб юборди. Саволимдан ўзим ҳам хижолат тортдим. Мен унинг ўтмишдаги энг катта гуноҳларини эслатиб, битмас қалб яраларини тирнаб кўйгандим. Ким бўлса ҳам аёл-да! Унга раҳмим келди.

– Ҳа, мен бадбахт аёл турли эркаклар билан зино қилганимда бир неча бор ҳомиладор бўлганман. Ўша пайт маишатни ҳамма нарсадан афзал билган мен нотапон, камида уч-тўртта болани олдириб ташлаганман, – деб пешонасига муштлади. Мен жим ҳолда унинг йиғидан тўхташини кутдим. Бироз ўзига келгач.

– Ҳеч ким ота-онадан гуноҳкор бўлиб туғилмас экан, гуноҳни банда ўзига ўзи сотиб оларкан, – деди яна бир оз сукут қилиб. Кейин бир нарсани эсламоқчи бўлгандай, боши оғриган киши каби бармоқлари билан бошини асабий уқалади: – Ҳаромдан туғилган болалар барибир ярамас, безори бўлади, деб ўйлардим. Қолаверса туғилажак болаларимнинг ҳаётим, маишатимга

тўсқинлик қилишидан, отасининг кимлигини билмай ўсиб, эртага қасоскор бўлиб етишишидан кўрқиб, ҳомилалигимдаёқ олдириб ташлайвердим. Ўзимга ўзим: «Худо мени ўлганимдан кейин нима қилса қилаверсин. Мен Ундан кўрқмайман ичаман, чекаман, кайф, маишат қиламан. Менга ташландиқ, ифлос болалар керакмас. Беш кунлик дунёда ўйнаб-кулишим керак», дердим. Натижада туғмас бўлдим. Биринчисини гўрлигим, тажрибасизлигим сабабли иссиқ ваннага тушиб буғлаб, ўлдириб туширдим. Қолганларини доктор орқали олдиридим. Қорнимдаги болаларимнинг қотилига айландим. Айниқса, олдирганларимдан биттаси катта бўлиб қолган, ўғил бола экан. У докторга бордим: «Олмайман, мумкин эмас», дейди, бу докторга борсам мумкинмас, дейди. Излаб-излаб, биттасини топдим. Вакзал томонда яшар, уйда аборт қилар экан. Айтган пулини беришга келишдим. Миллатини билмадим-ку, аммо чала ўрисча гапирарди! Операция куни келишилган пайтда уйига кечки пайтда бордим. Атроф зим-зиё, қоронғилик ютаман, дерди. Кўчалар тор, қоп-қоронғи, кўп ҳовлиларнинг деворлари тахтадан қилингани боис янада кўрқинчли кўринарди. Тахта девордан ёвуз махлуқ отилиб чиқадию, маконига тортиб кетиб, еб кўядигандек кўзимга хунук кўринар, қалбимга кўрқинч туширарди. Бунинг устига митти лайчалар тинмай хуриб, орқамдан эргашгани-эргашган. Ўзи зиғирдаккина-ю овози оламини бузаман, дейди. Бу каби лайчалар авваллари бўлмасди. Ўзга юртдан келганлар ўзларига қўшиб итларини ҳам етаклаб келишганди.

Бу маҳаллада ўзбекларнинг камлиги яққол кўзга ташланиб турарди. Менга берилган манзил бўйича бир эшик олдида тўхтадим. Атрофга ўғрилардек аланглаб, уйнинг кўнғироғини босгандим, бир ноганиш эркак

эшикни очди ва кимлигимни сўради. Отимни, келишим-нинг сабабини айтдим. Мени ичкарига таклиф қилди. Уйнинг ташқи томони вайронага ўхшарди. Ичкарига қадам қўйишим билан юрагим шиг этиб, эгим жунжикиб кетди. Бошлаб кирган киши мени ҳовлида, чирок ёниб турган уй олдида қолдириб, бироз кутишимни айтиб, ўзи уй ёнидаги йўлакдан орқага ўтиб кетди. У келгунча деразадан докторнинг уйига разм солиб, оғзим очилиб қолди. Уй ичини катта чироклар кундай ёритиб турарди. Уйга солинган эрон гиламлари, магнитофон, телевизор, кўркам жавонлар, юмшоқ мебеллар, турли чинни буюмларнинг ҳаммаси ярақлаб турарди. Иккита бола видеомагнитофон томоша қилиб ўтирарди. Видеомагнитофон унча-мунча одамда йўқлигини, фақат бойларда бўлишини яхши биласиз.

– Наҳотки, докторнинг шунча бойлиги бўлса? Уларни ойлик маошга кун кўради, деб ўйлардим! – дедим аёлнинг гапларидан ажабланиб.

– Мен ҳам шунақа деб ўйлардим, аммо унинг бойликларини кўргач эса... Ўша куни ҳомиламни олиб ташлаш учун анчагина пулимни олди. Нима деяётган эдим..., ҳа..., ичкарига кириб кетган одам бир оздан кейин қайтиб келди ва орқасидан юришимга ишора қилди. Унга эргашдим, йўлакчадан уйнинг орқа томонига ўтдик. Орқада кичкина ҳовлича бўлиб, ҳовли қоп-қоронғи эди. Тўрдаги хонанинг деразасидан ғира-шира ёруғлик тушиб турарди. Хоначага кирар эканман, ўзимни бўрининг қўлига тушаётган кўзичоқ каби ҳис қилдим. Гўё қассоб пичоғини қайраб мени бўғизламоқчию, умрим якун топадигандек талвасага тушдим. Ичкари эса ёп-ёруғ эди. Деразанинг оппоқ қалин пардаси ёруғликни ташқаридан тўсиб турган экан. Мени бошлаб бораётган одам даҳлиздан ўтиб, ичкаридаги хоналарнинг



бирига олиб кирди. У ерда қора кийим кийган икки эр-как турар, улариинг бири мен таниган шифокор бўлиб, иккинчисини танимадим. Оқ халатдан қон кетказиш қийин шекилли, шунга қора кийишган бўлса керак деб ўйладим! Буларни қора кийимда кўриб, баттароқ ваҳимага тушдим. Ўртада жарроҳлик столи, ёнида кичкина стол устида жарроҳлик асбоблари «ҳозир сени бурда-лаймиз», дегандек қатор турарди. Асбобларга кўзим тушгач, аъзойи баданим музлаб кетди.

– Уларнинг зўрлашидан кўркмадингизми? – дедим.

– Вой жиннивой-ей, қорним қапнайиб ўламан, деб турибману зўрлашардимми?! Қолаверса, менга кўзлари учиб турибдимми? – деди Роза гапимга кулиб. – Уларнинг дарди пул. Стол устига қатор қилиб териб қўйган асбоблардан кўркдим, холос. Ҳатто мол сўядиган қассоб ҳам пичоғини сўйиладиган молга кўрсатмайди. Кўркқанимни сезган доктор мени юпатиш учун: «Хоним, хавотир олманг, ҳаммаси яхши бўлади. Ўзингизни эркин тутинг», деди. Менга бир нечта укол қилишди. Оғриқни пасайтирадиган уколлар экан.

– Наркоз беришдимми?

– Энг ёмони, наркозсиз операция қилишди. Новакаиндан укол қилишди-ю, аммо у ҳам маълум вақтгагина оғриқни босиб турар экан, кучи кетгач тамом бўларкансан. Мени операция столига ётқизишди. Қўлимни икки ёнга қилиб, кўкрагим ва белимни маҳкам боғлаб, иш бошлашди. Аввалига унча оғриқ сезилмади. Озгина вақт ўтгач, додлашни бошладим. Ўрнимдан сакраб туриб, кетай десам, қўлим боғланган, оёқларимни кимирлата олмасдим. Улар худди молни бўғизлаётгандек бемалол гаплашиб-кулиб, ўз ишларини қилишарди. Ҳомиланинг бир парчасини кесиб олишдимми ёки бирор бошқа нарсани олиб ташлашдимми билмадим, оғриқдан

бор кучим билан «дод» дедим. Юрагим тўхтагандек ҳолсиз, унсиз эдим, кўзимдан тинмай ёш юмалар, юзларимдан совуқ тер оқарди. Улардан бири: «Ўйнашинг билан роҳатланиб ётганда оқибатини ўйлаш керак эди! Энди роҳатларнинг азобини ҳам тортасиз, хоним афанди», деди устимдан кулиб. Булар қилаётган операциядан ўлсам яхшийди. Боламни туғиш минг бор осонроқ эди, дердим йиғлаб. Қани улар раҳм қилса! Билмадим, қанча вақтда тугатишди. Ишқилиб, «бўлди» дейишди. Хайрият, дедим ичимда. «Иккинчи марта эркак зоти билан бирга бўлмайман», деб онт ичдим.

Бу азоблардан кейин аёлларга «Болангизни асло олдирманг, аборт туғишдан ҳам, энг оғир операциядан ҳам ёмонроқ, ярим умрингизни олиб кетади», дердим. Операция тугади. Бир-икки соат ўтгач, жавоб бериб юборишди. Ҳа, булар доктор эмас, дипломли жаллодлар эди. Қанча аёлларни улар шу йўл билан операция қилиб, нечта гўдакнинг жонига зомин бўлиб, қанча аёлларни майиб қилган, бунисини Худо билади. Дунёда мана шундай қотиллар ҳам бор эканини ўшанда кўрдим. Бу уйлар, ундаги жиҳозлар гуноҳсиз болалар, уларнинг мажбурлаб суғурилган жонлари эвазига келмаганмикин?

Шу воқеадан кейин касалманд бўлиб қолдим. Энди аввалгидек эмас эдим. Сабаби, ичим йиринглаб кетди. Бир неча бор даволаниб, бор топганим дори-дармон, дўхтирларга кетди. Бир-неча марта операция столига ётдим. Докторлар ўшандаги абортни ким қилганини айтишимни кўп сўрашди. Аммо айтмадим. Пулимни олган, боланинг жонини олган ўша докторлар нотўғри операция қилиб қўйишган экан. Пулимни олиб, ўзимни майиб қилишди. Жинсий жиҳатдан заифага айландим. Дунёда нафс қулига айланган жаллодлар қўлида хароб бўлдим, деб гапдан тўхтади. Юзига қарадим, рангла-

рида қандайдир ўзгариш, кўркув аломатлари кўринди. Бир пиёла совуқ чойни ичиб яна давом этди.

– Зинокорлигим сабаб бўлиб, биронта болани бағримга босолмадим. Оналик меҳрини туёлмадим. Бир эркакнинг жуфти ҳалоли бўлиб, бориға шукр қилиб яшолмадим. Жарроҳликда чеккан азобимдан кейин ҳалол ишлаб, оила қураман деган эдим. Аммо, тузалгач яна гуноҳ йўлининг бошқа усулини, воситачилик-қўшмачилик йўлини тутдим. Азоб чекаётганда қилган тавбаларим, чеккан азобларим ҳаммаси туш бўлиб кетди. Энди укажон тақдирда ёзилгани шу экан, – деди Роза бошини қуйи солганча хўрсиниб.

– Ҳа, ҳаммамиз тақдирни айлаймиз, тақдирдан кўрамиз. Асли айбдор ўзимиз. Бувамдан эшитганим бор: «Одамнинг олдиға асал ва захарни қўйса, қайси бирини танлайди? Ақл асални ичгин унда фойда бор, дейди. Захарни ичмагин ўласан, дейди. Тақдиримга битилганку деб, захарни ичмаймиз-ку!» деганлар. Биз бировни айблай олмаймиз. Гуноҳларимизга ўзимиз айбдор. Биров мажбурлаб гуноҳ қилдираётгани йўк! Ўз жонимизга ўзимиз жабр ва зулм қиляпмиз. Ўзимизни ўзимиз бахти қора қилмоқдамиз, – дедим.

Розанинг ҳаётини ўйлаб, дарахт соясида ўтирганим эсимдан чиқай дебди. Менинг хаёл суриб ўтирганимни кўриб, ароқхўр, уйсиз, нима маст қилса ичиб, чаккадиганлардан бири, Владик деган ўрис менга яқинлашди. Шерик десам унча ўхшамас-ку, мендан тез-тез қарз олиб, айтганларимни бажариб юрадиган дайди(бомж) йигит. Владикнинг миллати ўрис, аввал авиация заводида мастер бўлиб ишлаган. Яхшигина маош оларқан. Гулдек оиласи бўлган. Қадди-қомати келишган, спорт билан мунтазам шуғулланадиган, барваста йигит бўлган. Қаердандир ичкилик балосига учрабди. Қайси йўл

биландир гиёхвандлар кўлига тушиб қолганини ўзиям билмайди. Энди ароқхўрликни ҳам, гиёхвандликни ҳам қўймайди. Бунинг оқибатида оиласидан ажради, ишдан кетди. Уйлари сотилиб, бор-будидан ажради. Энди қишда дўмларнинг ертўлаларида, ёзда дуч келган жойда ётади. Ёши қирққа етмай, куруқ сурати қолган, холос. Аввалги куч-қувват, келишган гавдадан, бакувват билаклардан асар ҳам йўқ. Худди кинодаги Ўлмас Кашчейга ўхшаб, тери-ю суяклари қолган. Ҳар куни бир ери кўкариб юради. Кийимларининг кирлиги ва бадбўйлигидан одамнинг кўнгли айнийди. Қачон юзини ювганини ўзиям билмайди. Ҳаммомни-ку, гапирмай қўяверинг! Булар мен каби пули бор гиёхвандларнинг хизматкори, битта укол қилиб қўйиш ёки юз-икки юз грамм ароқ-вино учун ҳар қандай хизматимизни бажаради. Гадоёлик, тиланчилик, пул сўраб ялиниш уларнинг кундалик одатига айланган. Чунки майхўрлик, гиёхвандлик биз кабиларнинг ору номусини, одамийлигини, инсонларга хос бор фазилатини йўққа чиқаради.

– Привет, братан, как дела? – деди Владик менга шилпик, кўкарган кўзларини мўлтиратиб. Бошим оғриб, кўнглим айниб тургани боис унинг хунук башарасига қарамай чўнтагимдан бир сўм чиқариб:

– Сходи за пивой, – дедим. Пулни кўргач, ўзига ҳам бирон нарса тегишидан умидвор ҳолда:

– Ещё чуть-чуть, хотя бы пятьдесят копеек добавь, вино купим, – деди. Чунки икки шиша пиво бир сўм турарди, яна эллик тийин қўшсам, бир шиша вино олса бўларди. Унинг бу сўзи менга ёқмай, онасию-холасидан олиб сўкдим. Пулни қайтариб олиб қўйишимдан чўчиб:

– Ладно, ладно! Успокойся, братан! Сейчас принесу, – деб дўконга шошиб кетаётганида унга раҳмим келиб тўхтатдим:

– Мне бутилку пиво, сдачи себя остав, – дедим. Менинг бу ҳимматимдан хурсанд бўлиб кетган Владик:

– Спасибо, спасибо, братань! Ты такой щедрый человек, – деб олтин топган одамдек хурсанд дўконга югурди.

Владик кабилар сўкиш, калттаклаш, хорлашларга кўникиб кетишган. Лекин мен уларга сахийлик қилиб, тез-тез ҳиммат кўрсатиб тураман. Шу ҳимматим учун бомжлар мени яхши кўришади. Эллик тийинга пиво, қолганига бир стакан вино олиб ичган Владик тезда гандираклаб қайтиб келди. Улар бу ишда ниҳоятда содиқ. Агар айтганларимизни вақтида бажармаса, кейин ҳеч нарса бермай кўйишимизни, кейин ўзларининг қарз сўрай олмасликларини яхши билишади. Шунинг учун қарзларни вақтида узишга, хизматни вақтида бажаришга ҳаракат қилишади. Улар оладиган қарзлар бир дона ароқ, битта-иккита винога, бир уколлик дорига етадиган арзимас пул бўлса-да, уларга бу катта нарса. Бир шиша ароқ, вино ёки битта уколга пул топиш учун куни бўйи санқишади. Уларнинг давлатга, халққа зарари тегса тегадикки, заррача фойдаси тегмайди.

Владик дарҳол пивонинг оғзини очиб, менга узатди. Пиво шишасини яримлатиб, сал ўзимга келгандек бўлгандим, қийшанглаб яна битта бомж Сергей Ким исмли корейс йнгит келиб қолди. Бу ҳам одамийлигини йўқотганлардан. Кимдир жағига яхшилаб тепган экан, тилини тишлаб олиб, тили яримта бўлиб қолган. Ўзи жуда моҳир электр пайвандчи, газ пайвандни ҳам бошлайди. Аммо ичкилик балоси уни ҳам шайтонлар сафига кўшиб қўйган. Уйдан ҳайдаб юборишган. Одамларга ҳайрон қоласан, шуларнинг аҳволини, қисматини кўриб ҳам ичишаверади, наркотик қабул қилишаверади, сира тавба қилиб, ибрат олишмайди.

– Здайова, Абдуяшид ака! – деди Сергей соқовланиб, тиржайганича.

– Ну, ну! Тебя мало было, – деб ичиб турганимни унга бердим. Текин пивога эришганидан хурсанд Сергей:

– Спасибо, биятань, мы тебя любим за такие щедрость. Если какой-нибудь дела, мы всегда готовы помочь тебе, – деди бошини эгиб.

– Да-да, мы всегда готовы, – деди Владик ҳам унинг гапини қайтариб. – Как друг сказал, мы тебя любим и уважаем!

– Яхши кўрмай, ҳар бало бўлинглар. Сенлар яхши кўргунча ит яхши кўрса бўлмасмиди, – деб тўнғиллаб кета бошладим. Яна ярим соат турсам, атрофимни турли миллатга мансуб бомжлар босиб кетишини яхши биламан. Уларни хафа қилмаслик учун:

– До свиданья, хорошо отдохните, – деб яна бир сўм бердимү бозорга йўл олдим. Бу бомжларга бир нарса бериб, кўнглини олиб турмасам, мастлигимда бўғиб қўйишлари ҳам ҳеч гапмас. Улар учун битта укол, юз грамм ароқ бўлса, бас. Одам ўлдириш чўт эмас. Буларнинг ичида гулдай умрини хазон қилган хотин-қизлар ҳам борлиги айниқса ачинарли. Бу бало миллат танламас экан. Ҳамма миллатда бу дардларга гирифтор бўлганлар бор. Ичкилик, гиёҳванд қабул қилишларида орадан қил ўтмас даражада дўст бўлишади. Гоҳо итдек бир-бирларини ғажигади.

Бувам бежизга «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил», демаган эканлар. «Болам, дедилар бир куни, – яхши, илмли, хунарли, обрўйли инсонларни кўрсанг, ҳасад қилма, балки ҳавас қил! Яхшиларга ўхшашликка ҳаракат қил. Ҳасад қалбингда туғён урса, дарҳол ўзингдан пастларга қара, бу дунёда сендан-да камбағал, сен-

дан-да хунук, заиф, бемор, ғариб, нотавонлар ҳам бор-ку! Айниқса, ичкилик сабаб уйдан ажраган, бола-чақалари тирик етимга айланган, кўрганлар ҳазар қилиб қочадиган одамлар ҳам бор. Асло уларга яқинлашма, уларга ўхшама! Яна ёмон, бадхулқ инсонларни кўрсанг, дарҳол ўзингни ўнгла. Улардан қоч, яқинига йўлама. Халқимизнинг «Қозонга яқинлашсанг қораси юқар, ёмонга яқинлашсанг балоси юқар», деган ҳикматли сўзига кулоқ тут», деган насиҳатлари кулоғим остида жарангларди. Ёшлигимда эшитган бу ҳикматли сўзлар қалбимда гуноҳларимга қарши туғён кўзгарди.

– Буважон, буважон! Сиз нақадар ҳақ сўзларни айтган экансизу, мен нодон нандингизни кулоққа олмай, мана энди хору зор бўлиб юрибман, – деб ничирлаганча секин-аста судралиб кабобхонам томон юрдим.

### КАБИР КАБОБПАЗ ВА ҒАНИ ОТА

Кабобхонам бозорнинг ўртасида. Кабобхонам гўшт дудланадиган кичкина хонача, хўрандалар ўтирадиган узун айвонча ва олд томонида чоғроқ майдончадан иборат. Бу ер аслида кичик кўринса ҳам, бозорда бундай жойлар ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Жой кўрimsиз бўлса-да, даромади зўр. Менинг учта ходимим бор. Уларнинг бошлиғи Кабир деган йигит кабоб нишириб сотади, иккита ёрдамчиси гўштларни дудлаб (гўштларни турли дориворлар солиб димлаш) қилиб, сихга ўтказиб, тайёрлаб беради. Узоқдан қараб турдим, Кабир кўли-кўлига тегмай кабоб сотарди. Унинг қанча кабоб сотганига қараб пул бераман. Қолган иккитаси эса ойлик маош олади. Ўзим гиёҳванд бўлсам ҳам, жуда ақлимни йўқотмагандим. Гиёҳванд, ароқхўрлардан пойлоқчи хизматкорларим кўп. Улар бир четда кабобчимнинг нечта сотганини санаб ўтиради. Агар у ёлғон

гапирса, шўрига шўрва тўкилади. Розанинг уйига олиб келиб, роса калтаклаймиз, туғилганига пушаймонлар еб юборади. Бир неча кабобчиларим шу тариқа калтак еб, қочиб кетишган. Ҳозиргиси анча чаққон чиқиб қолди. Буниси аввалгиларнинг ҳолини яхши билгани учун ҳам ҳалол, сидқидилдан ишлашга ҳаракат қилади.

Аммо топганимда сира барака йўқ. Ҳамма топган пулим қарзлар, ичкилик, дорилар ва бошқа турли ҳаром ишларга сарф бўлиб кетади. Шунинг учун кўп пул топишни эмас, баракаси кўп бўлишини сўраш керак экан. «Ризқ Аллоҳдан, деди бир куни бувам, Аллоҳ таолонинг Раззоқ (ризқ берувчи) деган исми ҳам бор, шунинг учун У Зот бирорга жони бор махлуқини ризқсиз қолдирмайди. Ҳайвонот оламига қара, баланд-баланд иморат қурмайди, пул йиғмайди. Аммо эрталаб ризқини излаб чиқиб кетиб, кечқурун қорнини тўйдириб келади. Бандаларининг ризқини ҳам Аллоҳ таоло беради. Шунинг учун молу дунёнинг кўплиги эмас, баракаси муҳим. Пулинг кўпайгани сари харажатларинг, тапвишинг ҳам кўпаяди. Шу сабаб, хушёр бўл болам!» дердилар

Кабобчидан хафталик ёки уч кунлик пулни олишим билан Сотим айёр пайдо бўлади. «Фалон вақт бунча, пистон вақт бунча қарз олган эдинг, ўша қарзингни тўла», деб туриб олади. Сотим деганни ўрни келганда таништираман. Менинг бутун сирларим ва нозик жойларимни билади. Қолаверса, Сотимнинг шериклари ҳар қандай ёвузликдан қайтмайдиган ёмон одамлар. Уларга одамнинг жонини олиш чивинни ўлдириш билан баробар. Кўрққанимдан ҳам Сотимга пул беришга мажбурман. Сирларимни очмасликка, бировга сотмасликка қасам ичган. Қасамни бузиш – даҳшатли ўлим, дегани. Шу сабабли унга чўтал бергач, менга арзимас пул қолади. Қолган пул кечки гиёҳванд дорим, овқатланишим,



дўстлар билан ўтиришимга кетади. Уйимга бир тийин ҳам олиб бормайман.

Ҳар куни кечгача ётсам-да, бугун кабобхонамга эртароқ келдим. Кабир кўмирнинг сассиқ тутуни ичида сихларни тез-тез айлантирар, мижозларнинг кўнглини овлаш учун куйиб-пишарди. Гўшт қиймалари турган стол устига пашшалар ғужғон уймалашар, қийма устига наридан-бери ёпилган дока ювилавериб сарғайиб кетган эди. Ичкарида Кабирнинг икки ёрдамчиси сихларга қийма ўтказиш билан овора. Қийманинг тенг ярмига булка ноннинг мағзини солишади. Бу каби ишларни мен келмасимдан ва сезмасимдан тезроқ қилишга одатланишганди. Одатда менинг кеч келишимни билганлари боис, қинғир ишларини бемалол қилишаётган экан. Кутилмаганда менинг кириб келишим уларни кўрқитиб юборди. Аммо Кабир сир бой бермаслик учун дарҳол югуриб, олдимга пешвоз чиқди.

Бир аҳволга тушган ҳолда Кабирга яқинлашдим. Уни бир неча бор синаганимда синовлардан яхши ўтгани боис унга ишонардим. Ҳар бир ишини текшириб ўтиришга ҳушим йўқ!

– Ассалому алайкум, ака! Келинг, келинг, – деб мен билан кўришди. Ундан сассиқ кўмир ҳиди анқирди. Оқ халати кир, юзи терлаб кетган, нафаси қисиб пишиллар, қисиқ кўзи одамга мўлтираб боқарди. Эски курсилардан бирини артиб, ўтиришга таклиф қилди.

– Ваалайкум, қалайсан братан, ишлар ништиякми? Ҳеч ким безовта қилмаяптими? – дедим ўзимдан бешолти ёш катта Кабир акани сенсираб.

– Раҳмат, раҳмат, ишлар яхши кетяпти, – деди кабобпаз. У ўз ишининг устаси, сўзамол ва муғомбир одам. Тилнинг ширинлиги ҳам ярим насиба экан. «Ака-ака»-лаб кўнглимни топади. «Мақтаган ўздирар, чаққан ўл-

дирар», деганидек мени мақтагани-мақтаган. Унинг мақтовига эриб, кўпинча келишилган ҳақдан купроғини ҳам бериб юбораман.

– Менга қара, ҳов бақалок! Гўшт турган патнисингга қара, пашшалар уймалашиб, кабобни талаб, ҳаром қиляпти! Сенга қачон фаросат киради? Бу хумкаллангнинг ишлатсанг-чи! Тозароқ ишлашни қачон ўрганасанлар! Гўштнинг устини яхшилаб ёпиб қўйсанг бўлмай-дими? Бу кабобхона кимники эканини биласанми ёки эслатиб қўяйинми?

– Биладан, акажон, биламан, – деди дудуқланиб.

– Билмасанг, яна эслатиб қўяй, машҳур Аҳмад буванинг набираси Абдурашидниги! Эсингдан чикмасин, галварс, – дедим. Аввал бу каби таҳқир ва сенсирашлар эриш туйилиб, оғир ботган бўлса-да, бора-бора Кабир бунақа муомалага кўникканди. Осмондан пул ёғилиб турса, ким ҳам гап қайтариб, бошлиғига ақл ўргатиши мумкин. «Хўп бўлади» – энг тўғри йўл! «Хўп бўлади» еб бўладими?» «Хўп-хўп» дегину чўнтакни қаппайтир, инсоф, ҳалоллик, виждон билан нима ишинг бор? Бари йўқ бўлиб кетмайдими, неча пуллик ишим бор!» деган шиор Кабирнинг қўлланмаси эди.

– Хиёнат қилмасдан тўғри ишла, тушундингми, бақалок, ўшанда барака топасан! Ёлғон гапирма, биринг икки бўлмайди. Ичкилик ичма, бой бўласан, тушунарлими? Кабобни хом-хатала пиширма, одамлар касал бўлади. Ҳаром гўшт ишлатма, одамларнинг халқумини булғайсан. Агар ҳаром гўшт ишлатсанг ёки кабобни хом пиширсанг ҳаммасини ўзингга едириб, қонингнинг ичаман, тушунарлими? – дедим. Ичида «Менга насиҳат қилгунча ўзингни тўғрилаб ол», деган бўлсаям ажабмас. Аммо тилёғламалик билан:

– Албатта, тушунарли, сиздек устоз акахонимизнинг гапини икки қилармидик? Сиздек мард, ҳимматли одамни қаердан ҳам топардим? Сиз сабаб яхши яшаяпмиз, яхшилигингизни унутмайман, сиз акам бўласиз, – деди йиғламсираб. Унинг иккинчи шиори – «Фойда келса, гоҳ йиғла, ўрни келса кул, қучсизроғи учраса ур», эди. Буни билганим учун:

– Бўлди, бўлди! Кўп апирислик қилаверма, битта кабоб билан чой олиб кел, – дедим унинг ёлғон йиғиси ғашимни келтириб.

Ҳа, бундай лоқайд, Худодан кўркмайдиганлар ҳар қандай дўқ-сиёсат, калтак, қамокхонадан ҳам кўркмайди. Бу кабилар тилёғламалиги, бошини эгиб, йиғламсирашлари билан ғашингни келтиради. Наҳотки пул учун шу даражага бориш керак, дейсан. Аммо булар пул учун ҳар қандай ишни бажаришга тайёр турган ақли инсон қиёфасидаги беақл махлуқлардир. Бу каби тилёглама, қилинмаган ишни қилинди, деб ёлғондан ҳисобот берувчилар туфайли ўта қудратли бўлган совет давлати секин-аста таназзулга юз тутмоқда эди. Ўзаро пинҳоний келишувлар, қилинмаган ишларга сохта хужжатлар тайёрлаш ҳамма ташкилотда авж олиб кетганди. Чунки атеистлар халқни Худодан, иймон-эътиқоддан узоқлаштиргач, бунақалар давлатни беаёв талар, Худодан эса кўркишмасди. Тўғри-да, буларнинг тушунчасича уларни кузатадиган, жазолайдиган Худо бўлмаса, қилаётган жинойий ишларини давлат исботлай олмаса, кимдан кўркишлари керак? Давринг келди – бос! Камбағал етим билан нима ишинг бор? Керак бўлса, етимхонага деб ажратилган пулларни ҳам ўмаравер. Етимлар бир амаллаб катта бўлиб қолади. Текширувчи, тафтишчилардан кўркмагин, улар ҳам бизга ўхшаган нафснинг қуллари. Текширувчилар кимлар, улар ҳам ўзимизга ўхшаш

атеист. Улар ҳам Худодан кўркмайди. Яхши зиёфат қилиб бериб, чўнтагига бир-икки пачка пулни солиб қўйсанг, кўзи кўр, кулоғи кар бўлиб, «ҳаммаси жойида» деб актни тузиб, қўлни қўйиб кетаверади. Янги текширувчи келса, «қарға қарганинг кўзини чўқимайди» қабилида бу ҳам шу ишни қилади.

Шу тарзда худосиз советлар тузуми ич-ичидан емирилиб борарди. Кремлда ёлғон ҳисоботлар, олқишлар, бош котибнинг ишларини мақтаб, унинг шаънига чалинаётган қарсақлар авж олгандан олганди. Бош котибнинг ўғил-қизлари партиянинг пулларини пинҳона бриллиант, олтин тўплашга, чет элларга саёҳатларга чиқишга совуришарди. Халқ эса бир шиша сут харид қилиш учун тонг саҳардан дўкон олдида соатлаб навбатда турар, пахтазорларда одамлар устига заҳарли дори сепиларди. Сарик касал, терлама билан оғриганларга шифохоналар тўлиб-тошганди. Одамлар дардини кимга ҳам айтсин? Шикоят қилиб қаерга боради, Москвагами? У ерда ўтирган мансабдор пастда ўтирган мансабдордан ойига улуш олиб тургач, қандайдир шикоятчини деб тайёр сут бериб турган соғин сигиридан ажраши керакми? Ундан кўра келишиб, шикоятчини гумдон қилиш осонроқ. Бечора халқ зулм ва ситамларини ҳеч кимга айтолмасди. Бунга қўшимча рэкет, мафия дегани ҳам давлатни бир томондан кемириб ётарди. Улар хоҳлаган одамини ўлдириб юборар, биров «финг» демасди. Ўлганларни излаб нима қилишади? Шўро давлатининг катта посбонлари мафиядан тегишли пулларни олиб турган бўлса, уларнинг қўлига караган бўлса, хотинлари казо-казоларнинг йиғинларига бориб турган бўлса, у ерга бориш учун эса қимматбаҳо кийимлар, тақинчоқлар олиш керак бўлса! Совет ҳукуматининг бераётган икки юз, икки юз эллик сўм пули нима бўлади? Ахир нафс

бор, орзу-ҳавас бор! Кимсан фалончиев деган номлари, обрўйлари бор, бунинг учун пул керак. Пулни қаердан олишлари керак? Катта дўконлару, бозор, ошхона мудириларидан, ҳар хил ўғри-муттаҳамлардан олишлари керак. Бу пулларни олгач, тиллари гунг, кўзлари кўр бўлиб қолишади. Халқ билан нима ишлари бор? Қанд, ун, ёғ каби бир-икки маҳсулотнинг нархини бир хил ушлаб туришса бўлди, халқ хурсанд юраверади.

Кабирнинг ишларини кузатар эканман, ҳаётида кўпларни лақиллатган, давлатнинг анча-мунча нарсасини йўқ қилиб, катта пул топса-да бахтини топмаган, кексайганда тавба қилган бувамнинг шўх ва ҳазилкаш ўртоқлари Ғани ота эсимга тушиб қолди.

Ғани ота жуда сўзамол, қизиқчи киши. Гап бошласа, ҳамманинг оғзини очиб қўяди. Гоҳо ҳикояларни шунақа бўрттириб гапирадики, «наҳотки?» деган сўздан нарига ўтолмайсиз. Бир аврашга тушса, чўнтагингиздаги борини чиқариб берасиз. Бўйдан ҳам Худо берган, нақ икки метрга яқин, жусса ҳам девдек, юзлари узунчоқ, ҳар мушти чақалоқнинг бошидек келади. Кўзлари ҳам, ўзлари ҳам ўткир бир одам. Кексайиб анқоврок, сал алдасангиз дарров ишонадиган бўлиб қолган. Аммо жаҳлини чиқарсангиз, тамом бўлдим деяверинг. Жанжални пулга сотиб олади бу Ғани ота деганлари.

Бир куни Ғани бува бир дўсти билан бувамини кўргани келди. Уларнинг келишидан олдин ҳам уч-тўртта меҳмон бор эди. Ғани бува меҳмонхонага киргач, ўтирган меҳмонларни танир экан шекилли, улар билан кучоқ очиб кўришди. Ўтиришгач, фотиҳа ўқилди. Мен чой-нон келтириб қўйдим. Ғани бува ҳеч кимга гап бермасдан тинмай мақтанар, уришдаги воқеаларни ошириб-бўрттириб гапирарди. Дўстининг ҳикояларини тинглаётган бувам ним табассум қилиб, бошларини қимирлатганча

жим ўтирибдилар. Ғани бува уриш охирида бошдан кечирганларини гапириб бердилар. Уриш тугаб, қама-қамалар яна авж олган пайт экан. Отахон уруш бошида власовчилар армиясида хизмат қилаётиб, немисларнинг қўлига тушиб қолиб, Германияда бир немис бойиникида хизмат қилибди. Немис бойи билан чиқишиб қолиб, роҳат-фароғатда яшабди. Германиянинг мағлуб бўлаётганини сезган немис бойи Америкага жўнашини, агар хоҳласа Ғани отани ўзи билан бирга олиб кетишини айтибди. Аммо Ғани ота рози бўлмабди. Шунда бой унга «бир кунингта ишлатарсан», деб анча-мунча қимматбаҳо нарсалар берибди. Пул кўп нарсани ҳал қилади деб, у берган нарсаларни олибди. Кечалари юриб, кундузлари беркиниб юрибди. Аммо қаерда власовчиларни ушласа қамашаётган экан. У ўзи билан олиб келган нарсаларни алоҳида иккита жойга қўмибди. Қўмган жойини яхшилаб белгилаб қўйибди. Мабодо қамалиб кетсам, кутилишимга сабаб бўлади, деб режалаштирибди. Қочиб юриб, охири қўлга тушиб қолибди. Советлар уни ватанга хиёнати учун қамабди. Қамоқдалигида қамоқхона бошлиғи билан келишиб қолиб, бойлик ҳақида сўз очибди. Очкўз қамоқхона хўжайини уни қўйиб юбориш шарти билан бойликнинг жойини сўрабди. «Бу кўргилик ва азобларимдан ўша қимматбаҳо матоҳлар ортиқ турадими? Жон омон бўлса, мол топилар» деб нарсалар кўмилган жойнинг бирини айтибди. Қамоқхона бошлиғи кўмилган жойни топиб, нарсаларни қўлга киритибди. Ғани отага бу иш ҳақида чурқ этмасликни буюрибди. Қамоқхона бошлиғи сўзида турибди. Ғани отага анча энгиллик яратиб, биров ўтгач оқлаб, қамоқдан чиқарибди.

Уйга қайтган Ғани отага колхознинг дашт еридан ер ажратиб беришибди. Ғани ота шундан кейинги саргузаштларини кула-кула гапириб берди:

– Картошка, пиёз ва бошқа полиз маҳсулотлари экдим. Кечаю кундуз меҳнат қилдим. Ҳосилнинг майда-чуйдаларини колхозга, яхшиларини омборга тикдим. Тўғри-да, меҳнатни мен қилсаму, роҳатини бошқалар кўриши керакми? Тадбиркорликни немис бойидан ўргангандим. Уй қурдим, шароитимни анча яхшилаб олдим. Бир кун тунда иккита милиционер келиб, идорасига бирга боришимни айтишди. Уларнинг гапидан ичим музлаб кетди. Яна нима гуноҳ қилдим экан? Сталин ўлган бўлса, нимага чақиришади? Ичимда аввал ўлмаган бўлсанг ҳам энди ўлдинг, деб озодликка чиққан кунимдан қилган ишларимни, хатоларимни сарҳисоб қилдим. Хато ва айб иш қилганим йўқ! Мени машинага миндиришиб, милиция идорасига эмас, қамокдан чиққанимда олиб боришган эскитдан таниш манзилга келтиришди. Қамокдан чиққанимда шу ерда рўйхатга қўйишганди. Унда иккинчи қаватга чиққандим. Бу сафар ертўлага олиб тушишди. Зиналар бўйлаб пастга тушарканман, қоронғилик денгизи қаърига чўкиб, қайта ундан чиқмайдигандек юрагим ҳапқирарди. Аслида, ертўлага эмас, биринчи қаватга сўроққа олиб тушишган экан. Олдимда бир аскар, орқамда яна бири, узун йўлакнинг ўнг томонига қараб юрдик. Йўлак охиридаги хоналардан бирига олиб кирди. Ичкари ним ёруғ, уч киши ўтирибди. Кўзим қоронғиликка ўргангунча бироз вақт ўтди. Тамакини улаб чекишаверганидан хоналари сасиб кетганди. «Бу сассикқа қандай чидашаркин?» деб ўйладим. Кўнглим айниб кетди. Бошлаб келган аскар кимлигимни айтди. Сталиннинг ўлганига кўп бўлмаган, ҳали олдинда кўп ўзгаришлар кутилаётган пайт. Ҳушёрликни ошириш, рўйхатда бўлганларни текшириш ва суҳбат ўтказиш, уларнинг фикрларини ўрганиш ниятида суриштирув ишлари қилинаётган экан.

Улардан бири «дело»ни ўқиб чиқаркан, ватан хоинининг эркин яшашликка ҳаққи йўқлигини айтиб, саволга тутди:

– Сен власовчиларга қўшилиб, ватанини сотган сотқин, хоин, немис бойига хизмат қилгансан, тўғрими? Ҳозир ўша немис билан алоқага чиқиб турасанми? Нега власовчиларга қўшилгансан? – деди.

– Мен жонажон совет давлатини севадиган комсомол, гўр бир бола эдим. Власов деган муттаҳам бизни алдаб, немис фашистларига қул қилиб сотиб юборди. Бошимизга немис фашистлари турли азобларни солишди. Мени Америкага сотиб юбормоқчи бўлди. Аммо совет давлатига бўлган муҳаббатим, юртимга садоқатим улардан юртимга қочишга мажбур қилди. Мен ватанимга қайтиб, ўзимни жонажон совет давлатининг милициясига топширдим ва қамоқ жазосини ўтадим. Мени қийнаган немис бойи билан алоқа қилиш у ёқда турсин, агар ўша золим немисни қўлга туширсам, бурда-бурда қилиб ташлардим, – дедим кўзларига тикилганча сўзларимни дона-дона қилиб.

– Худога ишонасанми? Намоз ўқийсанми? – деди улардан бири кўзларини чақчайтириб.

– Намоз ўқимайман, аммо Худога ишонаман ва буюрганларини сўзсиз бажараман. Мен ўз худойимга содиқман ва ҳеч қачон унинг буйруқларини бузмайман. Менинг худойим сизларнинг ҳам худойингиз. Сизлар ҳам унга бўйин эгиб, керак бўлса сажда қиласизлар, – дедим астойдил. Менинг сўзларимдан жазавага тушган комиссарларнинг кўзлари косасидан чиқиб кетай деди.

– Ҳой муттаҳам, ўйлаб гапиряпсанми? Биз ҳам, раҳбариятимиз ҳам ҳеч қачон худога ишонмаганмиз, ишонмаймиз ҳам. Биз коммунистмиз, биз партияга ишонамиз. Бу гапинг учун ҳали отиласан, – деди улардан бири ёқамдан ушлаб. Унинг қўлини ушлаб, силтаб ташладим ва:



– Мен ўзимизнинг худога ишонаман, – дедим.

– Ўзимизнинг худо деганинг нимаси?

– Бизнинг худойимиз ўртоқ Владимир Ильич Ленин, – деб шартта ўрнимдан туриб бош кийимимни ечдим. – Ҳурматли дохий Лениннинг хотираси учун бир минут сукут сақлайлик, – дедиму жим бўлиб қолдим. Менинг бу гапимдан сўнг улар талмовсираб қолишди. Ўринларидан туриб, бир минут сукут сақлашга мажбур бўлишди. Агар бош кийимларини ечиб сукут сақлашмаса, ўзларини ўзлари сотади. Судда Ленинга қилган ҳурматсизлигини айтсам, тамом. Алғов-далғов пайтлар бўлгани боис, ўзлари бир-бирини сирини айтиб, ўзларини ғажийди. Чунки буларни тезроқ бўшашини кутиб юрган, ўрнини эгалласам деганлари сон мингта. Мен бу хийлани қамоқдалигимда бир айёр украин йигитидан ўргангандим. У ўргатган хийла эсимга тушиб, фойда бериб қолганди.

– Ҳа, писмик, айёр! Сен кабилар борган сари шум бўлиб боряпсизлар. Жазодан қандай қутилишни йўлини биласизлар. Бу гапларингдан кейин сени қамаб бўлмаслигини ҳам биласан. Эссиз, Сталин замони! Агар у ҳаёт бўлганида терингни шилиб, тилларингни суғириб олардик, – деди ўрта ёш, тепакал ходимлардан бири. Ҳамкасби гапини тугатмай туриб бошқаси:

– Авваллари қанчалаб мулло, шоир, ёзувчи ва бойларни қамаганмиз. Улар сенга ўхшаган апирис, кўзбўямачи бўлмаган. Азобларимизга қарамай, турмада чиришдан кўркмай, Она юрт, Буюк Туркистон, тилим, диним деб ўлимга тик боқишарди. Сен бўлсанг, «Ленин – худойимиз, партия – отамиз», деб жонингни сақламоқчисан. Ундан кўра Ленин кофир, сенлар қотил деб қўй, биз сени «борса келмас»га юборайлик. Унвонимиз ҳам ошарди, – деди.

– Кечирасизу мен шоир ҳам, мулло ҳам, қолаверса бой ҳам эмасман. Мактабда чала ўқиганман, ёзишни ҳам яхши билмайман. Сиз айтган чиройли гапларни гапиролмайман. Мен қилмаган гуноҳим учун қамалиб кетмаслигимни ва юртимиз доҳийсини ҳурмат қилиш нималигини биламан, холос. Қолаверса, Сталин ҳам кўп хатоларга йўл қўйганмиш, унинг тарафдорлари ҳам қамалармиш, сизлар бўлса Сталинни мақтаяпсизлар! – дедим кўзларимни лўқ қилиб.

– Вой, сен шайто-о-н-эй! Сиёсатни ҳам биласанми?

– Ҳа энди, тешиқ қулоқ эшитади-да! – дедим уларнинг умри тугаганига шама қилиб. Лекин уларнинг бўш келгиси йўқ эди.

– Сендан олдин сенга ўхшаганлардан биттасини мазза қилиб калтакладик. Жиноятини бўйнига қўйиб қамадик, биласанми, нима учун? У безбет, ватан хоини башарамизга тик боқиб: «Совет давлатинг бир куни келиб қулайди. Сенлар сифинган Ленининг лаънатга қолади, сенлар эса мансабларингдан айрилиб, халқнинг юзига қаролмай шарманда бўласанлар!» дейди. Шу гапи учун шунақанги азобладикки, бошқа одам бўлганида жон таслим қилиб юборарди. У бўлса, сўзидан қайтмади, номард. Жони ҳам тош-метин экан. Судда ҳам айтган гапида туриб олди. Ана ўшанақа ботирлар камайиб кетди, сенга ўхшаган сафсата-бозларга кунимиз қолиб, унвонимиз, мансабимиз ошмай, сафимиз ҳам қисқариб, кўпимиз ишсиз қоляпмиз. Аммо биз ўлмаймиз. Биз бўлмасак дунёни ўғри-каззоблар, сенга ўхшаган сотқинлар босиб кетади. Сталинга шама қилиб хурсанд бўлаверма, тушундингми? – деди яна бири.

– Тушундим, мен давлатимизга содиқман. Асло хиёнат қилмайман, – дедим.

– Шуни эсингдан чиқарма, сотқин! Агар истасак, хоҳлаган одамимизни бир кечада йўқ қила оламиз. Ҳеч

ким буни исботлаб ҳам беролмайди. Давлат ҳам биз, бошлиқ ҳам биз. Тилингни тийиб, жим юр, бўлмаса тилларингни суғуриб, болаларингни етим қиламиз, – деди.

Бу гапларни эшитиб, адои тамом бўлдим. Яна уриб, бўйнимга бирон нарсани илиб қамаб юборишмасин, деб кўрқдим. Сибирнинг совуқ азобларини чеккан мендек инсонни яна у ерларга қайта юборишганидан кўра ўлим афзалроқ эди. Яна хўрланишлар, изғирин, совуқ, оғир меҳнатни тасаввурингизга сиғдиrolмайсиз. Айниқса, сиёсий маҳбусларга қийин бўлганди. Кўплари нимжон, касалманд, бечораларга раҳмингиз келарди. Кўрган азобларимни яна кўриш менга оғир мусибат эди. Россиянинг ўрмонлари сиёсий маҳбусларнинг суяклари билан тўлиб-тошган, десам хато бўлмайди. Ўлдингми, тамом. Бирорга арчанинг остига итдай кўмиб кетишаверади. Ётасан арчага озуқа бўлиб. Бир варақ акт билан ҳисобдан чиқариб ташлашади. Кўз ўнгимдан ўшалар қатор ўтди. Шу сабаб ёлғон гапирсам-да сўзимда маҳкам туриб олдим.

– Ҳа, сен кўрқоқсан! Сен каби кўрқоқлар кўпайиб, келажакда иш тополмай қолмасак эди, – деди терговчиларнинг катгаси.

– Мен кўрқоқ эмасман, совет давлатига фидоийман, холос.

– Сен-а, сен, тарихингни хўп эшитганман, пул, дунё бўлса ҳар қандай мусиқага ўйнайсан, – дейди номард.

Юқорида айтганимдек, мен билан суҳбат асносида бирор ташкилотга аъзоманми-йўқми, шуни билиш учун бир суҳбат ўтказиб кўйиш, «Юртига келиб, ўзгариб қолмадими, советларга қарши провакация қилмаяптими?» деб текшириш топширилган экан. Шунинг учун мени роса гап билан айлантиришди. Аввалгидек қамашлар йўқлиги сабабли терговдан сўнг кўйиб юборишди. У

ердан чиққач: «Аллоҳим мен осийни кечир, тавба қилдим», деб орқамга қарамай уйимга қайтдим», – дейди уларни боплаганидан мамнун Ғани ота.

Ғани отани кўшлар «шайтон» дейишарди. Бу бежизга эмас экан. У сўроқ-жавоб пайтида терговчининг шайтон деб атаганини кўпчиликка айтиб, шу лақабни орттириб олганди.

Замон тинчиб, омон-омон кунлар келибди. Колхозда ишлаб юрган Ғани ота раиснинг пинжига кириб олибди. Бир куни раис унга ишониб, бешта вагонга пиёз юклаб, Тюмень шаҳрига олиб боришга экспедитор қилиб жўнатибди. Пиёз олиб боргани кетган Ғани отадан ҳеч дарақ йўқ эмиш. Орадан бир ярим-икки ойлар ўтгач, бир дунё қоғозни кўтариб, колхоз идорасида ўтирган раиснинг олдига ёқалари йиртиқ эски кўйлақда, ёғи чиққан дўппи, оёғида ранги ўчган эски калишда, ташвишли бир қиёфада кириб келибди. Вагонга ортилган беш вагон пиёзнинг тўрт вағони манзилга етмай йўлда чириб кетганини, қолган бир вағонини сотиб, пулларини колхоз ҳисобига ўтказиб, бир амаллаб қайтиб келганини афсус билан гапирибди. Чириган тўрт вагон пиёзни эса станция раҳбарининг актига асосан ахлатга чиқариб ташлашга мажбур бўлибди. Аслида тўрт вагон пиёзни станциядагилар билан келишиб сотиб юбориб, сохта актлар туздириб олиб, раисга кўрсатган экан. Раис бўлса: «Ўзинг омон-эсон келибсан, шунинг ўзи катта гап! Энди сени кўзи тўрт бўлиб кутиб турган оилангга бор», дебди. Шундай қилиб, Ғани ота қаерлардадир тузилган икки-учта акт билан колхозга анча зарар келтирибди. Пиёзнинг чиримаганини ким ҳам исботлай оларди?

– Ғани ота, немис берган қиматбаҳо нарсаларнинг қолгани нима бўлди? Кўмган жойингиздан топдингизми? – дедим қизиқсиниб.

– Озодликка чиққан куним орқа-олдимга қарамай уйга жўнадим. У нарсалар эсимда бор эди. Аммо орқамдан одам қўйилган бўлиши ҳам мумкин. Нарсаларни кавлаб оладиган бўлсам, ўлдиришлари аниқ эди. Шу боис, тўғри уйга келдим. Орадан анча йил ўтгач, хазинамни қидириб келдим. Не кўз билан кўрайинки, хазина кўмган жойимда кўп қаватли иморатлар қад кўтариб турибди. Афсус-надомат билан ортга қайтдим, – деганди, ўртоқларидан бири:

– Озгина ёлғон кўшиб юбординг-ов, Ғани! Аслида, сенинг тилинг бир қарич, гавданг туяникидек бўлгани билан юрагинг чумчукникидек. Сал ёлғон қўшмасанг туролмайсан. Ўзингни ботир, кўрқмас қилиб кўрсатасану, аммо қаттиқроқ дўқ-пўписа қилишса, дўстингни ҳам сотасан. Эсингдами, Тошкентга борганда ичиб олиб қариллаганингда мелиса келиб қолувди. Мелисани кўриб, дағ-дағ титрагансан, гапингни ҳам йўқотиб кўювдинг-а! Сен бежизга немисга сотилмагансан! Немисни сенга қимматбаҳо нарсалар берганига ҳам унча ишонмайман. Ҳайнаҳой бечора немисни ҳам чув туширган бўлсанг кераг-ов! – деди. Ҳамма кулиб юборди.

– Мен ёлғон гапираманми, мен-а?! Немисга астойдил хизмат қилганман, унинг бир тийинига ҳам хиёнат қилмаганман, билсанг, – деди тутақиб Ғани ота

– Пиёз-чи, пиёз воқеаси!

– Ҳа, энди бир бўлган-да, ҳадеб гапириб, юзимга солаверманглар-да! Энди давлатнинг мулкидан озгинасини ўмарсак, хазинаси бўшаб қолармиди? – деди хотиржам

– Раис ҳалол одам эди, раҳматли, сенга раҳм қилиб, пиёзни сўраб-суриштирмади. Сен давлатнинг хазинасидан оз-оздан олинса, хазинаси тугамайди, дейсан. Оз-оздан олинавερса, хазинаси тугул, давлатнинг ўзи ҳам хароб бўлади, дўстим!

– Э, биз ўмарган аччиқ пиёзимиз юқорида ўтирганларникининг ўмариши олдида бир томчи сув ҳам бўлмайди.

– Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур, дейдилар. Қатра-қатрадан ураверсак, олтиндан тоғинг бўлса ҳам тамом бўлади, – деди дўсти ачитиб. Шу билан оддийгина суҳбат баҳсга айланиб кетиб, бувамнинг аралашуви билан бошқа мавзуга ўтилди.

Яна бир кун келганларида мен билан суҳбатлашиб ўтириб, гап тасодифан пиёзга бориб қадалди. Ғани ота қилган ишидан пушаймон бўлиб:

– Ҳақиқатдан ўша пиёз камбағал, бечора, оддий халқнинг ҳақи, Аллоҳнинг ҳақи экан! Мен давлат мулкани ўзимга ўхшаганларга қўшилиб кўп ўмардим. Ёшлигимда роса маишат қилдим. Лекин гуноҳларим болаларимга урди. Катта ўғлим касалманд, бири оқариб кетган, қизим бахтсиз, учта боласи билан қайтиб келди. Болаларнинг ичида биттаси яхши чиқди холос, қолганларини гапирмасам ҳам бўлади. Бу дунёда азобланишим учун уларга дард юборган Аллоҳга ёлвориб, гуноҳимни кечиршини сўраб, дуолар қиламан. Бошқалар ҳам Аллоҳнинг турли синовларига гирифтор, – деди чуқур хўрсиниб. – Ахир мен пиёзни, Тюменьга, айтилган жойга олиб борганимда, қанча одам хурсанд бўларди. Нарху наво кўтарилмасди. Чунки у ерда пиёз топиш катта муаммо эди. Қанча одам пиёзга эҳтиёжманд эди. Мен бўлса, уларни йўлдаёқ сотиб юбориб, колхоз раисига ёлғон гапирдим. Гуноҳларимни Парвардигорнинг Ўзи кечирсин!

«Кунни келиб, шўролар давлатининг шўри қуриб, тамом бўлади», деган маҳбуснинг айтганлари тўғри келаётган эди. Шўролар ҳукумати таназзулга йўл тутаётган, ахвол кун сайин иқтисодий томондан оғирлашиб, давлат кулаб борарди. Қанча одамлар қамалмасин, бо-

шига ит кунини солиб, азоб берилмасин, Худодан кўрмагач, уларни гуноҳ йўллардан қайтариш мушкул, ҳатто катта муаммо эди. Иллатлар, хатолар ёлғон сўзлар, чиройли нутқлар билан қанча беркитилиб, хаспўшланмасин, аҳволнинг ниҳоятда оғирлиги яққол кўзга ташланиб борарди.

Чаён бола тукқач, болалари оналарини еб, катта бўлар экан. Шўроларнинг даҳрийликка муккасидан кетган, худосиз болалари ҳам ҳукуматни еб битирарди. Албатта шўро вакилларининг ҳаммасини «худосиз» десак инсофсизлик бўлади. Уларнинг ичида инсофли, эътиқодини яшириб, халқининг ташвишини қиладиганлар ҳам кўп эди. Эътиқоддан узоқ, нафсининг қулига айланган раҳбарларнинг ишларини кўрган, даҳрийлар таълимини олган кабобпазимга ўхшаганлар ҳам турли йўллар билан хўжайинининг, имкон топса давлатнинг мулкини ўмарарди. Телевизору радиода тинмай ошкоралик тўғрисида, совет давлатининг раҳбарлари қўйган катта хатолар ҳақида гапирилар эди.

Юқорида айтганимдек, Кабир кабобпаз кабиларга тузум ўзгаришининг фарқи йўқ. «Така бўлсин, сут берсин» – уларнинг бош шиори! Кабир ҳам шўролар тузумининг кўзга кўринмас, кўзбўямачи, Худодан кўркмас, юлғич бир аъзоси. Унда ҳам айб йўқ. Уйда, мактабда, ишда, устозлардан олган таълимида «Худо йўқ» деб такрор-такрор эшитганлари, олган тарбияси шунақа бўлгач, у авлиё бўлиши керакми? Мактабда «худо йўқ, биз маймундан тарқаганмиз, ота-буваларимиз маймун бўлган. Биз маймуннинг болаларимиз», деб ўқитишган. Отаси ҳар куни ичиб маймун ўйинини кўрсатгач, маймун отанинг боласи маймун бўлади-да, одам бўлармиди? Бу сафсаталар қон-қонига сингдирилганлар эса хиёнатдан, юлғичлик, қамоқдан кўрқардими? Бундай-

лар ҳакалак отувчи нафсининг истаги учун ҳар қандай гуноҳдан қайтишмайди.

Одамзоднинг табиати ёмонлик ва гуноҳга ўч бўлади. Ботқоққа ботиш осон, ундан чиқиш қийин. Чиркин-ифлос бўлиш қийин эмас, ундан пок бўлиш ва қайтиш муаммо! Бу ботқоққа ботгани орқага қайтариб бўлармикан? Энди бу омма ўзининг асл ажодлари йўлини танлай олармикан? Тубанликка тушаётган оммага ким эркинлик бериши мумкин? Ажодлари хорланганларни озодликка олиб чиқиб, ўзлигини англатадиган бир доно раҳбар керак. Шўролар бунга йўл берармикан? Муаммо ҳам мана шунда эди! Қалбидан Аллоҳ суғуриб олинган халққа ўзлигини англайдиган замонлар келармикан ёки бир умр шўролар қўл остида хор бўлиб ўтиб кетармикан?

### ЎТГАНЛАР ХОТИРАСИ

Кабобни еб, чойни ичиб бўлгач, бозор айланиб-тентираб юриб, масжидга бориб қолибман. Таҳорат қилиб, масжид ёнидаги қабристонга кирдим. Тўғри бувамнинг қабри олдида бордим. Тўғриси, бувамнинг қабрига қарашдан ҳам уялдим. Мени жон-дилидан яхши кўрадиган иймони бутун бувам ҳар бир қадамимни кузатиб тургандай эди, гўё. Бехосдан кўзларимга ёш қалқди.

«Мендай гуноҳкор набирангизни кечиринг бува! Насихатларингизни олмай хароб бўлдим. Кундан-кун сўлиб боряпман. Соат сайин яқинлашаётган ўлимимни ҳис қилинман. Мени олдинда нималар кутяпти? Бу дунё азобидан, гиёҳвандлик дардларидан қандай қутуламан? Бунинг чораси бормикан? Бошимни силаб меҳр берадиган сиз йўқ!» дедим кўз ёшларимни енгим билан артиб. «Бугун сизни тушимда кўрдим, буважон. Тушимда ҳамон менга меҳрибонсиз. Биладан, разил ишларимдан қабрингизда ҳам тинч ётолмаяпсиз. Аллоҳ хоҳласа,



албатта бу балодан қайтаман, тавба қиламан. Менга кучу қувват беришини Аллоҳ таолодан сўрайман», деб пичирладим. Кейин Қуръон тиловат қилиб, бувамнинг руҳига бағишладим. Қабр тепасида қанча ўтирдим, ўзим ҳам билмайман. Кейин қабристонни айландим. Гўрков билан учрашдим. Бувамнинг қабрини тозалаб туришини тайинлаб, беш сўм бердим. Гўрков кўли кўксига, миннатдорчилик билдирди. Сўнг масжидга кириб, билган дуоларимни ўқиб, пешингача ўзимни овунтириб ўтирдим. Жамоа билан пешин намозини ўқидим. Менинг маст ҳолда намоз ўқиб, сўнгра яна эски улфатлар олдига қайтиб кетишимга кўникиб қолган жамоат ҳам, имом ҳам парво қилмади. Шундай бўлса-да, эски қадрдонлари Аҳмад буванинг набираси бўлганим учун қай ҳолатда келсам ҳам, менга яхши сўзлар айтиб, насиҳатлар қилиб жўнатишарди. Намоз ўқилиб бўлгач, имом хонаси олдида кутиб турганимни кўриб, ҳафсаласи пир бўлса-да, мўминлик бурчига риоя қилиб олдимга келди.

– Ассалому алайкум домла, яхшимисиз? – деб домлага кучоғимни очдим.

– Ва алайкум ассалом, – деб имом ҳам кучоғини очди. Мендан анқиётган бадбўй ҳид кўнглини оздирса-да, индамай чидади.

– Қани, ичкарига марҳамат, – деб хонасига таклиф қилди. Ичкарига киргач, имом салла ва тўнини ечиб, бошига марғилоний дўппи кийиб олди. Имом ўтиргунча, мен аввалги тарбиямга содиқлигимни кўрсатиб, кўлим кўксимда тик турардим. Домла ўтиришга изн бергач, кўрпачанинг бир четига омонатгина ўтирдим. Домла жуда чиройли киши, юзлари кулча ранг, буғдой ранг, билинар-билинемас қизил-оқ ранглар омукталанган юзи нурланиб турарди. Бошидаги дўпписи ўзига жудаям ярашганди.

Бу дўппиларни бошимиздан ечтириш учун шўролар нима ҳаракатларни қилмади дейсиз?! Дўппи кийганларни маданиятсиз, замондан орқада қолганлар, деб қулишди. «Замонавий йигит-қизлар соч қўйиб, уни тараб, чиройли юриши керак. Дўппи миллат ғурури бўлмайди. Бу бир сафсата, буям эскилик сарқити, ибтидоийлар кийими», деб ташвиқот қилишарди. Дўппилар йўқолса, атласлар кийилмаса, тўнлар ечилса, ўз юртингда ўз тилинг хорланса, бора-бора нима қолади? Фақат ўзбек деган ном, эсан чикартириб юборилмаса, ўзбек тили қолади. Қолгани бориб-бориб ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Юртда ўз шаъни ва миллатини ҳимоя қиладиганлар қолмагач, жоҳил оломон ўзга миллат ва урф-одатларга ўтиб қолганини ўзи ҳам билмай қолади. «Бу халқнинг маънавиятини емираверинг, симираверинг» деган топшириқ асосида гарбпараст ёки миллатнинг душманларига етказилар, улар бу усулни чиройли йўллар билан ўзимиздан чиққанлар орқали пинҳона амалга оширишарди.

Бувам ҳаётликларида «Болам, дўппи миллатимиз ифтихори, йигитларимизнинг ғурури, уни кийишдан орланма», деб доим дўппи кийиб юришга ундардилар. Домлага қараганимда дўпписининг ярашганини кўриб, ҳавасим келди. Ҳол-аҳвол сўрашгач:

– Бугун тушимда бувамни кўрибман, шунинг учун кабрларини зиёрат қилдим, – дедим.

– Ҳа, бувангиз тилло одам эди, раҳматли. Миллати, дини, халқининг фидойиси, жонкуяр инсонларидан эди, – деб домла Аҳмад бувамнинг яхши амаллари, ҳаётлари, фазилатлари, олийжанобликлари ҳақида анча гапириб, эслади.

– Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Вафот қилганларингизнинг яхши амалларини эсланглар. Гуноҳларини гапиришдан сақланглар»,

деганлар. Мана бувангизни эсладик, Аллоҳ раҳматига олсин, – дедилар имом.

– Нима учун инсоннинг яхши ишларини эшлаш зикр қилинган? – деб савол бердим. Чунки маст бўлган кезларимда турли саволлар беравериб, домланинг асабларига роса текканман. Саволимга жавоб олмасам, қутулиб бўлмаслигини яхши билган домла ҳар гал мажбуран жавоб берарди. Домланинг мени уриб ҳайдатишга, масжидга киритмасликка, дарвозасидан қаратмасликка кучи ҳам, салоҳияти, обрўи ҳам етарди. Аммо у қадрдони Аҳмад буванинг набирасини қувиб солса, биродори хафа бўладигандек туюлавергани боис, менга оғир гапирмас, хафа қилмасди. Ваҳоланки, ўша даврнинг имомларига ҳам осон бўлмаган. Олдиларига турли одам ҳар хил саволлар билан келарди. Айниқса, иккинчи жаҳон урушида қатнашган, ундан ногирон бўлиб келган, сўзи ҳар ерга етадиган кексалар кўп бўларди. Уларнинг баъзилари бошидан ўқ еб, норкозда ётиб даволангани сабабли арзимас нарсадан аразлаб, норози бўлаверарди. Устингиздан турли идораларга шикоят қилади. Гоҳо бир оғиз гап кўп, яримтаси камлик қилади. Уларни хафа қилмаслик учун имомлар сабр-қаноат, ширин сўз билан муомала қилишга мажбурлар. Баъзида адашиб менга ўхшаган маст-аластлар ҳам келиб туради. Улардан бирини яхши гап билан, бошқасини сиёсат билан масжиддан ташқарига чиқарарди. Мана мен ўша саволга тутувчилардан бириман. Ҳозир одамларнинг яхшилигини билмоқчиман. «Билганда ўзгарармидинг?» деган хаёл домланинг фикридан ўтган бўлса ажабмас. «Ҳар қандай иш Аллоҳ таоло учун осон, ажабмас лаҳзада ҳидоят топиб, яхши одам бўлиб кетсам», деб ўйлардим. Домла саволимга тоқат ва ҳафсала билан жавоб бера бошлади.

– Ҳйлаб кўринг, биз бу дунёни тарк қилгач, орқамиздан одамлар эслайдиган қандай яхши амалимиз қолади? Авваллари инсонлар номларини ўчмаслиги учун илм қолдиришган, масжид-мадраса, кўприк қуришган, яхши шогирдлар тайёрлашган, китоблар ёзиб кетишган. Мақсадлари битта бўлган, одамлар булардан фойдаланиб, бизни эслаб дуо қилишсин. Мана, олдингизда турган кўлёмза Қуръонга қаранг. Олтин сувлари билан ниҳоятда чиройли ёзилган, шундаймасми? – деб китобни очиб, менга узатди. Қуръонни очиб, оғзим очилиб қолди. Унга маҳлиё бўлиб, анқайиб тикилиб қолдим. Мусҳаф олтин суви аралаштирилиб, гўзал нақшлар билан шунақанги чиройли ёзилагандики, хаттотнинг маҳоратига минг тасанно. Бирор қатор пастга ёки тепага чиқиб кетмаган, ҳарфлар ниҳоятда моҳирлик билан битилганди.

– Ажабо, бу Қуръонни авваллари кўрсатмагандингиз, қаердан олдингиз? – дедим ҳайратимни яширолмай.

– Падари бузрукворимдан эсдалик, у киши буни худосиз шўро даҳрийлари, китобнинг қадрига етмайдиганлардан яшириб олиб қолганлар. Биласизми, шўролар бундай китоблардан миллионлабини ёқиб, кўмиб, сувга оқизиб, йўқ қилган. Сиз қадрдоним Аҳмад буванинг набираси бўлганингиз, ёшлигингиздан таниганим учун кўзингизни очинг, деб айтяпман. Бу гапларимни бегонага айтиб бўлмайди. Мен сизнинг барибир бир кун бу иллатни ташлашингизга ишонаман. Чунки халқимизда: «Ёмондан яхши чиқди деб қувонма, у ҳам ўз наслига тортади. Яхшидан ёмон чиқди деб қуюнма, у ҳам ўз наслига тортади», деган мақол бор. Сизнинг насли-насабингиз олийжаноб бўлган, – деб насиҳат қилишни бошлаб юбордилар. Гапнинг рости, насиҳатдан бешиб қолганим учун ўзимни яна китоблар тарихига қизиқаётган қилиб кўрсатдим:

– Бундай эски китоблар авваллари кўп бўлганми? – дедим. Насиҳат эшитишни хоҳламаётганимни англаган домла:

– Эҳ, нодон биродарим-а, китобнинг эски-янгиси бўладими? Ҳамма ёзилган китоблар инсон манфаатини кўзлаб ёзилади. Шўролар ҳамма нарсани, китобларни ҳам эскилик саркитига, динни ҳам хурофотга чиқарди, ҳатто одамларни ҳам эскича, янгичага ажратди. Ахир сиз эски китоб деб ўйлаётган китобларни ўқиб-ўрганиб Ибн Сино тиббиёт сирларини очмадими? Фан даҳолари Беруний, Хоразмийлар ҳозирги кун одамлари айтганидек, эски мадрасаларда ўқимаганми? Шўро даврининг ёшлари ўша ёзилган китобларни ўқий оладими? Йўқ! Олимларни, китобларни йўқотиш билан бўйнимизга кўринмас қуллик занжирини солишмадими? Отам раҳматли Бухородаги мадрасада таҳсил олганлар. У киши менга шўролар Бухорони босиб олгандаги воқеаларни гапирганларини эсласам, этларим жунжикиб кетади. Бир кунда бир неча юз нафар Қуръонни тўла ёд олган қорининг танасини бошидан жудо қилиб, сўйиб ташлашган экан. Сўйилган қориларнинг қони дарёдек оқибди. Шўролар бу ишларини яна давом эттирмоқчи бўлиб турганда, чанг-тўзон кўтарилиб, шаҳарни қоронғилик қоплабди. Ҳаммани кўрқув босибди. Шўро раҳбарларининг юраги кўрқувдан ваҳимага тушибди. Бу Аллоҳ таолонинг қаҳри эди. Бир бало келиб қолишдан чўчиган даҳрийлар дарҳол қатлни тўхтатишибди. Аммо кимнинг уйдан диний китоб топилса, унинг сўзсиз жазоланишини эълон қилишибди. Жазодан кўрққан халқ китобларни масжид ва мадрасаларга олиб бориб ташлайверибди. Чунки ўша пайт китобсиз, кутубхонасиз хонадоннинг ўзи бўлмаган. Ҳар бир хонадонда юзлаб китоблар бўлган. Қоп-қоп китобларни қабристонларга

кўмганларни, сувга оқизганларни гапирмаса ҳам бўлади! Отам гумбазларга сиғмай, ташқарида ётган китоблардан бирини кўлига олиб қарасалар, китобда турли гуллар, ўт-ўланларнинг расми бўлиб, уларнинг нима дардга шифолиги ёзилган экан. Уни олиб кетишдан кўрққанларидан йиғлаб-йиғлаб, кўзларига суртиб, жойига қўйиб кетибдилар.

– Ҳа, жуда ачинарли ҳол! Кўп тарихий китобларни Англияда деб эшитаман, тўғрими? – дедим домланинг гапларини бўлиб.

– Алғов-далғовдан фойдаланган инглизлар кўтарганларича туяларга, кемаларга юклаб, китобларимиз, қимматбаҳо тарихий нарсаларимизни олиб кетишган.

– Бу муттаҳам капиталистлар кўп қимматбаҳо нарсаларимизни ташиб кетишган экан-да?! – дедим жаҳлим чиқиб. Чунки мактабда Англия, Америка, Германия ва бошқа капиталистик давлатлар тўғрисида фақат салбий фикр ва маълумотлар ўқитилгани боис, капиталистик давлат тўғрисида эшитибоқ жиғибийрон бўлардим. Гапларимдан домла кулиб юборди.

– Нимага куласиз, домла? У инсофсизлар бойлигимизни ташиб кетса-ю, сиз куласиз?! – дедим астойдил. Бу гапдан хийла жиддийлашган домла:

– Агар инглизлар ўша китобларни олиб кетмаганда, нима бўларди? Шўролар уларни ёқиб, сувга оқизиб, қабрларга кўмиб, йўқ қилиб юборармиди? Ўшалар сабабидан бошқа юртларда бўлса-да аждодларимизнинг китоблари сақлаиб қолди-ку! Агар ўша китоблар йўқ қилинмаганда Ўзбекистон тарихий китоблари энг кўп музей-давлат бўларди. Инглизлар тарихий нарсаларни жуда қадрлашади. Қайси давлатга бормасин тарихий нарсаларни сотиб олади, баъзилари ўғрилайди, босиб олган давлатларини музейларидаги қадимий нарсалар-

ни ташиб кетади. Бобурнинг Кўҳи нур номли дури ҳам инглизларда деб эшитганман. Бизда бўлса эски нарсаларни йўқотиб, алмисокдан қолган арзимас нарсалар деб ўзимиздан ўзимиз кулиб юрамиз.

– Тўғри, бу китоблар жуда қиммат туради, – деб эшитганман.

– Бундай нодир қўлёзма китоблар учун миллионларни берувчилар топилади.

– Унда сотиб юбормайсизми?

– Ҳамма нарсани пулга чақаверсак, сотаверсак, миллий ифтихор, фахримиз қаерда қолади, дўстим! – деди домла ҳаяжонини яширмай. Ҳаяжонлансалар юзларидан тер оқиб, қизариб кетадиган одатларини биламан. Шу сабаб домлани гапга солиб, сал тагдорроқ савол берсам, бор дардлари отилиб чиқади.

– Шўролар яна қандай ёмон ишларни қилган? – дедим ўзимни босиб олгач.

– Кейин улар одамларни иккига – атеист ва диндорга ажратди. Атеист – худосиз, динни билмайди, диндор дунёвий илмдан хабарсиз. Икки томонлама бўшлиқ пайдо бўлгач, мусулмонларни миллий урф-одати ва диндан ажратиш осон кечди. Даҳрийларни ибодатлилар «кофир» дейдиган, улар эса ибодатдагиларни тараққиётни тўсувчи «мутаассиблар» дейдиган бўлди.

– Мутаассиблар кимлар?

– Гўё биз фақат диний таълимотга ёпишиб, ибодатга чакириб, дунё илми ва тараққиётга қарши инсонлар эмишмиз.

– Тўғри, мактабларда бизларга ҳам шундай деб ўргатишган!

– Ўйлаб кўринг, дунёдаги энг машҳур олимлар қаерда ўқишган? Сизга юқорида буларни айтиб ўтдим, ўтган даврда ҳозиргидаги каби ажралишлар йўқ эди. Мад-

расада маълум диний илми олгач, талабанинг ихтиёри ўзида бўлган. Хоҳласа диний илмини давом эттирсин, хоҳласа дунёвий илми. Иккаласига кучи етса, бирга олиб борсин. Буюк аждодларимиз иккаласини бирга олиб борган. Ҳеч ким бунга монёлик қилган эмас. Дин тараққиётга қарши деганларнинг асл мақсади бутунлай бошқа бўлган.

– Тушунмадим, қанақа мақсад? – дедим пича ўйла-ниб.

– Бу махфий мақсадни амалга ошириш учун қуйи-даги усулни аста-секин қўллаш бошлашди. У ҳам бўлса ёшларни ичкилик балосига гирифтор қилиш, ичкилик-нинг орқасидан бангилик ботқоғига ботириш. Биласизми нима учун? Ўтмишда аждодларимиз дунёни бошқариб, қудратлари билан бутун дунёни ларзага солишган. Бу халқдан аждодлари каби қайтадан дунёни бошқарадиганлар яна туғилмасин, илмсиз, заиф ва ногиронлар кўпайсин, деб халқимизни, айниқса, ёшларимизни ароқхўрлик балоси билан заҳарлашни бошлашди. Еримизни ҳам заҳарлашди, мақсад – ҳосилни кўп олиш. Фақат бу эмас. Ҳосил кўп олинади-ю, кўп ер ҳам ишдан чиқади. Ўз-ўзидан касаллар кўпаяди. Заҳарлаш ҳар томонлама, ҳам моддий, ҳам маънавий тус олиб бормоқда. Аввал одамлар ўзларидан бирор савоб ишларни қолдиришга ҳаракат қилсалар, бу дарду балога мубталоларнинг ҳеч нарса билан ишлари йўқ. Сиёсат, иқтисод, иймон-эътиқод, одоб-ахлоқлардан борган сари узоқлашиб, фақат бугунги кунининг кайфу сафосини ўйлайдиган бўлишади. Сиз ва сиз кабилар зиёли, ақлли, пок, мансабдорларнинг ўғиллари уларга яхшигина ўлжа бўлдингиз. Улар айнан мансабдор, бойлар ва зиёлиларнинг авлодларига хужум уюштиришади. Камбағал, пулсиздан кўра сизлар яхшироқ даромад келтирасизлар уларга.



– Ҳа, тўғри! Мен ҳам бувамнинг йўлини тутганимда эл суйган, илмли инсон бўлармидим? Аммо, гиёҳванд моддаларни сотишга бош-қош бўлаётганларнинг кўпини танийман, ахир улар ўзбеклар, сиз айтгандек мусулмонлар-ку!

– Тўғри, аммо, уларнинг устида ким турибди? Масковдаги катта курсида ўтирволиб, бу улкан империяни бошқараётган амалдор турибди. Уларнинг йўлини ким тўсади? Тўсиб бўпти, тўсадиган одамнинг шўри қурийдди. Бу ердаги ароқ заводининг раҳбарларини ҳам ўшалар тайинлашади. Катта фойда уларнинг чўнтагига бориб тушади. Бу ердагилар уларнинг буйруқларини бажаради, холос. Самарқанддаги ароқ заводини қаранг, айнан шаҳар марказида, атрофида одамлар яшайдиган, тарихий обидалар жойлашган ҳудудга ароқ завод қуришганига нима дейсиз? – деб имом бирпас сукутга берилди. Хаёлидан нималар ўтди билмадим, аммо аждодлар руҳига қилинган тажовузларни ўйлаётганлиги юз-кўзларидан кўриниб турарди. Домланинг жим турганини кўриб, гапимиз узилиб қолмасин деб гап қўшдим:

– Бир йили бувам билан Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларни бирма-бир айланиб, зиёрат қилдик. Бувам фахр билан завқланиб, аждодлар ҳаёти ва тарихини гапирардилар. Шаҳардаги тарихий обидалар кўзни қамаштирарди. Айланиб юриб, Шоҳи Зинда мақбарасига бордик. Бузилиб кетган хоналар, нураб тушай деган деворларни кўрган бувам кўзларига ёш олдилар. Бир неча йил қаровсиз қолиб кетган зиёратгоҳнинг кўплаб қимматбаҳо нарсалари ташиб кетилган ёки киши ва ёзнинг иссиқ-совуғида нураб борарди. Зиналардан кўтарилиб, охири Шоҳи Зинда, яъни пайғамбаримизнинг амакиваччалари дафн қилинган Қусам ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг мақбараларини зиёрат қилдик. Бувам мақбара

олдида сукут сақлаб, бир нарсаларни пичирлаб, кимлар биландир гаплашаётгандек узоқ ўтирдилар. Сўнгра айланиб юриб, шаҳарнинг қоқ марказидаги ароқ заводи рўпарасига Алишер Навоий билан Жомийнинг бир жойга, ёнма-ён қилиб қўйилган ҳайкалини олдига бордик. Бувам уларга қараб қаттиқ хафа бўлиб, жаҳл ва ғазабдан кўзларига ёш келди. «Наҳотки форсий ва туркий забон икки халқнинг буюк аллома шоирларини шунчалик хўрлашса? Худо олсин, бу шўроларни! Тирик олимларимизни-ку гўрга тикишди. Энди марҳум, машҳур олимларимизни шу зайлда хорлашиб, устимиздан кулишса, ҳайкал ўрнатишга ароқ заводнинг олдидан бошқа жой йўқмикан?» деб шўроларни лаънатлаб кетдилар!

– Ҳа, Абдурашид биродар! Улар бизларнинг фахримиз бўлган улуғларимизни мана шундай ҳақоратлаган.

– Бу лаънатилар Умар Хайёмни ҳам майхўр, ароқхўр дейишади-ку! – дедим астойдил.

– Буларнинг бари тухмат. Умар Хайём улуғ олим, валий киши бўлган. Ахир валийларнинг мусулмончилик ривожланган, илму маърифат тараққиёт этган даврда ичкилик ичишлари, маст бўлиб юришлари ақлга сиғадими?

– Менинг шерикларим Умар Хайёмнинг шеърларини ўқиб тост айтишади.

– Умар Хайём умрида бор-йўғи ўнтадан ортиқ рубойи ёзган. Қолганларини мусулмонларни йўлдан уриш, аждодларимизни майхўр қилиб кўрсатиш учун динимиз душманлари бўлмиш ғарблик ғаразгўйлар тўқиб чиқарган. Умар Хайёмдек зотнинг майхўр бўлиши ақлга мутлақо тўғри келмайди. У зот яшаган давр айна мусулмончиликнинг гуллаган даври бўлган. Одамлар ичкилик тўғрисида тасаввурга эга ҳам бўлишмаган. Шунинг учун у зотга нисбатан майхўр сўзини ишлатиш

ғирт тухмат. Май тасаввуф истилоҳида Аллоҳ таоло-нинг ишқи васлида куйиш, ўртаниш деганидир.

– Ахир ғарбликлар шу тариқа шарқ мумтоз шеърятини дунёга танитмоқчи бўлган эмасми?

– Агар шундай бўлса, Саъдий, Навоий, Румий каби буюк шоирларнинг шеър ва ғазалларини тарғиб қилишмасмиди? Уларнинг мақсади дунё халқларига «мусулмонларнинг уламолари, зиёлилари ҳам ароқ ичишган, шундай улуғ инсонлар ичган экан, демак бу ичкиликда катта фойда бор», деб тарғиб қилишган. Мусулмон юртларининг ёшларини майхўрликка кизиқтириб, йўлдан уриш усулини ишлаб чиқишган. Сизлар ўшаларнинг фитнасига учиб, «аждодаларимиз ароқ, вино ичган, майхўр бўлган», деб душманлар томонидан тўқилган тўрга тушиб юрибсизлар. Бугун бизни мана шундай муаммолар қуршаб олган бир пайтда сизлар, юртнинг зиёлилари, бойлари, мансабдорлари, улуғ инсонларининг фарзандлари маст-аластсиз. Миллатимиз қайғусида куйиш ўрнига нималар билан машғул бўлиб юрибсиз? – деди домла куйиб-пишиб. Домланинг бу гапидан чуқур «ух» тортиб кўйдим.

– Ҳеч ўйлаб кўрдингизми, вафот қилгач, бу фоний дунёни тарк этганингизда одамлар нимангизни эслайди? – деб сўзида давом этди домла. – Юртингиз, шаҳрингиз, фарзандларингиз сизнинг қайси хайрли, савобли ишларингиз билан фахрланади? Ичган ароқларингизу, истеъмол қилган гиёҳванд моддаларингиз биланми? Дунёга келиб нима қилдингиз? Ер юзида кунига мингминглаб одам туғилади ва ўлади. Улардан саноклисигина одамлар, авлодлар хотирасида сакланиб қолади. Бошқалар дунёда яшамагандай беному нишон кетади. Гўё бир қатра сув денгизга тушдию, йўқ бўлиб кетди. Сиз қатра сув бўлманг, одамлар яхшиликларингизни

узоқ йиллар эслайдиган улуғ инсон бўлинг. Яна такрор айтаман ва сизга ишонаман, албатта бу йўлдан қайтасиз. Аллоҳ таоло сизга ҳидоят берсин!

Имом домла куйинганича насиҳатларини айтгач, кўзларимга синовчан тикилди. Аммо менинг бу гуноҳкор кўзларимдан ҳеч бир маъно ўқий олмагач, Қуръон қироат қилдилар. Савобини бувамнинг ҳақларига бағишладилар. Сўнгра каминага ҳидоят тилаб узоқ дуо қилгач, мен билан хайрлашдилар.

Масжиддан чиққач, тушкун бир ҳолатда кўчаларни узоқ кездим. Кўп ўйладим, вақт тез ўтганидан аллақачон кеч ҳам бўлибди. Қуёш қирмизи ранг олиб, ётоғига ботиб бормокда. Гўё биз кабиларнинг гуноҳидан қуёш ҳам уялиб, бандаларнинг қалбидаги тош қотган бузук ақидаларни эритиб йўқотишга қилган ҳаракати зое кетгандай, қизариб ботмокда. Аммо, биз ароқхўр, гиёҳвандларнинг юзи уят ва гуноҳдан ҳатто қизармайди, буни фикр қилишга ақлимиз ҳам етмайди.

### ҲАРОМ ЛУҚМА

Кун аста ботиб, дунёни қоронғилик қопламокда. Ҳамма уйига шошган, Бозорини тугатган одамлар ҳам шоша-пиша тарозиларини, сотилмай қолган молларини ўраб, уйга қайтиш тараддудига тушган. Кимдир кун бўйи қилган фойдасидан хурсанд, бошқаси фойдаси озлигидан норози, кимдир шом намозига етиб олишга шошмокда. «Ҳамма шошади, ҳамма елади, югуради. Мен ҳеч ерга шошмайман, шошадиган жойим ҳам йўқ. Фақат дорининг хумори тутмай турса бас. Агар хумори тутса, одамларнинг шошиши меникининг олдида ҳолва бўлиб қолади. Хумор бош оғриғини қўзғаб, этларимни жунжитиб, суякларимни қақшатиб кела бошлайди. Агар

вақтида захарни урмасам, тамом, бир соатлик оғрикка чидай олмайман. Бу дард инсон бошига тушган балойи азим. Гоҳо бу балойи азимларни ўйлаб топганларнинг оналаридан сўкамиз, падарларига лаънатлар айтамиз. Падарларида нима айб? Ота-онанинг сўзига кирмаган бебош бола гуноҳга ботса, уларнинг сўзларига кулоқ солмаса, ким айбдор? Емай-ичмай катта қилган, оқ ювиб, оқ тараган ота-онами? Ҳар ишнинг бошланишига, боланинг танги ёки тантиқ бўлишига, ортиқча пул билан сийланишига, ёшлигидаги қилган айбларини ёшликка йўйиб, кўриб кўрмасликка олиш, шу боис болаларнинг баъзиларининг ўз йўлларини йўқотишига асосан ота-оналар сабабчи бўлишади. Аммо каттаргач, балоғат ёшига етган фарзандлар қилган гуноҳлари учун ўзлари учун ўзлари жавоб берар экан. Ота-онани айблай олмас экан. Буни бувамдан эшитганман: «Ўғлим фарзанд балоғат ёшига етгач, ота-она фарзандининг гуноҳи учун жавоб бермайди. Улар қўлдан келганича тарбия беришган. Ёши катта бўлиб оқ-қорани ажратгач, ўз нонини топиб ейишга қодир бўлгач, керагича илм олгач, бола ўз гуноҳига ўзи жавоб беради. Савоб иши ҳам ўзига ёзилади. Ота-онани айблашга боланинг ҳаққи қолмайди. Уларга сизлар айбдорсизлар деб маломат қилишга фарзанднинг ҳаққи йўқ!»

– Нима учун?

– Нух (а.с) деган пайғамбар бўлган. У кишининг ўғли отасига кулоқ солмасдан, мушрик бўлиб гуноҳдан қайтмаган, гапига кулоқ солмаган.

– Отаси пайғамбар бўлса ҳамми? – дедим.

– Отаси пайғамбар бўлса ҳам! Қавмлари гуноҳ қила-вергач Аллоҳнинг қаҳри келган ва дунёни сув босган. Нух пайғамбар ўзлари билан яқин кишиларини олган. Ўғли мушрик бўлгани учун кемага чиқмаган. Оталари-

ни насихатини кулоққа олмаган. Шунда Нух алайҳиссалом Худога нола қилиб ўғлини ўзи билан кемага олишга рухсат сўраган. Аллоҳ таола эса: «У сенинг аҳлингдан эмас», деб изн бермагач ўғли чўкиб ўлган. Кўрдингми Худо қалбига раҳм, меҳр солмаса, пайғамбарнинг ўғлига ҳам шафқат қилмас экан. Отанинг пайғамбарлиги ўғлини ҳидоятга сола олмади. Ота-она ўз гуноҳига, болалар ўз гуноҳига ўзлари жавоб беради. Ўзи гуноҳ қилиб, ота-онани айблай олмайди» дегандилар.

Шулар тўғрисида ўйлаб, бозорга бориб қолганимни сезмабман ҳам. Бозорда одам камайган, қолган-қутган сотувчилар нарсаларини жойлаштириш билан овора. Кунни билан талашиб-тортишган, гоҳо бир-бирлари билан ёқа бўғишганлардан ҳозир ҳеч ким йўқ. Ҳаммаси ўз юкларини топшириб, омонатини бергани кетганга ўхшайди, гўё! Эрта тонгдан қий-чув билан бошланган бозор, мозорга ўхшаб қолганди. Кундузги шовқин-сурон ўрнини сукунат эгаллаган. Гўё инсонлар ер юзини тарк қилиб, жон омонатини бериб, ҳисоб-китоб қилинаётгандек. Бозорга тикилиб турарканман, хаёлимни бузиб, ёшлари элликларга кириб қолган, кўча-кўйда маст-аласт юрадиган Турғунбой печкачи ашуласини ванг кўйиб, қичқириб олдимга келиб қолди. Мени кўриб шартта тўхтаб, кучоғини очганча олдимга яқинлашди. Ундан таралаётган бадбўй ҳидга чидаб бўлмасди. Кучоқлаб олмасин, деб шошиб кўлимни узатдим. У бўлса:

– Қала-а-йса-а-н, Абдурашид! Ишлар ништякми, бир отамлашмаймиз-ми-и-и? Бугун ишлар зўр бўлди. Роса пул топдим, сени бир меҳмон қилайин, юр, – деб кўлимдан тутганча, дўкон тамонга судрай бошлади.

Бу одам шаҳримизнинг энг зўр печкачиларидан. Одамлар унга печка қурдиришга навбатда туради. Софдил, содда, уятчан Турғунбой акани печка қурдирган буюрт-

мачилар шу кўйга солишган. Янги печкани битириши билан томоқлари тақиллаб, ичишга баҳона тополмай турганлар устага кўярда-кўймай иш якуни деб ичкилик ичираверишган. Янги печкалар ювилавериб, бора-бора Турғунбой аканинг ўзлари ювиладиган бўлиб қолдилар. Эрталаб кайфлари йўғида мушукдай ювош, иложи борича одамларнинг кўзига кўринмасдан, ерга боққанча секин ишга кетадилар. Ҳатто савол сўраб, жавобини ҳам ололмайсиз. Кечқурун топганини ичиб олгач, акам шер бўлиб қайтадилар. Ҳаммага бақирган-чақирган, ақл ўргатган, ботир бўладилар. Энг ёмони, оиласи, фарзандлари, келинларининг олдида уятсиз гапларни гапириб, шарманда бўлади. Шундай бўлса-да, болалари сабр-қаноат қилишади. Оталарини уриб-сўкмай, иззатини жойига қўйишади. Она шўрлик болаларига тинмай отани ҳурматлашни тайинлайди. Оиласининг, фарзандларининг дуоси сабаб бўлдим, ўзи уялдим ишқилиб кейинчалик ичишни ташлаб, яхши инсонга айланди. Ҳозир эса бошимни қотириб, менга шилқимлик қиларди :

– Хўв, бойвачча! Юринг энди, биз билан бир отамлашинг, пулидан кўрқманг, ўзимиз тўлаймиз. Мана иккита винога етадиган пулимиз бор, – деб мижиғланиб кетган иккита бир сўмликни, майда чақаларни кўрсатиб ҳолижонимга қўймасди.

– Ҳозир шу ерда кутиб туринг, бориб шўр бодринг олиб келаман, кейин ўтириб отамлашамиз, – дедим.

– Мани алдамасдан дарров олиб кел, – деди гандираклаб. Пайтдан фойдаланиб, ўзимни панага урдим. Турғунбой аканинг феъл-атворини яхши биламан, икки дақиқа ҳам кутмай тўнғиллаганча йўлида давом этиб, бақириб-чақириб уйига жўнайди. У мени пойлаб, бир оз тебраниб тургач, нималардир деб ҳар кунги одатича уйига равона бўлди.

Аммо бизнинг кабобпаз бозордан ҳаммадан кейин кетади. Тонгда ҳаммадан биринчи келади. Кечаси ухлайдимиди-йўқми, билмайман. Кабир кабобпазнинг ҳаракатларини кузатарканман: «Бу одам ажойиб, мен гиёҳвандлик дардига мубталоман, бу пул дардига мубтало. Пул деса иймонини ҳам сотади. Пул санаса кўзлари чакнайди. Қанча пул кўп санаса шунча кайф қилади. Пули бўлмаса тарвузи кўлтиғидан тушиб шалвираб қолади. Худо ҳаммани ҳар кўйга мубтало қиларканда! Агар индалмаса, ҳаром ўлган молни, эшак гўштини ҳам пишириб сотади, деган ўйлар хаёлимдан ўтди.

Кейинчалик, орадан анча йил ўтгач билсам, Кабир кабобпаз ўта пишиқ, айёрликда тулкидан ҳам ўтганлигини, ҳатто мени ҳам лаққиллатганини ўзидан эшитиб ҳайрат ёқамни ушлаганман. Дўкондаги музлатилган арзон гўштдан кабоб тайёрлаб, бозор нархида мен билан ҳисоблашаркан. Йиллар ўтиб ёши олтмишларга етганда оғир дардга чалинди. Кўргани борганимда: «Мендан рози бўлгин», деб яширинча қилган ишларини гапирганида оғзим очилиб қолган.

Раҳматли бувам насиҳатларининг бирида:

– Одамларнинг ҳалқумини бузиб, ҳаром нарсаларни ҳалол деб сотиш, кечирилмас гуноҳ бўлади. Ўйлаб кўр, ошхонада ишлайдиган ошпаз, кабобпазлардан кунига қанча одам овқат олиб ейди? Хўрандаларга ўлимтик ҳаром гўштдан таом пишириб едирсанг, биласанми, минглаб одамларнинг қонини, ҳалқумини, ақлини бузиб, имонини булғаб, турли касалликларга мубтало қиласан?

– Бува, молни сўйдингиз нимаю, ўзи ўлса нима? Барибир гўшт эмасми? – деган эдим, бувамнинг кўзлари олакула бўлиб кетди, менга қаҳр билан тикилганларича:

– Сенинг гапинг Пайғамбаримиз давридаги жоҳил одамларининг сўзига ўхшайди-я! – дедилар.



– Жоҳилият нима? – дедим ўзим билсамда яна кўпроқ ўрганиш учун атайин сўрадим

– Одамлар илмсиз, йўлбошчисиз, жоҳиллиги туфайли ақлига нима тўғри келса қилаверадиган, турли гуноҳларга ботган замон бўлган. Ўша замонни «жоҳилият, яъни нодонлар даври», дейишади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам келгунларича араблар, ҳам, гарбликлар ҳам фирт жоҳилиятда яшаб, гуноҳ ишлар ботқоғига бўғзиларигача ботган бўлишган...

– Хўш, ўша жоҳилиятда одамлар қанақа гўшт ейишган?

– Албатта молларни сўйиб ейишган. Қайси бири ҳалол ҳайвон, қайсиниси ҳаром ҳайвон, қайсини ейиш мумкин, қайсинисини еб бўлмайди, булар тўғрисида билишмаган. Ёзилган китоблари ҳам бўлмаган. Шунинг учун бирорта мол ҳаром ўлса ёки касалликдан ўлса, «Бу молни худо ўлдириб, бизга инъом этди», деб терисини шилиб, бемалол ейишаверар экан. Муҳаммад алайҳиссалом пайғамбар бўлгач, уларга ваҳий орқали: «Сизларга ўзи ўлган (ҳайвон гўшти), қон, тўнғиз гўшти, Аллоҳнинг номидан бошқага деб сўйилганлар ҳаром қилинди» деган оят тушганда жоҳиллар мусулмонларнинг устидан қаҳ-қаҳ отиб кулиб: «Бу мусулмонларга қаранглар, Худо ўлдирган молнинг гўштини емасдан, ўзлари ўлдирганларни ейишади», деб масхара қилишар экан.

– Менга ўхшаб экан-да! – дедим мийиғимда кулиб.

– Асло бундай дема, Аллоҳ таоло инсоннинг ниятига қарайди, ниятига яраша беради, болам! – дедилар бувам койиган бўлиб.

– Ҳақиқатан ўзи ўлган ҳайвонларнинг гўштини нима учун еб бўлмайди? – дедим саволимни такрорлаб.

– Уламолар бу оят сирини ўрганиб, асосий касалликлар қонда бўлиши, мол бўғизланиб қони чиқарилмаса, қонлар томирларда қотиб қолиб, касалликлар тарқали-

шини аниқлашган. Агар мол сўйилса, бўғзидаги томирлардан қон отилиб, у билан қўшилиб молнинг қонидаги касаллик ва иллатлар оқиб кетаркан. Сўйилмаган, ўзи ўлган молнинг касалликлари қонда қотиб қолиб, уни еганларни касал қиларкан. Шунинг учун сўйилиб, қони оққан молнинг гўшти пок, чиройли бўлади. Ўзи ўлган молнинг гўшти қорамтир, қип-қизил бўлади. Қолаверса, ҳаром гўштни билиб туриб халққа едирган инсоннинг оқибати турли фожиалар билан тугайди.

– Қон-чи, қон! Гўшт харид қилсак, қони чиқиб туради-ку?

– Қон деганда ҳайвон бўғизланганда унинг томиридан отилиб чиқадиган қон назарда тутилади. Ҳамма микроб, зарарли нарсалар ўша қон билан қўшилиб чиқади. Ҳаром қонни баъзи ношуд одамлар шифо деб ичиб, турли касалликларга учрайди. Гўштда қолган қон эса зарарсиздир.

– Унда чўчка-тўнғиз-чи, улар нимага ҳаром қилинган?

– Аллоҳ таоло бирор нарсани енг-ичнинг дедими, демак, унда инсонлар учун, уларнинг соғлиқлари учун фойда бор. Еманг-ичманг дедими, демак, унда инсонларнинг соғлиги учун катта зарар бор. Чўчка эса энг ифлос махлуқ, ҳатто ҳайвонлар ичида бирдан-бир ўз жуфтини қизғанмайдиган ҳайвон саналади. Унинг гўштини истеъмол қилганлар ўз жуфтини қизғанмайдиган бўлиб қоларкан. Яна гўштида турли микроблар бўлиб, тўрт юз градусда қайнатилмаса, улар ўлмас экан. Буни ғарб олимлари ўз тажрибаларида синаб, шу хулосага келишган экан. Мана шунақанги иллатлари кўп бўлгани учун, инсон зоти улуғ бўлгани, чўчка-тўнғиз энг паст ҳайвонлиги боис, унинг гўшти ҳаромдир.

топсин. Ота-она қадри, гўзал қадриятларимиздан кўнгли тўлиб, келаси йили болаларини олиб келиб, пойтахтликлардан одоб ўргансин. Аммо шўролар бизнинг қадриятларимизни танқид қилиб, ҳамма нарсани динга боғлади, «эскилик сарқити» деб тарбиясиз ёшларни кўпайтиришга жидду жаҳд қилмоқда. Шу сабаб дунёга донғи кетган уломолар яшаб ўтган пойтахтимиз, нафақат пойтахтимиз балки ҳамма шаҳарларимизнинг аҳли дунё халқлари ҳавас қиладиган инсонлар бўлиши лозим. Аждодлари қозонган ҳурматларга сазовор бўлишликлари керак, — деб юртимиз уламоларининг қилган ишларидан ҳам сўзлаб бердилар. Бувамнинг: «Тилинга эҳтиёт бўл, ҳар жойда бўлар-бўлмас гапларни гапирма!» деган кўрсатмаларини эшитганим боис, тилимни тийиб, маслаҳатларига қатъий амал қилардим. Шу сабаб кабобпазларни тез-тез текшириб турардим. Аммо Кабир пихини ёрган, айёр одам экан. Менга чап бериб, сездирмаслик учун минг хил ҳийлани қўллаганини эшитиб, қулоқларимга ишонмасдим. Гўштни оқартириш учун гуручнинг сувига ювибди, касал молларнинг гўштидан пиширилган кабобларнинг қанчасини одамларга алдаб сотиб юборибди. Бу ер ресторан эмаски, хўрандалар қайта-қайта келса, бу ер бозор. Бир келган одам қачон яна қайтиб келиши номаълум. Қорнини тез тўйдириб, уйига қайтса бўлди. Мижозларимнинг аксарияти содда, кишлокдан келган одамлар. Уларнинг кўпига кабоб бўлса бўлди. Яримта ароқ билан еб-ичиб кетаверишади. Текширувчилар кундалик ҳақини олиб турибди. Керакли қоғозни ёзиб бераверади. Уларга қолса, сасиган, қуртлаган гўшт сотмайсанми, фарқи йўқ. Чўтал вақтида чўнтакка тушиб турса бас.

Бир сафар «Кабир бақалоқ ҳаром ўлган молнинг лаҳм гўштларини ажратиб, кабоб қилиб сотиб, қолга-

лайдиганларни кўриб, эшитиб қоламиз. Бу ўғриларни ҳам улар тайёрлашган экан-да?!

– Ўғрилиқнинг мактаби йўқ, сабабчиси ва ўргатувчилари бор. Мисол учун, шўролар юртимиздаги қадимий тарихий обидаларимизга Самара деган шаҳардан кўплаб бетайин, ялқов, ўз шаҳрида бекадр, давлат, халқига бирор фойда келтирмайдиганларни кўчириб келиб, уларга яшайдиган уй-жой қилиб берган. Самаралиқ иқтидорли, билимли одамларни эмас, айнан ўғри, бировни ҳақидан кўркмайдиган, насабининг тайини йўқларни кўчириб келишган. Ҳар давлатнинг билимли яхши одамлари ўзидан ортмайди. Тайинсиз, миллатбузар, насли тайинсизларни эса бошқа халқларни бузиш учун ўша юртларга кўчириб юборилади. Айниқса, Тошкентнинг марказида жойлашган Абулқосим мадрасасини уларга уй-жой қилиб бергани ачинарли. Қарагин, Абдуллох Қодирий ўқиган, минглаб талабалар таҳсил олган мадрасага ўғриларни жойлаштиришган. Аждодларимиз ниҳоятда пок сақлаган жойга мана шундай одамлар кўчиб келган. Улар мадрасада майхўрлик, фахш ишлар ва ўғрилиқлар қилишган. Авваллари одамлар дўконини қулфламаган, бирор жойга чиқса, нарсаларини шундай қолдириб, устига бир парча латта, белбоғ каби нарсани ёпиб кетишаверган. Хонадонларда қулф бўлмаган. Бундай имкониятдан фойдаланган самаралиқ ўғрилар (уларни «самарские жулики» деб аташарди) қилмишларини бошлаб юборишган. Одамлар қарасаки, нарсалар йўқоляпти. Сўраб-суриштириб билишсаки, мадрасада яшайдиган муттаҳамлар ўғрилиқ қилаяпти. Уларга бир нарса деб бўлмайди. Энди эҳтиёт чораларини кўриш керак бўлган. Бу ўғрилар ўз сафларига маҳаллий халқ болаларини эргаштирса, аёллари эркакларни йўлдан уришни бошлаб юборишган. Шу тариқа шўролар ўз-

лари кўзлаган режани осонлик билан амалга ошириб борган. Кейинчалик бу каби мадрасалар меҳмонхона, ароқ омбори, турли ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга айлантирилди. Ваҳоланки бу мадрасаларда гуноҳ ишлар, одобсизлик қилиш, маънисиз гапларни гапириш мумкин эмас.

– Нима учун кераксиз гапларни гапириб бўлмайди? – дедим ҳаяжонимни яширолмай.

– Мадраса ҳам масжидлар каби диний даргоҳ бўлиб, уларда дунёвий лағв гапларни гапириш, ўйин-кулги қилиш оғир гуноҳ, болам! Шўролар эса мана шундай фитна-лари билан халқимизнинг устидан кулиб, аждодларимиз руҳини чиркиратяпти. Мадрасалар нима учун қурилган? Мусулмон болалари, юртимиз фарзандлари таълим-тарбия олсин, деб бино қилинган. Ўз даврида Амур Темур, Мирзо Улуғбек, Шайбонийхонлар ўша замоннинг энг зўр мадрасаларини қуришган. Бу мадрасалардаги тартиб, гўзалликни кўриб, юртимизга келган чет эллик меҳмонлар қойил қолишган. Шўролар эса айнан мана шу мадрасаларни оёқ ости қилдириб, устимиздан кулмоқда. Мадрасанинг томларида яллачилар рақс тушиб, машшоқлар ашгула айтмоқда. Ҳатто исмларимизни ўзгартириб ташлашди. Гуржи, арманиларнинг исмларини ўзгартирмади, ёзувига тегишмади. Ўрта Осиё халқларининг хат-ёзувини йўқоттирди, исмларимизга «вич» ва «ов»ларни киритиб юборди. Юртимиз буюк уламолар, валийлар маскан тутган юрт. Азизларимизни хорладилар, мадраса-масжидларимизни оёқ ости қилдилар, улуғ даргоҳларда ҳаром иш қилганлар вақти келиб, турли балоларга йўлиқишди. Чунки бундай жойларда азиз-авлиёларнинг руҳлари кезади. Халқимизда «Валийлар Худо эмас, Худодан жудо эмас», деган мақол бежизга айтилмаган. Минг афсуслар бўлсинки, бу сўзларимни энг яқинларимдан бошқа

бирова гапиролмайман. Айтсам тамом, бирон нарсани баҳона қилиб қамаб юборишади. Буларга сиёсатни яхши тушунадиган, оқил раҳбар ва олимлар керак эмас. Бу сўзларни сенга айтдим, ҳамма вақт эҳтиётингни қилиб юр. Айтганимдек, ўғрилиқ, зино, ёлғон ва ичкилик балоларидан узоқ юр. Мана шу тўрт нарса юртга бало чақиради, баракатни кетказади, оқибатни йўқотади, ана шулар уриш-жанжаллар чиқарадиган, ёшларни бузадиган энг ёмон иллатлардир, – дедилар бобом куйиниб.

– Бува, Тошкентни нон шахри, одоб-ахлоқ шахри дейилишининг боиси нима? – дедим киноларда кўрганим, эшитганларим ва билганларимни аниқлаштириб олиш мақсадида.

– Тошкент шахри ва бошқа шаҳар, қишлоқ одамлари очарчилик, уриш йилларида турли миллатларни очлик, ўлимдан сақлаб қолган. Кўлидаги бир бурда нонини етим болаларга берган. Ватанидан сургун қилинганлар билан баҳам кўрган. Савоб учун турли миллат болаларини бағрига олиб тарбиялаган, уйдан жой берган, ёпинган кўрпасининг ярмини бўлишган, хулласи калом ўзбек халқидан ҳамма фақат яхшилик кўрган.

Тошкент халқининг одоб-ахлоқига эътибор қаратсак, Тошкент мамлакатнинг бош шахри, пойтахти, юртимиз ва миллатимизнинг кўзгуси. Турли шаҳар-вилоятлардан, бошқа республика ва чет эллардан минглаб меҳмонлар келади. Хўш, улар фақат шаҳарни томоша қилиш учун келишадими? Сен нима деб ўйлайсан, Абдурашид? – дедилар менга қараб. Бундай саволни кутмаганим боис сўзимни йўқотиб қўйдим ва:

– Томоша учун келишса керак! – дедим.

– Тўғри томоша учун ҳам келишади. Шу билан бирга, кексаларимизнинг ўзларини тутишлари, ёшларимизнинг одоби, қизларимизнинг шарму ҳаёсига ҳам

этиборларини қаратишади. Қариялари қандай, ёшлари нимага қизиқади, қизлари-чи? Тошкент шаҳрига бошқа шаҳарлардан келган танишларнинг уйимизга тез-тез меҳмон бўлишини биласан, уларга хизмат қиласан. Улар менга секингина, ҳеч кимга эшиттирмай бир гапни кўп такрорлашади. У нима сўзки, бизларга сездирмасдан гапиришади, деб ўйларсан? Нималигини биласанми?

– Йўқ, бу тўғрида ҳеч айтмагансиз, – дедим.

– Улар Тошкент шаҳрининг кекса отахону онахонларининг тавозеси, виқори, маъноли, ҳикматли гапларини, ёшларнинг уларга кўрсатаётган ҳурмат ва иззати, тўйлардаги хизматларни, ўзаро гўзал муносабатларни, ёшларнинг кўлларини кўксиларига қўйганча кексаларни қаттиқ ҳурмат қилишларига ҳавас қилиб кўп гапиришади. Ҳашарларда кексаю-ёшнинг қатнашиши, ўзаро кўмақларига ҳавас қилишади. Ҳатто бу одоблардан андоза олиб, ўз шаҳар ва кишлоқларида жорий этишади. Демак, пойтахт одамларининг миллий кийимлари, гўзал урфлари ва одобларини ўрганиб, юртига қайтганда ҳаммага гапириб юришади, – дедилар тўлқинланиб. Мен яна:

– Ёшлар-чи? Улар нимани ўрганишади? – деб савол бердим.

– Ўғлим, ҳамма жойда асосий хизматни ёшлар қойиллатади. «Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё, иллат излаганга иллатдир дунё», дейди донолар. Ҳикмат излаган ёшлар ҳикмат топади. Пойтахтга илм излаб келган қанча ёшлар олимлик, академиклик ва ундан-да юқори унвон-мартабаларга эришишди.

Иллат излаган, бузуқ фикрдагилар иллат ботқоғига ботишди. Халққа қўшилмайдиган, халқнинг тўйу маракасига қатнашмайдиган, бузуқлик-фаҳш йўлларида юрадиган, ўғрилиқ ва каззобликни касб қилган, милла-

тимизга ёт кийимлар киядиган, пойтахт халқининг, шаҳарнинг обрўйини тўкиб, миллатнинг ҳурматини кетказиш истагидагилар эса ўзлари каби тайинсизларни излаб топади. Чиройли кийим, ҳусну жамолни биринчи ўринга қўядиган маданиятсизларга қўшилиб, улар ҳам бузилади. Юртларига қайтганда пойтахт тўғрисида фақат бузиқ фикр билдиради. Шу сабаб нойтахт аҳли ҳушёр ва ўта одобли, гуноҳлардан узоқ инсонлардан бўлишлари керак. Мен хоҳлардимки, асло нойтахтда бундай ёмон феълли кимсалар бўлмаса, ҳамма ҳикмат изласа, ҳикмат топса. Юртига фақат яхши фикр, шаҳримизга ҳавас туйғиларини олиб борса, дейман.

– Бува, кеча Тошкентга борган бир дўстим автобус бекатида турган экан. Сочлари қирқилган, тор шим кийган, бўйни ва кулоқларига алламбалоларни осган, юзларига упа ва бўёқ чаплаган иккита ўзбек қизини кўрибди. Бири сигарета чекар, иккинчиси писта чақиб атрофни ифлослантитар, қилаётган ишларига, кийимларига керилиб, ўзларини энг замонавий қиз санаб турганмиш. Уларни кўрганлар нафратланиб ўтаркан, бир шаттакироқ аёл: «Мана тошкентлик қизларнинг аҳволи, ҳаёсиз», деб ўтиб кетса ҳам уларнинг пинаги бузилмабди.

– Кўрдингми, мана шундай йигит-қизлар пойтахтга келадиган меҳмонларнинг тасаввурини бузади. Шаҳарликларнинг обрўйини тўкади. Ваҳоланки, дунёнинг қай ерига борма, Россиянинг қаерида бўлма, Тошкентданман десанг, «Нон шаҳридан, саховатпешалари кўп шаҳардан келдингми?» деб, сенга ўзгача ҳурмат ва иззат кўрсатади. Яхши инсонларга эмас, айтиб ўтганингдек тарбиясиз, нафсига қул бўлганларга йўлиққанлар пойтахтимиз тўғрисида мутлақо бемаза фикрда бўлади. Шу сабаб пойтахт халқи ниҳоятда тарбияли бўлиши керак. Бутун дунё халқи йўқотган одобларини шу шаҳардан



топсин. Ота-она қадри, гўзал қадриятларимиздан кўнгли тўлиб, келаси йили болаларини олиб келиб, пойтахтликлардан одоб ўргансин. Аммо шўролар бизнинг қадриятларимизни танқид қилиб, ҳамма нарсани динга боғлади, «эскилик сарқити» деб тарбиясиз ёшларни кўпайттришга жидду жаҳд қилмоқда. Шу сабаб дунёга донғи кетган уломолар яшаб ўтган пойтахтимиз, нафақат пойтахтимиз балки ҳамма шаҳарларимизнинг аҳли дунё халқлари ҳавас қиладиган инсонлар бўлиши лозим. Аждодлари қозонган хурматларга сазовор бўлишликлари керак, – деб юртимиз уламоларининг қилган ишларидан ҳам сўзлаб бердилар. Бувамнинг: «Тилинга эҳтиёт бўл, ҳар жойда бўлар-бўлмас гапларни гапирма!» деган кўрсатмаларини эшитганим боис, тилимни тийиб, маслаҳатларига қатъий амал қилардим. Шу сабаб кабобпазларни тез-тез текшириб турардим. Аммо Кабир пихини ёрган, айёр одам экан. Менга чап бериб, сездирмаслик учун минг хил ҳийлани қўллаганини эшитиб, қулоқларимга ишонмасдим. Гўштни оқартириш учун гуручнинг сувига ювибди, касал молларнинг гўшtidан пиширилган кабобларнинг қанчасини одамларга алдаб сотиб юборибди. Бу ер ресторан эмаски, хўрандалар қайта-қайта келса, бу ер бозор. Бир келган одам қачон яна қайтиб келиши номаълум. Қорнини тез гўйдириб, уйига қайтса бўлди. Мижозларимнинг аксарияти содда, кишлоқдан келган одамлар. Уларнинг кўпига кабоб бўлса бўлди. Яримта ароқ билан еб-ичиб кетаверишади. Текширувчилар кундалик ҳақини олиб турибди. Керакли қоғозни ёзиб бераверади. Уларга қолса, сасиган, қуртлаган гўшт сотмайсанми, фарқи йўқ. Чўтал вақтида чўнтакка тушиб турса бас.

Бир сафар «Кабир бақалоқ ҳаром ўлган молнинг лаҳм гўштларини ажратиб, кабоб қилиб сотиб, қолга-

нини колбаса цехига топшириб, анча фойда қилибди», деган миш-мишни эшитгандим. Унинг қилган ишидан ўзининг хурсандлигини сездим, аммо буни исботлаш учун далилим йўқ эди. Қўрқитиб, уриб, бўйнига қўйиб бўлмайдди. У минг бор қасам ичиб, керак бўлса, хўнграб йиғлаб ҳам беради. Фақат бир қўрқитиб қўйиш керак. Чунки «Бир қилган икки қилар, икки қилган одат қилар», деганларидек, шу йўл билан осон пул топишга ўтишидан чўчидим. Миш-мишларни эшиган Кабирнинг пайтавасига қурт тушиб, мени кўрса кўзларини олиб қочадиган бўлиб қолди. Савол-жавобимдан қўрқиб, бўлажак хужумга тайёр турган экан. Бир-икки шеригим билан унинг олдига бориб, секин ёқасидан олдим. Шилпиқ кўзларига тикилиб:

– Ҳаром ўлган молнинг гўштидан кабоб сотибсан, деб эшитдим, тўғрими? – дедим ғазаб билан.

– Ҳаром гўштан кабоб қилиб, сотиб иймонимни ютганим йўқ! Мени шу даражага боради деманг! Худо урсин, Каломуллоҳ урсин, – деб астойдил қасам ичди. Ўзини йиғлашдан зўрға тўхтатиб, ҳақиқий артистлигини қилди. Худони, Каломуллоҳни ўртага қўйиб қасам ичиб тургач ишонмасдан иложим йўқ.

– Мен, сени огоҳлантирдим, бундан кейин хушёр бўл, кўзингга қара! Агар исботласам, битта ҳаром ўлган молни сассиқ гўштини тамом бўлганича ўзингга едираман, билиб қўй! – дедим кўзига қаттиқ тикилиб. Кейин ёқасини қўйиб юбордим..

– Хўп-хўп, хўжайин, айтганингиздан чиқмайман, – деди бошини эгиб.

Кабир менинг жазолашимдан қўрқиб, бундай гўштларни кабоб қилиб, қўлга тушиб сассиқ гўшт еб ўлганидан колбасачиларга арзон-гаровга топшириб юборишни афзал билибди. Колбасачилар ичида ҳам халқнинг лукмаси-

ни бузадиган, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган манқуртлар топилиб турар экан. Инсон нафс деб нималар қилмайди?! Мендан огоҳлантириш олган Кабир бирга ишлайдиганларига шундай деганмиш: «Бу наркоманга ишонч йўқ. Худонинг балоси, ўзи ҳеч нарсадан кўрқмайди, айтганини қиладиган хилидан. Агар ишимизни билиб қолса, ҳаром гўшт едириб, ҳаммамизни гиёҳванд қилиб, дори дозасини кўпайтириб, ўлдириб юборади. Ҳеч ким ўлимимиз сабабини аниқлай олмайди. Чунки шеф менга бир неча бор тайинлаб: «Агар хиёнат қилсанглар, ҳаром гўшт сотсанглар, аввал наркоман қилиб, борларингни шилиб, кейин дозаси оширилган наркотик билан жонингизни суғураман!» деб таҳдид қилганида кўкрагимга туфлаб, асло ҳаром иш қилмайман, деб қасам ичганман. Ундан Худо асрасин, эҳтиёт бўлиб хушёрликни қўлдан бой бермасдан ишлашимиз керак». Нафс балосига учган шериклари ҳам сирни ошкор қилмасликка қасам ичишибди.

Ўлими олдидан розилик сўраб қилган гуноҳларидан пушаймонлигини айтгач:

– Ўшанда ҳақиқатдан ҳаром ўлган молнинг гўштини сотганмидинг? – деганимда кўзига ёш олиб:

– Ҳа, сотгандим! Ўшанда ёлғон қасам ичгандим, – деб кўзларини олиб қочди. Ҳозир мени ўлдиради деб ўйлади шекилли, ранглари оқариб, қалтираб қолди.

– Сенга бу дард, азоблар бекорга эмас! Қилган қилмишинг, халқнинг ҳалқумини бузганингни жазоси экан-да! Ўшанда билганимда яхшилаб таъзирингни берардим. Майли, Худо сенга раҳм қилсин, гуноҳларингга тавба қил, – деб чиқиб кетдим.

«Инсон зоти қизиқ яратилган: Парвардигоридан уялмайди, азобларидан кўрқмайди, нафсини кўзлаб, гуноҳ амалларга қўл уради. Аммо кичик бир азоб берадиган, нари борса ўлдирадиган бандасидан шунчалик кўрқа-

ди. Агар одамлар менга ўхшаш наркоманлардан, каззоб ва золимлардан кўрққандай Худодан кўрқишганда, ҳамма фаришта бўлиб кетармиди?!» деб ўйладим.

Бозор дарвозаси олдида кузатиб турганимни кўрган Кабир бақалоқ ҳушёрлигини оширди. Шогирдига пулларни тахлашни буюрди. Мен аста уларнинг яқинига келдим. Пуллар тахланиб, саналгач уларнинг ҳақи, эртанги гўшт пулини ажратиб, дўконни ёптириб уйга йўл олдим. Бугун гиёҳванд моддасини олмаслик, ичмасликка ўзимга сўз бердим. Хотинимни хурсанд қилиш учун бозорлик қилдим. Бозор олдида қатор турган таксиларнинг бирига миниб, уйга келдим. Эшикни тақиллатгандим, ичкаридан хотиним чиқди.

– Ассалому алайкум, марҳабо, хуш келдингиз, – деди паст овозда бошини бироз эгиб, қўлини кўксига қўйиб, очиқ юз, табассум билан ва чакқонлик билан қўлимдагиларни олди. Менга «қаерда эдингиз, кечаси нимага келмадингиз», деган саволлар ортиқча, дардим ва феълимни хотиним яхши билади.

– Ваалайкум ассалом, келдим! – дедим ним табассум билан.

– Муздаккина яхна чой бор олиб келайинми ёки иссиқ чой ичасизми? Мастава қилгандим, иссиққина сузиб келайинми? – деб саволларга кўмиб ташлади.

– Ҳозир кийимларимни алмаштириб олайин кейин биргалашиб чой ичамиз, – деб ичкари хонага кирдим. Оркамдан уй кийимларимни кўтариб кирган хотиним, ечган кийимларимни тахлаб олиб қўярди. Хотинимнинг бу ишлари унинг нақадар тарбия кўрганлигини кўрсатиб турар, мулозиматларидан, ўзимни унга муносиб кўрмай уялиб кетардим.

Пул топмаганимда уйдаги нарсаларни сотавериб, уйни ҳам бўшатиб қўйгандим. Эски каравот, ярми си-

ниқ диван, стол-курсилардан бошқа қўлга илинадиган нарса йўқ! Уйдаги аҳволни кўриб, кўнглим ўксиб бироздан кейин секин қайтиб чиқдим. Хотиним ҳовли ўртасига стол устига дастурхон ёзиб, икки чойнакка чой. нон ва бошқа нарсаларни бирин-кетин қўйиб қўйганди. Хотинимнинг ҳаракатларига разм соларканман, ҳар бир ишни уддабуронлик билан, нарсаларни ўз ўрнига қўйиб, тоза-озода ишлаши, одоб-ахлоқи ўзгачалигини кўраман. Атлас кўйлаги, бошидаги рўмоли жуда ярашган. Биз севиб турмуш қурмаганмиз, аммо икковимизнинг қалбимизда илиқлик, пинҳона муҳаббат яширин.

Хотиним эртанги куннинг умиди билан яшайди. Кечалари ибодат қилиб, йиғлаб, менга инсоф сўрайди. Нима бўлсаям, кўз очиб кўргани бўлганим сабаб ҳамма нарсига – бориға ҳам, йўғига ҳам, машаққатларга ҳам сабр қилади. Хотиним яхши хонадонда тарбия топган. Менинг гиёҳвандлигим, инжиқликларимга бардош қилади. Гарчи гиёҳванд бўлсам-да, хотинимни бирор марта урмаганман. Тўғри мастлигимда бақириб-чақириб тураман. Гиёҳванд, ароқхўр, фоҳишаларнинг ҳайвоний ҳирслари, ақлга сиғмас қилиқларини кўп кўрганымдан, гоҳо аёллардан жирканиб ҳам кетаман. Аммо, хотиним Зебунисо ўзгача аёл, юзимга тик боқмайди, нолимайди, бақириб-чақирмайди, менга ўлим тилаб қарғамайди. Бу аёлнинг сабрига қойилман. Дўстларимнинг тарбиясиз хотинлари мен каби гиёҳванд эрларини, болаларини қарғашлари, тинмай уларга ўлим тилашлари, кўчага чиқиб сочларини юлиб эридан, ҳаётдан нолиганларини кўп кўрганман. Баъзи аёлларнинг ҳамма шароитлари, имкониятлари бўла туриб нолиганлари, шукр нималигини билмасдан, қаноат қилмасдан бузиклик йўлларини танлаганларидан ёқа ушлайман. Кийим, бойлик деса томдан ташлайдиган, таққан тақинчоқлари билан ўзгаларни менсимайдиган

аёлларни кўриб ҳайран қоламан. Болаларининг олдида эрини беобрўй этиб, жанжал тўполон қиладиган аёлларчи! Буларнинг кўпини ўз кўзим билан кўрганман. Қанчасини Роза орқали расво қилганмиз. Ор-номусни дунё бойлиги, оиладан устун қўядиганлардан нафратланаман. Гоҳо хаёлан бунақалар менинг аёлимдан ўргансин дейман. Гиёҳванд, инжик, оиласига қарамайдиган эрни дуо қилиб, инсофини сўрайдиган, бориға шукр, йўғига сабр қиладиган, Аллоҳ деган сўз тилидан тушмайдиган, бошидан рўмоли, эгнида атлас кўйлаги билан эрини табассум ва хушқайфият билан кутиб оладиган аёлдан ҳар қанча ўргансалар шунча оз. Ҳақиқий ўзбек аёли эрини чин дилдан дуо қилади. Уй жойи, мол-мулкни авайлаб асрайди. Уйидаги нарсаларни беркитиб, ота-онаси ва бошқаларга ташимайди. Чунки хиёнатнинг, ўғириликнинг оқибати Худонинг ғазаби бўлишини билади. Уйдаги нарсаларни рухсатсиз бировга бермайди. Эрининг изнисиз ота-она қариндошлариникига бормайди. Эри ва оиласидан шикоят қилмайди. Яхшилигини ошириб, ёмонлигини яширади. Эри ночор бўлса, мухтож бўлса, бир дардга учраса, эрининг юзига солмайди. Балки унга елкадош бўлади. Баъзиларга ўхшаб касал эрини ташлаб кетмайди.

Хотиним мана шундай диёнатли аёл. Бирор марта бўлсин ота-онамни хафа қилган эмас. Уларни кўзларига тик боқиб гапирганини билмайман. Имкон топди дегунча ота-онамнинг хизматига чопади. Бу қайнотам ёки қайнонамку демайди. Уларни хизматини қилиб бўлгач: «Ўғлингиз иккимизни дуо қилинг» дейди. Бундай итоатли аёлга бақирришга, камситишга ҳам уяласан. Ҳа, ўзбек аёлларининг мана шундай ибо ва ҳаёси бор. Буларнинг итоатига тасанно дейсан. Ҳатто ота-онасиникига рухсатимсиз бормайди. Ўзбошимчалик қилмайди.

Сабр ва қаноатнинг келажакда меваси борлигини тушиниб етгани боис, бахтли келажакни кутади.

Мана, турмуш курганимизга ҳам икки йил бўлибди. Ҳали фарзандимиз йўқ. Гиёҳванд ҳолимда фарзанд кўришни хохламайман. Ота-онам, хотинимнинг ота-оналари нимага фарзанд бўлмапти дейишмайди. Бунинг ортида ҳикмат борлигидан умид қилишади.

Бир оилада уриш-жанжал бўлиб ўтганди. Хонадонга тушганига бир йил тўлмаган келинни имонсиз қайнона қисирликда айблаб, олдига солиб ҳайдади. Муқаддас никоҳ ақдини бузди. Кўринмас арқон билан боғланган никоҳ арқонини узди. Бу арқонни узишда на Худодан кўрқди ва на халқдан уялди. Ахир фарзандни Худо берадику! Бировга эрта, бировга кеч! Кимгадир ўғил, кимгадир киз, кимгадир ўғил-киз, кимгадир ҳарчанд уринса ҳам, даъволанса ҳам фарзанд бермайди. Бу тақдири илоҳий эканини билиш учун ақл, илм керак. Бу аёлда на илм бор, на тарбия. Фақат айтганим бўлиши керак дерди. Худонинг айтгани эмас, менинг айтганим бўлиши керак дерди.

«Никоҳ Аллоҳнинг арқони буни узсам, фарзандимнинг оиласини бузсам, Аллоҳ жазолайди-ку», демади.

«Никоҳимга олаётган хотинимни авайлаб – асрайман, кийим-бош, уй жой билан таъминлайман, ҳимоя қиламан, едириб-ичираман, ҳурматини ўз ўрнига қўяман», деб эркаклик ваъдасини берган куёв мустақил фикрга эга бўлмагани боис ундан садо чиқмади. Елкасини қисиб турарверди. Бечора қизни хохлаганча уриб, сўкиб хорлашди. Охири ҳайдаб солишди. Бечора келин зор йиғлаб кетди.

Қизнинг ота-онаси илмли ва сабрли эдилар. Қудалар тамонидан айтилган гапларга сабр қилишди. Оиланинг бузилмаслигига ҳаракат қилдишди. Аммо қудалар кўнишмади. Вақт ўтди қиз бошқага турмушга чикиб болалик бўлди. Куёв ҳам уйланди. Янги келин қайнона орзу

қилганидек, анчагина бақувват жойдан эди. Келиннинг тили салгина заҳар чиқди. Тилсиз-забонсиз келинга қилинмоқчи бўлган муомалани кўтаролмади. Бориб-бориб келиннинг безбетлиги, бетга чопарлиги қанота-қайнонани чарчатди. Эр ҳамон елкасини қисганича икки тамонга мўлтираб томашобин бўлиб ўтирарди. Орадан уч-тўрт йил ўтсада бола туғилмади. Аллоҳнинг тақдирга, берган неъматига шукр қилмаган, қасддан никоҳдек илоҳий арқонни кесганлар бошларига бало тошлари ёғиларди. Биринчи келиннинг кўз ёшларига ичи ачимаган, золим, илмсиз, Худони танимайдиган қалби тошдек қотган қайнота ва қайнонанинг бошига золим келин маломат тошларини ёғидирарди. Бунинг олдини олиш учун ўғилларини келинни уриб, бўйсиндиришга ундадилар. Биринчи келинни қанча таҳқирлаб урсалар ҳам елкасини қисиб йиғлаб ўтираверарди. Хотинни сабабсиз таҳқирлаб уриш, камситиш ҳам гуноҳлигини ҳеч ким ўргатмаганлиги, оиланинг ҳам қонун-қондаси, ота-она, қайнота-қайнона, куёвнинг, келиннинг оиладаги жавобгарлиги ва масъулияти борлигини ҳеч ким буларга ўргатмаган, қонун-қондани ўзлари излаб топгандилар. Оилани ўз қаричи билан ўлчашарди. Зўрлик ва зулм билан мақсадимизга эришамиз деб ўйлашарди.

Иккинчи келинни уришга куёв қўл кўтарди. Келин бўш келмади. Бу уришлар давом этаверди. Келин анча баджаҳл бўлсада оиладагиларга айтмади. Охири бўлмади. Ёшлигидан ака-укалари билан уришавериб қотиб кетган келин. Бир куни эри билан бирдай ташлашди. Эр чарчади, келин чарчамади. Жаҳл устида акаларини чақирди. Сингилларининг чақириғига ака-укалари бир зумда етиб келишди. Сингиллари сочларини тўзғитиб, юзларини тимдалаб, акаларининг олдига дод солиб чиқди. Қардошлари сингилларини бу ҳолатда кўриб, ға-



заб отига минишди. Куёвни ўласи қилиб қалтаклашди. Орага суқилган қудалар ҳам насибасиз қолмади.

– Агар, бундан буён синглимизнинг бир тола сочи тушса, ҳаммангизни тириклай гўрга тикамиз, – деди катта ака. Шунда қуда хола:

– Куёвни пайғамбарлар сийлашган, сизлар бўлса, куёвингизни уриб майиб қилдингиз, – деди кўз ёшини оқизиб.

– Тўғри, қудахола! Аммо пайғамбарларнинг куёвлари ор-номусли, диёнатли бўлган. Сизнинг ўғлингизга ўхшаб ҳезалак бўлмаган. Улар оилани ҳамма нарсадан устун қўйишган, сизларга ўхшаган пасткаш бўлмаган. Сизга ўхшаганларнинг қулоғига насиҳат кирмайди. Чунки қулоғингиз қар, қалбингиз қотган, кибр ботқоғига ботгансизлар. Индамаса ҳар куни битта келинни алмаштирасизлар. Аммо биз бунга йўл қўймаймиз! Яна шу ҳол такрорланса, ўғлингизни оёқ-қўлини синдирамиз, – деди яна кўпни кўрган ака.

– Фақат бизни айбламасдан синглингларга ҳам насиҳат қилинглар-да!

– Биз шу пайтгача синглимизга насиҳат қилдик, сабр қил дедик. Аммо сизларнинг зугумингиз ҳаддан ошиб кетди. Аввалги келинингизга қилмоқчи бўлган зулмингизни синглимизга қилдингиз. Бундан ҳеч нарса чиқмагач ўғлингизга урдиришни бошладингиз. Энди синглимизни сизларга хорлатиб қўймаймиз. Куёв кўзингни оч, биз билан ўйнашма, биз айтганини қиладиганларданмиз. Сени мелиса ҳам қутқариб қололмайди, – деди кўзлари кўкариб, оғзидан қон томчилаётган куёвини кўкрагидан тортиб, кўзларига тик бокқанча. Шу бўлди, уриш тўхтади. Қайнота-қайнона келинга яхши муомила қилишни бошлади. Эр ҳам ўз вазифасини англади. Акалар сингилларига қайнота ва қайнонасини дуосини

олишни, акаларга суяниб қарғиш олиб хор бўлмаслигини, қарғиш олганларнинг аҳволи нима билан тугашини ҳам яхшилаб тушунтириб қўйишди. Келиннинг акаларидан кўрққан оила аъзолари калтакнинг зўридан яхшилик томон ўзгаришди. Келин ҳам хушмуомала бўлиб қолди. Бу хонадонда ҳам фарзанд туғилди. Фарзанд ўртадаги уриш, гина-кудратларни кўтарди. Аммо қайнонанинг юрагини бир дард қийнарди. Аввалги келинларига қилган зуғумлари, раҳмсизликлари, гоҳо тушларига кириб таҳдид қилиб, тинчлик бермасди. Охир оқибат қайнона юрак хасталигига учради. Ҳайдаган келинидан кечирим сўради. Никоҳ арқонини узган она олдида кутаётган ўлим ва савол-жавобни кўз олдига келтириб, тунлари мижжа қоқмасди. Келинми, қайнона-қайнота, ғийбатчи, ҳасадчи, куёвми-келинми, кўни-қўшни, ёру биродор бўлсин, ким ноҳақдан оилани бузилишига, никоҳ арқонини узишга ҳисса қўшса, бир кун албатта жазоланишини англаб етди. Ўтган умри, ёшлик даврида бир неча оилани бузилишига сабабчи бўлиб, охир-оқибат хорликка учраганларни эслаб, вақтида фикр қилмаганига афсусланиб ўтди.

Ҳа, оиланинг мана шундай синовлари боис гиёҳвандлардан қандай бола туғилишига ўзим гувоҳ бўлганлигим сабаб, фарзанд кўришга шошилмасдим. Хотиним эса чидам ва матонат билан сабр қиларди.

– Келинг Шерали деган дўстимнинг фарзанд кўриш тарихини сўзлаб берайин, – деб бироз суктдан сўнг Абдурашид ўз ҳикоясини давом эттирди.

### ШЕРАЛИНИНГ ЎҒЛИ

Шерали деган гиёҳванд ошнализ бир кун кечга яқин: «Хотиним туғурукхонада, Худо хоҳласа фарзанд кўраман. Шу муносабат билан туғилажак фарзандим-

ни ювмоқчиман, бугун ҳамма дўстлар бизникига», деб уйига таклиф қилди. Уникига етти-саккиз киши борадиган бўлди. Шомга яқин иккита машинани ёллаб, йўлга отландик. Шералининг уйи шаҳар ташқарисидаги қишлоқлардан бирида бўлиб, шаҳарга анча яқин эди. Катта асфальт йўл орқали беш чақиримча юргач, чап томонга бурилиб, чанг кўчалар орқали қишлоққа кириб бордик. Шералининг уйи қишлоқнинг чеккароғида жойлашган бўлиб, дарвозасиданоқ бу уй кимники эканини билиб олиш қийин эмас. Аксарият қишлоқ уйларида дарвоза бўлмаса-да, Шералининг ҳовлисига темир дарвоза қурилганди. Нима бўлганда ҳам Шерали замоновий маданиятли, интилгент-да! Дарвозанинг бири паст, иккинчиси катта эди. Икки хил табақали темир дарвоза. Бирини бир жойдан, иккинчисини иккинчи жойдан ўғирлаб ёки кўчириб келтирган бўлса керак. Бирни кўмкўк, иккинчиси оқ аралаштирилиб бўялган яшилроқ рангда. Дарвозанинг икки томонида бир ярим метрлар баландликдаги девор. Ёмгир юваверганидан уваланиб кетай деб турибди. Ҳовлига қадам кўярканман, ичкари деворларга ҳам кўзим тушди. Ҳовлини ўраб турган девор туянинг ўрқачига ўхшаб қолганди. Қаттикроқ тепсангиз кулаб тушиши ҳеч гапмас. Бу уйга девор нимага ҳам керак, ҳайронман?! Девор аслида ўғри кирмаслиги учун кўтарилади. Бу уйга кирган ўғрининг шўри қуриши аниқ. Чунки бу уйда ўғрини урадиган қароқчи яшайди. Ўғрининг борини шилиб, яланғоч қилиб, тавбасига таянтириб жўнатади. Худди машхур латифадаги каби: «Афандининг уйига ўғри кириб, ҳамма жойни титкилай бошлабди. Уни кузатиб турган Афанди «Биродар, сен кечаси кидираётган нарсани биз кундуз қуни ҳам тополмаймиз», дебди. Афандининг гапидан ўғри кула-кула чиқиб кетган экан».

Шералининг уйи ҳам уймисан-уй. Оғилхонадан сал фарқ қилади. Ҳар нима бўлганда ҳам менга отам олиб берган ҳовли кўркам ва буникидан ўн чандон яхшироқ. Агар кабобхонам бўлмаса, менинг аҳволим буникидан беш баттар бўлиши турган гап.

Хотинининг туғуруқхонага тушишидан олдин кексароқ қайнонаси келиб, қизига ёрдамлашиб, уй ишларига қарашиб турган экан. Қаторлашиб кириб келганимизни кўрган қайнонанинг юзлари буришиб, бизга ўта совуқ тикилди. Эътиборимни қайнонасининг кўриниши тортди. Олтмишларни қоралаган, ҳаёт заҳматини кўп чеккан, озғин, ранглари сўлғин, бошида рўмол, эгнида узун шалвираган кўйлак. Рўмолининг тагидан бир тутам оппоқ сочлари чиқиб турар, юзига ажин тушган бўлса-да, ёшлигида ниҳоятда гўзал бўлгани кўриниб турарди.

Бу муштипар она қизининг дардида ўз роҳатидан кечиб, куёвиникида уй ишларига қарашиб турган экан. Қизини туғруқхонага олиб бориш, докторларга қаратиш каби ишлар ҳам шу онанинг зиммасига тушганди. Шерали эртаю-кеч кўчада таралла-бедод қилиб юргач, ҳомиладор хотинга шу кампирдан бошқа ким ҳам қарарди? Қизининг тўлғоғи тутганда машина топган, туғруқхонага олиб борган, дори-дармон топиб келган ҳам шу кампир. Шералига қолса, боласининг қандай туғилиши, қандой улғайиши-ю, келажақда ким бўлишидан ҳам маишат афзалроқ. Шундай бўлса-да эркаклик ғурури кўзиганидан: «Мен эркакни кўриб қўйинглар», деган мақсадда ўзини кўрсатмоқчи бўлиб, биз ароқхўр-гиёҳванд дўстларини зиёфатга чақирганди. Қайнонасига ош пиширишни тайинлаб, бизларни уйига бошлаб кирди. Куёвининг тайинсизлиги, бунга қўшимча биз тайинсизларни уйига бошлаб келганини кўрган кампир бизни норози ҳолда, хўмрайиб, совуқ кутиб олиши ҳамма

нарсани ойдинлаштириб турарди. Аслида бизни ким ва қаерда хурсандчилик билан кутиб олардики, бу кампир «Келинлар айланайлар, хуш келибсизлар!» деб кучок очиб кутиб олсин?!

Аmmo бизларга совуқ қараш қиладими, иссиқ қарашми, фарқи йўқ. Бангидан бошқасини тан олмаймиз. Ўзгаларни одам ҳисобламаймиз. Чойхонада ёки маҳаллада чақчақлашиб утирган одамлар бизларни кўриши билан ёввойи махлуқни кўргандек ковоқ-тумшугини уюб олишади. Биз жамиятдан ажралиб қолган одамлармиз. Сабаби бизни зиёфат, ош-сув ҳам қизиқтиравермайди. Асосийси ичкилик, гиёҳванд модда билан текин сийлайдиган одам бўлса бас, ўша энг яхши одам ва энг шоҳона зиёфат ҳам шу. Мен бангиликнинг бошида бундай кимсалар билан ўтирмасдим. Сабаби, пулим жуда кўп, обрўйим бор эди. Гиёҳвандларнинг бойроқлари билан кўпроқ юрардим. Пулларни камайиб, кундалик ҳаётимга етадиган маблағим қолгач, катта гиёҳвандлар мени ўз сафларидан итдек ҳайдашди. Бу ҳаётий ҳолат бўлиб, аввал гиёҳвандлар сафига бой бўлиб кириб, бориб-бориб шўри куриб чиқадилар. Мен ҳам бой бўлиб кириб, хор бўлиб чиқиб, бугунгиларга шерик бўлиб ўтирибман.

Шундай қилиб, Шерали бизни ҳовлисининг кираверишидаги ўзи ва меҳмонлари учун ажратилган пастқам хос меҳмонхонасига бошлаб кирди. Меҳмонхона ҳам «меҳмонхона» эди. Пол йўқ, сомонли лой билан наридан-бери сувалган девор, тахталардан улаб-улаб қилинган эшикнинг оралари очик, тирқишларидан бемалол ичкарини тамоша қилса бўлади. Совуқ кирмасин деб газета варақлари билан елимланган, дераза ҳам кичкина, бўёғи ўчиб кетган, ясалганида наридан-бери бўялганининг излари қолган. Ойналарининг ярми йўқ, сувалган пол устига унниқиб, ранги ўчиб кетган шолча

ташланган. Шолча қўлда тўкилганди. Уни ҳам қайнона-си тўйида берган бўлса керак.

Аммо ўртада замонавий зиёлилар ўтирадиган айлана стол ва курсилар. Стол устига сарғайиб кетган, олабула доғлар билан гулланган оқ чойшаб ёпилгани боис, столнинг айбларини беркитиб турибди. Курсиларнинг қийшайгани ва оз-моз синганини ҳисобга олмаса, чидаса бўлади. Хонада кичкина лампочка ғира-шира нур сочиб турибди. Шерали каттароқ лампочка қўйса ҳам бўларди. Аммо кичкина лампочкага пул топиб, осиб қўйгани ҳам катта гап. Бу ҳам бир мардлик.

Лампочкадан таралаётган хира нур хонани янада хунук кўрсатарди. Хонага кирганимизда кўнглим ҳам хира тортиб кетди. Дастурхон устида чеккалари учган тўрт-беш пиёла, тумшуғи чегаланган чойнак. Майиз, курт, озгина оққанд, новвот солинган ликопчалар наридан-бери қўйилганди. Энг асосийси олма дастурхонни безаб турарди. Обинон топмаган шекилли, учта буханка ҳам столнинг бир четидан жой олган. Пишиқчилик бўлса-да, учта катта косага шўр бодринг ва тузланган помидор солинганди. Бизлар учун энг яхши, ширинликлардан ҳам афзали мана шу шўр бодринг ва памидор. Дастурхоннинг ўртасида иккита уч литрли пиво банкага тўлдирилиб қўйилган ва учта ароқ шишаси меҳмонларга мунтазир эди.

Шерали ўзида йўқ хурсанд, авваллари фарзанд тўғрисида ўйламаса-да, ҳозир унинг қалбида оталик меҳри, фарзанд ҳисси, эркаклик ғурури уйғонган. У ота бўлишидан хурсанд. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб этмайди. Шу сабабли фарзандини туғилмасидан олдин ювиш ва ўзининг кимлигини фарзандсиз дўстларига кўрсатиш эди. Шундай қилиб, меҳмонга келган улфатлар бирин-кетин жойлашдик. Яхши ниятлар қилиб,

юзимизга фотиҳа тортдик. Нонлар кесилиб, ҳамманинг олдига қўйиб чиқилди. Чой дамлаб келган Шерали тинмай жаврарди.

– Докторлар ҳар сафар «сендан бола бўлмайди, сен наркомансан, арокхўрсан», деб устимдан кулгани-кулган эди. Мен уларга «Дўхтир, ҳали менинг кимлигимни кўрасиз, хотиним кўчқордай-кўчқордай ўғилларни туғиб беради. Ўшанда кўрамиз медицинангнинг ёлғончилигини», дегандим. Улар бўлса ҳадеб: «Худодан кўркинг», дейишарди. «Худо ҳам менга ўхшаганга фарзанднинг зўрини беради, мана кўрасизлар», деб устларидан қотиб кулгандим. Мана айтганим келди. Кўрдиларингми, докторлар ёлғончи, уларнинг гаплари ғирт сафсата эканини исботладим. Ҳали шошмай турсин, ўғлимни етаклаб олиб бориб, «кўриб қўйинглар, докторлар», демоқчиман.

– Тўғри-тўғри, шундай қил. Сенинг орқангдан кўксимизга шамол тегиб, бизларнинг ҳам одам эканимиз, фарзандли бўлишга ҳақли эканимизни бир кўришсин? – деди ёши каттароғимиз Соли туршак. У ўттиздан ошиб қолганди. Юзига ажин тушиб, сочлари оқарган, бўйнидаги йўғон томирлари бўртиб-бўртиб чиққан, қомати эгилиб, ёноқлари тиришиб, кўриниши хунук бўлиб қолгани боис туршак лақабини олганди. Игна санчилмаган жойи қолмаган. У умрининг охириги йилларини яшаётганини билса-да, нафсини тия олмасди.

Шундай қилиб ҳали туғилмаган, ўғил-қизлиги аниқ бўлмаган фарзандни, янги чақалоқни ювиш бошланди. Пиёлаларни тўлдириб тилак билдириб, бир кўтаришда сипқардик. Пиволарни стаканларга қўйиб ичдик. Кейин иккинчи-учинчи пиёлани пивога аралаштириб урдик. Ичкиликка қўшиб ўзимизча турли тилакларни билдирардик. Банги, нашаванд, майхўр, бузғунчи, энг каззоб

инсон ҳам фарзандига тилак билдираётганида: «Фарзандим менга ўхшаган банги, арокхўр, гиёхванд ёки фоҳиша бўлсин», демайди. Сабаби, улар ҳам қилаётган гуноҳлари одамийликка зидлигини, соғлом ақлга сиғмаслигини, қилмишлари оғир гуноҳлигини қалбдан ҳис қиладилар. Зиёфат ва ичкиликбозлик давом этарди. Энди ўрнимиздан навбати билан туриб, маданийчасига (агар шу маданият бўлса) тилак билдира бошладик:

– Шерали, ўғил муборак, ҳа, энди сендақа мард йигитлар албатта ўғил кўради-да! Ўғлинг паҳлавон зўр йигит бўлсин, шунинг учун оламиз, – деб биримиз табриклади. Унинг сўзининг тасдиғи учун қадаҳ кўтардик. Ҳаммамиз тилак билдирганга раҳмат айтиб ичдик. Иккинчимиз:

– Ўғлинг академик бўлсин, олим бўлсин, – деб тилақларини давом эттирди яна биримиз. Бу ерга «интернационал»лар жамланганмиз, десам муболага бўлмайди. Саккиз кишининг бири рус, бири татар, қозоқ ва тожик. Бизларни балои нафс, гиёхвандликкина бирлаштириб туради. Рус йигити Игорнинг дил сўзларини айтгиси келиб қолди. Ичкилик буни адоий тамом қилган бўлса, гиёхвандлик балоси бутунлай домига тортган. Каттагина корхонанинг инженери бўлган бу одам ҳам ичкилик сабабли ҳамма нарсадан ажраган. Хотини ажраб, бошқага тегиб кетди. Игорнинг бир хонали уйи бўлиб, шаҳардаги кўп қаватли уйларнинг бирида, бешинчи қаватда яшайди.

Узун бўйли, ниҳоятда озғин, кўзлари кўм-кўк, кўк кўзларига калтақдан кўкарган қовоқлари хусн бериб туради.

Озғинлигидан кўзлари ичига кириб кетган, сочлари сап-сарик йигит. Устидаги эски кўйлак, жинси шимининг ранги ўчиб, бўзрайиб кетган. Йиртилиб катта-катта қилиб тикилган. Оёғида спортчиларнинг йиртиқ кедаси. Игорь Россиянинг Челябинск шаҳри-



дан маҳаллий аҳолидан кадрлар тайёрлашга келиб, шу ерда қолиб кетди. Кадр тайёрлайман деб, ўзи арокхўрларнинг кадрига айланиб қолди. Совуқ ўлкада яшаб, биздагидай тўкинчиликни кўрмаган бу йигитнинг Ўзбекистондаги шириндан-шакар мевалар, олма-анорлар, гўзал тўйлар, иссиқ ҳаво, мафтункор табиат шу ерда яшаб қолишига сабаб бўлди. Аслида у кўп ичаверганидан Челябинск шаҳридан «сургун» қилиниб, Ўзбекистонга юборилган эди. «Кўр кўрни қоронғида топибди», деганларидек, яхшигина маош оладиган Игорнинг алкаш дўстлари кўпайиб кетди. Тўхтовсиз ичаверганидан мана шу кўйга тушиб ўтирибди. Ҳозир у ўзининг кадрдон Ўрта Осиёлик улфатлари даврасида алёр (тост) айтмоқчи:

– Друзья, я очень рад, что у меня такие хорошие братья есть. – Ўзбеклар ичида юраверганидан уларнинг сўзларини анча-мунча тушунса ҳам «тантанали» ҳолатларда ўз она тилида гапиришни истарди. – Я желаю сыну Шерали счастья. Пусть у него будет много друзей, как мы! И за это выпьем! – деб Шералининг хотини ўғил туғишини билгандек кўлидаги пиёлани сипқорди, «ух» деганича бир дона шўр бодрингни ғарчиллатиб чайнай бошлади. Игорнинг гапидан завкланганлар ҳам кўлларидагини бирин-кетин бўшатишди. Аммо инжиқлиги, жанжалкашлиги билан ном қозонган Эрматнинг кўзи косасидан чиқиб кетгудай ҳаммага эсариб, тикилиб турди. Сўнг юзларини бужмайтирганча ўрнидан шартга туриб:

– Ҳов, менга қаранглар! Бизлар ёмон одаммизми ёки сен Абдурашид ёмон одаммисан? Ҳаммамиз яхши одаммиз, тўғрими? Нима учун болаларимизни инженер-минжинер, академик-пакадемик, олиму уломо бўлсин деймиз? Нега биз каби яхши одам бўлишини сўрамаймиз? Шунинг учун Шерали, сенинг ўғлинг биз каби арокхўр,

наркоман бўлсин, бизлардек дўстлари кўп бўлсин, шунга оламиз, – деган эди Шералининг жон-пони чиқиб кетди.

– Оғзингга қараб гапир, Эрмат тажанг! Уғлим менга ўхшаган тайинсиз, наркоман бўлишини хоҳламайман, – деди.

– Нима дединг? Ҳали биз тайинсиз бўлдикми? Ҳаммамиз ўзимизни энг ақлли, доно, ҳаммадан устун деб ҳисоблаб, бир-биримизни мақтаймиз-ку, тўғрими? Демак, бир-биримизни алдаб, ёлғон гапирарканмиз-да! Ты понял, Игорок, что он сказал? Талъат, сен ҳам эшитдингми, биз одам эмасмизми? Соли ака, бир нарса десангиз-чи? Мана мен ўн йилдан бери наркоманман. Демак мен ёмон одам эканман-да, ўзинг-чи, Абдурашид, сенчи Шерали? Демак, ҳаммамиз ёмон одам эканмиз-да! Ёмон бўлсак, нега яхшиларни зиёфатга чақирмадинг? Значит, мы все плохие люди, – деб ўдагайлай бошлади Эрмат тажанг.

– Сен бизни аскарблят этме, биз энг зўр, ёхши одамларбиз, – деди Талъат чийиллаган овозда татарча-ўзбекчани аралаштириб.

– Вай-баёв, сен не дийсен? Биз жамон адамбизма? – деди кўзлари қисилиб Жаҳсибай қозоқ. – Биз озод кушмизғўй. Бола-чақа жўк, промлемамиз жўк. Ишамиз, кайп қиламиз, вўсимиз Талъат айтгандай биз энг бахтиёр одаммизғўй, сундаймасма, Вали аға? Бир нерса десангши! – деб ичимизда кўп жабру ситам, азоблар гирдобида қолган Вали акага қаради.

– Бир ҳисобдан тўғри, жўралар, биз киммез, ҳеч ким! – деди Вали ака бухорча шевада тожикча аралаштириб. Кейин чуқур уф тортиб қўйди. Шу пайтгача у гапга аралашмай жим турганди.

Вали ака асли Бухородан. Бу одам ҳам ҳамма нарса-сидан айрилган. Асли ўзига тўк, яхши обрўйли оила-

да туғилган. Вали отасининг яккаю-ёлғиз ўғли бўлиб, жуда танги, ҳаётда ҳеч нарсага зорикмасдан ўсарди. Аммо отасининг бойлик ва мансабини тортиб олишни кўзлаганлар Валини гиёҳванд қилишди. Вали сабабидан отаси эрта ўлиб кетди. Эридан жудо бўлган бечора она ўғлининг бангилигидан куя-куя оғир дардга чалинди. Охир-оқибат юрак хасталиги онасини ҳам олиб кетди. Отасининг яқинлари уйларини тортиб олишди. Уй-жойларини сотиб, бечора гиёҳвандни кўчага ҳайдашди. Ота-онадан жудолик, уйсизлик уни адо қилди. Айланиб-айланиб, шу шаҳарга келиб қолди. Мардикорлик қилди. Пул топганида аламини ичкиликдан, гиёҳвандликдан олди. Биз каби гиёҳванд дўстлар ортирди.

У отасини ўлдирганлар, уй-жойларини тортиб олганлардан қасос олишни асло ўйламайди. Ўйлай олмайди ҳам. Сабаби дори учун пул топиш керак. Дорини қабул қилгач, қасос эсида қоладими? Бу иллат уни ҳам қабрга етаклаб борарди. Унда на ҳиссиёт, на ҳаётга кизиқиш, на ўзидан зурриёт қолдириш ўй-фикри қолганди. У фақат бир нарсани Худодан сўрайди. Отасининг қотилларига ва ўзини шу кўйга туширганларга жазо беришини илтижо қилади. Гиёҳвандлик бу йигитнинг ҳам қаддини букиб, кимлигини унуттириб, ҳаётга кизиқишини сўндирган. Юртни ким бошқаради, қайси миллат ҳукмдор бўлади, дин, миллий қадрият бунга ва гиёҳвандлар учун сариқ чақага арзимамайди. Ким ичкилик ва гиёҳванд модда билан сийласа, ўша энг яхши одам. Ичкиликни арзонлаштирган раҳбар энг зўр раҳбар. Бошқа нарсанинг ғам ва ташвиши йўқ. Шу боис, Вали ака ҳозир дилидаги борини тўкиб сола бошлади:

– Тўғри биз киммез, яхши одамме? Биз шиша ичида бекиниб олган Оловуддиннинг сеҳрли чироғидаги қулмез. Мана шу ароқ, наша бошимизга битган балойе азем. Бизга нима деса «лаббай», деб бажарувчи қулмез.

Ақун, умримез қирққа бормай, гулдай очилиб, күкноридай эзгиланиб ташланадиган ташландиқм-е-е-з, – деди чўзиб.

– Нима деб валдираяпсан, ким қирққа бормасдан ўларкан, – деди яна жаҳл билан Эрмат.

– Биз ҳаммамез! Айт-чи, Эрмат, саксон-тўксон ёшга кирган наркоманни кўргонмисан, ақун? Қирққа киргунингча тешилмагон томиринг қоладиме? Йўқ! Ҳамма жойимез илма-тешиқ бўлгач, тамом! Ўласан, қоласан! Бизнинг ўлигимез ҳам ҳеч кимга керакмас. Масалан, мен ўлсам, аҳволим нема бўлади?

– Нима бўларди, ювиб-тараб, жанозангни ўқиб, хурматлаб кўмишади, – деди кўзлари ғазабга тўлган Эрмат. Вали пиёладаги ароқни секин сипқораркан:

– Мени кимим бор-ке, ювеб-тараб, жанозамни ўқитса? Ҳеч кимим йўқ! Кўча-кўйда ўлиб қолишем аниқ. Жонсиз танамни ўликхонага олиб бориб ташлашаде. Ким билади, мендан совун ясашадиме, кремми ёки скелетимни бирорта мединститутга қўйишадиме? Ҳеч ким билмайди, – деди бошини чангаллаб.

– Не беспокойся, из тебя мылу или одеколону не делют, потому что ты водкой будеш пахнуть, – деди Игорь. Ҳамма уни гапига кулиб юборди.

– Тўғре! Аммо, скелет қилишлари мумкен – деди Вали ака.

– Ҳеч бўлмаса скелетинг билан одамларга фойданг тегаркан-у, – деди Соли туршак. Бу гапдан яна қаҳ-қаҳ отиб кулишди. Булар шу топда ўзларининг аянчли келажаклари устидан кулишарди.

– Ҳа, биз ўзимизнинг хор бўлиб ўлишимиздан куламиз. Бу дунёда хор бўлдик. Қулоғимизга насиҳат ҳам кирмайди, кўзимиз ҳақиқатни кўрмайди, Аллоҳнинг ибодатини ҳам қилмаймиз. Биз бу дунёда хор бўлгани-

миздек, охиратда ҳам хор бўлишимиз аниқ! – деди у ва келажакдаги холини кўз олдига келтирди шекилли жим бўлиб қолди. Ҳақ сўзлар қалбимни яралаб, дардларимни янгилади. Бундай сўзларни эшитишни хоҳламасдим. Бу гапларга чидай олмаган Эрмат яна бақиришини бошлаганди, столни қаттиқ муштлаб ўрнимдан сакраб туриб, баланд овозда:

– Жим-м-м, – дедим кўрсаткич бармоғимни лабимга қўйиб. – Ортиқча гаплар гапирилмасин. Биз хурсандчиликка йиғилганмиз, азага эмас. Агар тинчгина одамга ўхшаб ўтирмасанглар, сур ҳамманг! Ты понял Игорьь, если нет, дуй отсюда, – дедим жаҳл билан. – Қисқаси ҳаммамиз бир гўрмиз, бу дунёмиз ҳам, охиратимиз ҳам йўқ бангилармиз, ортиқча гапга ҳожат йўқ. Қани давом этдик, – дедим. Ҳаммаси важоҳатимдан чўчиб жим бўлди. Шу пайт Шералининг қайнонаси: «заҳарларингга еб ўлинглар», дегандек хўмрайганча ошни олиб кириб тўқ эттириб столга қўйиб кетди. Ош еб, ичкиликбозликни давом эттирдик. Биримиз вино-пива, яна биримиз ароқ ичамиз. Ичкиликларни аралаштириб юбордик. Бугун Шерали дегани роса эриган экан, яна иккита яшириб қўйган шишасини ҳам очиб юборди. Ичкилик ярим тунгача давом этди. Ароқхўрликдан сўнг асосий ишга – «дори»ларни тайёрлаб, қабул қилишга ўтдик.

Дорининг тез таъсири сабаб ҳаммамиз валдираб-ғулдираб, ўзимиздан кета бошладик. Қусган ким, иштонини хўллаган ким?... Молдек бўкиб, таёқдек қотиб қолдик. Ҳаммамиз кўрпа-тўшак солинмаган, кир шолча устига қулаб, ухлаб қолдик. Эрталаб пешинларга яқин Шералининг қайнонаси кўнгли айниб, қайт қилиб юбормайин, деб оғзини енги билан тўсиб бизни уйғотди. Чунки биз меҳмон бўлган хонанинг сассиғига чидаб бўлмасди. Чўққохонанинг бадбўй ҳиди ҳам бизнинг

зиёфатхонамиз олдида ип эшмасди. Ичкиликка, гиёҳ-  
вандликка муккасидан кетганларнинг ётиш-туриши, еб  
ичиши чўчканикидан ҳам бадтар.

Уйкудан зўрға кўзини очган Шерали қайнонасига  
қаради. Унинг туғруқхонадан келганини биларди. Чун-  
ки ярим кечаси қизининг ҳолидан хабар олиш учун ён  
кўшниси Одилга машинасида туғруқхонага олиб бориб  
кўйишини сўраётгани эсида. Бечора она кечаси би-  
лан мижжа қоқмай, фарзандининг эсон-омон кутилиб  
олишини Яратгандан сўраб, туғруқхона эшиги олди-  
да тунни ўтказганини Шерали қаердан билсин? Унинг  
фикрича, роддомга бордимиз, албатта туғиш шарт. Шу-  
нинг учун қайнонасига қараб:

– Полвонми, ҳолвами? – деди. Унинг саволидан кўз-  
ларида ёш қалқиган қайнонаси:

– Полвон-полвон, – дедию, бошқа сўз демай юзини  
буриб, кўзларида ёш, йиғлаганча чиқиб кетди. У қайно-  
насини тушунади.

– Албатта суюкли куёвининг ўғли, яхши кўрган қи-  
зининг фарзанди, невараси туғилади-ю, хурсандлиги-  
дан кўзидан севинч ёшлари оқмасминми? – деди Ше-  
рали:

– Ҳей, дўстларим, турунлар! Мен ўғиллик бўлдим,  
энди полвон ўғлим бор. Тилакларимиз ижобат бўлди.  
Қани, ҳамманг тур, бу ҳовлига полвон чақалоқ келади.  
Катта тўй қиламан, ҳамманг хизмат қиласан. Мен роддом-  
га бориб, ўғлимни кўриб, би-и-и-р хотинни кўнглини кў-  
тариб келайин, – деди ўрнидан гандираклаганча туриб.

– Табриклаймиз, табриклаймиз! Умри билан берган  
бўлсин – дедим. Шералини табриклагач, бирин-кетин  
ҳар биримиз ўз яқинимизни зўрға уйғотиб, суяб уйдан  
чиқардик. Аҳволимизни таърифлашга унча-бунча одам-  
нинг бардоши чидамайди. Сочларимиз тўзғиган, кўзлар

киртайиб кизарган, оғзимиздан сассиқ ароқ ва саримсоқ пиёзнинг ҳиди анқиётган...

Аммо Шералининг кайфияти чоғ, ота бўлганидан мамнун, юзини ҳам ювмай туғрукхонага жўнади. Биз шаҳарга қайтдик.

Шу орада Шерали кўринмай қолди. Уни кўринмай кетгани аввал бизларни ўйлантормади ҳам. Биз бангилар хотини тукқан Шералини гоҳ-гоҳ эслаб, оиласи билан овора бўлса керак, деб ўйладик. Гоҳо биз, бангилар ҳам соғлом фарзанд кўриши, ичкилик ва нашаларнинг фарзандга зарари бўлмаслиги мумкин, докторлар ёлғончи, бизларни алдаркан, деб ҳасратлашиб, бир-биримизга далда ҳам берардик. Аммо Шералининг кўринмай қолишининг сабабини билмасдик. Чунки бизларнинг одатимиз, бир кўринмасак ойлаб, яхшироқ шериклар топсак улар билан юриб, бирор сабаб билан калтак еб, ҳайдалгач яна эски шерикларимизнинг олдига қайтамиз. Шу сабаб ўша ўтиришдан сўнг орадан икки ойлардан кўпроқ вақт ўтди. Бир ўтиришда Шерали эсимизга тушиб қолди. Уни эсдан чиқариб қўйганимиз учун бир-биримизни айбладик. Дўстларим Шералини кўриб келиш учун, деб мени юборишди.

Шералининг уйига яқинлашар эканман кўнглим қандайдир нохушликни сезгандай бўлди. Дарвоза очик бўлса-да, секин бир неча бор таққиллатдим. Бир оздан сўнг ичкаридан ранглари оқариб, анча озиб, ўзини олдириб қўйган, тушкун кайфиятдаги Шерали чиқиб келди. Кучок очиб кўришдик. Шерали ичкарига таклиф қилди. У мени бошқача ҳурмат қиларди. Зиёфат берилган меҳмонхонага кирдик. Аввалги қўйилган стол-стуллар йўқ. Бу хонадонда гўё кимдир ўлгану ҳамма қайғуда. Хаёлимга ўғли ўлиб қолдимикан, деган ўй ҳам келди. Ўзимни дарҳол тутиб олдим. Стол ўрнига айлантيري-

либ кўрпача солинганди. Солинган кўрпачалар менинг фикримни тасдиқлагандек бўларди.

Ўтириб фотиҳа қилгач:

– Соғ-саломат юрибсанми Шерали! Ўғилчанг яхши-ми, катта бўлаяптими? – дедим оҳиста.

– Раҳмат, шукр, – деди ерга қараганча Шерали.

– Полвонни олиб чиқ, бир кўрайлик, – дедим. Менинг сўзимдан нимагадир бирдан ранги оқариб:

– Э, сўрама, кўрмаям, куймаям! Фарзандим ногирон туғилди. Шунга куйиниб шу аҳволга тушиб ўтирибман, – деди чуқур уф тортиб.

– Вой-бўй! Шунга шунчами, буям Аллоҳнинг ирода-си, ногирон фарзанд фарзандмасми, олиб чиқ, – дедим.

– Фарзанду аммо, сен уни бир кўрсанг, касофатим, гуноҳларим унга урганини ўз кўзларинг билан кўрасан, – деб яна такрорлади бошини чангаллаб. Кейин «Ҳозир олиб чиқаман» деганича ичкарига кириб кетди. Мен кўрманага тўрт-беш сўм тайёрлаб турдим. Ногирон бўлса демак, халқимизда учраб турадиган қулоғи кичик, кўзи ғилай каби ҳолда туғилган бўлса керак, деб ўйладим.

Орадан ўн дақиқалар ўтгач, Шерали боласини кўтариб кириб келди. Чақолакни ётқизиш учун битта кўрпачани тўртга буклашимни сўради. Айтганидай қилдим. Чақалоқни кўрначага секин ётқизди ва йўрғагини очди. Йўрғакдаги болага кўзим тушди-ю, қаттиқ сесканиб, кўрқиб кетдим! Чақалоққа қарардим у кўзларимга ишонмасдим! Боланинг пешонаси дўнг, бир кўзи бошқа томонга қараган, иккинчиси қичкина, битта қулоғининг ярми йўк, бир қўли қалта, иккинчиси узуну танасига ёпишган, кўкраги олдинга туртиб чиқиб кетганди. Худонинг қудрати билан икки оёғи танасига ёпишиб қолган, бармоқдай эди. Бола бечора осмонга қараб тамшаниб, хунук овозда тинмай ғингширди. Орадан икки ой



ўтсада сал бўлсаям катталашмаганиди. Унга узоқ қарай олмадим, дарҳол юзимни бурдим. Аянчли қиёфаси кўз ўнгимда қаттиқ муҳрланиб қолди: «Бу бангилик балосининг меваси!» деб кўкрагимга туфлай бошладим.

– Кўрдингми, бир марта кўрганингга шунча кўрқиб кетдинг! Бу ҳам майли дўстим, бу болани туғаман деган хотинимнинг аҳволи жуда оғир. Биз маишат қилиб, туғилмаган болани нишонлаётган пайтда, хотиним бечора туғолмасдан «дод» деб чеккан азобларини гапиришга тилим ожиз! Ўша куни сизларни кузатиб, кайфим чоғ, ширакайф ҳолимда кўлимга битта нон ҳам олмай тўғри туғруқхонага бордим. Туғруқхона эшиги ёпиқ, кичкина дарчаси очиқ эди. Дарчадан «Ҳой, ким бор?» деб баланд овозда чақира бошладим. Овозимни эшитган оқ халатли ёш ҳамширалардан бири тез келиб:

– Ака, бу ер туғруқхона, бақариш мумкин эмас, – деди секин.

– Ҳов, синглим! Менга қара, менинг хотиним ўғил туққан, биласанми? Мен уни ва онасини кўришим керак, – дедим кўполлик билан янада овозимни кўтариб.

– Нимага тушунмайсиз, ичкарига кириш мумкин эмас, туғаётган аёлларни кўрқитиб юборасиз, шуни биласизми? – деди.

– Аммо мен киришим керак, менга кириш паложено! Билдингми? Туғаётган хотинлар билан ишим йўқ. Тезроқ бўл! Бор, каттангни чақир, – деб янада қаттиқроқ бақирдим. Менинг хунук башарам, тўзғиган сочим, мастлигимни кўриб, бас келолмаслигини билган ҳамшира врачни чақириб келгани кетди. Врач келиб кимни излаётганимни билгач, тушунтиришга ҳаракат қилди. Аммо хархашадан тўхтамаётганимни кўриб:

– Бўпти, хотинингизни кўрасизу, чиқасиз, унга оқ халат беринглар, – деди. Ҳамшира эшикни очиб, оқ ха-

лат берди. Эшик олдида турганларга: «Хурматимни кўриб кўйинглар», дегандек тиржайдим. Халатни елкамга ташладим.

– Фақат тез чиқасиз, хўпми? – деди ҳамшира.

– Хўп бўлади, асал киз, – дедим унга якин бориб юзига «пуф» дедим. Оғзимдан анқиётган сассиқ ҳиддан кўнгли айниб, кўрқиб кетганидан юзларини бужмайтириб, тескарига бурилди. Устидан мазза қилиб кулдим. У бўлса ортимдан: «Ўл-е башаранг курсин, алкаш!» деди. Эшитмаганга олиб, секин лапанглаганча хотиним ётган палата томон гандираклаб бориб, эшигидан қарадим. Ичкарига киритишмади. Қарасам, хотиним оппоқ чойшаблар солинган баланд сим каравотда бир ўзи ётибди. Ранглари сарғайган, азоб чекканидан кўзлари киртайиб қолганди. Кампирлардан хотинларнинг туғиши қийинлиги, айниқса бола онанинг қорнида қаттариб кетса, тўлғоқ оғир кечишини эшитгандим. Хотинимнинг азобланиб тукқани юзларидан кўриниб турарди.

– Қандайсан, Василя! Полвон зўрми, кўрсам бўлади-ми? – дедим кулиб. Менга ялт этиб қараган хотинимнинг кўзларидан шашқатор ёш оқди. У чидай олмай, юзини тескари қилиб олди. «Шундай паҳлавонни тукқач, қувонганидан кўзидан қувонч ёшлари оқади-да! Мендан уялиб юзини тескари қилиб олди», деган ўйга бордим. Ёнимдаги врач хотинга «Ўғлимни кўрсатасан», дедим. Врач билан тортишаётганимни шу ердан ўтиб кетаётган ёшлари эллиқни қоралаган бош врач аёл кўриб қолиб:

– Нима гап? Бу одамни нимага ичкарига қўйдиларингиз? – деди норози кайфиятда, кўз ойнаги устидан менга синовчан қараб.

– Ичиб олган экан, кирмайсиз десак, ҳеч қулоқ солмади. Бақириб-чақиравергач киритишга мажбур бўлдик, – деди мени бошлаб кирган врач.

– Опа, мен озод совет гражданиман, билдингизми? Мен ўғилли бўлдим, ўғлимни кўришга ҳаққим борми ёки йўқми? – дедим бош врачга кўлимни пахса қилиб. У аҳволимга разм соларкан:

– Хотинингизнинг фамилияси нима?

– Абдукодирова Васида, – дедим мағрур.

– Кечаги аёлнинг эрими? – деди ёнидаги врачга қараркан, юзлари тундлашди. Врач «ҳа» ишорасини қилди.

– Яхши, ўғлингизни кўрсатамиз. Қани орқамдан юринг-чи, – деб коридорнинг охирига бошлаб кетди. Шифохонадан дориларнинг ҳиди анқир, болаларнинг басма-басига йиғлаши одамга хуш ёқарди. Мен врачнинг орқасидан хурсанд ҳолда эргашдим. Йўлда боласини кўтариб, эркалаб ўпаётган, ҳидидан маст аёлларни кўриб, «Хотиним ўғил туғди, кўргани бораяпман, ўғиллик бўлдим», деб валдираб мақтанганча борардим. Коридорнинг охирида пастга тушадиган яна бир зина бор экан. Мен ўзимча ўғил болаларни алоҳида жойда сақлаб, парваришлаб, муолажа қилишса керак, деб ўйладим. Пастги қаватга тушсак, аввалгидек кичик туйнукдан қараган ҳамширалардан бири бош врачни кўрибоқ, эшикни тезда очди. Бош врачга шошиб салом берди. Бош врач бошини қимирлатиб қўйди. Мен эса: «Ваалайкум ассалом, синглим! Мен ўғлимни кўргани келяпман, мен отаман», дедим хурсандчилигимга шерик қилиш мақсадида. Аммо, у ҳам юзини буриштириб қўя қолди.

– Туғруқхонанинг докторлари юзини буриштириш учун ишлайдими? Қайсига гапирсам юзини буриштиради-я! – дедим мингирлаб.

Бу қаватда кондиционерларнинг овози эшитилар, коридор анча салқин эди. Салқиндан сал ўзимга келдим. Аммо коридор қоронғироқ бўлиб, бу ерга олиб келишаётгани мени негадир ҳайрон қолдирарди. Яна ўзимга тасал-

ли берардим. Коридор ўртасидаги бир эшикнинг олдига етгач бош врач: «Шу ерда кутинг», деб ичкарига кириб кетди. Бир оздан кейин орқасидан бошқа бир шифокорни эргаштириб келди. У мени юзимга шунақанги совуқ қарадики, ўтакам ёрилай деди. Ичимда: «Бу аёл бировнинг хурсандчилигини кўролмайдиганлар хилидан экан шекилли, башарасини қаранглар!» дедим. У коридор охиридаги ўнг томондаги эшиклардан бирини очди. Ичкарига кирдик. Олти-еттита катта шиша идишда нималардир қимирлаб ётарди. Менинг кўзимга нимадир бўлиб кўринганлар ногирон туғилган чақалоқлар экан. Мен бу ердан тез ўтиб кетсак керак, деб ўйлаганим сабабли тузукрок эътибор ҳам бермапман. Катта ойнадан ишланган яшикларнинг бири олдида тўхтаган бош врач менга қаради ва ойнали яшикка имлади. Кейин билсам уни «вакуум» дейишаркан. Ўшанинг ичида ётган чақалоқни кўрсатиб:

– Мана шу сизнинг полвон ўғлингиз, – деди. Аввал аҳамият бермай бепарво тураверибман. Кейин шиша ичидаги қимирлаб турган гўдакка тикилиб қарадим, бирдан кўз ўнгимда чакмоқ чакқандек бўлди. Бир чақалокқа, бир врачга қараб:

– Наҳотки, наҳотки, шу қимирлаб ётган нарса менинг ўғлим бўлса, бўлиши мумкин эмас, сизлар алдаяпсизлар! – дедим. Менинг ишонмаётганим ва гумон қилаётганим учун шиша идиш (вакуум) ёнидаги ёзувга қарашимни сўрашди. Секин ўқий бошладим, «Абдуқодирова Василя» деб хотинимнинг исми-шарифи очикравшан ёзилган ва бола туғилганда исми-шарифи ёзилиб, қўлига боғлаб қўйиладиган тасмачаси ёнида эди. Уни ҳам ўқитди. Ҳа, бу мажруҳ бола менинг ўғлим эди. Кўз олдим қоронғилашиб кетди.

– Ҳа, нимага жим бўлиб қолдингиз! Жуда мард, хурсанд эдингиз, бирданига хомуш бўлиб қолдингиз!

Болагизни бу ҳолатда кўришни ўйламаганмидингиз? Сизга ўхшаганларнинг ичкиликбоз ва нашавандликларингиз оқибатида мана шундай ногирон, мажруҳ болалар туғилади. Энди бошқа болаларга қаранг. Булар ҳам сизга ўхшаган гиёҳванд, ароқхўрларнинг зурриёди, деб бошқа шиша идишдаги болаларни кўрсата бошлади.

– Наҳотки, шунақа болалар бўлса? – дедим мен тўлқинланиб ҳикоя қилаётган Шералига ачинганимча қараб.

– Мен гапирмай, сен эшитма, Абдурашид! Улар бундан ҳам хунук, бирининг икки кўли, икки оёғи йўқ, кичкина қопга танани ёпиштириб қўйганга ўхшайди. Бирининг бир кўли бор, бир оёғи йўқ, бўйни чап томонга қотиб қолган, боши катта. Яна бирининг пастки жағи, бирининг юқори жағи йўқ. Бир кўзи бор, иккинчиси йўқ. Э, гапираверсам ақлдан озасан. Буларни кўриб, бошим айланиб кетди. Тезроқ бу даҳшатли хонадан чиқиб кетишни истардим. Доктор бўлса:

– Қаранг, яхшилаб қаранг! Қарашдан кўрқяпсизми? Бу болалар сиз каби ароқхўр, гиёҳвандларнинг зурриёди. Кеча бечора хотинингиз туға олмай «дод» деганларини эшитганингизда, йиғлаб сизни чақирганларини кўрганингизда эди... Операция қилиб болани аранг туғдириб олдик. Хотинингизнинг ўзи бир ўлимдан қолди. Шунчалик азоб билан кўрган боласининг ногирон туғилганини билган одам нима аҳволга тушади, биласизми? Буни ҳис қилиш учун одам бўлишингиз керак. Икки соат бўлди, энди ҳушига келди. Ўлиб қолганида нима бўларди? Сиз қотилга айланардингиз. Садқаи ота кетинг, эссиз сиз кабиларга эркак деган ном! Энди бу норасидани боқиш сизнинг вазифангиз, бунга бир нарса бўлса, жавоб берасиз. Бу сизга берилган жазо, кўзингизни очинг, – деб доктор орқасидан эргаштириб тепадаги қаватга олиб чиқди.

Унинг ортидан юрардим у оёғим ўзимники эмасди. Боягина ҳаммага мақтаниб, хушчақчақ туғуруқхонага кирган одам ҳозир қўлтиғимдан тарвузим тушиб, шалвираб қолгандим, оёқларимни зўрға судраб босаётгандим. Бирдан бошим айланиб, нимагадир қоқилиб кетдим, йиқилишимга оз қолди. Боягина шодон-кулиб кириб, тушкун аҳволда чиқаётганимни кўрганлар ҳайратланиб қарашарди. Хотинимнинг палатасига яқинлашгач, секин палата эшигини очиб, эътибор билан қарасам у алоҳида жонлантириш хонасида экан. Менга қараб яна кўз ёши тўка бошлади. Бечора роса азоб чекибди, ногирон туғилган боласини кўргач, аламдан кўз ёшларини тўхтата олмай қолганди. Хотинимни жуда яхши кўрардим. Уни бу аҳволда кўриб, йиғидан ўзимни зўрға тийдим ва:

– Мен гуноҳкор, нотовонни кечир! Сенга кўп азоб бердим, ташвиш келтирдим, – деганимча бурилиб чиқиб кетдим. Мен номард, бечора хотиним очдир, бирон нарсага муҳтождир, деб ўйламабман ҳам. Қанча пул сарфлаб, улфатларга зиёфат берибман. Уни кўргани эса куп-курук, икки қўлимни бурнимга тикиб борибман. Ўз нафсимни ўйлаб, ғарибу нотовон, муштипар хотинимнинг аҳволини заррача ўйлаб кўрмапман, – деди Шерали кўз ёшларини артаркан.

– Ҳа, бизнинг касофатимиз ўзимизга, болаларимиз, маҳаллаю юртимизга – ҳаммага уради. Гуноҳларимиз, бузукликларимиз, ичкиликларимиз бир кун бу заминни ҳам жунбушга келтирмасайди, дейман. Ахир биз одам эмас, касофатмиз, касофат, дўстим Абдурашид! Энди бу балодан қутилмасам бўлмайди. Шунга энди ўзимда куч топишим керак, – деди Шерали яна йиғлаб. – Аммо, ўша куч қани, эркаклик иродам каерда қолди? Биз ўз жонимизнинг, фарзандларимизнинг кушандасимиз. Абдурашид, сен билан кўп улфатчиликлар қилдик, кўп

гуноҳлар қилдик. Сендан илтимос, бу балодан қайт, сен ҳам мен каби бундай расволикда юрма! Агар одам бўлиб гиёҳвандлик, майхўрлик балосидан қайтсанг, уйимга кел, меҳмоним бўл, ҳақиқий дўст бўламиз. Чунки ҳозирги дўстлигимиз шу ерда узилди. Уйимга қадам қўйма, хайр, – деди ерга боққанча ва боласини кўтариб ичкарига кириб кетди. Мен уни юпатгандек бўлиб, узр сўрадим. Албатта бу йўлдан қайтишимни айтиб, ташвишли бир ҳолатда секин чиқиб кетдим.

Кейинроқ яна бир хабар олгани борсам, Шералиниқидан бошқа одам чикди. Уни қариндошлари шаҳардан кўчириб, қишлоғига олиб кетишганини айтди.

### БАЛО ҚАЕРДАН КЕЛАДИ?

Гиёҳванд дорилар қаердан келарди? Бу заҳри қотил авваллари йўқ эди. Шўролар даврида, етмишинчи-саксонинчи йилларда қишлоқ ховлиларида, дашту тоғ ёнбағирларида кўкнори жуда кўп экиларди. Баҳор ойлари қизғалдоқдек очилиб, чиройли бўлиб ётарди. Кўкнори бу даражада кўп экилишининг сабабини сўралганида кўкноридан аналгин, пенталгин каби дорилар ишлаб чиқарилиши, айрим дориларни ишлаб чиқариш учун кўкнори кераклиги, энг яхши кўкнори Ўрта Осиёда етиштирилишини айтишарди. Шу сабабли Ўрта Осиёнинг ҳамма қишлоқларию, дала-даштларида кўкнори кўп миқдорда етиштириларди. Бу тўғрида бирон бир матбуот ёки телевидениеда айтилмасди. Гоҳо совет милицияси ходимлари қишлоқларда номигагина бир айланиб кўярди. Баъзилар «Биласанми, нега бизда гугурт бир тийин, туз етти тийин?» деган саволларни беришарди. «Билмадик», дейилса, «советлар одамлардан олган кўкнорига химиявий ишлов бериб, бутун дунёга пинҳона наркотик модда со-

тади. Дунё аҳолисининг кўпини банги қилди. Шу сабабли гугурт бир тийин», деган миш-мишлар юрарди. Бу қанчалик ҳақиқатга яқинлигини бутун англамоқдаман. Чунки арзимас икки-уч грамм дорини қанча пулга сотиб оламан. Тонналаб етиштирилган кўкноридан тайёрланган дорилар дунё давлатларига мафия орқали пуллаб келинармиш. Шундан келаётган миллиардлаб фойда давлатни ушлаб турибди, деган гапларни эслаб, ўшандаги бу гапларнинг ҳақлигига ишонгим келади.

Шунча кўкнори экилса-да, одамлар нашавандлик, бангилик, томирга дори юборишни билишмасди. Ёз пайтлари қишлоқларга кўкнори сотиб олувчилар келиб, хонадонма-хонадон юришар, қоплаб кўкнори сотиб олишарди. Кўкнори харид қилувчилар ўзларини давлатнинг махсус дори тайёрловчи корхоналарида ишлашларини, халқнинг бу етиштирган ҳосили кўплаб беморларнинг дардига малҳам бўлаётганини айтиб, одамларни лақиллатишарди. Одамлар савоб ишларидан мамнунлигидан ортиқча савдолашиб ҳам ўтирмай, «савоб бўлсин, касалларнинг тузалишига ҳиссамиз қўшилсин», деб қуритилган кўкнориларни арзон-гаровга бериб юборишарди.

Бир ёзда тоғамникига, қишлоққа борганимда шундай савдонинг устидан чиқиб қолдим. Тоғамнинг қўшнисиникида болалари билан ўйнаб юргандик. Баланд бўйли, норғул бир йигит уй эгасини узоқдан чақириб келди. Қўшни боланинг буваси тоқларини хомтоқ қилаётган эди. Бошида эски дўппи, оқ яктаги тердан сарғайган, чангоёғига махси-калиш кийган, кичик оқ соқоли ўзига ярашган, кекса, қотмадан келган, қуёш тафтидан юзлари қорайган Мирза бува «ҳозир» деб нарвондан тушди, чақираётган йигит томон салмоқлаб борди. Қишлоқдаги уйларда дарвоза йўқ, ҳамма томон очик. Келган одам



уй эгасини узоқдан чақириб келади. Йигит ҳам қишлоқ одатига биноан узоқдан чақириб келаётган эди. Унга пешвоз чиққан Мирза бува, у билан нималарнидир гаплашди ва йигитни сўритокнинг соясидаги ёғоч қаравотга таклиф қилиб, ўзи ичкарига кириб кетди.

Мирза буванинг кампири қўлида нон солинган дастурхон, чой кўтариб келиб, йигитнинг олдига қўйди. Дастурхонни ёзиб, чойнакни иккита пиёла билан йигитнинг олдига қўйиб, ичкарига кириб кетди. Бу одам чойни қайтариб озгина тиндиргач, бир пиёлага қуйиб ича бошлади. Биз меҳмонни ўраб олдик. Бирин-кетин салом бериб, унга ётсираб қарардик. Айниқса биз болалар унинг ўйноқи кўзи, бошидаги шапкаси, қулоғигача буралиб тушган бакенбарди, қалин мўйловига боқиб, ёввойи одамни кўргандек ҳайратланиб тикилдик. Бу одамнинг айёрлиги кўзидан кўриниб турарди. Биз эртак ва ҳикояларда айёр одамнинг кўзлари ўйнаб, турли томонга аланглашини, ранги совуқ бўлишини кўп эшитганмиз. Шу боис мен ҳам унинг кўзларига қараб, қалбим бу одамни ёмонлигини сезгандай бўлди. У бўлса:

– Қани, болалар, бу ерда ўралашмай ўйинларингга боринглар. Катталарнинг атрофида ўралашиш, уларнинг ишларига аралашиш яхшимас, кишт ҳамманг-деди товукларни киш-кишлаётгандек панжаларини орқасини силкитиб.

Биз амакининг дўриллаган овози ва гапидан чўчиб, секин ўйнаётган жойимизга қараб йўл олдик. Аммо унинг бежо қарашларидан қандайдир сири борлиги мени қизиқтириб қўйди. Шу боис, у-бу нарсаларни баҳона қилиб, уларнинг гапларини эшитиш учун, бўладиган суҳбатга яқинроқ бордим. Бир оздан кейин Мирза бува ичкаридан катта қопга солинган бир нарса олиб чиқдилар. Қопдаги нарса кўкнори экан. Йигит қоп ичи-

дан бир ховуч кўкнорининг қуриган бошини олиб, айлантириб, ҳидлаб кўрди.

– Ишқилиб шираси олинмаганми, ота? – деди.

– Ширасини олиб нима қиламиз, бангиларга сотамизми? Бангиларга сотсак, улар маст бўлиб гуноҳ қилишса, гуноҳига шерик бўламизми? Бу кўкнориларни халққа манфаат берадиган дори бўлсин, одамларнинг оғир дардларига малҳам бўлсин, деган ниятда экканмиз, болам! – дедилар йигитнинг сўзларидан хафа бўлиб.

– Ота хафа бўлманг, баъзилар давлатни алдамоқчи бўлади-да, кўкнорини ширасини олиб қўйиб сотади-да! Шунинг учун сўрадим, сиздақа одамлар асло бундай қилмаслигини яхши биламиз, – деди бувани хафа қилганидан афсусланиб.

– Хўш, ота, килосига қанчадан сўрайсиз? – деди у мақсадга ўтиб.

– Ўзинг бозорга қараб бирор нарса дегин, – дедилар ота.

– Йигирма беш сўмдан ҳаммасини оламан.

– Инсоф қил! Кеча келганларга ўттиз сўмдан бермадим. Хохласанг ўттиз беш сўмдан ол. Охириги сўзим шу, – дедилар Мирза бува.

Ўртада савдо бошланди. Охири ўттиз икки сўму эллик тийиндан оладиган бўлди. Ўзи билан олиб келган тарози билан ўлчай бошлади. Ер тўладан яна икки қопча олиб чиқди. Ҳаммаси ўттиз килоча чиқди. Йигит пулни бериб, отага дуо қилишини сўради. Мирза бува:

– Ушбу кўкнорларимиздан яхши дори тайёрланиб, беморларга шифо бўлсин, Аллоҳу акбар, – деб юзига фотиҳа торғди. Йигит мийиғида кулди ва хайр-хўшлашиб, кўкнори қопини кўтарганча кўчада турган юк машинаси томон юрди. Биз унинг орқасидан эргашдик. Кўчадаги юк машинаси Мирза буваникига ўхшаш қоп-

лар билан тўла эди. Уларга Мирза буванинг қопдаги кўк-нориси ҳам кўшилди. Юк машинасининг олдида опнок Жигули машина ҳам турган экан. Йигит ўша машинага ўтириб жўнаб кетди. Юк машина ҳам гуриллаганича кишлоқнинг тупроқ йўлларидан чанг кўтариб Жигули ортидан эргашди. Совет давлатининг касалларига ёрдам бериб, савоб олганидан Мирза бува хурсанд эди.

Шўролар Афғонистонни босиб олгач, бу иллат томир отди. Улар Афғонистонга бостириб киришидан олдин афғонларнинг кўкнори экиб, гиёҳванд моддалар сотгани тўғрисида ҳеч ким эшитмаганди. Балки кимлардир кўкнори экиб-сотган бўлиши мумкин. Аммо оммавий тарзда экилмаган. У ерга бостириб кирган шўро зобитлари ва бошқа тижорат одамлари гиёҳвандлик орқасида катта фойда келишини билиб, пинҳона гиёҳванд дори савдосини бошлаб юборишганди. Авваллари четга сотиладиган маҳсулот энди ўзимизда ҳам қоларди. Бу маҳсулотларнинг бозори чакқон бўлиши учун ўзимиздан гиёҳвандларни кўпайтириш керак эди. Гиёҳвандлар кўпайса, унинг ортидан миллионлаб сўм оқиб келишини билишарди. Шу сабабли ёшларни гиёҳвандликка жалб қилиш учун катта тузоқлар кўйишарди. Бу балонинг илллати йил сайин, ҳатто кун сайин йиринглаб борарди.

Ана шу фикрлар хаёлимни банд қилган ҳолда кечгача санғиб юрдим. Аммо Шералининг ўғли, мажруҳ чақалоқ кўз ўнгимдан кетмади. Тавба қилмоқчи бўлдим. Кечга бориб бошланиб келаётган хумор, баданимдаги оғриқ яна дори қабул қилишга мажбур қилди. Ўзимни тўхтатишга куч тополмадим.

Хотинимга тикилиб турарканман, мендан шундай фарзанд туғилиб, бир умр азоб беришидан чўчирдим. Шунинг учун иложи борича хотинимга маст пайтларим яқинлашмасликка ҳаракат қилардим. Буни тушунган

Зебунисо ёруғ кунлар келишидан умид қиларди. Бугун ичмайман ва гиёҳванд модда қабул қилмайман, деб ўзимга ваъда бердим. Хотиним олиб келган маставадан озгина тотиндим. Бир-икки пиёла чой ичдим. Хотиним билан суҳбатлашгандай бўлдим. Уйнинг кўрки бола билан экан, бола бўлмаса ҳамма жой ҳувиллаб қолар экан. Уйда сиқилиб кетдим. Яна кўча ўзига тортди. Аммо мен ўзимга сўз берганим сабабли кўчага чиқмасликка аҳд қилдим ва ичкарига кириб, бувам, оила аъзоларим билан тушган расмларга қараб ўйга толдим. Менда қандайдир келажакка умид уйғонаётганди, тез-тез ўтган кунларимни эслардим. Ширин дамлар оғушидаги сурурли ёшлик онлари хаёлимни банд эта бошлади.

Ҳозир ҳам уйда хаёлга чўмиб ўтирарканман, қўлимдаги расмларга тикилиб, яна оиламиз, ширин болалик йиллари, меҳрибон яқинларим ҳақида ўйлаб кетдим.

### АДАШИШНИНГ БОШЛАНИШИ

Дарвоқе, биз шаҳар марказида, ҳамма шароитларга эга кенг ҳовлида турамыз. Отам бу ҳовлини бувам вафот қилгач бузиб, қайта қурдилар. У шахримизнинг кўркам уйларидан бирига айланди. Аввалги уйимиз пастқам, хоналари кичкина, эшиклари пастак эди. Бир неча бор уйга киришда бошимизни уриб олардик. Бош урилавервергач, эгилиб киришга одатланиб қолар экансан. Аммо ҳовлимиз ниҳоятда озода, ҳамма нарса ўз ўрнида тартиб билан жойлаштирилган эди. Меҳмонхонамизнинг тўрида китоб, чойнак, пиёлалар турадиган ганчдан ишланган токчалар, икки томонида тахмон. Хонага кирганда ўнг томонда печка, қалин пат гилам хонани тўлдириб турибди, ўртада хонтахта, атрофига атлас кўрпачалар солинган. Шифт ёғочдан чиройли қилиб тоқи қилинган. Меҳмонларни шу хонада кутиб оламыз.

Уйимизда жуда кўп зиёли, таниқли кишилар меҳмон бўлишган. Дадам уйни бузиб қайтадан, замонавий қилиб қурайлик, дерди. Бувам раҳматли уйни бузишга рухсат бермасдилар. «Ҳеч бўлмаса эшикни баландроқ қурайлик, бошимизни уравериб, соғ жойи қолмади. Қолаверса замон ўзгармоқда, дада!» дерди дадам паст овозда, ерга қараганча ўз норозилиklarини билдириб. Дадам кўча ва ишхонасида охирги пайтда виқор билан сал кеккайиб юришга мослашаётган бўлсалар-да, бувамдан ҳайиқардилар. Ваҳоланки дадам кимсан – шаҳардаги барча савдо дўконларининг каттаси, яъни горпо раиси. Кўчада таниган борки салом беради. Аммо шундай катта мавқега эга дадам бувамнинг юзларига қаролмай, овозларини кўтаролмай, ерга қараб зўрға гапирадилар. Бувамнинг олдида ниҳоятда одоб билан турадилар. Бундай гўзал хулқни ҳаммамизга бувам ўргатганлар.

«Нодон, ақлсиз, одобсиз фарзандлар отасига тик бокиб, кўзини лўк қилиб гапиради. Бу энг катта одобсизлик бўлади» дердилар бувам. Гап яна иморат қуришга келганда: «Сен амалдор бўлдинг! Мансабингдан фойдаланиб баланд иморат курсанг, одамлар нима дейди? Ҳамма: «Аҳмад отанинг ўғли дўкончилардан пора олиб уй қурибди, отаси ҳалолликдан гапириб, ўғлини тарбиялай олмабди-да», демайдими? Қолаверса, давлат сенга бу мансабни юлғичлик, порахўрлик қилиш учун эмас, халққа ҳалол хизмат қил, деб берган. Агар сен катта иморат курсанг, эшикларинг баланд-баланд бўлса, мағрурланиб, кеккайиб кетасан. Эгилишни унутиб қўясан, дўшпинг ерга тушса пулингга олдирасан» дердилар.

Ҳовлимизнинг файзи бошқача эди. Ваҳоланки охирги пайтларда дадамга қарашли бир-иккита дўкон борлигини эшитгандим. Онам уларнинг бирида ишлар ва дўконни бошқарарди. Еб-ичишдан асло зорикмасдик.

Дадамнинг пули кўпайиб борар, чўнтақларимизни тўлдириб пул берардилар. Биз эса дадамиздан ҳеч ҳайиқиб, кўрқмасдик. Дадам бизни бувамизга сездирмай мактаб эркалардилар. Бувам эса доим бизни тергар, насиҳатлар қилар, ҳадис, Куръон оятларидан тушунтирар, турли ҳикоялар ҳам айтиб берардилар. Куръон сураларидан бир нечтасини ёдлаттирар, қаттиққўл бўлсалар ҳам бувамизни яхши кўрардик. Чунки у киши туфайли кўплар билмайдиган ҳикматларни биз билардик. Бувамиз кўпни кўрган киши эдилар, олимлар суҳбатига тез-тез бориб турардилар. Уйимизга фозил, олим, ҳатто шоирлар ҳам келиб туришарди. Уларга хизмат қилиб, биз ҳам суҳбатларидан баҳраманд бўлардик.

Меҳмон бўлиб келувчилар орасида масжидимиз имоми ҳам бўларди. У киши Куръон тиловат қилсалар, маза қилиб эшитардик. Домла бувамдан ёш бўлсалар-да, бувам у кишини жуда ҳурмат қилар ва бизларга: «Болаларим асло аҳли илмни хафа қилманглар, уларнинг дуосини олинглар. Чуики Пайғамбаримиз Муҳаммад соллалллоҳу алайҳи васаллам: «Уламолар пайғамбарларнинг меросхўридир. Ким уламони ҳурмат қилса, мени ҳурмат қилибди», деганлар. Мана шу ҳадисга биноан дунё аҳли севадиган, Пайғамбаримизни ҳурмат қилган мўмин киши, уламонинг ёшига қарамай уни ҳурмат қилаверади. Уламони ҳурмат қилиш Пайғамбаримизни ҳурмат қилишдир. Шунинг учун масжидимиз имомининг ёши мендан кичик бўлса-да доим уни ҳурмат қиламан», дердилар. Бувам баъзи хизматлар билан домланинг олдига юборганларида у киши билан узоқ суҳбатлашиб турардим.

Бувам бизларга ножўя юриш, уйга кеч келиш деган нарсаларни чеклаб қўйган эди. Дадамга ҳам уйга меҳмон келса, хизмат қилиш ва уларнинг даврасига қў-

шишни тайинлардилар. Бувам: «Ўғлинг устоз кўрмаса, халқнинг маърака ва тўйларида қатнашмаса, уламолар суҳбатини тингламаса, ҳар томонлама орқада қолиб кетади», дердилар.

Ҳар куни бувам масжиддан шом намозини ўқиб қайтдилар. Кечки таомни еб бўлгач, дастурхонга барака тилаб:

– Парвардигори олам, бизни азизу мукаррам айладинг, турли нозу неъматлар бериб сарафроз айладинг, ширин сувларинг билан хушнуд қилдинг, берган неъматларингга минг-минг шукримиз бўлсин. Берадиган неъматларингни янада зиёда қил. Дастурхонимиз, хонадонимиз, мўмин-мусулмонларнинг хонадонларига барака ёғдир. Ўтганларимизни раҳмат айла, ўғил-қизларимизга, набираларимизга, барчанинг фарзандларига бахту иқбол бергин. Тўғри йўлларингдан адаштирма, барча фарзандларининг камоли, бахтини кўрсин. Қайғу-ғамларини кўрсатма, уруш балоларидан ўзинг асра, – деб юзларига фотиҳа тортардилар.

Кечки овқатдан кейинги одатий ишимиз бувамиздан ҳикоя, ибратли панду насихат эшитиш бўлгани боис, бувам ажойиб, ибратли ҳикоялар айтиб берардиларки, бу воқеа ўлганимча эсимдан асло кўтарилмайди. Бувам ҳамма вақт сўзларини «бисмиллоҳ» ва ҳамду сано айтиш билан бошлардилар. Ўша суҳбатлардан бири ёдимга тушди. Ўшанда ҳамду сано айтишларининг сабабини сўрадим. Бувам:

– Биз буюк уламоларнинг авлодимиз, мусулмонмиз, шунинг учун сўзни нимадан бошлаш одобини ҳам билишимиз керак. Чунки пайғамбаримиз Муҳаммад алай-хиссалом ҳамма вақт сўзни Аллоҳ таолога ҳамду сано билан бошлаган бўлсалар, саҳобай киром ва барча мусулмонлар ҳамду сано ва саловот билан бошлаган, –

дедилар ва ўзлари ҳам сўзларига амал қилиб суҳбатларини шундай ҳамду сано ва саловот билан бошладилар:

– Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Инсонни азиру мукаррам айлаб, ақл бериб, дунёга ҳокими мутлак этган, бизга мана шундай гўзал юртда яшаш бахтини берган, бутун коинотнинг Робби бўлмиш Аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар бўлсин. У зотнинг ҳабиблари ниҳоятда ширин сўзли, гўзал юзли, одоб-ахлоқ соҳиби, умматнинг шафоатчиси Муҳаммад мустафога саловоту саломлар бўлсин. Аллоҳ таоло Ўз қудрати билан дунёни тарбият қилувчи, низомга солувчи, инсонларга нима фойдаю, нима ёмонлигини ажратиб, белгилаб берувчи, бандаларига фақат яхшилиқни ирода қилувчи Зотдир. У бутун борлиқни шундай тартиб-низом билан тутиб турадики, бунда Аллоҳ таолонинг қудрати яққол намоён бўлади. Қуёш белгиланган соат-сонияда чиқади ва ботади. Ой белгиланган низом асосида ҳаракатланади. Ер курраси бир сония тинмасдан шамолдан тез айланади. Шундай мўъжизавий низомни жорий этган Зот коинотни ва ерни инсонга хизматкор, бўйсунувчи қилди. Ой, қуёш, ер куррасини биз учун яратди. Коинотдаги юлдуз ва сайёраларни бир-бири билан тўқнашиб кетмайдиган қилди, бирининг устига бири келиб тушмайди ёки йўлидан оғиб кетмайди. Инсон ер устида Аллоҳнинг нозу неъматларидан еб-ичиб яшайди. Парвардигори олам мусулмон бандаларига фақат ва фақат пок нарсаларни истеъмол қилишни буюрган, ҳаром, макруҳ ва шубҳали нарсаларнинг истеъмолидан қайтарган. Чунки Парвардигоримиз инсоннинг қадрини улуғлади, унинг мавқеи, даражаси нақадар улуғлигини кўрсатди. Мен Ўзимга фаришталарни, жинларни ёки бошқа махлуқотни эмас, айнан инсонни ўринбосар қилмоқчиман, деб эълон қилди. Демак, инсон пок қалбли, иймонли, ҳалол касб



қилиб, ҳалол неъматларни еб-ичиб юрса, савоб амаллари кўп бўлса, фаришталардан ҳам афзалдир. Аммо амаллари разиллик, нопоклик, касби ўғрилик, безорилик, дўсти нодонлар, жоҳиллар бўлса, мавқеи, мақоми шайтондан ҳам пастдир.

Зеро, отамиз Одам алайҳиссалом онамиз Ҳавво билан жаннатда турли нозу неъматлар ичра яшашарди. Ҳеч нарсанинг ғами йўқ эди. Жаннатда бир дарахт бор эди. Аллоҳ таоло уларни имтиҳон қилиш учун ўшанинг мевасидан емасликка буюрди. Шайтон эса айнан ўша дарахт мевасини ейишга онамиз Ҳаввони тинмай ундади. Шайтоннинг ҳийлалари сабаб ўша дарахт мевасидан тоғиш бошқа барча ноз-неъматдан афзал кўринди. Улар шу мевадан ейишди ва ҳамма нарсадан маҳрум бўлишди. Аллоҳ таоло уларни жаннатдан чиқиб, ер юзига тушишга амр қилди. Одам отамиз қилган гуноҳлари учун «Парвардигор, биз ўзимизга зулм қилдик. Энди мағфират қилмасанг, зулмкорлардан бўламиз», деб узок йиллар йиғлаб, тавба қилдилар. Аллоҳ таоло унинг тавбасини қабул қилди. Уларга энди меҳнатсиз нозу неъмат йўқ эди. Машаққат ва меҳнат эвазига ризку рўзларини ўтказадиган бўлишди. Шунинг учун, болаларим, Аллоҳ таоло ман қилган нарсаларга яқинлашманглар, ҳалол касб қилиб, ҳалол нарсаларнигина енглар. Ўша ман қилинган, тақиқлаб ҳаром қилинган нарсалардан узокда бўлинглар. Ароқхўрлик, нашавандлик, фаҳш каби иллатлар инсоннинг одамийликдан чиқишига, осийлик ботқоғига ботишига асосий сабабчи бўлади. Гапларимни ўнг қулоқларингга ҳам, чап қулоқларингга ҳам қуйиб олинглар, – дедилар. Ўшанда мен ўсмирлик ёшидан ўтаётган эдим. Бувамнинг сўзларидан ажабланган укам Абдусалом:

– Бангилик, майхўрлик гуноҳми? – деб сўради.

– Албатта-да, булар ҳам гуноҳ, ҳам ҳаром! Чунки бангилик, майхўрлик сабабли инсон ўзлигини унутади. Инсонийлик ҳолатидан ҳайвоний сифатга ўтади. Уяти, ҳаёси, обрўйи, ҳурматини йўқотади. Ичкилик, бангилик орқасидан майиб-мажруҳ болалар кўпаяди, энг ёмони одам маст ҳолда ўлиб қолса, иймонидан ажраши мумкин. Гуноҳларнинг онаси маст қиладиган нарсалардир. У хоҳ банг, қорадори бўлсин, ароқ, вино, пиво ёки бошқа нарсалар бўлсин, одамни маст қилса тамом, ҳаммаси ҳаром, болам! Сенга бир мисол айтай, муюлишда яшайдиган кўшнимиз Саша устони танийсан-а! Ана ўша одамнинг кўлида гулдай ҳунари бор. Дурадгорлик, темирчилик ва шунга ўхшаш жуда кўп касбларга моҳир. Аммо, кўп ичгани сабабли бири икки бўлмайди. Топган пулини ичади, гоҳо кўчаларда юмалаб қолади. Уйда ҳар куни уриш-жанжал, хотини бақир-чақир қилади, болалари отани ҳурмат қилмайди. Топганида барака, маҳаллада ҳурмати йўқ. Маст бўлганда ҳеч кимни танймайди, ким тўғри келса уришиб-сўкишади. Ёш йигитлар билан тортишиб, доимо боши ёрилган, кўзлари кўкарган ҳолда юради. Айниқса, ўтган кишда шом пайти уйга келаётсам, йўл чеккасида кимдир ўтириб олиб, сира ўрнидан туролмасди. «Ким экан, бирон киши касал бўлиб туролмаяпти шекилли, ёрдам берайин», деб бориб қарасам, кўшнимиз Саша. Мастлигидан ўрнидан туролмасди. Совуқдан дир-дир титрарди. Дарҳол бир-икки йигитни чақириб, ёрдам беришларини сўрасам, улар Сашага қараб:

– Ота, ўлиб кетавермайдими, сизга нима? – дейишди. Мен:

– Ахир, бу ҳам одам, ёрдам беришимиз керак! Бунинг устига кўшнимиз бўлади. Кўшничилик ҳаққи бор. Ажабмас, бир кун инсофга келиб қолса! Биз мусулмонмиз, ким бўлса ҳам ёрдам беришимиз керак! – деган эдим:

– Бўпти, отахон, сизнинг ҳурматингиз учун ёрдам берамиз. Аммо, бу одам эмас, одам бўлса, шу ҳолга туршармиди? – дейишди ва унинг қўлтигидан кўтариб турғизишга ёрдам беришди. Уни бир амаллаб уйига олиб келдик. Бадбўй ароқнинг ҳидига чидаб бўлмасди. Аммо хотини яхши аёл, эрини етаклаб келганимизни кўргач уялиб кетди ва минг бор узр сўради.

– Аҳмад ота, ҳар куни буни ювиб-тараб, кийинтириб ишга чиқариб юбораман. Бу бўлса ҳар куни шу аҳволда келади. Сизларнинг олдингизда жуда уятдаман, – деди хижолат чекиб. Унинг хотини ўзбек тилида чалароқ бўлса-да, тушунарли гапиради. Андишали аёл, аммо эрининг аҳволи ҳаммага маълум. Неча бор насихат қилсам ҳам инсофга келмаган.

– Бошқа миллатдагиларга ҳам насихат қиласизми? – деб сўрадим.

– У мусулмон бўлмаса ҳам, маҳалладошимиз, кўшнимиз-ку! Ким бўлишидан, қайси миллатдалигидан қатъи назар, тўғри йўл кўрсатиш бизнинг вазифамиз. Кўшничилик, маҳалладошлик, инсонийлик деган бурч бор. Унинг бу йўлга кириб қолишига ёмонлар билан дўстлашгани сабаб бўлган. У авваллари ичмасди. Бузилган, синган нарсаларни тузатадиган яхши йигит эди. Кейинчалик бир-иккита ёмонга қўшилиб, шу аҳволга тушди. Шунинг учун, болаларим, асло ёмонлар билан дўст бўлманг, ҳаром нарсалардан узоқроқ юринг. Ҳалол-пок нарсалардан еб-ичинг, шунда соғлиқларингиз яхши бўлади, топган-тутганларингизга барака киради, умрларинг узоқ бўлиб, ҳамма раҳмат айтади. Аллоҳ таоло ҳам рози бўлади, – деб ҳаққимизга дуо қилдилар. Ўша насихатлари, дуолари ҳамон қулоқларим остида жаранглайди.

Бувам масжид ёки бошқа бирор жойга кетганларида роса тўполонни қизитардик. Ака-укалар уришиб, кўз-

ларимиз кўқарарди. Уйга қайтган бувамиз бу ҳолатни кўриб қойиб берардилар. Дадамиздан эрқаланиб пул сўрардик. Отам кўнгиллари бўшлиқ қилибми ёки давримда болаларим ўйнаб қолсин деган мақсаддами, сўраганимизни берардилар. Бир кун пул бераётганларини кўриб қолган бувам:

– Ўғлим, болаларингни эрқалаб, кўп пул бераверма. Пулга ўрганган бола дангаса, ялқов, илмга қизикмайди-ган, пули камайса ҳар нарсага тайёр инсонга айланиб қолади. Уларни илмга қизиктир, меҳнатга ўргат. Илм, касб ва меҳнат ортидан келадиган ноннинг қадрини билсинлар! – дедилар.

– Отажон, меҳнатни мана биз қиляпмиз! Болаларимиз давримизда ўйнаб-кулиб ўссин, дейман-да.

– Майли, ўйнаб-кулсин, аммо ҳар нарсанинг меъёри, мезони бор. Келажакда юртнинг номини ким кўтаради, оиланинг шаънини ким кўтаради? Ҳеч ўйлаб кўрганми-сан? Қайси юртнинг ёшлари билимли, касбу ҳунарли, янги-янги нарсаларни ихтиро қилса, ялқовлик, дангасалик, боқимандалик дардидан қутулса, ўша юрт гуллаб-яшнайти. Оила ҳам худди шундай. Оила раҳбари ота бўлиб, болаларини билим, касб, шижоатга ўргатса, кўркмас-ботир қилиб тарбияласа, бахт шу хонадонда бўлади. Оилада тартиб-интизом жорий бўлиб, ҳамма отани ҳурмат қилади, айтганларини бажаради, болам! Ота фарзандларини ўз ҳолига ташлаб, қўлларига даста-даста пул бераверса, бундай болалар бора-бора бошга бало бўлади. Шу гапларимни унутма! – деб уқтирдилар.

Бир куни бувам ёнларига чақириб:

– Ўғлим, сенга ҳаётимда содир бўлган бир воқеани сўзлаб бераман. Бу ҳодиса бир умр менга азоб беради. Мен уришдан кейин Тошкентдаги заводда ишлардим. Иш оғир бўлишига қарамай ибодатларимни сира тарк

қилмасдим. Ичимизда ҳар хил миллат ишларди. Бир куни завод раҳбарияти қайсидир байрам муносабати билан катта тантана уюштирди. Энг яхши ишлаганлар учун завод ошхонасида алоҳида дастурхон тузатди. Мен ейдиган таомимга ҳаром аралаштирмаслик учун уни ётоқхонамда пишириб ўзим билан олиб келардим. Байрам дастурхонига ўтирдик. Дастурхон устида ҳар хил ширинлик, неъматлар ва спиртли ичимликлар бор эди. Бу даврадан чиқишнинг иложи йўқ. Шундай қилиб шўрвалар сузилди. Шишалар очилди. Ёнимдагилар ичишни бошлаб юборишди. Мен «касалман» деб уларнинг таклифларини рад этдим. Олдимга қўйилган шўрвага ҳам ишончим йўқ эди. Шўрванинг гўшти ниманинг эти эканини билмаганим боис, унга қўл узатмадим. Партком котиби мени кўрсатиб завод директорининг кулоғига шипшиди. Директор ўрнидан туриб, тўғри олдимга келди ва:

– Ҳа, ўртоқ гражданин! Ароқ ичмаяпсиз, овқат емаяпсиз, мабодо мулла эмасмисиз? – деди.

– Йўқ, яқинда овқатлангандим, ичкиликни ошқозоним кўтармайди. Сабаби шу, – дедим.

Аммо у овқатни ейишга мажбур қилди. Шўрвани ичдим, қўлимга маъданли сув тутқазишди, ичдим. Сувнинг мазаси бошқачароқ эди. Кейин билсам сувга ароқ аралаштирилган, таомга чўчка гўшти солинган экан. Мен бундан хабарсиз эдим. Зиёфатдан сўнг уйга бориб келишга рухсат беришди. Уйга келдим. Орадан бир йил ўтмай даданг Абдусамад туғилди. Мен ўша зиёфатда билмай истеъмол қилинган спирт аралашган сув ва шўрванинг таъсирида даданг дунёга келдимикан, бу унга таъсир қилмадимикан, ўша хатойимнинг касри сизларга урмасмикан, деган хавотирда юраман. Бир културм ҳаром нарса инсонни не балоларга гирифтор қилишини сен тушунмайсан, – дедилар.

Ҳа, бувам кийимларнинг тозаллиги ва поклиги, таомга ишлатиладиган масаллиқларни неча марта ва қандай ювилишию, турмушда нималарга аҳамият бериш кераклигини кўп ўргатардилар. Айтган гапларининг бажарилишини назорат қилар ва бажартирардилар. Айниқса, ўз миллати, урф-одати, миллий кийимига содиқ инсон эдилар. Қаерга бормасинлар, бошларида кўк салла, устларида тўн, шалвар, кўйлак, махси-кавуш бўларди. Оппоқ соқоллари таралган, кийимлари ўзларига ниҳоятда ярашган, кўчада шахдам қадам ташлаб, ўзбеклигидан мағрур, кўчани тўлдириб виқор билан юрадиган инсон эдилар. Камтарликлари зарбулмасал эди, энг яхши одатларидан бири – доим биринчи бўлиб салом беришга ошиқардилар. Шунинг учун ёшлар бувамиз билан юзма-юз келганда биринчи бўлиб салом бериб қўямасин, деб саломга шошилишар эдилар.

Бир куни дадам уйимизга меҳмон бўлиб келган дўстларидан бири билан чойхўрлик қилиб гаплашиб ўтиришарди. Уларнинг гапларидан зерикдим ва секин ташқарига чикдим. Эшик чала ёпилган эди. Дадам билан дўстларининг гаплари қулоғимга ғалати туюлгандай бўлди. Одобсизлик бўлса ҳам эшик олдида туриб, уларнинг гапларига қулоқ тута бошладим.

– Дўстим, Аҳмад отада қандайдир бир хайбат борда! Йўлингга учраб қолса, гапингни йўқотиб қўясан. Тунов куни хаёл суриб кетаётсам «Ассалому алайкум, Нурали ўғлим! Яхшимисан?» деб сўрашиб қолсалар, кўрққанимдан нима дейишни билмай, дудуқланиб «Ва-ва-ва алайкум ассалом» деб бир неча марта такрорлабман, шу десанг.

– Бунинг ҳаммаси иймонларининг бутлиги, қалбларининг поклигидан, дўстим! Ҳа, оталаримиз ғанимат, бундай инсонлар ўтиб кетса, ўринларини бизлар босолмасак керак, деб кўрқаман.

– Қаердан ҳам босардинг, атеист бошлиғинг худо йўқ дегин деса, худо йўқ дейсан. Отангнинг жанозасига борма деса, хўп дейсан. Гуноҳга буюрса, тап тортмай бажарасан, ичкиликни гапирмасам ҳам бўлади.

– Тўғри айтасан, бу шўролар бора-бора миллатимиз, динимизни йўқ қилиб ташламасайди! Мансабимиздан, партбилетимиздан ажраб қолишдан кўрқиб, гуноҳлардан қайтмаймиз. Лекинчи, мен унча-мунча атеисти-ю, ташвиқотидан ҳам кўркмайман, раҳбарлардан ҳам чўчимайман, кўпининг оғзини мойлаб, тилини қисиб қўйганман. Аммо отамдан чўчийман! Ҳайбатлари кўрқитади. Ёшлигимда уриб-сўкмаганлар, сира таъзир бермаганлар. Яхши сўз билан тарбиялаганлар. Ҳалоллик-поклик учун жонларини ҳам фидо қилардилар. Гоҳо дўстларим билан йиғилишиб, бироз ичкилик ичган кунларим уйга келмайман, отам билиб қолсалар тамом, – дедилар дадам.

– Шунинг учун сенда отангнинг ҳайбати йўқ-да! Сен билан менинг гуноҳимиз кўп. Шу сабабли ҳатто болаларимиз айтганимизни қилмайдиган бўлиб бораяпти. Шунга ачинаман! – деди хўрсиниб Нурали амаки.

Дадамнинг ароқ ичишларини тасаввуримга сиғдира олмасдим. Дадамни фаришга, энг ақлли, энг олийжаноб, энг меҳрибон деб билардим. Дадамнинг ароқ ичишини эшитиб, қулоқларимга ишонмадим. Бу мен учун энг кутилмаган зарба бўлди. «Отамнинг айтганлари ёлғон, ёлғон, менинг дадам ичмайдилар! Ичишлари мумкин эмас», деган ҳайқирик ичимдан отилиб чиқарди. Тўғри, оталарнинг ичида баъзиси ичиб, маст бўлиб, тентираб юрадиганлари ҳам бор. Аммо дадамнинг ичишлари..... бўлиши мумкин эмас! Чунки бирор марта бўлса-да, дадамнинг ичганини кўрмаган ва эшитмаган эдим. «Де-мак, дадам бизга билдирмай ароқ ичаркан-да!» деган

шайтоний хаёл онгимни борган сари заҳарларди, «Дадамга сездирмай ичсам бўларкан-да!» деган ўй мени қамраб борарди. Дадамнинг шу пайтгача айтган қанчалаб яхши сўзлари, ўргатганлари эмас, «...ичганимни отам билиб қолсалар, тамом!» деган сўзларигина қулогим остида жарангларди. «Демак, дадам гуноҳ ишларни пинҳона қиларкан-да» деган шайтоний васваса нимагадир онгимни чўлғаб, бундан янада кўпроқ таъсирланиб борардим. Ўша бувам айтган воқеа, мажбуран сувга қўшилган бир қултум ичкиликни билмай ичганлари, еган бир луқма шубҳали таомлари дадамга таъсир қилипти-да! Бувам шундан хавотирда эканлар-да. Аммо бу эшитганларимни бувамга айтишдан қўрқдим.

Янги йил кечаси укаларим билан телевизорда байрамни нишонлаш учун қўлларига қадаҳ кўтариб, бири-бирини табриклайётганларни томоша қиларканмиз, уларга ўхшашни ҳавас қилиб қолдик. Чунки инсон ёмон нарсани ўзига тез сингдириб оларкан-да. Укам ва меҳмонга келган жиянларимни бир хонага тўплаб, ҳаммасини қўлига стакан тутқаздим, уларга лимонад қуйиб, телевизордагидек ўринларидан турғазиб қўйдим, сўнгра:

– Азизларим! Сизларни янги йил билан табриклашга ижозат бергайсизлар. Ушбу қадаҳ тўла шаробни сизларнинг соғлигингиз учун кўгараман, – деб тантанани бошлаб бердим. Мендан кейин улар менга тақлид қилиб, стаканларини бўшаптиди.

«Энди хонимлар билан валсга тушамиз», дея магнитофонни қўйдим. Биримиз бошимизга рўмол ўраб, бошқамиз «ожентелмен» қиёфасида танса тушишни бошлаган эдик, эшикдан қўлида хипчин билан бувам кириб қолдилар. «Ҳаҳ, сендақа тансага тушиб, ичкилик ичадиганларни», деб қувлаб қолдилар. Кечқурун дадамни қаттиқ қойиб:



– Ўғлим, ҳадеб дунё кетидан қувавермай мундоқ болаларингнинг тарбиясига ҳам аҳамият бер. Улар бебош бўлиб ўсяпти, бугинги ишини гапирсам тепа сочинг тикка бўлиб кетади, – дедилар куйиб-пишиб. Дадам бўлса бувамга эркалик қилгандек:

– Биласиз, ишларим кўп, болаларга вақт ажрата олмаман, сиз борсиз деб хотиржамман ота, уларни тарбиялашда ҳам сизга суянаман, – дедилар.

– Ўзинг биласан, ўғил болаларнинг тарбияси бирмунча оғир. Мен кекса одамман, уларни назорат қилишга кучим етмайди, болам. Уларнинг бугунги қилиқларини қара, танса тушиб, қадах уриштириб, майхўрлик қилишмоқчи, – дедилар бувам.

– Ота, энди замон ўзгармоқда! Одамлар янгилик сари интилишяпти. Биз бу ишларга тўсқинлик қила олмаимиз, – дедилар секин дадам.

– Нима-нима дединг, «тўсқинлик қилолмайсиз!» Ҳали болаларингга шунақа тарбия бермоқчимисан? Замон-замон дейсан, замон жойида турибди. Сенлар ўзгаряпсан, ношукрчилик кўпайди. Устларинг бут, қоринларинг тўқ, юртда тинчлик-осойишталик. Қимматчилик, очлик, қийинчилик нималигини қаердан билардинглар? Болаларинг кайфу сафога берилса, илму маърифатдан узоқ бўлса, оқибати ёмон бўлишини кўп марта айтдим. Эътибор бермаяпсан, кейин ўзингга қийин бўлади. Буюк ватандошларимиздан бири юртимизни Чор Россияси босиб олиши олдидан: «Бизнинг кўлимизга тўрт тийин пул тушса, ўзимиздан кетамиз, илм-маърифат учун бир чақа сарфламай кайфу сафо, маишатга зар сочамиз. Ваҳоланки ўзга юртнинг ўғил-қизлари илмнинг орқасидан қувсалар, илм деб кунни тунга уласалар, янгидан-янги кашфиётлар яратсалар, бизнинг халқ нашавандлик, носкашлик ва маишат би-

лан банд. Болаларига илм учун бир сўм сарфламай топганларини бир кунлик тўйу маросимларга сарфлайдилар. Аждодларининг уйларини юзлаб китоблар безаган, кутубхонаси бўлмаган қишлоқ, маҳалла бўлмаган бўлса, ҳозирги бойлар топганини кераксиз буюмлар, базми жамшидларга сарфлайди!» деб ёзиб кетганлар. Сенинг ҳам чўнтагингга ҳаром пул тушиб, лукманг бузилди, ўзганинг ҳақидан кўркмай қўйдинг. Шунинг учун уялмасдан бу сўзларни гапираяпсан, – дедилар. Бувамнинг сўзларидан уялган дадам ерга боққанча туриб қолдилар. Кейин ўзларини қўлга олиб:

– Дада, кечиринг, сизга одобсизлик қилиб, гап қайтардим, – дедилар қўлларини кўксиларига қўйганча.

– Ўғлим, дўст ачитиб гапиреди, душман кулдириб. Билиб турибман, сўзларимдан ичингда норозисан. Аммо, аччиқ ва ҳақ сўз ўз самарасини беради. Ёлғон мақтов, хушомад бир кун одамни хароб қилади. Бу пандим асло эсингдан чиқмасин. Бошимиздан не кунлар ўтмади. Шу ёруғ кунларга етолмай қанча одам ўлиб кетди. «Нон-нон» деб ўлган ёш-ёш болалар, хотин-қизларни кўрдик. Шунинг учун ҳам исроф, ортиқча даб-дабалар, бандаларнинг гуноҳлари сабабли яна аввалгидай балолар келмасин, дейман-да. Ҳай, гапларимни дилингга маҳкам қилиб ол! Ҳай, энди хуфтон намозига чиқиб келай, – деб секин ўринларидан кўзғолдилар. Дадам тезда бувамнинг қўлтиқларидан олиб, туришларига ёрдам бердилар. Мен кавушларини чаққонлик билан артиб, тўғрилаб қўйдим.

– Машинада олиб бориб келайинми? – дедилар дадам.

– Икки қадам жойга ҳам машинами? Секин, тоза ҳаводан бахра олиб бориб келаман, – деб уйдан салмоқли, оғир қадамлар ташлаб чиқдилар.

Оғир уриш даври, очарчилик, қийинчиликларни кўрган бувам ҳеч кимни қийнагиси, ташвишга солгиси келмасди. Дадам бувамни ранжитиб қўйганларидан қаттиқ афсусландилар.

Ўтган ҳафта уйимизга меҳмон бўлиб келган бувамнинг қадрдонларидан яна бири Адҳам бува айтган сўзлар ҳозир эсимга келди. Соқоллари оппок, қоматлари эгилган, ҳамма вақт мунгли оҳангда уриш даврларини тез-тез эслаб, йиғлаб турадиган Адҳам ота бувам билан дардлашиб турадилар. Ўша куни ҳам иккинчи жаҳон уриши таассуротларидан сўз очдилар:

– Иккинчи жаҳон уриши энг қизиган кунлар эди. Немислар Ленинградни қамал қилган пайт, озиқ-овқат йўқ. Очликдан одамлар тутдек тўкилди. Пулинг бору, нон йўқ. Бир бурда нон олтинга топилмайди. Очликдан одамлар нималарни емади, дейсиз! Оч-яланғоч болаларнинг дийдираб юргани, совукда қотиб ўлгани ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Бечора болаларга раҳминг келади. Ёрдам беришни истайсан. Аммо имконсизсан, кўлингдан ҳеч нарса келмайди. «Болам»лаб йиғлаётган оналарнинг мунгли ноласи юракларингни тилка-пора қилади. Бечора оналар очликдан жон таслим қилаётган фарзандига боқиб, хўнг-хўнг йиғлашдан нарига ўтолмайди. Ўша пайтларда рўзанинг фойдасини сездим. Одам рўза тутганда очлик ва чанқоқликка кўникаркан, уриш давом этиб турган бўлса-да, нафл рўза тутиб, ўзга юртларда очликдан ўлиб, жасадим мусофир юртларда қолиб кетмасин, деб кечаю-кундуз Аллоҳдан сўраб, тинмай йиғлаб дуолар қилардим. Очликка кўникишим сабабми, омон қолдим. Аллоҳ таоло дуоларимни қабул қилди. Соғ-саломат юртимга қайтиб келдим. Шунинг учун ноннинг увоғини кўрсам, кўзимга суртаман. Илоё, уришнинг номи ўчсин, ҳеч кимнинг бошига бундай оғир кунлар тушмасин.

– Пулга ҳам нон топилмасмиди, бува? – дедим катталарнинг ҳикоясидан ажабланиб.

– Болам-а, болам! Пул у ёқда турсин, битта нон тилло-олтинга топилмасди. Ўртоқларимдан бири «Буғдой-бошоқ ош экан, олтин-тилло тош экан», деган бир мақолни қайтаргани-қайтарган эди. Чўлда бир бой бир хуржун тилло билан кета туриб суви, ош-овқати тугаб қолибди. Ён-атрофга елиб-югуриб на бир қатра сув, на бир тўғрам нон топибди. Шунда олтинларига қараб шу мақолни айтган экан. Ленинград қамалида ҳам худди шундай бўлди. Нон тиллога топилмади. Шунинг учун нонни қадрланг, ушоғини кўзга суртинг, асло исроф қилманг, кам бўлмайсиз, – дедилар.

Адҳам буванинг ёшлари кўзларининг учиди туради, қийинчилик, уриш даврини эсласалар тамом, йиғлаб юборадилар. У кишининг йиғисини кўрганлар тинч кунларга етказгани учун Аллоҳга шукр қилар, берган неъматларига ҳамд айтарди. Суҳбатимизга аралашган бувам:

– Сизлар уришда жон фидо қилган бўлсангиз, биз уриш ортида қолиб заҳмату меҳнат азобларини тортдик. Беморлигим сабабли уришга бормай қолдим. Аммо уришнинг азоб, машаққатларини бизлар ҳам кам тотмадик, канал қаздик, кечаю-кундуз заводларда ишладик, тиним билмадик. Бир дона нон учун чеккан заҳматларимизни гапирмасам ҳам бўлади. Хотин-қизларнинг чеккан азобу мусибатларидан дostonлар ёзса бўлади. Шунча қийинчилик ва машаққатларга қарамай аёлларимиз зинодан, эркакларимиз ўғрилиқ, алдамчиликдан ўзларини тийдилар. Бу жуда катта матонат. Аёлларимиз ҳаёсини, эркакларимиз ғурурини йўқотмади. Бугун баъзи ёшларимизнинг ношукрлигини кўриб, ёқангни ушлайсан. Ишқилиб, Аллоҳ ёшларнинг инсофини берсин, – дедилар.

Бувам меҳмонларнинг хизматига шай туриш, ка-  
вушларини тўғрилаш, қўлга сув қуйиш тартибини ҳам  
ажойиб қилиб ўргатгандилар. Айниқса меҳмонларнинг  
қўлини ювдириш тартибига қатъий риоя қилдирадди-  
лар. Ўнг елкага сочиқни ташлаб, чап қўлда обдастанинг  
жўмрагидан, ўнг қўл билан эса дастасини ушлаб, чап  
тиззани ерга қўйиб, ўнг оёқни кўтариб ўтириб, шош-  
масдан ҳар бир меҳмоннинг қўлига илиқ сув қуйиш  
ҳам маҳорат талаб қиларди. Қўлини юваётган меҳмон:  
«Тоҳҳарокаллоху мин жамиъи зунубик» (Аллох барча  
гуноҳларингиздан покласин) деб дуо қилса, «Валака  
мислу залика» («Сизни ҳам покласин») деб жавоб қай-  
тариш қондасини ҳар доим ўргатардилар.

Дастурхонга таом тортилгач, масжид имомини хур-  
матлаб, таомни бошлаб беришларини сўрашарди, шун-  
да домла:

– Намозга имомликда олдинда бўлсак-да, таомни  
катталарнинг бошлаши юксак одобдир. Бу буюк устоз-  
лар таълимоти, – дердилар. Ичларидаги энг кекса отахон  
таом ейишни «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» деб ўнг  
қўл билан бошлаб берарди. Шу ҳақда ўйлар эканман,  
бувамнинг хафа ҳолда чиқиб кетиши, дадамнинг қайси  
журъат билан у кишига гап қайтарганига ақлим етмасди.  
Балки мастмикан, ичкиликнинг кучи билан айтдимикан,  
деб ўйлаб турганимда дадам кулоғимдан чўзиб, уйга олиб  
кирди. Ҳаммамизни бир уйга қамаб, қадах уриштириши-  
миз, тансага тушганимиз учун жазоламоқчи бўлди.

– Қани ким бошлади? – деди дадам таҳдид қилиб.

– Акам Абдурашид, – деди укам мени кўрсатиб.

– Абдурашид, кап-капта йигит бўлиб қолдинг, шу  
ишинг тўғрими?

– Кечиринг дада! Биз ўйин ўйнагандик, бувам бўлса  
тушунмадилар. Биз бегона билан эмас, ака-укалар ўзаро

ўйинга тушгандик. Ахир катта раҳбар одамнинг бола-симиз, мактабда ҳамма вальсга тушганда, биз билмасак бошқаларни олдида уялиб қоламиз. Ҳамманинг «буларнинг буvasи намозхон, буларнинг оиласи эскилик саркитига ботиб қолган», деб устимиздан кулишларидан хижолат бўламиз. Шунинг учун бувамга билдирмасдан бу ишни пинҳона қилаётган эдик, кўриб қолдилар, — дедим ерга қараб. Дадам бироз ўйлангач:

— Сенинг гапинг ҳам тўғри, аммо бувангни хафа қилманглар! Бувангиз кексайиб қолган, бу нарсаларни қабул қилиши қийин, шунинг учун ўзларингни яхши тутинглар. Бу ишларни у кишининг йўғида, масжидга чиқиб кетганларида қилинглар. Яна бир марта гап эшиттирсаларинг кулоқларингни узиб оламан, — деб аввал уришган бўлсалар, кейин эркалаб қўйдилар. Шу эркалашнинг ўзи тўполон қилишимиз учун кифоя эди. Дадамиз чўнтагимизга ул-бул олиб енглар, деб пул солиб қўйдилар. Дадам берган пуллар билан ўртоқларимизга кеккаярдик, айримларининг кўнглини чўктирардик. Энди билсам, дунёда камситилиш юки жуда оғир экан. Бундай ҳолатдан хабардор бувам бизни кибр-манманликдан қайтарардилар. Ҳар кунги таомдан кейин ўтказиладиган инсонийлик дарси ўн-ўн беш дақиқа давом этарди. Ҳар бир суҳбатда албатта янги бир мавзудан қизиқарли суҳбатлар бўлар, билмаган-тушунмаганларимизни бувамдан сўрардик.

Бувамнинг суҳбатларидан ёш болаларга эркинлик йўқ экан-да деб, тушунманг. Бувам хонадоннинг каттаси эдилар, невараларини қанчалик суйиб эркалама-синлар, бу каби насиҳатлари билан тарбиялаб борардилар. Бир-бирларимиз билан баъзи нарсалар устида баҳслашиб, тортишиб кетсак ёки курашга тушиб қолсак, узоқдан кузатиб турардилар. Сўнгра ким ҳақ, ким

ноҳақлигини чиройли қилиб тушунтириб берардилар. Бизни тергашларидан мақсад, ҳалокат тўфонига олиб борадиган балолардан ҳимоя қилиш эди. Бувам гап ва йиғинларда бойларнинг, мансабдорларнинг болаларига қўйилаётган гиёҳвандлик, бошқаларнинг болаларига ароқхўрлик иллатининг тузоқ-тўрлари ҳақида эшитганлари боис бизнинг шундай тузоқ-тўрларга тушиб қолишимиздан чўчиб, қаттиқ ҳимоя қилардилар. Манманлик, бойлигига фахр, муҳтожларни менсимаслик, камбағалларга саховат кўрсатмаслик муҳтожларнинг қалбида бойларга нисбатан адоват пайдо қилар, адолат тарозисининг бузилишига ҳам сабаб бўлади дердилар. Шу сабабли у киши биздан камтарлик, оддий кийиниш каби одоб қоидаларига риоя қилишни талаб қилар ва бир ҳикояни тез-тез такрорлаб турардилар:

– Бир катта бой фарзандларига оддий кийимлар кийдирар, ортиқча дабдабага берилишларига ҳеч йўл қўймас экан. Бунинг сабабини сўрашганда: «Менинг болам энг зўр кийимларни кийса, камбағал, мискин болаларнинг кўнгли синади. Фарзандларимга ҳасад қилишадди, душман назари билан қарайди ёки ўзининг камбағаллигидан кўнгли чўқади. Болаларимни мутакаббир, одамларни ранжитадиган меҳрсиз, пулларни беҳуда совурадиган кишилардан бўлиб улғайишини хоҳламайман, – деб жавоб берган экан деб давом этаркан, – яна Тошкентнинг Камолон маҳалласилик Мирзакаримбой тўғрисида шундай илиқ гапларни эшитганман. Чор Россиясининг генаралларидан бири Тошкентлик машҳур Мирзакаримбой билан учрашмоқчи бўлибди. Бориш вақти ва хабарини юборибди. Генарални кутиб олиш учун кўчаларга сувлар сепилиб-супирилибди. Айтилган вақтда ясатилган фойтунда генерал мағрур, кибрланиб, ўзгаларни менсимасдан маҳаллага кириб келибди. Қа-

раса, оломон ичида уни кутиб олишга Мирзакаримбой чиқмагандай кўринибди.

– Мирзакаримбой қани, нега менга пешвоз чиқмади? – дебди ўзини камситилган ҳисоблаб генерал.

– Мен Мирзакаримбой бўламан, – деб халқнинг ичидан эгнида оқ кўйлак, шалвар, белида белбоғ, бошида дўпписи билан оддий кийинган оқ сақолли бир инсон чиқиб келибди. Бойнинг таърифини эшитган генерал уни оддий кийимда, дабдабасиз, халқ билан бирга юрганини, камтарлигини кўриб, ранги ўзгарибди, Мирзакаримбойга ҳурмати бошқача бўлибди.

– Шўролар у кишини жуда ёвуз, зулмкор деб тарифлашади-ку, – деди бизлар билан бирга ўтирган дадам.

– Шўролар қайси бой ёки зиёлини «яхши» деб мақтаган. Буюк Амир Темур бобомизни, улуғ алломаларимизни «маданиятсиз», дунё аҳлини ҳидоятга бошлаган муқаддас динимизни «эскилик саркити» деган шўролар қалби пок, закотли, хайр-эҳсонли бойларимизни мақтасинми?! Ахир улар қанча тарихий обидалар, миллий меросларимизни оёқости қилдилар, ўғлим. Мирзакаримбойни ҳам шунинг учун ёмонлашган. Аслида яхши-ёмонни ажратадиган, ҳалол-ҳаромни фарқлайдиган бундай бойлардан асло ёмонлик чиқмайди, ўғлим. Ўзинг ҳам юрт кезиб, бу ишларга гувоҳ бўлмоқдасан-ку! Ким халқнинг қалбидан жой олган бўлса, ҳасадчилар минг ёмонласа ҳам халқ ўша одамнинг номини тилларидан кўймайди, ўғлим, – дедилар.

– Тўтри айтасиз, хабарингиз бор, яқинда Самарқандга боргандик. Бибихоним мадрасасини зиёрат қилиб айландик. Бу саволни беришимдан мақсад, набираларингиз ҳам эшитсин дейман-да! Бизни бошлаб борган мадраса масъулларидан бири мадрасани кўрсатди. Мадраса ниҳоятда маҳобатли ва катта экан. Мадраса-



га киришдаги баланд дарвозанинг пештокига снаряд тегиб, ўпирилиб тушган экан. Амир Темур тўп билан пештоқни вайрон қилган экан...

– Хўш, давом эт-чи!

– Мадраса тарихини тушунтирувчининг айтишича, Амир Темур узоқ давлатга жанг қилгани кетгач, унинг хотини Бибихоним катта бир мадраса қурдириб, битирибди. Уришдан қайтган Амир Темур Чўпонотадан ўтгач узоқда ястаниб турган мадрасани кўргач: «Менинг рухсатимсиз бу мадрасини ким қурди?» деб ғазабланибди. Ва тўпдан ўққа тутибди. Натижада мадраса пештоқи қулаб тушибди. Кейин ҳақиқатни билган Амир Темур афсус чекибди ва ўша даврдан буён мадраса пештоқи вайрона ҳолича ётган ва уни мутлақо тўғрилаб бўлмас эмиш. Бу мадрасани қайта тиклайдиган устолар ҳам йўқ экан, шу тўғрими?

– Ҳа, шўролар ўз айбларини беркитиб, гуноҳларини бировларнинг устига ағдаришга устаси фаранг. Бибихоним мадраса қуради-ю, Амир Темур билмас эканми? Шаҳарда қурилаётган мадраса тўғрисида хабар етказишмаган экан-да, а! Узоқ ёки яқинда бўлсин, мамлақати, ўз ҳудудидаги шаҳарларнинг ҳолидан беҳабар подшоҳ подшоҳми?! Дунёнинг ярмини эгаллаб турган Амир Темур пойтахтида бўлаётган ишлардан хабарсиз қолган экан-да! Бу чўпчакни худосиз шўролар топган. Аслида Бибихоним мадрасаси ва кўплаб шу каби мадрасаларни Фрунзе бошчилигидаги худосиз, даҳрийлар тўплардан ўққа тутган. Бухорони самолётдан туриб бомбардимон қилган. Бу шўроларнинг иши. Вақтсоати келса, албатта бу жойлар аслига келади. Шунинг учун бу худосизларнинг гапига кўп ишонаверманглар. Чунки Худони танимаган, ундан кўрқмаган одамлар бўхтон ва тухматлардан чўчимайди. Эртага қиёматда бу

жойларни қурганлар, қонлари ноҳақ тўкилганлар билан юзма-юз бўлсам, аҳволим нима бўлади, деб ўйламайди. Шунинг учун кўп ўқиб-ўрганиш, ўз юртинг, миллатинг, тарихингни яхши билишинг керак, Бўлмаса, ўз тарихинг билан ўзингни ботқоққа ботиришади.

– Тўғри айтасиз, ота! Бухорога командировкага борганимда Амир Олимхоннинг зиндонини кўрсатишди. Зиндонда бўйнига ёғочдан кишан, оёқларига занжир боғланган бандиларни кўрсатишди. Бизга тушунча бераётган аёл амирнинг ваҳшийлигини, одамларнинг зиндонда чеккан укубатларини гапирарди. Ҳайрон қолдим, наҳотки амир шунчалик ёвуз бўлган бўлса, – дедилар дадам бувамга қараб. Бувам мийиғларида кулиб кўйиб:

– Бечора амир зиндонга уч-тўртта асирни зиндонбанд қилибди, дегин. Уч-тўртта одамни зиндонбанд қилгани учун Амир золим! Аммо миллионлаб одамларни ўлдирган, қамоқда чиритган, тириклай кўмган Ленин, Сталинлар золим эмас экан-да? Амир Олимхоннинг худуди қанча чақириму, нечта шаҳар-қишлоқ бўйсинган ва унинг нечта зиндони бўлган? Санокли. Совет давлатининг қанча қамоқхонаси бор? Неча юз минг одам қамалган, кунига қанчаси азоблардан, зўравонликлардан ўлган ва ўлмоқда. Амирнинг қамоқхонаси буларникининг олдида ҳолва эмасми? – дедилар. Дадам тўғри деб бошини қимирлатдилар. Шу саволдан сўнг суҳбатимиз ҳам интиҳосига етди.

Бувам бу каби суҳбатлардан сўнг узоқ хаёл сурадилар, ўтмишларини эслайдилар. Биз секин-секин ўрнимиздан туриб, хоналаримизга чиқамиз. Бугун ҳам шундай бўлди. Ҳа, биз кўп нарсани кўпни кўрган бувамиздан эшитганларимизни мактабда тинглаганларимизга таққослаб, ҳайратланарли хулосалар чиқарардик.

## БУВАМНИНГ ВАФОТИ ВА ЯНГИ ҲАЁТ

Ўрта мактабни битираётган пайтим бувам бетоб бўлиб қолдилар. Ўзлари кўрпа-тўшак қилиб ётган бўлсалар-да панду насихатларини тўхтатмасдилар. Бир куни дадамни ёнларига чақириб:

– Ўғлим, берилгаи омонатни топширадиган вақтим яқинлашиб қоляпти. Шундай экан, сенга насихатим шуки, невараларимни эҳтиёт қил. Уларга ҳар куни қиладиган ўн беш-йигирма дақиқалик таълимимни давом эттиришни унитма. Ўзингга эҳтиёт бўл, набираларим ёмон йўлларга кириб кетишмасин. Атрофингда душманларинг кўп. Бой бўлганинг сари, мансабинг кўтарилгани сайин, ташвишинг ҳам, душманларинг ҳам кўпайиб бораверади. Шунга қараб қадам бос, болам! Ўлсам ортиқча дабдабали худойилар қилма, исрофга йўл қўйма! Сенга юк бўлмайин деб озгина йиққанам бор, шуларни ишлатарсан, – деб анчагина пулни дадамнинг олдиларига қўйдилар. Дадам нима қилишларини билмай ерга қараганча сукут саклаб ўтирардилар. Кейин:

– Ота, сиз ўлмайсиз, яхши бўлиб кетасиз, ҳали набираларингизнинг тўйини кўрасиз, – дедилар йигламсираб.

– Мен Аллоҳ таолонинг олдига очиқ юз билан боришим керак. Меросларни шарият кўрсатгандек тақсимладим, сизларни рози қилмасам, Аллоҳ таоло мендан рози бўлмайди. Бу жонга ишонч йўқ, бугун ўламанми, эртагани, Аллоҳ таоло биледи. Меросда қизларнинг ҳам ҳақлари бор. Шунинг учун синглинг ва укаларингга меросимдан деб пул бериб, уларни рози қилиб қўйганман. Уларнинг биронтаси мерос масаласида сен билан тортишмайди, – деб эртага ўладигандек кўп нарсаларни тайинладилар.

Орадан уч-тўрт кун ўтди. Бувам анча яхши бўлиб қолдилар. Ўзлари хушчақчақ, кайфиятлари аъло, ширин

гаплар билан кўнглимизни кўтардилар. Бувам тузалдилар, энди ўлмайдилар, деб ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Кейинчалик эшитишимча, кўп инсонлар ўлими олдидан бир муддат соғаяр экан. Бувам ҳам шундай бўлгандилар. Кечга бориб яна оғирлашиб қолдилар. Шундай бўлса-да шом намозини ўтириб ўқидилар, узок пичирлаб дуо қилдилар. Сўнгра бизларни тўплаб:

– Болаларим, набираларим, ҳаммангиз мендан рози бўлинглар, кетар вақтим яқинлашди. Энди дийдорлашув киёматда, сизларни Аллоҳга топширдим! – деб турган эдилар, бувамни ҳолатларидан биров хабар бергандек дўстлари Ҳусниддин бува кириб келдилар. Бувамни кучоқлаб, бағриларига босганча бувамга тикилган кўйи бир оз сукут сақлаб тургач:

– Қадрдоним аҳволингиз яхшими? Ишқилиб бахтимизга соғайиб кетинг, сиз қадрдонларнинг дийдори ҳам ғанимат, – дедилар йиғидан ўзларини зўрға тутиб.

– Дўстим бу дунёга келмоқ бор, кетмоқ бор. Омонат эгасига уни топширмоқ бор. Бу отамиз Одам алайҳиссаломдан буён фарзандларига мерос бўлиб келмоқда. Энди барчангиз билан хайрлашадиган онлар яқинлашмоқда, нафақат сизу биз балки барча аъзоларимнинг ҳам хайр-хушлашар они яқинлашмоқда. Шоир демишки:

*Эй руҳ, жисм-тан ажралиш вақти етди,  
У билан хайр-хўшлашар пайти етди.  
Эй чашми гирён, кўрар нақдинг кетди,  
Бошу киприк, қовоқ, видолаш энди.*

*Эй оёғу қўл, тан хушлашар бўлдинг,  
Маҳбублардек қўллар ушлашар бўлдинг.  
Ажрашармиз дебон йиғлашар бўлдинг,  
Савоб-гуноҳ қилмоқ имконсиз энди.*

*Эй пешона, қош-кўз, алвидо энди,  
Сизга бўлсин жонимиз фидо энди.  
Қилинг: «Аллоҳ кечир» деб нидо энди,  
Барчангиз гўр ичра пинҳонсиз энди.*

*Тил сенла зикри Ҳақ қилиш йўқ,  
Қулоқ Ҳақ каломин тинглаш йўқ,  
Мункар-накир сўрогидан қочиб йўқ,  
Улар юзин кўрмоқ фурсати етди.*

*Сочилиб хор ётарсиз турли томонда,  
Бўлиб қуртларга ем бу зимистонда.  
Кишит дебон сўзлаб қуволмассиз,  
Уларга таом бўлиш муҳлати етди.*

*Ўғил-қиз, қавм-қардош ёнга киролмас,  
«Воҳ»десак, заррача ёрдам этолмас.  
Суяклар рангидан кимса ажратолмас,  
Аллоҳимдай чин меҳрибон йўқ энди.*

*Эй тану жисмим, аъзолар хайр энди,  
Маҳшаргача учрашмоқ тахир энди.  
Қовушмоқ иложин ҳеч тополмасмиз,  
Раҳм қил, деб Аллоҳга ёлворинг энди.*

*Илоҳи руҳимни шодмон айлагил,  
Азобланмиш банданга ёрдам айлагил.  
Банданг зор, бўзлаб йиғлайди Сенга,  
Сендан ўзга Раҳим, Раҳмон йўқ энди.*

Бувам шеърни ҳазин оҳангда, секин ва салмоқ билан ўқир, ҳар бир мисра юракларимизни тилка-пора қиларди. Шу лаҳзада атрофларида ўтирганларнинг бирорта-

си ўлимни ўйламасдан иложи йўқ эди. Шеърни ўқиб бўлгач, Хусниддин бувага қараб:

– Шундай дўстим, танимиздаги барча аъзолар бўлакларга бўлиниб, турли томонларда сочилиб, ҳайвону ҳашоратларга ем бўладиган пайтга ҳозирлик кўрмоқдаман, – дедилар.

– Аллоҳ таоло севган бандаларига меҳрибон. Аллоҳ таолонинг ҳақиқий дўстларига икки дунёда хорлик бўлмас, улар хазин ҳам қилинмас, дўстим! Сиз Ҳақни суйган, иймони мустаҳкам, диёнатли, жонкуяр инсонсиз. Сиздек улуғлар кетиб, биздек осий бандалар қоламиз. Айниқса, сиздек дилкашимнинг беморлиги кўзимни ёшлади. Тенгдошларимизнинг кўпи кетиб, борган сари ёлғизланиб қолмоқдаман, дўстим, – дедилар қўлларини қисиб.

– Боқийлик Аллоҳга хос, бандага эмас. Шундай экан, ўлим ҳақ, савол-жавобнинг бўлиши аниқ. Биласиз, пайғамбаримиз Муҳаммад соллалоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси муборақларига асосланиб ўлим тўшагида ётган кўплаб беморларга «Ёсин» сурасини ўқиганмиз. Шунинг учун қори дўстим, каминага ҳам сураи Ёсинни ўқиб қўйсангиз, дардимизга даво, иймонимизга кўриқчи бўлса, – дедилар.

Бувамнинг илтимосига кўра Хусниддин бува кироат қилишни бошладилар. Жуссалари йўғон, овозлари дўриллаган бўлса-да совтлари жуда ёқимли эди. Қироатларини эшитган одамнинг яна эшитгиси келарди. Қадрдони устида «Ёсин»ни шундай кироат қилдиларки, эшитиб сув бўлиб кетдик. Қироатдан бувамнинг кўзларидан оқаётган ёш ёноқларига дурдай тўкиларди. Хусниддин бува кироат қилар, тинимсиз қуйилаётган кўз ёшларини артиб олишга улгурмас эди. «Ёсин»ни ўқиб тугатдилар, озгина гаплашиб ўтиргач, бувам дўстларидан яна Қуръон ўқишини сўрадилар. Энди Қуръон су-

раларида жаннат башорати бўлган оятлардан ўқий бошладилар. Бувам оятларни тинглай туриб табассум билан дераза томонга қарадилар. Ҳусниддин бува нимагадир тиловатдан тўхтадилар. Ва:

– Қадрдоним, Аҳмаджон, Аллоҳ сизни раҳматига олсин, – дедилар. Бувамнинг юзлари дераза томонга бурилди, шу топда ниманидир кузатаётган одамга ўхшардилар. Қуръон тиловатини тинглай туриб жон таслим қилибдилар. Ҳеч биримиз сезмай қолибмиз. Ҳусниддин буванинг секин йиғлаганларидан кейингина бувамнинг вафот этганларини билдик. Дадам ва амаким ҳам йиғлаб юборишди. Шунда Ҳусниддин бува:

– Овоз чиқармай йиғланглар, қадрдонимизнинг руҳини қийнаб қўясизлар. Энди таҳорат сувига олишимиз керак. Ёш болалар чикиб турсин. Илиқ сув, оқлик олиб келинглар, – дедилар. Биз ташқарига чиқдик, бувамнинг кийимларини ечиб, таҳорат қилдиришгач, каравотга ётқизиб, оппоқ чойшабни устларига ёпиб қўйишибди. Иякларини танғиб, кўзларини юмишибди. Олдиларига борганимда димоғимга гуп этиб атир хиди урилди.

Ҳамма қавму қариндош, маҳалла катталари йиғилишди. Жаноза намозини эртага ўн бирда ўқишга келишиб олинди. Хатлар ёзилиб, таниш-билиш, ёру биродорларга хабар қилинди. Шаҳар раҳбарларидан тортиб катгаю-кичик ҳамма бувамнинг вафотидан хабардор қилинди. Саҳардан бошлаб кўчамизга одам сиғмай кетди. Биз билан бел боғлаб турган Ҳусниддин бувани ўзлари тенги одамлар кучоқлаб, хўнг-хўнг йиғлашарди. Ҳусниддин буванинг қўлларидаги рўмолча ҳўл бўлиб кетганди. У бувамнинг ҳақиқий дардкаш, дилкаш дўсти эди. Баъзи одам ўз қадрдон ака-укасидан ажраса ҳам бу кишидек куйиб-ёнмаса керак. Аллоҳнинг марҳамати

билан бувамнинг дафнига минг-минг одам келди. Улар қаердан келди, ким хабар берди, Аллоҳ билади.

Жаноза намози вақти яқинлашмоқда. Иссиқ сувлар ҳозирланди. Маййитни ювиш олдидан ҳаммамизнинг бувам билан хайрлашиб олиш учун охирги марта кўришга рухсат беришди. Ҳаммамизнинг кўзимизда ёш, дилимизда изтироб, бувам билан хайрлашдик. Айниқса бу менга оғир кечди. Ҳар куни хизматини қилиб, эрта тонгдан бирга туриб, бирга ётадиган, насихатларини эшитадиган мендек бенавога оғир кечди. Юрагимнинг бир парчаси узилгандек бўлди. «Буважон бизни ташлаб кетманг», деб йиғладим, астойдил кўз ёши тўқдим. Хўнг-хўнг йиғладим. Ич-ичимдан эзилиб йиғладим. «Насихатгўйим, меҳрибоним буважоним», деб йиғладим. Мени бу ҳолда кўрган дадам бағрига босиб: «Бўлди ўғлим, бўлди! Бувангни тириклигида асло хафа қилмаганмиз, энди йиглаб руҳларини ранжитмайлик», деб хонадан олиб чиқдилар. Бувам ётган хонадан ёшлигим, борлигим, бор топганим қолиб кетгандек бўлиб чиқдим.

Бувамни ювгани Ҳусниддин бува бошчилигида бир неча қария дадам билан биргаликда ичкарига киришди. Ҳусниддин бува:

– Бақир-чақир қилманглар! Тирикликларида қандай ҳурмат қилиб, олдида одоб сақлаган бўлсангиз, шу одобда янада қаттиқроқ турунглар, – деб насихат қилдилар. Уларнинг гапидан сўнг ҳамма ўзини босиб олиб, сукут ичра секин хонадан чиқишди.

Ҳусниддин бува дўстларини ўз қўллари билан ювдилар. Қолганлар ёрдам беришди. Мусулмончиликнинг фазилатини, инсоннинг қадри ва ҳурматини кўринг, вафот қилган инсонни ювиб-тараб, атир, мушку анбар сепиб хушбўй қилиб, Яратганнинг ҳузурига кузатиш улкан олийжаноблик эмасми?



Жаноза вақти бўлди. Маййитни тобутга солиб, ташқарига олиб чиқишди. Шаҳардан келган имом жаноза намозини ўқишга ҳозирлик кўрди. Имомнинг ёши олти-миш-етмишлар атрофида, сақоли қордай оппоқ, бошида чиройли қилиб ўралган оқ салла, эгнида адрас тўн, оёқларига амиркони кавуш кийган, юмалоқ юзлари оқ сарикдан келган, ёноқларидаги қизил нур юзларига ҳусн кўшарди, салобати ҳаммани босиб қолди. Имомнинг кўргач ҳамма жим бўлиб қолди. Тобут ўртага қўйилди. Имом бувамнинг яхши хислатларини гапириб ўтди. Жаноза намози ўқилди. Жанозадан кейин тобут елкаларга олинди. Бувамнинг тобути елкалардан елкаларга навбатма-навбат ўтар, гўё денгиз ўртасида қалқиб-қалқиб кетаётган қайиққа ўхшарди. Кўчада одам жуда кўп экан. Кўпларнинг қўли тобутга тегмай ҳам қолди. Ҳамма бувамнинг табаррук тобутини ушлашга ҳаракат қиларди. Йиғлаган ким, фарёд чеккан ким?! Тобут орқасидан эргашиб келаётган Ҳусниддин бува ўзларича:

– Эҳ, одамлар! Бугун тобутига талашаётган одамингизни тириклигида ҳам шундай қадрласангиз эди. Тириклигида дуосини олиб, хизматини қилганингизда, ажойиб иш қилган бўлардингиз. Афсуски, кўп улуғларимизни, олимларимизни тириклигида қадрламаймиз, ўлгандан сўнггина кўзимиз очилади. Табаррук деб тобутини талашамиз. Тириклигида зиёрат қилиб бир бор қўлларини олишга, дуоларига сазовор бўлишга вақт тополмаймиз. Одамлар бир-биримизнинг қадримизга тириклигимизда етайлик, – деб гапириб келардилар.

Қабристонга яқинлашдик. Индамаслар олами, кайфияти махфий, сирли маскан аллақандай ваҳимали эди. Мархумлардан айримлари учун жаннат боғчаси, баъзиси учун дўзах чуқурларидан бири бўлган қабрлар ҳам турфа эди. Улар баланд-паст, бирининг устида ҳашаматли мрамор, суратлар чизилган, бошқа бири темир

ёки ёғоч панжара билан ўралган, яна бирининг усти оддий сомон сувоқ билан сувалган. Қабрларнинг устига қўйилган тош ва мрамарларни кўриб, бу қимматбаҳо тошлар ҳалол пулга олинганмикан, қабрдаги инсонларга манфаати бормикан, деган саволга жавоб топа олмай қоласан, одам. Бувам бизни қабристонга ҳам тез-тез олиб кириб, аждодларимизнинг қабрларини зиёрат қилдириб турардилар. Шундай зиёратларнинг бирида:

– Қабристонга кириш инсонга охиратни эслатади. Кибр, манманлик каби иллатларни қалбдан кетказди. Қабристонда шоҳу гадо ҳамма баробар, – деб тушунтирган эдилар. Шунда:

– Бува, анави қора тошларни нимага қўйишган, сурати ҳам чиройли экан! – деб савол бердим. Бувам миёғида кулиб:

– Ўғлим, шуни билгинки, мрамар тошлар, темируғишлар ҳамма-ҳаммаси тириклар учун керак. Бу нарсаларнинг марҳумга фойдаси тегмайди. Қабристонда манманлик учун, одамлар кўрсин, деб қабр устига қўйилган тошлар фойда бермайди. Бизларга савоби қиёматгача етадиган, тириклигимиз, барҳаётлигимизни кўрсатиб турадиган савоб ишларни кўп қилсак, асло мрамар тошларга эҳтиёжимиз қолмайди, – дедилар.

– Улар қандай ишлар? – дедим яна қизиқиб.

– Масжид-мадраса, мактаб, кўприк, йўл, шифохона каби халқ фойдаланадиган ишлар қилайлик ва булардан халқ фойдалансин. Буларни Аллоҳ рози бўлсин деган ниятда курсак, биз қургандан фойдаланганлар ҳаққимизга дуо қилишади.

– Нима деб дуо қилишади? – дедим яна шошиб.

– Мана шу биноларни қурганларни Парвардигор раҳматига олсин, жойларини жаннатдан айласин, деб дуо қилишади. Қурган биноларимиз йўқ бўлиб кетгунча

бизга савоби етиб тураверади, – дедилар сокин овозда. Чунки қабристонда баланд овозда гапириб бўлмайди, деб ўргатганлар.

– Иккинчиси-чи?

– Дунё аҳлига фойда келтирадиган илм қолдирсак. Шогирдлар чиқарсак. Қолдирган илмларимиздан фойдаланганлар ҳаққимизга дуо қилиб эслашади. Тарихга қарасак улуғ-улуғ олимлар молу давлат, катта-катта иморотлар қолдиришмади. Улар илм қолдиришди. Китоб ёзиб кетишди. Жасадлари тупроққа қоришган бўлса-да, қолдирган мерослари илм бўлди. Қиёматгача қолдирган китобларидан одамлар фойдаланиб ҳақларига дуо қилишади.

Мени учинчи одамнинг кимлиги қизиқтирарди. Бувам буни сезгандек савол беришга ийманиб турганимни кўриб:

– Учинчиси эса ўзидан солиҳ фарзандлар қолдиради. Бундай фарзандлар ота-онасини эслаб, ҳар куни дуо қилиб турадилар. Отасининг яхши хислатларини болаларига гапириб: «Буваларингиз ақлли, илмли, фаросатли, ибодатли инсон эдилар», дейди. Набиралар эса, ўз болаларига аждодларининг яхши хислатларини гапиришади. Шунинг учун юқорида айтган уч хислат билан охираатга ҳозирланишимиз керак, – дедилар.

Қабр кавлаган гўрков ернинг жуда юмшоқ чиққани, оз фурсатда қабрни кавлаб қўйганини айта-айта лаҳадга тушди. Дадам ҳам дарҳол елкаларидаги тўнларини ечиб, гўрковнинг ёнига тушдилар. Ҳусниддин бува бир лаҳза ҳам тўхтамай: «Бисмиллаҳи ва ало миллати Расулуллоҳ» калимасини такрорларди. Бувамнинг жасадини лаҳад ичига қўйиб чиққан дадамнинг кўзлари жикқа ёш эди.

Шундай қилиб бувамни ерга қўйдик. «Табораю» сураси ўқилиб, фотиҳа тортилди. «Бувамни қоронғи гўр-

га ёлғиз қўйиб қайтмоқдамиз. Ёнларига ҳеч ким киролмайди, ёрдам беролмайди. Зах, қоронғи жойда аҳволлари не кечаркан?» деб ўйлардим.

Уч кун таъзия-фотиҳагарчилик билан ўтди. Одамларнинг кўплиги сабабми, бувамнинг йўқлиги билинмади. Тўртинчи куни уйимиз ҳувиллаб қолди. Ҳар тонгда уйғониб, бувамга таҳорат суви тайёрлаш одатимга айланиб қолгани боис, ўрнимдан эрта турдим. Таҳорат сувини кутиб турадиган, бомдод намозидан қўлларида иссиқ нон, қаймоқ билан келиб, кўринмай қолсам: «Абдурашид, хў Абдурашид, қаердасан, ўғлим?» деб чакирадиган бувам энди йўқлар! У кишининг ширин суҳбатларини, ҳар кунги насиҳатларини соғинардим.

Кунлар шу зайлда ўтиб борарди. Бувамнинг охираат дунёсига кетишлари билан у кишини йўқловчилар ҳам камайди. Дадам ишлари билан оввора бўлиб кетдилар, ойим эса дўкондан бўшамайдилар. Кунда тергайдиган, насиҳат қиладиган бувамиз энди йўқлар. Аввал бувам кўриб қоладигандек кўрқа-ниса қилган шўхлик, ўйин-қароқликларимиз энди ҳеч ким тергамагани учун тобора авж олиб борарди. Қарасак ҳеч ким индамаяпти, урушмаяпти, тергамаяпти, ихтиёримиз ва эркимиз ўзимизда. Бу «имкониёт»лардан фойдаланишни бошлаб юбордик. Олдиндаги йўлнинг нақадар хатарли экани эса бизни ташвишга солмас эди.

## ЙЎЛДАН ТОЙИШ

Бувасининг тарбиясини олган олийжаноб йигит нимага бирданига гиёҳванд бўлиб қолди, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз? Ўша советлар ҳукмронлик қилган пайтларда юртимизда динга қарши кураш авж олаётганди. Масжидларнинг дарвозаси олдида ёшларни тутиб олсалар, отаси-онасини ишдан ҳайдаш, тазйиқ остига олиш авж олганди. Кейинчалик намозхоналар ёпилди. Одамлар ҳатто қабристон зиёратига боришдан кўрқиб қолди. «Бизга мулланинг никоҳи керакмас, ЗАГСнинг ўзи кифоя бўлади» деб ёшлар дин ва диндорларни айблай бошлади. Мактабга дўши кийиб келадиган болаларни камситиш авжига чиқди. Катта мансабдорлар ҳатто ота-онасининг жанозасига ҳам боришдан кўрқиб қолди. Шу сабаб дадам: «Нима десаңглар олиб бераман, фақат масжидга борманглар! Араб алифбосидаги китобларни яширинглар, биров кўриб қолса, қамаб юборади. Отамнинг диндорлигини ҳамма билади, шунинг учун бошқаларнинг боласидек юринглар. Дўстларингга диндан гапирманглар. Тинч юринглар, замон ўзгарди. Аввалги вақтлардаги каби қама-қамалар бошланиб қолиш эҳтимоли бор!» дедилар.

Шунда бувам сўзлаб берган бир ривоят эсга тушди: «Ҳикоя қилинишича, бир болта ўрмондаги дарахтларни бирма-бир кесиб кела бошлабди. Шунда дарахтлар ўзаро маслаҳат қилишибди: «Болта жуда ҳаддан ошиб кетди. Бу туришда ҳаммамизни кесиб битиради. Бунинг бир чорасини кўриш керак!» дебди дарахтлардан бири. «Бунинг иложи йўқ!» дебди кекса дарахт. «Нимага?» дебди бошқалари. «Чунки болтанинг сопи ўзимиздан!» дебди. Бу сўзни эшитган дарахтлар ўзларидан чиққан балонинг касофатидан чуқур уф тортишибди. Чунки сопи бўлмаса болтанинг қўлидан ҳеч нарса келмайди.

Ўзимиздан чиққан айрим мансабдорлар ҳам ўша болта каби иш тутишарди. Аслини олганда уларнинг ўзлари миллат ва динга қарши чиқиб тургач, бошқалар нима ҳам қила оларди? Мана шу ҳолатлар сабабидан ота-оналар бизларга кўпроқ эркинлик бериб юборишди. Аммо бизга ҳақиқий озодлик эмас, балки бошбошдоқлик тегиб қолди. Бувамдан кўп нарсани ўрганиб-билган бўлсам-да, шайтоннинг васвасаси, атроф муҳит, дўстларнинг салбий таъсири ўз кучини кўрсатди. Чунки одамнинг ёмонликка нисбатан мойиллиги кўпроқ бўлар экан. Ёмонлар ўз тўрига тез чирмаштириб оларкан. «Қозонга яқинлашсанг қораси юқар» деганларидек, яхшилиқни эсдан чиқариб, ёмонлик сари юра бошладим. Авваллари эрта тонгда турсам, энди бемалол чошгоҳга ча ухлашни одат қилдим. Назорат сусайгани сари ўйинкулги, шўхликларимиз ҳаддан ошиб борарди. Бора-бора синфдош-тенгдошларимизга ҳам кун бермайдиган бўлдим. Дадам пул беради, биз кеккаямиз.

Кунларнинг бирида синфдошларимдан бирининг кўнглини қаттиқ оғритдим. У оддий бир деҳқоннинг боласи бўлиб, бир-иккита кўйлакни ювиб кияверганидан унниқиб кетган, шими ҳам зўрмас, туфлиси эски, камбағаллиги кўришиб турарди. Шундай бўлса-да, ўзи ҳеч кимга гап бермас, синфнинг пешқадами, илмга жуда чанқоқ, тиришқоқ бола бўлиб, тинмасдан ўқирди. Ўқишни тугатгач олийгоҳлардан бирини битириб, ўша ерда қолиб, катта олим бўлиб, обрў эътибор топди. Шу синфдошимни кийимининг эскилиги ва бошқа баъзи нарса-ларни рўқач қилиб масхараладим. У ҳам бўш келмай:

– Отанг топган ҳаром пулларга кўпам ишонаверма, менинг отам деҳқончилик қилиб, ҳалол пул топиб едириб-ичиради. Шунинг учун жа кеккаяверма! Бу ким-матбаҳо кийимларингни, чўнтагингдаги жарақ-жарақ

пулларни отанг ойлик маошидан берадими? Отанг порахўр, – деди жаҳл билан йиғлашдан нари-бери бўлиб. Порахўрлик нима эканига яхши тушунмасам-да, бу ёмон, гуноҳ иш эканини англадим. Аммо отамни порахўр деганини ўзимнинг камситилишим деб билдим ва бир таъзирини бериб қўйиш учун:

– Ҳа, бизнинг бойлигимиз, отамнинг мартабаси, кийган кийимларимизга ҳасад қилдингми, пасткаш қишлоқи! – дедим.

– Э, сен киму мен ким? Сен билан тенглашиб нима қилдим, – деди.

– Эй қишлоқи, билиб қўй, мен улуғ инсонларнинг фарзандиман, – дедим кеккайиб.

– Эшитганман буванг ва унинг дўстлари улуғ инсонлар бўлган экан. «Буюклар қишлоқдан чиқиб, шаҳарда ўлади», деган мақол бор. Сен ҳам ўшалардек бўлсанг, яхши бўларди. Мен қишлоқи бўлсам ҳам келажакда буюк инсон бўламан, сен манманлигинг сабаб хор бўласан, шу гапимни эсингдан чиқарма, – деди ва кўкрагимдан итариб нари кетди.

Ҳа, у бир ҳисобдан тўғри айтганди. Қийинчилик кўрган, оғир меҳнат чеккан инсон борки, телевизорда яхши яшаётганларни кўриб, радиодан эшитиб, китоблардан ўқиб яхши яшашга, тарихда ном қолдиришга ҳаракат қилиб кўп ўқиб, меҳнат қилади. Мен кабиларга келсак, отаси чўнтагини пул билан тўлдириб, ўйнатиб қўйгач, ўқиш, иш дегани ёқармиди?

Аммо мени писанд қилмай кўкрагимдан итариб кетгани алам қилди. Чунки бошқалар атрофимда гирдикапалак бўлиб мақтаб, ёрдам сўраб ялиниб, соямга салом берсаю, қандайдир қишлоқи, мутакаббир бола, исми ҳам ўзига мос Абдуазимнинг мендан ўзини устун қўйиши жуда алам қилди. Шартга ёқасига ёпишиб, ура

кетдим. Аммо у дехқончилик қилиб, далада ишлаб, пишиб, чайир бўлиб кетган экан. Мени шунчаки итариб юборган эди, чалқанчасига учиб тушдим. Унга кучим етмаслигини билиб, куруқ дўқ-пўписага ўтдим. Синфдошлар ўртага тушиб, мени ва уни ушлаб туришарди. Кучим етмаслигига ақлим етса-да, «Кўйиб юборинглар, ўлдираман!» деб бақирардим. У бўлса «Чивиндек жонинг бор экану нимангга чиранасан?» дегандек мийиғида кулиб қўя қолди.

Шу орада қўнғирок чалинди. Синф томонга келаётган муаллимимизни кўриб ажралишдик. Мени қасос ўти қийнар, хаёлимдан қандай қилиб ўч олиш режалари бир-бир ўтарди. Дарснинг қандай ўтганини билмай қолдим. Устозлар ва бувамдан бошқа ҳеч кимдан, ҳатто ота-онамдан қаттиқ дакки эшитмаганим боис ўзгаларнинг танбеҳига ўрганмаган эдим. Менга фақат мақтов ёқарди ва бу менинг энг катта фожиам эди. Мен мақтовлар гирдобига ғарқ бўлгандим.

Аслида мард шундай инсон бўладики, у мақтовга керилмайдди, танқидни ҳазм қилиб, тўғри қабул қилади ва у ҳақиқий паҳлавондир. Ҳамма ҳам хатосини тўғрилаган, айбини айтган одамни дўст деб билмайди. «Нима учун мен хато қилишим мумкин? Нима учун фалончи айбларимни очиб ташлади, у менинг душманам-да!» деб ўзига баҳо бериб маъсият ва адашиш гирдобига дучор бўлади.

Танаффусга чиққач, менга хайрихоҳ бўлган бир неча болани тўплаб, дарсдан кейин Абдуазимнинг жазосини бериб қўйишни режалаштирдик. Дарс тугаши билан у ўтадиган кўчанинг бошида уч-тўрт киши йўлини тўсдик. У биздан кўркиш ўрнига:

– Ўртоқлар, ҳаммамиз бир синфда ўқисак, бир-биримиз билан уришсак, яхши бўлмайди. Ҳали бу кунлар ўтиб кетади. Арзимаган гап-сўзлар учун муштлашсак,



яхши бўлмас, деб гап бошлаганди, кучли зарб билан юзига туширдим. Гапи оғзида қолди. Менинг ҳамламдан куч олган ўртоқларим уни дўшпослай кетишди. Кийим-боши йиртилди, кўзи кўкарди. Шундай бўлсада, мени пойлаб туриб юз-кўзимга шундай мушт солдики, кўзимдан ўт чакнаб кетди. Учиб бориб тупрокка беландим. Кўзларим тиниб, ўзимни йўқотиб қўйдим. Ўртоқларим эса уни янаям қаттикроқ уришга чорлашганида уларга бир ҳамла қилмоқчи бўлди-ю, кучлар тенг эмаслигини англаб, орқасига бурилиб ура қочди. Болалар унинг орқасидан қувлашди. Мен ҳам уларнинг ортидан югурдим. У маҳаллалар оралаб шунақанги тез чопдики, шердан қочган кийикка ўхшарди. Агар қўлга тушса, аҳволи нима кечишини яхши биларди. Шунинг учун «энг яхши ҳимоя – қочиш» деб югурарди. Югураюгура бозорнинг ичига кириб кетиб, қаергадир беркинди. Излаб-излаб тополмадик. Кўзим шишиб, кўкарган, кийимларим йиртилган эди. Кўзимнинг кўкини кетказиш учун ҳар қанча уринмай, йўқота олмадим.

Энди дадамдан балога қоламан, деб ўзимда кўрқув ҳиссини сездим. Йиртилган кўйлагимни ўртоғимни-га алмаштирдим. Кийим масаласини ҳал қилдим. Кўзимнинг кўкарганини кетказиш учун аёллар креми ва упасидан суртдим. Сал кетгандек кўринса-да, барибир кўкариб турарди. Шу тариқа уйга қайтдим. Секин дарвозани очиб ичкарига мўраладим, ҳеч ким кўринмасди. Имкониятдан фойдаланиб, югуриб ўз хонамга кирдим-да, ўзимни касалга солиб ётдим. «Касални беркитсанг, иситмаси ошкора қилади», деганларидек бу хийлам ўтмади. Кечга бориб овқатланишга чақиришди. «Касалман» дейишимга қарамай, чорлайверишиб, чиқишга мажбур қилишди. Кўзим аввалгидан ҳам қорайиб, шишиб кетганидан кўришим хиралашиб қолганди. Дас-

турхонга чой кўтариб келаётган ойим аҳволимни кўриб «вой шўрим, сенга нима бўлди», деб шошганидан кўлидаги чойнагини тушириб юборди, югуриб келиб юзимни ўзига қаратиб:

– Вой ўлай! Сени бу кўйга ким солди, болажоним! – деди.

– Ҳеч ким! Йўлда келаётиб қоқилиб, бир тошга юз-кўзим билан урилиб кетдим. Шунга кўзим озгина қорайди, – дедим.

Юзимга синчиклаб қараган дадам:

– Ёлғон гапирмаяпсанми, ўғлим? Ким биландир уришгандирсан, – дедилар юмшоклик билан. Уришганимни бўйнимга олишни хоҳламадим. Сабабини айтиб кўйсам, ўртоқларим эшитса, эртага устимдан кулиб, масхара қилишларидан қўрқдим. Сиримни айтмасам, обрўйим тўкилмайди, деган сохта ғурур воқеани айтишдан тўсарди. Мана энди айбни беркитиш, гуноҳ амалларни яширишнинг азобини чекмоқдаман. Вақтида, гуноҳга биринчи қадам кўйганимда дардимни ота-онам, ҳеч бўлмаганда амакимга айтганимда, менга тўғри йўл кўрсатишар ва жаҳолат ботқоғидан сақлаб қолишарми-ди?! Дардларимни айтмаслигимга ички бир кўрқув сабаб эди. Ваҳоланки, ота-онам бирор марта бўлса-да, мени урмаган, ертўла ва бошқа жойларга қамайман, деб кўрқитмаган эди. Ҳақиқатга тик боқиш учун ўзимда куч тополмадим. Дўстларимга дардимни очолмадим, дадамга айтишга уялдим. Аммо бувамдан олган таълимотларим тушкунликка тушмасликка доим ундарди. Биринчи тушкунликка тушганимда катта гуноҳим боис дадамнинг саволларига дудуқланиб:

– Й-ў-ў-қ! Ёлғон гапирмаяпман, рост, – дедим.

– Асло ёлғон гапирма болам, ёлғончилик энг катта гуноҳ, – деб бошимни силадилар. Ваҳоланки рост сўз-

лайдиганлар ёлғончи ва фирибгарларнинг тузоғига кўп тушишади. Ҳамма менга тикилар, укам Абдусалом тинмай «ака нима бўлди?» деб қўлимдан тортарди. Сабрим тугаб «жим бўл, йўкса таёқ ейсан», дедим секин. Аммо у валдирашдан тўхтамай:

– Дада, кўплар ёлғон гапиреди, ҳазиллашиб бир-бирини алдайди. Бу ишлар ҳам гуноҳми? – деди.

– Албатта гуноҳ, адабиёт китобларингизда ёлғончи бола ҳақидаги ҳикояни ўқигансан-а! Ана ўша ҳикояда бир йигит кўчага чиқиб, «Одамлару одамлар, уйимга ўт кетди, ёрдам беринглар», деб бақира бошлабди. Одамлар қўлларида челақ, белкурак билан ўтни ўчиришга югуриб келишса, ёнғин йўқ экан. Йигит бўлса: «сизларга ёлғон айтиб, ҳазиллашгандим», дебди. Шу каби ҳазилини икки-уч марта қилиб, одамларни кўнглини қолдириб, ишончидан чиқибди. Бир кеча ҳақиқатан уйига ўт кетибди. Шунча бақириб-чақирса ҳам ҳеч ким ёрдамга келмабди. Йигитнинг уйи куйиб, кул бўлибди. Шунинг учун ҳазил бўлса ҳам, ёлғон гапириб бўлмайди, – дедилару бирданига қовоқ-тумшуклари осилиб, кўзларини бизга тикканча:

– Менга қаранглар, агар бирон киши «ғинг» деса, менга айтинглар! Ҳали Аҳмад буванинг ўғли Абдусамдбойни кўплар билмаслиги мумкин. Кимнинг ўғли эканларингизни билдириб қўйинглар. Сизлар қандайдир мишиқи эмассизларки, ким хоҳласа уриб-сўкиб кетаверса, – дедилар.

Ҳозир мени уриб-сўксалар керак, деб тургандим. Бу гап менга ғалати туюлди, мойдай ёқди. Дадам ҳеч қачон бундай гапирмасдилар. Балки болаларини кимдир хорлашини хоҳламадиларми ёки менга раҳмлари келиб, кўнгилларида бирор нохушликни ҳис қилиб айтдиларми, билмадим? Дадамнинг гапларидан сўнг менда янада манмансираш пайдо бўлди: «Мени биласизларми, мен

шаҳарнинг энг бойи, энг катта мансабдорининг ўғлиман, билиб қўйинглар. Гинг деганингни йўқ қиламан!» дердим. Абдуазим мендан кўркмаса ҳам, муроса қилишга мажбур эди. У мендан кечирим сўради, ялинишга мажбур қилдик. Шундан кейингина уни тинч қўйдим.

### БИРИНЧИ МУҲАББАТ

Ўнинчи синфни тугатадиган бўлдик. Синфдошлар пул йиғдик. «Битирув кечаси учун» деб дадам анча нарсани мактабга юборди. Мен бўлсам билдирмай қизларга шампан, ўғил болаларга вино олиб бордим. Ўйин-кулгу бўлди. Энг ёмони, бизга дарс ўргатиб, таълим берадиган устозлар биз билан бирга ўтириб ичишди. Муаллималар шампан, устозлар вино-ароқ ичиб, валдираб қолишди. Қизлар билан турли рақсларга тушдик. Шу пайт кўзим мактабга яқинда ишга келган кўхликкина адабиёт ўқитувчисига тушди. Уни рақсга таклиф қилдим. Шампан таъсир қилган эканми, мен билан шунақанги рақсга тушиб, қошларини қоқиб ўйнадики, асти қўяверинг. Битирув кечамизни кичик синфдаги ўқувчилар кузатиб турарди. Ўқитувчиларининг аҳволини кўрган бу ўқувчилар уларни хурмат қилармикан? Ўқитувчи билан рақс тушар эканман, ундан таралаётган ёқимли атир ҳиди, кўксимга урилаётган сийналари, сонимга тегаётган очик сонлари, чиройли боқишлари хирсимни кўзгаб юборди ва ўйлаб ҳам ўтирмай, уни шартта кучоладим. Вужудимда ўт чакнагандай бўлди, ҳаммаёғим жимирлаб кетди. Ҳирс билан бағримга босишим, еб қўйгудек тикилишимдан бирдан ўзига келди. Ҳазил чинга айланиб кетишидан кўрқди шекилли, қўлларимни итариб юбориб, жойига бориб ўтирди. Қовоқ-тумшиғи осилиб, юзлари тундлашди. Базмнинг охиригача кулмади, рақсга ҳам тушмади.

Аммо менинг қалбимда ўқитувчимга нисбатан қандайдир илиқлик, муҳаббат пайдо бўлди. Уни кўп ўйлайдиган, йўлларини пойлайдиган бўлдим. Аммо кўзига боқа олмасдим, гапиришга журъатим етмасди. Ўқитувчим дид билан, замонавий кийинар, кўйлаги тиззасидан тепарокда, кўрган йигитни маҳлиё қиладиган даражада хушбичим, озгин, калта бўйли ва кўхликина эди. Ишга ҳар куни ҳар хил кийиниб келарди. Кечалари уйқум қочиб, муаллимамизни кўп ўйлардим. Бор вужудимни унинг муҳаббати чулғаб олганди. Бунга сезган муаллимам бир куни мени ўқитувчилар хонасига чақирди. Хонага кўрқа-писа кирдим. Атрофга қарасам, ҳеч ким йўқ. Муаллимам ёлғиз эди. Уни кўрдиму тилим айланмай қолди. Узун киприклари, чиройли кўзлари, турмак-ланган қора сочлари, ўзига ярашган кўкси очиқ кўйлаги мени жинни қилиб қўйди деди. Эшик олдида тахтадек қотиб турганимни кўрган ўқитувчим:

– Кир, Абдурашид, манави ерга ўтир! – деди. Мен кўрсатилган жойга авайлабгина бориб ўтирдим.

– Сенинг буванг, даданг, оилангни яхши биламан. Сизлар ўзига тўқ, яхши тарбия кўрган оиланинг фарзандларисиз. Битирув кечасида бўлиб ўтган воқеа учун сендан узр сўрайман. Аслида биз, ўқитувчилар ўқувчиларимиз билан бундай муомалада бўлмаслигимиз, ўртада масофа бўлиши керак эди. Ўша кунги рақсдан буён сенда қандайдир ўзгариш сезяпман, нима бўлди? – деди кўзларимга тикилиб. Унча-мунча қизлар билан ҳазиллашиб, гап сотишиб юрган бўлсам-да, муаллиманинг олдида ўзимни йўқотиб қўйдим:

– Ҳеч нарса! – дедим зўрға.

– Ҳақиқатда ҳеч нарса бўлгани йўқми? Унда нега менга тикилганинг-тикилган, йўлларимни пойлайсан?

– Ростини айтайми, сизни севиб қолдим! – дедим ерга қараганча қизариб-бўзариб.

– Нима-а-а-а? Севиб қолдим? – деди муаллима хо-  
холаб кулганча, – кинода устозини севиб қолганларни  
кўргансан-да! Ўшаларга ўхшагинг келдимиз?

– Ҳа, кўрганман, нима бўпти?

– Ёшим неччидалигини биласанми?

– Нима фарқи бор, бир-биримизни севсак, бўлди-да,  
– дедим ўзимни хотиржам тутишга уриниб.

– Нима фарқи бор эмиш? Мен йигирма беш ёшда-  
ман, сендан саккиз ёш каттаман. Нима фарқи бор, дейи-  
шинг қизиқ.

– Ахир кўрган кинодаги ўқитувчисини севган бола  
ҳам ўнинчи синфда ўқирди. Ўқитувчиси эса ундан анча  
катта эди. Ахир муҳаббат ёш танламайди, шундаймас-  
ми? – дедим муаллиманинг озгина бўш келганини се-  
зиб тетикландим.

– Сен ким, улар ким? Бизда ота-она розилиги би-  
ринчи ўринда туради. Уларда ота-она розилиги, маҳал-  
ла-қўй деган нарса бўлмайди, фарқи бор эканми? Ахир,  
уларнинг феъл-табиати, менталитети билан бизники  
тўғри келмайди! Наҳотки тушунмайсан?! Қолаверса,  
мен сендан саккиз ёш каттаман. Бунинг устига эрим  
бор, устозингман, аҳмоқ бола, – деди.

– Йўғ-е, сиз турмуш қурганмисиз?

– Эрга тегишдан олдин ўқувчим севиб қолишини бил-  
ганимда эрга тегмай, бола тугмай ўтирдим. Афсус бил-  
маган эканман, – деди муаллимам ҳазил аралаш кесатиб.

– Болангиз ҳам борми?

– Бор-бор, иккита!

– Сизни ҳали турмуш қурмаган деб юрардим.

– Хаёлингга ҳар-хил фикр келишидан олдин, озроқ  
ўйла, сўраб-суриштир! Бу гап энди шу ерда қолсин, бор,  
имтиҳонингга тайёрлан ошиқ ўқувчи, – деди муаллима  
мени кинояли сўзлар билан кузатаркан. Мен уятчан,

тортинчок деб юрган муаллима жуда қаттиққўл, жаҳлдор экан.

– Оилали экансиз, болаларингиз бор экан, ёшингизга қараб кийинсангиз бўларкан! Шунда бизга ўхшаган ўқувчиларингиз ишқингизда мажнун бўлиб, ўқитувчим киз бола экан деб ошиқ бўлиб юрмасди, – деб алам устида гап билан чақиб олдим. Кейин ўрнимдан шартта туриб, ўқитувчимга нафрат билан қарадим-да, бир зумда йўқ бўлган жавобсиз севгимга куйганча, ўқитувчилар хонасидан алам билан чиқиб кетдим. Ўқитувчининг келишган қомати, чиройли юзларига мафтун бўлиб, яхши кўриб қолганим, жуда алам қилаётганди. Аслида балоғат ёшига етган ўқувчиларнинг олдида ёш муаллималарнинг калта юбка, тор кўйлак кийиб, хушбўй атирларни сепиб юришлари, менга ўхшаганларни йўлдан уриб қўйиши ҳеч гап эмас экан-да!

Шўролар тузуми мактабларда турли кечалар уюштирар, балоғат ёшига етиб бораётган ўғил-қизларни вальс ва замонавий танцаларга ўргатарди. Бу эса қони қайноқ ёшларни шахват домига тортарди. Баъзи қизлар йигитлар билан юриб, қизлик иффатини йўқотарди. Йигит билан қиз қанча юрса юраверсин, кинога борадими, ўпишадими, шахватини қондирадими, шикоят қилмаса бўлди. Агар шикоят қилинса, тамом, можаронинг каттаси шунда бошланади. Боласига тарбия бермаган ота-она, ўқувчиларни назорат қилмаган ўқитувчи, жамоат ташкилотлари, ҳамма айбдор бўлади. Мажлис устига мажлис, муҳокама устига муҳокама... Шўролар балоғатга етмаган ёш қизларнинг узатилиши тўғрисида тинмай гап-сўзлар қиларди. Ваҳоланки, биз ёшларни шахвоний ҳирсга ўзлари ўргатишарди.

Саккизинчи синфдалигимизда бошқа мактабда ўқийдиган Саодат исмли бир қиз синфимизга келиб

кўшилди. Биздан икки ёш катта, анча гавдали, кўкракларни аёлларникидек туртиб чиққан, замонавий, дарсга тиззадан баланд юпка кийиб келарди. Сонларини очиб, ҳаммани куйдирарди. Рус тилини яхши билгани учун дарҳол уни комсорг қилиб сайлашди, синф фаоллари қаторига кўшиб қўйишди. Ҳали шахват нималигини билмайдиган содда болаларни масхара қиладиган, безбет, шилқим эди. Ҳаё, ибо деган нарса унга бегонайди. Тўққизинчи синфга ўтганимизда у жуда ҳаддидан ошиб кетди. Орқасидан катта йигитларни эргаштириб келарди. Мактабимиз ёнидаги боғдаги ўриндиқларда улар билан очикдан-очик соатлаб хохолашиб ўтирарди. Болаларни онангни деб сўкиб ҳам юборарди.

Синфда бирор тадбир усиз ўтмасди. Ноябрь ойида октябр инқилоби ғалабаси, февралда эркаклар байрами, мартда хотин-қизлар байрами, биринчи ва тўққизинчи май байрамларини ташкиллаштириш, пул йиғиш, дастурхон тузаш каби ишларга у бош-қош бўларди. Биз, ўғил болаларни пулни кўпроқ олиб келиш, устозларни табриклаш, қизларга совға-салом улашишга мажбурларди. Камбағалроқ болаларга кун бермасди. Қисқаси, у бизларга замонавий ҳаётни ўргатарди. Замонавий одам учун ҳаё, ибо иккинчи ўринда туришини тушунтирарди. Бизга бундай ишларда мураббий эди. Тайёргарликлар тугаб, йиғилишни очишда нутқ сўзлаб, совет давлатини мақтаб шеърлар ўқирди. Озгина шампан таъсиридан сўнг Саодат биримизни қўйиб, биримизни танцага чорлар, устимиздан кулар, болаларни маст қиладиган ичимлик ичишга мажбурлар, ўқитувчилар унга қарши бирор нарса демасди, дея олмасди. Сабаби, у «маданиятли, замонавий қиз». Уни камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. У йигитларга дил изҳори, севги-муҳаббатни, замонавий танца нималигини ўргатмоқда. У эскилик сарқитига



қарши курашувчи энг фаола қиз. Шундай фаолалардан бошқа қизлар ҳам ўрناق олишлари керак. Уялиб-қимти-ниб, ўзини бундай ишлардан олиб қочадиган қизлар маданиятсиз эмиш. Уятчанроқ болалар қип-қизариб ундан қочишга ҳаракат қилишарди. Ўқитувчилар эса: «Қани болалар, бўшашманглар, яхшилаб рақсга тушинглар, замонавий йигитларга ўхшанглар» деб далда беришарди.

Хайриятки, ота-онасининг диёнати бор экан. Қизининг ножўя ҳатти-ҳаракатларини билиб қолишгач, мактабни тугатмасданок эрга бериб юборишди. Болалар бу офатдан қутилишди. Мажлисларда Саодатнинг ота-онасини неча бор балоғат ёшига етмаган қизини турмушга узатишда айблашиб, маломатлар қилишди. Совет ёшларининг ўйнаб-қулиши кераклиги, замондан ортда қолмасликка ўргатиш лозимлиги бот-бот эслатилди. Аммо бу қиз ўқишини давом эттирганида аттестатга қўшиб бола кучоклаб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди. Бу ҳам майлию, бошқа синфдош қизларимиз ҳам унинг йўлидан кетиб қолиш хавфи аниқ эди. У балоғатга етиб бўлган эди. Биз ўн олтига кираётганимизда у ўн саккизни уриб, ўн тўққизга қадам қўйиб бўлганди. Нима сабабдандир икки йил синфда қолиб кетганди.

Шўроларнинг ёшларни бузиш учун ўйлаб топган макрларидан бири ёшларни мана шу йўл билан йўлдан чалғитиш, ахлоқини издан чиқариш эканини ўйлаб борардим. Муҳаббатимдан ажраш алами мени тўғри пивохонага бошлади. Борсам, бир-иккита танишларим бор экан. Биргалашиб пиво ичдик, кечга бориб озгина ароқ ҳам тотидик. Маст бўлиб қолибман, уйга қандай келганим эсимда йўқ. Мени бу аҳволда кўрган ойим даданнинг жазолашидан кўрқиб ичкаридаги уйга киргизиб ётқизиб қўйибдилар. Бу биринчи марта уйга маст бўлиб келишим эди.

Ўрта мактабни ҳам амал-тақал қилиб ўқидим. Бу-  
вамнинг вафотидан кейин кўчада дайдиш, боғда сайр  
қилиш, дискотекаларга боришга секин-аста одатланиб  
бўлдим. Уйда ўтирсам, юрагим сиқиларди. Шу сабабли  
синфдошларим билан пивоҳўрликка чиқиб турадиган  
бўлдим. Пул кўп, атрофимда гирдикапалак ошналар ҳам  
шунга яраша бисёр. Ҳаммаси сеники маъқул дейишади.

Мактабни битириб, қўлимда аттестат билан уйга  
келдим. Аттестат олганларидан қувониб, севинган ўр-  
тоқларимни кўриб: «Олсанг олибсан-да шу икки ва-  
ракни, шунга шунча сакраш керакми?» деб устларидан  
кулдим. «Тўғри-да, қўлингдаги аттестатинг сенга ош-  
нон қилиб берармиди? Ўқиганингда ким бўласан, курук  
ойлик маошга қараб ўтирасанми? Ундан кўра даромади  
оқиб келадиган жойни қидир, академикдан ҳам кўп пул  
топасан. Пулинг бўлса, бахт калити қўлингда, хоҳлаган-  
нингни қиласан. Ҳамма пойингда тиз чўқади», дердим.  
Ваҳоланки, пул ва бойлик бахт калити эмас экан. Қанча  
бахтсиз пулдорларни кўрдим, гиёҳванд, безори болала-  
рининг дастидан бир умр ҳасратда юришибди. Ўшалар-  
дан бири менман, мансабдор, бойнинг фарзанди.

Шундай қилиб аттестат олган куним кечкурун дадам  
мактабни тугатганим билан табриклаб, баҳоларимга на-  
зар ташлар эканлар, мени яхшигина койидилар:

– Баҳоларинг жуда паст-ку! Авваллари яхши ўқир-  
динг, нима жин урди сени?... Майли, бўлар иш бўлиб-  
ди. Гап баҳода эмас, гап пулда! Пул бўлса, битмайдиган  
ишнинг ўзи йўқ. Ўқишингни пул билан ҳал қиламиз.  
Хўш, қайси ўқишга кирмоқчисан?

– Дада, шу ўқиш деганига ҳеч тобим йўқ. Ўқишнинг  
ўрнига ишласам, деб ният қилгандим.

– Нима деяпсан ўзи! Одам диплом, илм билан катта  
мансабларга эришади. Зиёли бўласан, келажакда катта  
одам бўласан, шунга ақлинг етадимми ўзи?

– Дада, мен ўқишни хоҳламайман, каллам яхши ишламайди. Менга бозорнинг марказидан битта кабобхона очиб беринг, ҳар қандай ўқимишли одамингиздан кўп пул топаман, юзингизни ерга қаратмайман, – деб туриб олдим.

Дадам ниятимнинг астойдиллигини билгач, аранг рози бўлдилар. Аввал кабобпазга шогирд бўлдим. Аста-секин бу ҳунарни пухта эгалладим. Бир йилда устозимнинг фотиҳаси ва дуосини олдим. Дадам ваъдаларига биноан айтган жойимдан кабобхона очиб бердилар. Ишга шўнғиб кетдим. Ичимда «Ҳали Абдурашиднинг кимлигини кўрасизлар!» деб тинмай такрорлар эдим.

«Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу», деганларидек, кабобпазлик ҳам осон иш эмас. Гўштни қиймалаб ёки бўлак-бўлак қилиб кесиб чиқасиз. Қийма учун керакли гўшларни суякдан ажратиб олиш керак. Уларни зираворларга аралаштириб, музлатгичга қўйиб музлатилади. Музлаб қолган қиймалар қайтадан гўштқиймалагичдан ўтказилиб, ишлов берилгач сихга тортилади. Кўмир ёқишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Куни билан кўмирнинг тутунида юргач баданингиз, кийим-бошингиздан нукул кўмирнинг бадбўй хиди келади. Қўллар кўмирга тегавериб қорайиб кетади. Ювсангиз ҳам кетмайди. Айниқса, кабоб қора кўмирда қилинади. Бу кўмир арзон, катта-катта, баракали бўлади. Бир марта ёндириб олсангиз, унча-мунчага ўчмайди. Қишнинг совуқ кунларида музлаган гўштни сихлаш, пиширишнинг ўзи бўлмайди.

Мустақил иш бошлаганимга ҳам уч йилча бўлиб қолганди. Ишларим юришиб, чўнтагимга жарақ-жарақ пуллар тушарди. Айниқса, байрам кунлари бокқа чиқиб, бир кунда мингдан ортиқ кабоб сотардим. Маълум қисмини давлатга топширсам, қолганини чўнтака урардим.

Ишдан кейин улфатларим билан чойхона, ресторанларга борардик. Энди ароқ ичишни анча-мунча ўргангандим. Гоҳо койишларини эътиборга олмаса, дадамга кунига пул бериб турганимдан хурсандлар. Унча-мунча ичганим ва гапларимга эътибор бермай қўйдилар. Аммо бузикликка бориш, зино қилишга ўрганмаган эдим. Энди мен тадбиркор сифатида унча-мунча одамни менсимай қўйгандим. Менинг бойлигим, кийинишим, мақтанишларим, гиёҳванд оғуфурушларнинг назарига туширганди. Улар пинҳона мени тузоққа илинтириш режаларини тузишганидан мутлақо хабарсиз эдим.

### ТУЗОҚ

Кундан кунга ишларим юришиб, хуш кайфиятда юрган кунларимнинг бирида эгнида оқ кўйлак, қора шим, ялтироқ туфли, кўзига қора кўзойнак таққан, кичкина мўйловли, соколлари киртишлаб олинган, сочлари чиройли қилиб таралган, ошпоқ юзли, оғир меҳнат қилмагани кўринишидан билиниб турган бир киши келиб кабоб буюрди. Кабобхонамга асосан бозорчи, деҳқон ва хунармандлар келгани боис, бунга ўхшаганлар деярли киришмасди. Чунки бундайлар шаҳар маркази ёки ташқарисидаги зўр ошхоналарда овқатланишади. Шу сабабли бунақа кийимдаги одамни кўриб, ўзимни сал ноқулай сездим. Дарҳол ёрдамчимга тузукроқ жой қилишини уқтирдим. Балки бирор текширувчи бўлса ажабмас, деган хаёл ҳам лип этиб ўтди. Ёрдамчим жойни тайёрлаётганида у қўлини силтаб:

– Ҳеч оввора бўлманг, кабобингизнинг тарифини эшитгандим, шунинг учун бир таъмини тотиб кетай дегандим, – деди.

– Тўғри қилибсиз, менинг кабобим бозордаги энг зўри ҳисобланади, – дедим мақтовдан эриб: – Нечта қўйай?

– Тўртта қўйинг, агар кабобингиз ёкса, доимий мижозингизга айланаман, – деди кулиб. Унинг муомаласи ва кулиб туриши менга ёқиб тушди. Буюрган кабобини тайёрлаб, олдига ўзим олиб бориб қўйдим. Чойнак-пиёларимизнинг жўмраги, қопқоқ ва четлари учган эди, бу одамга сал яхшироғини топиб қўйдим. Ёқимли иштаҳа тилаб, ишимга машғул бўлсам-да, хаёлимда «бу одам ким бўлди экан, нимага бу ерга келди?» деган шубҳа изғирди. У кабобни иштаҳа билан мақтаб-мақтаб ерди. Мақтовидан ғурурланиб кетдим. Кабобни еб бўлгач:

– Кабобингиз жуда ажойиб экан! Роса мазза қилдим, ҳаммаси қанча бўлади? – деди.

– Кўяверинг, бир меҳмон қилсак қилибмиз-да, – дедим. Аммо кўярда-қўймай айтилган пулдан ортиқроғини берди.

– Аслида мен бу ерлик эмасман, савдо-сотик билан шуғулланаман. Кўплар «бензинда пул кўп» дейишгани боис, шаҳрингизда кичикроқ бензин шахобчаси очсамми дегандим. Шунинг учун шаҳар айланиб, бензинчилар иши билан танишиб юриб, бозорга киргандим. Ён-атрофдан суриштирсам сизнинг кабобингизни мақташди. Шунга бу ерга келгандим, – деди у айёрларча тиржайиб мен билан хайрлашаркан.

– Раҳмат, раҳмат, – дедим қўлимни кўксимга қўйиб.

– Айтгандай, исмим Сотимхон, шаҳрингизда кичкинагина квартирам ҳам бор. Худо хоҳласа, бирор кун меҳмонга чақираман. Кабобингиз жуда ёқди. Кабоб ейишга тез-тез келиб тураман. Ҳали дўстлашиб кетамиз, раҳмат сизга, – деди у.

– Меники Абдурашид, шу кичкина кабобхонанинг хўжайиниман, – дедим ярим ҳазил билан.

– Биладан, сиз тўғрингизда бозордагилар кўп мақтаб гапиришди. Ҳозирча хайр, – деб эски қадрдонлардай

астойдил кўлимни сиқиб хайрлашди. Чиройли муомаласи, ширин сўзи, мени бу одамга қандайдир боғлагандай бўлди. «Ўқимишли одам барибир ўқимишли-да!» дедим унга ҳавас билан қараб. Лекин касбимдан нолимайман, керак бўлса бунақанги олифталарнинг ўнтасидан кўп пул топаман, дедим ичимда.

Ишга шўнғиб кетдим, кечга бориб ичкарида тушган пулларни санай бошладик. Анчадан буён гоҳо кимдир мени кузатаётгандек деразадан қараб турарди. Деразага қарашим билан ўзини олиб қочарди. «Ўғримикан» деган ўйда эшикни очиб қарардим. Кимдир орқа-олдига қарамасдан қочиб кетарди. Кейин билсам, оғуфурушлар менинг даромадим, ишларим, келиб чиқишимни ўрганиб, қаттиқ кузатувга олишган экан. Уларнинг чекига тушганим боис қайси йўл билан бўлса-да, гиёҳванд қилиб, ўзларига оғдириш режасини амалга оширишни бошлашган экан. Бу ишни бажариш учун, мени илинтиришга устаси фаранг, айёр тулки, кўп йигит-қизларни гиёҳванд қилган, бугун кабобимни еган Сотим деган одам юборилган экан. Бу одам кабобимни еб, қалбимга кўл солиб, ўзининг ширин сўзи, хушомадгўйлиги билан секин мен билан дўст бўлиши ва гиёҳванд қилиш вазифасини олган экан.

У айтган сўзида турди. Ҳар куни, кун ора кабоб егани келар, мени мақтар, турли қизиқ гаплар билан кўнглимни овларди. Шу зайлда бир ойга яқин келиб турди. У тузилган ҳийла арқонини секин-аста ташларди. Шу орада бирдан ғойиб бўлиб, кўринмай қолди. Орадан ўн кунлар ўтгач, яна пайдо бўлди. Қучоқ очиб кўришдик. У жуда хурсанд эди.

– Дўстим, ниҳоят орзуим ушладиган бўлди. Бензин шаҳобчаси учун рухсатнома оладиган бўлдим, – деб битта оқ қоғозни кўрсатди. Бунақа нарсаларга ақлим

етмагани, менга аҳамияти бўлмагани боис, қоғозга бир қараб қўйдим. Унга мухр қўйилганди, демак, унинг қандайдир қарорлигига ишондим.

– Табриклайман, омадингизни берсин, – дедим.

– Раҳмат! Энди, дўстим, заправка куришни мўлжаллаётган жойни бир кўришим керак. Бу шаҳарни мендан кўра сиз яхшироқ биласиз. Одам гавжум ва бензин тез сотиладиган қулай жой керак. Вақтингиз бўлса, бир айлансак, нима дейсиз? – деди.

– Майли, ишларимни яқунлаб олай, бирга айланамиз, – дедим.

У кечга яқин келишини айтди. Ишни яқунлаб, пул санаётган пайтимизда эшиқдан кириб келиб:

– Хирмонга барака! – деди тиржайиб. Хурмати учун ўрнимдан тураётгандим:

– Ўтираверинг, бемалол ишингизни давом эттираве-ринг. Мен ташқарида кутиб тураман, – деди.

– Йўқ, сиз ҳам ўтиринг, бизни хафа қилманг! Ахир биз энди ака-укамиз, шундай эмасми? – дедим.

– Мени ноқулай аҳволга солиб қўйдингиз, – дедию кўрсатилган жойга ўтирди. Кўзи биз тахлаб санаётган пулда эди.

– Кабобдан даромад зўр экан-да! Билганимда сизга шогирд бўлардим. Заправка очаман деб идорама-идора сангимасдим, – деди кулиб.

– Энди, ака, кабобдан миллионер бўлиш қийину, кундаликка етиб туради, – деган эдим, у хохолаб кулиб юборди.

– Шуниси яхши: «Кам-кам хўр, ҳамиша хўр», яъни оз-оздан е, ҳар куни егин, деган экан машойихлар. Худо баракасини берсин, баъзи муттаҳамлар бензинга сув қўшиб сотаркан. Мен заправка очсам, фақат тоза бензин сотаман, – деди.

– Шундай-куя! Худодан кўркмайдиганлар сувни бензин, қатикни қаймоқ деб сотиб юборишади. Шайтонга дарс ҳам беришади. Ишонмайсизми? Анави хотинга қаранг, – деб деразадан кўлида қатик банкасини кўтариб юрган аёлга ишорат қилдим. – Шу аёл қатикни қаймоқ, деб сотади.

– Қанақасига! – деди гўё ўзи ҳалол одамдек.

– Банканинг остига қатик солади, устига бир-икки сантиметрга яқин қаймоқ солиб, музлатгичда музлатади. Музлаган қатик қаймоққа ўхшаб кўринади, шу тариқа харидорларни алдаб, тирикчилик қилади. Олганларнинг биронтаси норози бўлиб келса, сочини юмдалаб шунақанги шаллақилик қиладики, харидор бир амаллаб қочиб қутулади.

– Наҳотки Худодан кўркмаса, ўзиям жуда бой бўлса керак, – деди.

– Топганини уйига ташийди. Битта ўғли ғирт алқаш, бу аёл топиб бораверади, ўғли ҳаммасини ичиб, совураверади.

– Ҳа, энди бу бозор-да! Ҳар хил одам бўларкан-да, укам! Тугатган бўлсангиз, энди айланиб келайлик, дарвоза олдида шоферим кутиб турибди, – деди.

– Бир дақиқа, кийимимни алмаштириб олай, тезда орқангиздан етиб бораман, – дедим.

У чиқиб кетди. Кийиниб олгач, шогирдимга нарсаларни йиғиштиришини тайинладим. Ташқарига чиқсам, Сотим ака бозор дарвозаси томон кетаётган эди. Тез юриб етиб олдим. Дарвозадан чиқсак, оппоқ Волга машинаси турибди.

– Қани марҳамат, олдига ўтиринг, – деди. Мен хижолат чекиб:

– Сиз каттасиз, олдинга сиз ўтиринг, – дедим.

– Сиз шаҳарни мендан яхшироқ биласиз, энг гавжум жойларни кўрсатинг, – деди.



Ийманибгина машинага ўтирдим. Машина яп-янги бўлиб, ичидан ёқимли ҳид тараларди. Унинг ўриндиқлари оппоқ сурп жилд билан қопланганди. Ичлари топ-тоза, оёқ остига гиламча солинганди. Гиламни кир қилиб қўймайин деб, секин оёғимни қўйдим. Бизнинг ҳам янги Жигули машинамиз бору, аммо бу даражада эмасди. Биримиз қўйиб, биримиз минардик. «Сен юв, сен юв» деб укам билан тортишиб, сансолар қиламиз.

Машина жойидан жилди. Шаҳарнинг гавжум жойларини айландик, дўконлар, заправкаларни кўрдик. Вокзал, автобус бекатлари атрофларига бориб, қулай жой топамиз, деб роса айландик. Сотим аканинг оғзинмас, дўкондан кўра бензиндан келадиган фойданинг кўплиги ҳақида тинмай жаврарди. Орада давлатни ёмонлар, яшаш қийинлашиб, халқнинг аҳволи оғирлашиб бораётгани, тез орада нарх-наво ошиб кетиши тўғрисида вайсарди.

Қисқаси, мени зериктирмаслик учун ҳар хил гапларни ўйлаб топарди. Икки соатга яқин айлангач, бирор қарорга келиш учун кейинроқ яна айланишини айтиб, шаҳар марказидаги ресторанга таклиф қилди. Уйга боришим кераклигини айтсам-да, кўнмай туриб олди. Охири таклифига рози бўлдим. Ресторан шаҳар марказида жойлашган бир қаватли катта бино бўлиб, олдида фаввора отилиб турар, сувнинг шалдираши ва муздек шамол эсарди.

Ичкарига кирдик. Кенг залда эстрадачилар чет элнинг қандайдир мусиқасини оҳиста чалишарди. Юртимизда эстрада энди ривожланиб келаётганди. Буюк санъаткорлар ва зиёлийлар эстраданинг киришига кўп қаршилиқ кўрсатсалар-да, борган сари ривожланиб борарди. Шундай бўлса-да, юртимизда санокли эстрада гуруҳи бор эди, холос. Улар ҳам миллийликдан чиқиб

кетмасди. Дискотека, ресторанларда эса чет эл мусикалари тинмас, йигит-қизлар мусикага мослаб сакрар, мажнундек сочларини ўстириб, соқол-мўйлов кўйиб, тепаси тор, пасти кенг шимлар кийиш модага айланганди. Ресторанга пули кўп обрўйли одамларгина тушарди. Бу ресторанга ҳам унча-мунча камбағал юрак ютиб кира олмасди.

Ресторанда одам сийраклиги туфайли уч-тўртта катта ёшли кишилар алламбало кийим кийган аёллар билан бир-бирларига қапишиб рақс тушишарди. Биз мусикадан сал узоқроққа, ресторан тўридаги оппоқ дастурхон солинган, ликопча, вилкалар чиройли қилиб кўйилган столлардан бирига бориб ўтирдик. Бизни кўрган ўрта ёшлардаги дўмбоққина официант аёл югуриб келди. Уни орқасидан бошқа бир башанг кийинган киши ҳам келди. Официантка буюртма қабул қилмоқчи бўлиб турган эди, унинг орқасидан келган киши унга ишорат қилиб, қулоғига нималардир деди. Официант аёл бошини кимирлатиб, орқага қайтди. Эркак бизларга яқинлашиб:

– Ассалому алайкум, Сотим ака! Соғ-саломат келингизми, бир оғиз хабар берганингизда эшик олдида ўзим кутиб олардим, – деб кучоклашиб кўришди. Сўнг мен билан кўришгач:

– Келинглр, келинглр, сизларни кўриб бошим осмонга етди, – деди маънодор кулиб.

– Танишинг, бу киши дўстим Абдурашид! Ўзлари ёш бўлса-да, жуда тадбиркор йигит. Биргаликда бир иш қилмоқчийдик, шунга шаҳар айландик. Ўзингиз яхшимисиз, болалар, кеннойимлар, ҳаммаси соғ-саломатми? – деди.

– Раҳмат, танишганимдан хурсандман. Исмин Абдували, мен ҳам Сотим акага ўхшаш тадбиркорман, – деб бояги киши ўзини таништирди.

Орадан озгина вақт ўтгач, официантка чой, нон, газаклар солинган тақсимчалар ва графиига қуйилган арокни патнисда кўтариб келиб, олдимизга қўйди. Орадан кўп ўтмай қўлида қоғоз халта кўтарган бир йигит кириб келди ва тўғри биз томон юрди. Қўлидаги халтани бояги одамга берди. У бўлса:

– Мен «пепси» буюргандим, махсус меҳмонларим бор эди. Бу алоҳида заказ пепси, заводидан олдирдим. Бунақаси ресторанда йўқ! Меҳмонларни хурсанд қилиш учун келтиртиргандим, – деб пакетдан тўртта пепсини чиқариб олдимизга қўйди. Гўё танишимиздек. Аслида булар ҳаммаси ҳамтавоқ экан.

– Меҳмонларингизга атаган бўлсангиз, бизни хижолат қилманг, – деди Сотим ака уялгандек.

– Сиз ҳам меҳмонимизсиз, акажон! Бундан бир та-тиб кўринг, умуман бошқача. Бир ичсангиз яна-яна ичгингиз келаверади, – деб «пепси»ларнинг бирини очди.

Вишиллаб гази отилди. Уни Сотим аканинг олдига қўйди. Менга бошқа битгасини очди, нимагадир менга очилган пепсининг гази чиқмади. Ундан стаканимга тўлдириб қўйди ва ёқимли иштаҳа тилаб кетди. Сотим ака билан ичдик, ҳеч қандай таъм ва ўзгариш сезмадим. Яна бир стакан қўйди. Уни ҳам ичдим. Шу орада қайноқ шўрва олиб келишди. Нимагадир иштаҳам очилиб кетди. Ҳафсала билан овқатни тушира бошладим. Ичкиликлар очилди. Оз-оз ичдик. Бошим айлангандек бўлди. Аммо иштаҳам янада карнай бўлиб кетди. Келтирилган овқатлардан букиб едим. Рестораннинг пулини тўладим. Сўнгра уйга қайтдик.

Шу кеча эрта ётиб қолдим. Аммо ярим тунда ошқозоним қаттиқ бураб оғриди. Овқатни кўп еганим боис, ҳазм бўлмай қийнаётган эди, шекилли. Икки-уч соат қийналдим. Кейин оғриқ сал пасайди ва яна ухлаб қол-

дим. Эртасига иегадир яна ўша ресторанга боргим келиб қолди. Кабоб егани келган Сотим акани кўярда-қўймай яна ўша ресторанга олиб боришини илтимос қилдим. Сотим ака танишига қўнғироқ қилиб, кечаги пепсидан юборишини айтди. Буюртма пепси келди. Ундан ичдим, сўнг озгина ароқ ичдим, яна иштахам очилди. Нимагадир Сотим ака менга ўхшаб овқатни кўп емасди...

Орадан анча вақт ўтгач, бир куни Сотим ака:

– Ука, яхши кийимларингизни кийинг, бир жойга бориб дам оламиз. Бир мазза қиламиз, умрингизда бунақасини кўрмагансиз, – деди тиржайиб.

– Қанақа бўлар экан? – дедим иккиланиб. Аслида унинг таклифи ичимда қандайдир бир қизиқишни уйғотганди.

– Дўстим, хавотирга ўрин йўқ! Мен ёнингизда эканман, ҳеч нарсадан ташвишланманг! Кеч соат саккизларда бозор дарвозаси олдига ҳар галгидек олиб кетгани машина келади, албатта кечикмасдан келинг, хўпми? – деганича шошиб чиқиб кетди.

Мен тезроқ кеч бўлишини ва қаерга боришимизни интиқиб кутардим. Борсаммикан ёки бормасамми, деган ўй ҳам йўқ эмасди. Сотим ака зўр одам-ку, мени ёмон жойга олиб бормади, деб унга ишонардим.

Кеч кирди. Нарсаларни йиғиштириб, кассани яқунлаб, уйга бордим. Ойимга дўстимнинг туғилган кунига боришимни айтдим. Соқолимни олдим, сочларимни ювиб-тарадим. Янги кўйлак, шим ва туфлимни кийдим. Йиғиб қўйган пулларимдан бир дастасини ёнга солдим.

– Ойи, мабодо кеч қолсам, хавотир олманг, дўстимникида ётиб қолишим ҳам мумкин, – дедим.

– Ўзингни эҳтиёт қил, яна ичиб юрмагин, кўзингга қараб юр болам, – деб уйдан чиққунимча онам насиҳат қилдилар. «Хўп-хўп»лаганимча шошиб бозор дарво-

заси томон борардим. Гўё маҳбубам кутяпти-ю, кетиб қолса, армонда қоладиган ошиқдекман. Тезроқ ёримнинг васлига етмоқни истаяпман. Аммо қалбимнинг тубида қандайдир бир нидо бормасликка, бошқаси эса тезроқ боришга ундарди.

Бувам раҳматли кундалик кечки суҳбатларининг бирида нафс ҳақида гапиргандилар. Шу суҳбат эсимга тушди. Бувамдан нафс ҳақида сўраб:

– Бува, нафс нима? – дедим.

– Нафс икки хил бўлади. Биттаси одамни фақат гуноҳга, бошқаси савобга ундайди. Ёмон нафс одамга фақат шайтоний йўлда катта ва кичик гуноҳларни чиройли кўрсатаверади. Қилинган гуноҳларга жавоб йўқлигини, ўз роҳат-фарогатинг учун ҳар қандай гуноҳ ишга тайёр бўлишинг кераклигини уқтиради. Қилинган гуноҳларни ҳеч ким билмаслиги ва сўроқ ҳам йўқлигини айтгани айтган. Уят, бузуқ ишларни чиройли қилиб кўрсатади. Ҳатто Худони йўқ, пайғамбарни ёлғончи дейишгача олиб боради. У ёвуз девга ўхшайди. Асло унинг гапига кириб, асири бўлиб қолмаслигинг керак.

– Яхши нафс-чи?

– Яхши нафс: «Нега савобни кам қилдинг, кўпроқ қилсанг бўлмайдим? Бу қилган савобларинг жуда кам, яна кўпроқ қил», дейди. Гуноҳга қадам қўймоқчи бўлсанг: «Эй банда! Гуноҳга қадам қўйма, гуноҳларинг учун жазо олишинг муқаррар», дейди. Гуноҳ қилиб қўйсанг: «Эй банда! Гуноҳ қилдинг-а! Тез тавба қил, тавбасиз ётма!» деб қалбингда нидо қилиб туради.

Менинг қалбимда ҳам мана шу нидолар тугён қиларди. Аммо ўша куни ёмон нафс менга ғолиб келди. Сотим аканинг олдига нимагадир шошардим. Узоқдан танидим, дарвозанинг олдида сигарет чекиб, нимадан-дир асабийлашиб, сабрсизлик билан мени кутаётганди.

Мени кўриб, чеҳраси ёришиб кетди.

– Яхши келдингизми? – деди узоқ кўришмагандек мулойимлик билан кучоқ очиб.

– Узр, куттириб кўйдим, тайёргарчилик кўраман дегунча вақт ўтиб кетди, – дедим.

– Кўринишингиз зўр, кийимларингиз жуда ярашибди. Шаҳзодаларга ўхшаб кетибсиз. Қани, машинага ўтирдик, – дедию бу сафар машинанинг олд ўриндигига ўзи ўтириб олди. Машина ҳайдовчисига «сҳайда» ишорасини қилди. Машинани ўт олдирган ҳайдовчи катта кўчага чиққач, бир жойга кеч қоладигандек учуриб кетди. Ёзнинг чилласи, куёш уфқни қизартириб ботган, тун билан ўрин алмаштирмоқда дунёга аста-секин қоронғилик бостириб келаётган эди. Бир оздан сўнг шаҳарнинг у ер-бу ерида чироқлар ёна бошлади. Шаҳар кўчалари, уйлар ва миллитлаган чироқларга боқар эканман, ўзимни узоқ сафарга чиқаётган ва асло қайтиб келмайдигандек ҳис қилардим.

Ҳа, мен ўшанда узоқ сафарга, разиллик дунёси сари кетаётганимни англамасдим. Аммо, қалбим ниманидир сезарди. Ҳа, мен тинч ва осойишта ҳаётимни ҳамма нарсани барбод қиладиган маъсиятларга алмаштириш сари бораётганимни билмасдим. Мени ақли-ҳуши жойида, бола-чақали бир миллатдошим, мусулмон биродарим гуноҳ амаллар сари бошлаб борарди. Бу каби инсонлар учун миллат, мусулмончилик ва бошқа одамийлик фазилатидан кўра ўз нафси, пул топиш илинжи, ҳаром даромад эвазига тўқ яшаш истаги устун туради. Ўзи яхши яшаб, оиласи тинч, болалари бахтли яшаса бўлди. Ўзгаларнинг болалари, уларнинг кўз ёшлари, дарду аламлари қизиқтирмасди. Бу кабилар кўриб-билиб ёшларни разолат ботқоғига ботирадиган малъунлар эди. Аммо мен у пайтда бу нарсаларни билмас ва ақлим ҳам етмасди.

Йўлда бир дўкон олдида тўхтаб, у-бу харид қилдик.

Сўнгра машинага қайтиб чиқдик. Физиллаб учаётган машина оз фурсатда шаҳардан ташқарига чиқиб кетди. Чирчиқ дарёси ёқалаб, ўнқир-чўнқир кўчалардан ўтиб борардик. Зим-зиё тун бошланди. Дарё сувининг ҳар замон, ҳар замонда ялтираб кўриниши тунни янада ваҳимали кўрсатарди. Тун қоронғилиги кўнглимни ҳам зим-зиё қилди. Қандайдир кўрқинч ичимни қамраб олди. Аммо кўрқишга на ҳожат, мен билан кадрдоним Сотим ака бор-ку! «Қолаверса сен йигитсан, кўрқма!» деб ўзимга тасалли берардим.

Шаҳардан анча узоқлашиб, қатор дала-ҳовлилар қурилган бир жойга етдик. Дала-ҳовлиларнинг баъзисида чироқ йўқ, баъзисида милтиллабгина ёниб турибди. Чироғи бор ҳовлиларда ғимирлаб юрган одамларни кўриб, кўнглим хотиржам бўлди. Биз минган машина чанг, ўнқир-чўнқир кўчалардан ўтиб, бир дала-ҳовли олдида тўхтади. Сотим ака ҳайдовчига пул бериб:

– Эртага келишилган пайтда етиб кел, кеч қолмагин, – деб тайинлади.

Ҳовлини айлантриб экилган наматаклар девор ўрнида ҳовлини тўсиб турарди. Буталар орасида кичкина ёғоч эшик бор эди. Эшик зулфагига сим ўралганди. Сотим ака номигагина ўралган симни ечиб ичкарига кирди. Орқасидан эргашдим. Ҳовли қоп-қоронғи бўлиб оёқ остини кўриш маҳол эди. Сотим ака пайпаслаб айвон чироғини ёқди. Чироқнинг нури вужудимни ёритгандай бўлди. Ҳовлининг саҳни кўринди. Ҳовли ёғочдан қилинганди. Уйга киришда кичкина айвонча бўлиб, тўсин атрофидаги тахта русча услубда ишланганди. Кираверишда оёқ ечадиган ёғочдан ишланган шкафча бор бўлиб, оёқ кийимларни ўша ерга ечиб, уй ичига киядиган шиппаклардан кийдик. Эшикка иккита қулф осилган эди. Сотим ака чўндагидан бир нечта калит чи-

қариб, аввал тепадаги, кейин пастдаги кулфларни очиб, ичкаридаги хонанинг чироғини ёқди. Уй ёришиб кетди. Ташқи томонидан оддий кўринган уйнинг ичи бежиримгина эди. Сотим ака уйга кирар экан:

– Қани дўстим, марҳамат, – деди кулиб ва қўли билан ичкарига ишорат қилди. Ташқарида унча эътибор бермаган эканман, уйнинг ўртасида стол бўлиб, устига қўйилган нарсалар оппоқ дастурхон билан ёпилганди. Мен секин уйга разм солдим. Оддийгина, кичкина ихчам қилиб қурилган уй. Деворларига гул қоғоз ёпиштирилган, шифти фанердан чиройли қилиб ишланган, полнинг ўртасига кип-қизил гилам солинган бўлиб, столнинг атрофларини эгаллаган, гилам етмай қолган қисмида сарғиш-қизилга бўялган пол ялтираб кўриниб турарди. Шифтга кичкинагина қандил осилганди. Қандилдаги иккита лампочка ёнар, қолган иккиси ўчиқ эди.

– Марҳамат ўтиринг, дастурхонимиз сизга мунтазир, – деб Сотим ака дастурхоннинг устидаги оқ матони бир силтаб олиб ташлади. Дастурхон турли емаклар, ичимликлар ва ҳар хил ширинликлар билан тўла эди.

– Сизнинг зиёфатингизни кўп едим, ўзим тузукроқ меҳмон ҳам қилолмадим. Шунинг учун бу ерга таклиф қилиб, танишганимиз, дўстлигимиз ҳурмати учун бир меҳмон қилай дедим. – Қани дастурхонга қаранг, мен ҳозир чой қўйиб келаман, – деб ташқарига чиқди. Вақтдан фойдаланиб бошқа хоналарни айланиб кўздан кечира бошладим. Дала ҳовли тўртта кичик хоналардан иборат бўлиб, ҳар бир хонанинг иккитасининг икки томонида иккитадан диван кароват бўлиб, тўшаклар солиниб, оқ чойшаблар билан ёпилган эди. Учинчи хонада турли майда-чуйда нарсалар бетартиб сочилиб ётарди. Дастурхон ёзилган хона овқатланадиган меҳмонхона-сифат жой эди. Эшик очилиб Сотим ака кириб келди.



– Ходимларимдан бирига меҳмон келишини айтиб, овқат тайёрлаб қўйишини буюргандим, барака топгур яхшилаб қозонкабоб тайёрлабди. Яна бир-иккита меҳмонни таклиф қилганман, ҳозир келиб қолишади.

– Иккаламиздан бошқа ҳеч ким бўлмаса керак, – деб ўйлагандим.

– Сиздай азиз меҳмонни зерикиб қолмасин деб, иккита қушчага буюртма бериб қўйгандим, – деди кулиб.

– Қанақа қушча? – дедим гапига тушунмасдан.

– Ажойиб қушчалар, бир-биридан чиройли, кўрсангиз оғзингиз очилиб қолади. Озгина сабр қилинг, – деди. Сотим ака гапини тутатиб улгурмаган ҳам эди, эшикни таққиллатмасдан бемалол сочлари қирқилган, енгсиз калта кофта, тор юбка кийган икки киз кириб келди. «Оббо овсар, қушча деганда Сотим ака шуларни назарда тутган экан-да», дедим ўзимга ўзим. Қизларнинг ёши нари борса йигирма уч-йигирма бешлардалиги юзларидан кўриниб турарди.

– Ассалому алайкум, Сотим ака, яхшимисиз, соғликларингиз яхшими, бу полвон ким бўлди? – деб битгаси ёнимдаги курсига ўтирди. Ҳе йўқ, бе йўқ, тўғри келиб сочимни силади, кўзини лўқ қилиб, еб қўйгудек тикилди. Ундан хушбўй атирнинг хиди гуп этиб димоғимга урилди. Аммо уялганимдан юзимни бурдим. Тилим айланмай қолди.

– Исмингиз нима, жонон йигит? – деди иккинчиси ҳам ишвали тикилиб.

– Абдурашид, – дедим секин. Улар хохолаб кулишиб:

– Ҳорун ар-Рашид, ажойиб исмингиз бор экан, – деди юзимни силаб-сийпалаб. Уялганимдан аъзойибаданим қалтираб кетди. Чунки бунақанги сурбетликни олдин сира кўрмагандим. «Буларда уят, шарм деган

нарса борми ўзи?» дедим ичимда. Мени ноқулайликдан чиқариш учун Сотим ака:

– Қани қизлар, ошхонага чиқиб овқатни сузиб келинглар, олдимизда бутун тун бор, ҳали яхшилаб танишиб оласизлар, – деди буйруқ оҳангида. Улар «хўп бўлади» деб шипиллаб чиқиб кетишди.

– Парво қилманг, улар қўлга ўргатилган қушлар, чўқиб олмайди, – деди кулиб.

– Нега қўрқар эканман, авваллари бунақа қизлар билан ҳеч гаплашмаган эканман, шунга сал ноқулайроқ бўляпти-да! – дедим.

Сотим ака билан гаплашиб турганимизда қизлар иккита лаганга тўлдириб гўшт ва картошкадан қип-қизил қилиб пиширилган қозон кабобни кўтариб кириб келишди. Овқатни икки кишилашиб оладиган бўлдик. Мен дастурхоннинг бир томонидаги курсига ўтирдим, ёнимга қизлардан бири келиб чўқди. Иккинчиси Сотим аканинг ёнига ўтирди. Зиёфат ва ичкилик, ўйин-кулги бошланиб кетди. Аввал уялиб, ҳаё қилиб тургандим. «Шайтон суви» ичимга киргач, вужудимни киздириб, ўртадан ибони кўтарди, уятни улоқтириб юборди. Қисқаси, инсоннинг ақлига сиғмас ишларга ичкилик воқитасида илк бор қўл урганимни сезмай қолдим. Кўп ичганимдан ўзимдан кетиб қолиб, ярим кечаси қўлимга укол қилаётган Сотимхон акани кўриб қолдим. У билагимга игна санчаётган эди.

– Нима-а-а қилаяпси-и-и-з? – дедим зўрға кўзимни очиб.

– Кўп ичганингиздан қон босимингиз кўтарилиб кетибди. Шунга укол қилиб қўймоқчиман, хавотир олманг, ҳаммаси яхши бўлади, – деди у.

Уколдан кейин ўзимдан кетдим. Эрталаб ўрнимдан бошим оғриган ҳолда, қаерда ётганимни эслолмайди-

ган даражада, зўрға кўзимни ишкалаб турдим. Секин ёнимга қардим. Не кўз билан кўрайки, кечаги қизлардан бири ёнимда кип яланғоч ётарди. Уни кўриб «дод» деб юборай, дедим. Бу менга оғуфурушлар томонидан кўйилган илк тузоқ бўлиб, уларнинг тузоғига илинган янги гиёҳванд бўлдим. Улар хийла ишлатиб, мени гиёҳвандга айлантиришганди. Мен ўзим сезмаган ҳолда, нафсимнинг истаги ила гиёҳванд бўлиб қолган эдим. Шошиб кийимларимни кийдим, бу расволикдан тезроқ қочмоқчи бўлиб, ташқарига отилдим. Ҳовлида Сотим ака сигаретасини тутатиб турган экан. Мени кўриши билан тиржайиб:

– Абдурашид қандайсиз, яхши дам олдингизми? Қушчаларимиз қалай экан, ёқдимиз? – деди кулиб. Ўзимни пастга уришни хоҳламаганим боис:

– Чакки эмас! Аммо, нега менга укол қилдингиз, тушунмадим? – дедим бир нохушликни сезгандай, кўзларига тикилиб.

– Кўп ичганингиздан кўнглингиз айниб вой бошимлаб қолдингиз. Қарасам аҳволингиз оғир, шунга тинчлантирувчи укол қилиб қўйдим, – деди хотиржам, – энди уйга қайтамиз. Мабодо яна бошингиз оғриб, бевозта қилса олдимга келинг, укол қилиб қўяман.

– Сиз доктормисиз?

– Ука биз билмаган ишнинг ўзи йўқ! Ҳали мен билан юриб, анча нарса ўрганасиз, – деб турган эди, ташқаридан машинанинг сигнали эшитилди. Чиксак кечаги машина турган экан. Қизлар ўша ерда қолишди. Балки бу кеча бошқа бир йигитни гиёҳванд қилишар, буниси менга қоранги. Кечкурун ўзгача бир кайфиятда келгандим, энди бўлса тушкун бир аҳволда ортга қайтмоқда эдим. Сотим ака кўкқисдан сўраб қолди:

– Сизга шаҳардаги квартирамни кўрсатганмидим?

– Йўқ, кўрсатмаган эдингиз, – дедим бошим оғриётганини сездирмасликка тиришиб.

Шаҳар марказидаги тўрт қаватли уйларнинг бири олдида тўхтаб, учинчи йўлак, иккинчи қават, ўнг қўлдаги хонадон ўзиники эканини айтди.

– Яхшилаб эслаб қолинг, мабодо айтганимдек яна бошингиз оғриб қолса, тортинмай келаверинг, укол қилиб қўяман. Сизга келинг, деб айтишимнинг сабаби укол қилинадиган доридан икки хилини олиб қўйсангиз, танангизга зарар қилиши мумкин, – деб нималарнидир алжираб мени ишонтирди.

Сўнгра уйимиз яқинига тушириб кетди. Зўрға уйга кириб, кийимларимни алмаштирдим. Бошим нимагадир лўққиллаб оғрир, кўзим тинарди. Кеча кўп ичган бўлсам керак, шунинг оқибати деб, ўзимни овунтириб, ваннахонага кириб ювиниб олдим. Бир оз ўзимга келгандек бўлдим. Сўнгра бозорга жўнадим. Бозорга келиб, ишни бошлаб юбордим ҳамки, бошимнинг лўққиллаши қолмас, кайфиятим йўқ эди. Кечга бориб бошимга қаттиқ оғриқ кирди. Баданим жунжикиб, ҳамма ёғим титрай бошлади. Сотим аканинг гаплари эсимга тушди. Тез уйига бордим. Келганимдан хурсанд Сотим ака укол қилиб қўйди. Бир оздан кейин секин бош оғриғим ҳам, баданимнинг қақшаб оғриши ҳам қолди. Раҳмат айтиб чиқиб кетдим. Шундай қилиб ўн кун укол олдим. Аммо нимагадир оғриқлар пасаймасди. Шунда Сотим ака:

– Менимча, аввал касал бўлгансизу ўтказиб юборгансиз, ўша касал кўзгаган бўлса керак. Озгина кучлироғидан қилишимиз керакка ўхшайди. Қолаверса, бу дори анча қиммат чет элдан олиб келинади. Пулини бериш керак, – деди секин ерга қараб пул сўраганидан уялгандек.

– Аввал ҳеч бошим оғримаган, менга нима бўлди, ўзи?

– Авваллари ичмагансиз, зиёфатларда юрмагансиз, шу сабаб кўниккунингизча шундай бўлади. Бир-икки муолажа олсангиз ўтиб кетади. Аммо баъзи дориларни таниш-билиш орқали топишимиз керак. Дорилар сал қимматроқ туради! – деди яна хотиржам. Унинг гапларидан сўнг:

– Дорининг пулини тўлайман! Фақат тузалиб кетсам бўлди, – дедим.

Сотим ака ҳар куни укол қилиб қўяверди. Мен пулини тўлайвердим. Энди уколсиз мутлақо туролмасдим. Шу орада Сотим ака қаергадир кетди ва кўриммай қолди. Уйига борсам йўқ. Дард кўзгаган, нима қилишни билмай, кўчада турсам, рўпарадаги домнинг олдида турган бир йигит ўзига ишора қилиб чақирди. Нимага чақирди экан, деган ўй билан олдига бордим. Келганимнинг сабабини суриштирди. Касаллигимни, укол олишим кераклигини тушунтирдим:

– Сотим ака командировкага кетди. Менга тайинлаб кетди. Хоҳласанг укол қилиб қўяман, оғриғинг бир зумда тўхтайди, – деди. Бу уларнинг иккинчи режаси эди.

– Хўп розиман, фақат тез укол қилиб қўйинг, бошим ёрилиб кетай деяпти, – дедим.

– Ёнингда пулинг борми?

– Бор, қанча керак? – дедим. У айтди, мен бердим. Сотим аканинг уйдан нарироқдаги домларнинг бирига кирдик. Уй икки хонали бўлиб, ҳамма нарса ивирсиб ётарди. Мени кўзимга уй, жиҳозлар кўринмасди. Бош оғриғим ва қалтираётган баданимни тезроқ тинчлантириш қайғусида эдим. У йигит шприцларни қайнатди. Битта шприцга кўпроқ дори тортиб, биллагимга укол қилди. Бир дақиқа ўтмасдан бошим айланиши қолди, кайфиятим кўтарилиб, оғриқ тарқади, ўзим қушдай енгил бўлдим ва:

– Қанақа укол қилдингиз, бунча зў-ў-р, – дедим дудукланиб.

– Наркотик, – деди у бепарво.

– Нима-а-а, наркотик? Эсинг жойидами? Соппа-соғ одамга наркотик қиласанми, нома-а-рд! – дедим ала-мимдан сансирашга ўтиб.

– Эй дуррак! Сен аллақачон Сотим аканинг кўлида наркоманлик ботқоғига бўккансан, билдингми? Орқага йўл йўк! Энди бизнинг сафимиздасан. Айтганимизни бажарадиган, пул билан таъминлаб турадиган роботга айландинг! Энди сўраганимизни берсанг, дори оласан, йўкса дори йўк! Қийналиб ўлиб кетасан, тушунарлими, брагишка, – деди истехзоли тиржайиб.

– Демак, Сотим ака дўконда ишламас экан-да! У менга тузоқ кўйган экан-да!

– Аслида, у одам сенга ёмонлик қилгани йўк, беш кунлик дунёда ўйнаб-кулсин, қачонгача итдек ишлаб, ҳаётда қийналиб юради, деган ҳақиқий дўстинг бўлади. Ҳар кун, кун ора маишат, бир-биридан гўзал жононлар. Ука, отангнинг даврида, мол-давлатининг борида, мансабининг соясида ўйнаб-кулиб қол, – деб сарғайиб кетган сўйлоқ тишларини кўрсатиб тиржайганича насихат қилишга тушди.

Бу гаплар юрагимга ханжардек қадалди. Аммо кеч бўлган эди. Бу дардга мубтало бўлгандим. Ўзимча: «Бари ўтиб кетади, бир-икки ой укол олсам-олибманда, кейинроқ ташлаб юбораман», деб ўйладим. Бугун гиёҳвандлигимни аниқ билдим, оғуфурушларнинг соғин сиригига айланганимни тушундим.

Дардимни вақтида дадамга айтолмадим ва бу менинг катта хатоим, отамдан сир сақлашимнинг оқибати ва жазоси эди. Топганларимнинг бир қисми дорифурушларники бўлиб қолди. Булар ишламай, орқасидан эрга-

шадиган мендек кул роботлардан катта фойда олишар, ана шу мўмай даромад эвазига кун сайин бойишар эди. Гуноҳ, уят, бировнинг ҳаққи, жаннат, дўзах деган гаплар буларни заррача ўйлантирмасди. Улар бировнинг бахтсизлиги, кўз ёшларининг эвазига бахт қидирадиган манқуртлар эди. Менинг дардимдан хабарсиз дадам ҳар куни уйга келмаётганим, ярим кечалари тентирашимни сезиб қолдилар. Ойимга ҳам қийин, қачонгача айбларимни беркитиб, сир сақлаши мумкин. Сиримни беркитганим сари иллатим илдиз отиб бораради. Улуғларимиз «Касални беркитсанг, иситмаси ошқора қилади», деганларидек менинг касалим охири ошқор бўлди.

Дадам гиёҳвандлигимни билгач, бошларини чангаллаб қолдилар:

– Раҳматли отам айтгандилар-а! Болаларингга эҳтиёт бўл, болаларингга эҳтиёт бўл, гиёҳвандлар кўлига тушиб қолмасин, деб. Орқангдан тушган душманларинг, мансабингни кўзлаган ҳамкасбларинг кўп. Хушёр бўл, деганларида кўл силтагандим. Мана оқибати, – деб бақирдилар-да кейин ёқамдан бўғиб, бор ғазабларини менга сочдилар: – Сени ўзи бу кўйга ким солди? Айт, ҳаммасини йўқ қиламан!

Мен ерга қараганимча жим турардим. Уриб-сўқдилар, фойдаси бўлмади. Орқамга одам кўйиб, бу йўлдан қайтариш учун ҳамма усулларни қўллаб кўрдилар, фойдасиз. Уйга камасалар деразадан қочдим, деразани бекитсалар эшикдан қочдим. Оёқ-кўлимни боғлашса, шармандаларча додлардим, бақиришларимга чидай олмайин, кўни-кўшнилардан уялиб, кўйиб юборишга мажбур эдилар.

Авваллари дадамнинг юзига қараб гапиришдан тортинган бўлсам, энди пул сўрашдан, юзсизларча муомала қилишдан, кўлимни чўнтагимга тикиб гердаиб гапи-

ришдан, «сизнинг порахўрлигингиз, ҳаром пулларингиз мени шу кўйга солди», деб маломат қилишдан ҳам уялмай кўйдим. Чунки бу бало-офат мени инсонийлик қиёфасидан чиқариб ташлаган эди. Ҳа, ичкилик, бангилик инсонни мана шундай ҳолга солар экан. Инсон ўзининг одамийлик хислатини йўқотиб кўяр экан.

### НОҚОБИЛ ФАРЗАНД

Одамийлигини йўқотган бир ошнам айни кучга тўлган йигитлик чоғида ногирон бўлиб, ўлди. Ошнам ҳам яхши оиланинг фарзанди эди. Буваси анча нарсадан хабардор, тарбия кўрганлардан эди. Аммо бува набирасига ўзидаги илм ва фазилатни беролмасдан вафот этди. Бойвачча ота эса Аллоҳ берган ўғил фарзандни жуда танги қилиб ўстирди. Ота ўғлини ўтирсаям, турсаям елкасидан туширмасди. Боланинг егани олдида, емагани ортида эди. Оғзидан нима чиқса, ҳозирлади. Аммо энг муҳими тарбия неъматини унутиб кўйди. Моддий томондан бекаму кўст бола, маънавий қашшоқ бўлиб ўсди. Отаси: «Ўғлим, олим бўл, одам бўл», дейиш ўрнига «Онангни.....деб бир сўкиб юбор, ҳа, тойчоқ», каби сўзлар билан боласини тилини чиқарди. Ваҳоланки боланинг тили «Ассалому алайкум», «Хуш келибсиз», «Яхши ётиб турдингизми?» «Дадажон, онажон, акажон, опажон...» каби сўзлар билан чиқиши керак эди.

Ошнам ўн-ўн икки ёш бўлганида ҳам отасининг тизасидан тушмасди. Ҳамма бизга салом берсин, ҳаммадан улугмиз, пулимиз кўп каби сўзлар билан боласини кеккайтириб юборди. У боласини ёшлигидан меҳнат қилишга ўргатиши керак эди. Ота уни ялқов, дангаса қилиб ўстирди. Ота Худо берган икки қизини унча хуш кўрмасди. Уларга бир зум тин бермай, «санлар уканг-



нинг хизматкорисизлар, уни хафа қилманглар», деб уқтирарди. Улар эса укаларини жуда ёмон кўришарди. Чунки ота томонидан адолат тарозиси бузилганди. Ота ҳамма фарзандларига бир хил муомалада бўлиш қондасига амал қилмади. Ўғлини турли тўй ва базмларга ўзи билан бирга олиб бориб, ёшлигидан ичишга ўргатиб қўйди. Ҳатто тукқан онасини ҳурмат қилмасди.

Ўғил улғайгач маст бўлдимиди тамом, уйда жанжал кўтарар, меҳрибон ота-онасини тутиб олиб урадиган бўлди. Урганда ҳам бўкиртириб-бакиртириб урарди. Улар ўғилларига ялиниб-ёлворишарди. Ичидаги иблис уларга раҳм қилмасликка ундарди. У ҳам бир куни келиб сафимизга қўшилди. Энди даврамиз анча кенгайиб қолган эди. Навбатдаги маишатбозликда янги сафдошимиз бизни уйига, меҳмонга таклиф қилди.

– Эртага менинг туғилган куним ҳаммангизни кечга таклиф қиламан, – деди ошнам.

– Менга қара, туғилган кунинг нимаси, кел, оналаримиз чеккан азобли кунни эсламайлик! Бечора оналаримиз бизларни туғаман деб қанча азоб, дард чеккан. Ўшаларнинг чеккан азобларини ёдига соламизми? Қўй, аждодларимиз қилмаган туғилган кунни биз нишонламайлик, илтимос, – деди ичимизда Соли туршак донолик қилиб.

– Нима-а-а, сиз замондан орқада қолиб кетганмисиз, Соли ака? Бутун бутун дунёда туғилган кунни нишонлаш мода, билдингизми? – деди ранглари оқариб, қалтираб.

– Тўғри, туғилган кунини қатта тантаналар билан нишонлайдиган сен айтаётган ўша дунё, айниқса ғарб халқларининг битта ёки иккита боласи бўлса бордир. Аммо бизларнинг оилаларимизда ўнтагача, баъзиларида ўн иккита боласи бор! Набиралар-чи? Демак, бизларга ўхшаган серфарзанд оилалар ҳар ойда икки-уч марта қариндошларини чақириб, «туғилган кун» қилаверсак,

бу – ҳар ойда камида иккита кичик тўй, дегани. Совғасаломларни гапирмаса ҳам бўлади. Хўш, охири нима бўлади? Одамлар туғилган кундан безиб, камбағаллар кўпаймайдими? Фарбда туғилган кунларда қўлларига қадаҳ олиб ичавериб, ёшларнинг олдида бемаза ишларни қилаверишиб, натижада уларда бола туғилиши кескин камайиб кетди. Ажралишларни гапирмаса ҳам бўлади, – деди.

– Соли ака, файласуф бўлиб кетинг-е! Сиздан ҳам ақлли фикрлар чиқаркан-да! – дедим кулиб.

– Сен Абдурашид кулма, мен бу балога гирифтор бўлишдан олдин тарих, география дарсликларини, Ленин, Маркснинг китобларини ўқиб чиққанман. Шунинг учун биламан. Масалан, Маркс, Лениннинг нечта боласи бўлган, Гитлерники-чи? Буларнинг боласи бўлмаган. Фарбликларнинг битта ёки иккита боласи бор. Тўртта одамни чақириб, туғилган кунини қилиб ўтказиб юборди. Бизнинг қавму қариндошларимиз-чи? Ота уруғ, она уруғ, куда-анда, келиннинг уруғи... Шунинг ўзи билан эллик-олтмиш киши бўлади. Қариндошларни туғилган кунга айтмай кўр-чи?! – деб тушунтира кетди. Уни гапини тинглаб бўлгач:

– Соли ака, кўпимиз зиёли, обрўли, бадавлат инсонларнинг фарзандимиз, нега бу аҳволга тушиб қолганимизга ҳеч ақлим етмайди-да? – дедим.

– Дўстим Абдурашид, ўзбекнинг зўрларини шу йўл орқали синдиришади. Зиёлиларнинг фарзандларини гумроҳ қилишади. Бу ҳам бир сиёсат. Биз ўша сиёсатнинг илк қурбонларимиз, – деди Соли ака.

– Соли ака, қўйинг шу сиёсат-пиёсат деган нарсаларни, ўзи борасизларми-йўқми? – деди ошнам.

– Кўпчилик нима деса шу, борамиз деса борамиз, йўқ деса йўқ-да!

Текин зиёфатга томоғи таққиллаб турган, сиёсат, иқтисод, келажак деган нарсалар заррача қизиқтирмайдиганларга бизларнинг гапимиз ёқмади.

Туғилган кунини нишонлаётган ошнаимизнинг исми Баҳодир, сафимизга яқинда қўшилган. Баҳодир ҳам баҳодирмисан баҳодир, полвон йигит. Гавда айикникидек, муштлари чақалоқнинг бошидек, юзлар лагандай, оёғининг размери қирқ беш, вазни ҳам юз килодан ортиқ келади. Отаси ўғлим баҳодир бўлсин, деб тинмай дуо қилганди. Дуоסי ижобат бўлиб, Аллоҳ унга паҳлавон ўғил берган. Аммо ақл ва фаросат сўрамаган шекилли, буни бермаган. Чунки ота бўлмиш ўғил сўраганди. Ўғлига кўшиб, инсоф, ақл, диёнат сўрамаганди. Пул бўлса ҳаммаси бўлади, деб ўйлаб катта хато қилганди. Ўзи маърифатдан узоқ бўлгани боис, Аллоҳдан нима сўрашни билмаган. Отанинг ёшлигидан майхўрликка ўргатгани боис, Баҳодир ичкилик, нашавандлик ва безориликда ном таратиб, машхур бўлди.

Эртасига сафдошимизникига бирин-кетин чўзилиб саккиз-тўққиз киши шомга яқин кириб бордик. Ким нима топса, ўшани олиб келди. Биримиз ароқ, бошқамиз вино, пул йигиб ҳар кунлик доридан олиб, судралганча Баҳодир полвонникига бордик. Баҳодирнинг отаси шаҳарда қурилаётган янги участкалардан бирига кўчиб борган экан. Бу маҳаллада асосан ўзига тўқ одамлар яшарди. Маҳалланинг кўчалари бошқа кўп маҳаллаларникига қараганда кенг, янги асфальт қилинган, уйларнинг янгилиги ҳам билиниб турар, ҳар бир хонадоннинг олдида баланд сўриларга узум ишкомлари кўтарилган, чиройли очилиб турган гуллар уй ва кўчага файз киритиб турарди. Кечки салқин бўлгани сабабли келин-қизлар кўчаларга муздай сув сепиб, ўзгача файз киритишаётганди. Кўчага сув сепаетган хотин-қизлар

бизларнинг кийим-бошимиз, юриш-туришимизни кўриб ирганишар, юзларини тескари буриб, баъзилари бурнини жийирганча: «Бу ёввойилар қаердан келиб қолди», дегандек ижирганиб қарашарди.

Авваллари бу ерга келиб юрган, Баҳодирникини биладиганлардан биримиз тўғри уйига бошлаб борди. Уларнинг дарвозаси очиқ эди. Секин чақириб кириб бордик. Ҳовли анчагина катта, замоннинг энг зўр уйлари-дан бўлиб, баланд, чиройли қурилган, улуғ меҳмонлар келадигандек сувлар сепилиб-супурилган, қўл ювадиган идишлар ёнига тоза сочиқлар илинганди. Ичимизда қўлини қачон ювгани эсида йўқларимиз ҳам бор. Бу эҳтиромни кўриб, оғзимиз очилиб қолди. Чунки бизларни бу каби иззат-ҳурмат билан яқин ўртада ҳеч ким кутмаганди. Мен-ку дадам сабабли анча-мунча меҳмондорчилик, меҳмон кутиш одобларини биламан. Ичимизда бунақанги ҳурматни умрида кўрмаганлар ҳам бор-да! Бу тайёр-гарликларга боқиб, одамнинг ҳаваси келарди.

Баҳодирнинг отаси халқдан тери, жун, мағиз, туршак каби нарсаларни арзон-гаровга олиб, давлатга қимматига сотаркан. Шунинг учун катта уй қуриб, барча шароитларни яратганди. Овозимизни эшитгач, ичкаридан Баҳодирнинг отаси салмоқлаб чиқиб келди. Ёши элликларга яқинлашган отанинг юзлари сўлгин, сочлари оппоқ, кўринишидан бир нарсадан кўрқаётганга ўхшарди. Бизни кўриши билан бурнини бир жийирди-ю, номига сохта табассум қилиб ичкарига таклиф қилди. Аслида биздан жиркангани юз-кўзларидан кўриниб турарди.

Кираверишдаги зиналардан бирига кўтарилиб, ичкарига кирдик. Уйнинг айвонига чиройли ромлар ўрнатилган, ичкаридаги катта хонага, айвон ва уйларга қипқизил гиламлар тўшалганди. Шерикларим кўзларига ишонмай гиламни кир қилиб қўймайлик деб, оёқларини авайлаб босишарди. Биз кирган хонанинг тўрида

энди русумга кирган «Аврора» номли рангли телевизор, «Весна» магнитофони турарди. Баҳодир креслога ялпайиб, телевизор томоша қиларди. Уйнинг ўртасига узун стол қўйилиб, унга оппоқ дастурхон солинган, усти турли ширинлик, мева чева, ҳар хил ичимликлар билан тўлдириб ташланган эди. Ичимизда бундай шоҳона дастурхонни кўрмаганларнинг янаям оғзи очилиб қолди. Бизни кўрган Баҳодир:

– Келинлар, келинлар, қани дастурхонга марҳамат, дўстлар, – деб креслодан туриб ҳаммамиз билан бир-бир кўришиб чиқди. (Худобезори бўлсакда) Ўтириб юзимизга фотиҳа тортдик, нонлар синдирилди. Дадаси чой олиб келди. Отасининг чой ташиётганини кўриб, ўзимни жуда ноқулай ҳис қилдим. Ота чой дамлаб келса-ю, бола бемалол ўтирса, ҳеч ақлга сиғдириб бўлмасди. Шартга ўрнимдан туриб қўлидан чойнакни олиб:

– Чойнакни менга беринг, ўзим дамлайман, сиз ўтиринг, – деб Баҳодирга қарадим:

– Ўрнингдан туриб ўзинг хизмат қилсанг бўлмайди-ми? Ўтиришингни қара, – дедим ярим жаҳл билан.

– Абдурашид ака, бугун туғилган куним, ота-онам «Ҳамма хизматни ўзимиз қиламиз. Сен ҳар куни хизмат қилишдан чарчагансан», деганлари учун ўтирибман, бўлмаса ҳамма ишни ўзим қилардим. Шундай эмасми, дадажон?! – деди дадасига ўқрайиб.

– Шундай-шундай, ўғлим сизлар бемалол ўтираве-ринг. Сизлар меҳмонсиз биз мезбон, – деб шошиб ташқарига чиқиб кетди. Баҳодир бўлса сигарет тутунини осмонга пуфлаб ҳеч нарса бўлмагандек бемалол ўтирарди. Шерикларим бу нарсаларга фаросати етмасди. Мени кўнглим синди. Иложсиз ўрнимга ўтирдим. Чунки меҳмонман. Меҳмон мезбоннинг ишига аралашши одобсизлик бўлади. Нон синдирилди. Дарҳол стол

устидаги шишалар очилди. Баҳодирга соғлик тилаб ичишни бошлаб юбордик. Ярим соатлардан кейин ота патнисда шўрва кўтариб кириб келиб қолди. Дарҳол ўрнимдан туриб патнисни олиб, шўрваларни тарқатиб чиқдим ва Баҳодирга қараб:

– Дўстим, мен гиёҳванд бўлсам ҳам, ота-онамни ишлатиб ўзим ялпайиб ўтирмайман, – дедим.

– Абдурашид ака, меҳмонсиз ҳаддингизни билинг, бўлмаса хафа қилиб қўяман. Улар менинг туғилишимга сабабчи бўлган бўлишса бордир, хизматимни ҳам қилишсин, тушунарлими ёки саволлар борми? – деди кўзларини лўқ қилиб. Қарасам жанжал чиқадиغان:

– Саволлар йўқ! Уларни розилигини олгин деяпманда. Нима бўлганда ҳам отанг! – дедим.

– Ҳўв, менга қаранг, шу ерда ўтирганларнинг қайси бири ота-онасини рози қилган. Бизларнинг бу ичишимиз, нашавандлигимиздан қайси биримизнинг ота-онамиз хурсанд? Ҳеч кимники, шундай экан, олдингизга қўйганларимни еб-ичиб, мазза қилиб ўтиринг. Ортиқча таълим-тарбия ҳақида гап бўлмасин, – деди овозини дўриллатиб.

«Унинг гапи ҳам тўғри, қайси биримизнинг ота-онамиз, қариндошимиз бизнинг бу жирканч ишимиздан рози», дедим ичимда ва шерикларимга қўшилиб кетдим. Едик-ичдик, навбат дорига келди. Уни билакларга урдик. Бир маҳал Баҳодирнинг кўзлари косасидан чиққудек бўлиб, бор овозида отасини чақирди. Отаси ҳам эшик олдида пойлаб турган экан, югуриб келди. «Ҳожатга бораман», деди. Уни елкасидан кўтариб олиб чиқиб кетди. Орадан ўн-ўн беш дақиқалар ўтгач, ҳовлида шовқин, бақир-чақир бошланди. Дўстларим таррақдай қотиб қолишганди. Бир амаллаб нима гап экан деб, гандираклаб ҳовлига чиқдим. Не кўз билан кўрайинки Баҳодир ота-онасини тиз чўқдириб, сўкаяпти. Уларни

урган шекилли, «болажоним»деб оёғига ёпишишиб ёлворишарди. Уларга нималар деб гапирди-ю отасини қаттиқ тепди. Ота вой-войлаганча йиқилиб тупшди. Она-сини сочидан бураб, ура бошлади. Бу аҳволни кўриб, кайфим ҳам тарқаб кетди. Югуриб бориб:

– Нима қияпсан, Баҳодир! Нега бу бечораларни уряпсан? Бизларни ёктирмаганингдан шу ишларни қияпсанми? – дедим кўзларимдан ўт чақнаб.

– Абдурашид ака, аралашманг, бу менинг оилам! Нимани хоҳласам, шуни қиламан, – деди.

– Яхши, эртага шефни олдида менга қилган муомаланг учун жавоб берасан. Ҳали ҳеч ким менга ўдағайламаган, ишингни ўйлаб қил, бола! Сени огоҳлантирдим, – дедим кўлимни пахса қилиб, кўзимдан ўт чақнаб, еб кўйгудек тикилдим. Гапим таъсир қилдими, уларни кўйиб юборди. Бир куни маст бўлиб бир-икки гиёҳвандни ургани учун Баҳодирни Сотим аканинг одамлари яхшилаб калтаклаганди. «Иккинчи марта бундай иш қилмайман, такрорласам ўлдирсангизлар ҳам розиман», деб қасам ичганди. Ҳар қанча маст бўлса ҳам еган калтаклари эсидан чиқмаган эди. Гапимдан кейин кўлини силтаб, сўкиниб ичкарига кириб кетди. Отасини ўрнидан турғазиб, ошхонага олиб кириб, сув ичирдим. Бечора тепкининг зўридан, оғриқдан инграб йиғлаб юборди. Онасини ҳам ичкарига олиб кирдим.

– Раҳмат болам, умрингдан барака топ болам, – деб навбати билан дуо қилишди.

– Менинг нимамага раҳмат дейсизлар. Мен ҳам ўғлингизга ўхшаган бир ҳайвонман, – дедим кўзларимни олиб қочиб.

– Нима бўлсаям, кўнглинг тоза бола экансан, Худо инсофингни берсин, – деди бечора она инқиллаб ҳақимга дуо қилди.

Мен жойимга қайтдим. Шерикларим ухлаб ётар, Баҳодир ҳам уларга қўшилиб хуррак отарди. Менинг уйкум қочди. Шерикларимга қараб: «Бу ишимнинг натижаси, охири нима бўлар экан? Эй Худо, менга инсоф бер», деган сўз тилимдан отилиб чиқди. Ўз ота-онасини азоблаган Баҳодирдан ҳозир шунчалар нафратландимки, наҳотки мусулмоннинг боласи шу даражага бориб етса, дердим. Ва «Ўзинг-чи, ўзинг?» деган ваҳимали ҳайқириқ ичимдан портлаб чиқди. Бу ваҳимали хаёллардан қутилиш учун стол устидаги ароққа ёпишдим. Шишаси билан кўтариб ича бошладим. Мен ароқ эмас, захар ичардим гўё. Бир оздан кейин ароқ ўз таъсирини ўтказди. Аммо уйкум келмасди. Гандираклаб ҳовлига чиқдим.

Ҳовли четидаги уйда чироқ милтилларди. Секин ўша томонга бордим. Ҳали Соли туршак тўғри айтганди. Бечора она ўғли Баҳодирни туққан кунини, чеккан азобларини эслаб йиғларди. Уни бағрига босганлари, оқ сут берганлари, бедор ўтказган тунларини, касал бўлганларида чеккан дарду ситамларини эслаб: «Болам бир куни кунимга ярар, деб ўйлагандим. Афсус болам улғайиб, куч – қувватга тўлгач, бошимга шу кунларни туширишини билганимда ўша пайтдаёқ ўлдириб юборардим. Боламни туққан кунларимга лаънат бўлсин, туғилмасдан ўлса бўлмасмиди?» дейди-ю яна «астафкуруллоҳ» айтиб, шайтоний хаёллардан Аллоҳдан паноҳ тилайди. Жон бермоқ, жон олмоқ – Аллоҳнинг иши, банданинг иши эмас. Боласининг жабру ситамларидан тўйган она: «Парвардигорим, ўғлим Баҳодирнинг азоблари жонимдан ўтиб кетди. Унга Ўзинг жазо бер. Сендан ўтиниб, ёлвориб сўрайман», деб юборди. Кўз ўнгимда осмон гумбирлаб, чакмоқ чакқандек бўлди, дунё қоронғилашиб кетди. Онахоннинг олдига кириб:



– Онажон болангизни қарғаманг, инсофини сўранг, бир кун яхши бўлиб қолар, – дедим ёлвориб.

– Бу бола инсофга келгунича мен ҳам адо бўламан. Шўрлик ота майиб бўлади. Биз йиқилсак ким бизга қарайди? Ҳолимиздан ким хабар олади? Ундан кўра бу бетавфиқ боланинг ўлгани яхши, болам! Сендан илтимос, ота-онагни биздек бўзлатма! Бу балойи азимдан воз кеч, ўғлим, воз кеч, – деб янада изтиробла ҳўнграб юборди. Бу йиғи жигаримни тешиб ўтгандек бўлди. Бехосдан онанинг юзига қарадим кўзларидан ёш шашқатор бўлиб оқар, оппоқ сочлари тўзғиб, ранглари сўлғин, тушкун бир кайфиятда эди. «Эй майхўрлик, гиёҳвандлик, биз ёшларни жуванмарг, умримизни паймол қилдинг», деганча ота-онамга қилган қўполликларим кўз олдимга келди ва ўзимдан уялиб кетдим.

– Онажон қарғаманг, Баҳодирга инсоф сўранг! Зеро, сизларнинг дуоларингиз Аллоҳ таолонинг даргоҳида мақбул. Бувамдан эшитганманки, бир онахон фарзандини уришиб, қарғаса «Олим бўлгур, Маккага имом бўлгур, валиюллоҳ бўлгур», деб қарғар экан. Онанинг бу койиш ва қарғиши аслида қарғиш эмас, дуо экан. Онанинг мана шундай дуоси сабаб ўша бола Маккага имом бўлиб минглаб одамларга пешво бўлибди. Бизларнинг оналаримиз ёшликдан бошлаб ёмон сўзлар билан болаларини қарғашади. Уларнинг қарғиш ва дуои бадлари сабаб болалар бахтсиз, қулоқсиз, одоб-ахлоқсиз бўлиб вояга етадилар. Болаларнинг бахтсизлигига оналарнинг ҳам хиссаси бор. Бу ишда сизнинг ҳам хатоингиз бор. Шунинг учун қарғаманг, – деб кетарканман, онанинг янада ҳўнграб йиғлаши бағримни тилиб юборди. Шерикларимга қарамасдан Баҳодирникидан чиқиб кетдим. Кўчаларни кездим, қалбимда қандайдир туғён безовта қиларди. Янги кун бошланди

дегунча, дорининг кучи кетиши билан кечаги куним унут бўларди. Яна гуноҳкорлар гуруҳига ошно бўлардим.

Кузнинг охирги пайтлари эди. Баҳодир кўринмай қолди. Шерикларимдан сўраб-суриштиришларини сўрадим. Унинг оёғи синиб, шаҳардаги шифохоналардан бирига тушиб қолганини айтишди. Кўргани бормоқчи бўлдик. Шифохонага бориб, ётган палатасини топдик. Аммо ичкарига киришга рухсат беришмади. Ялинсак ҳам «киришга рухсат йўқ», деб туриб олишди. Сабаби – Баҳодир жонлантириш бўлимида оғир ётган экан. Ҳамшира билан тортишиб турганимизда ичкаридан Баҳодирнинг отаси чиқиб қолди. Ҳамширага илтимос қилиб, битта менга рухсат олиб берди. Елкамга оқ халатни ташлаб, отасининг орқасидан эргашдим. Шифохонадан дори ҳидлари анқийди. Оппоқ халат кийган ҳамширалар у ёқдан-бу ёққа шошиб ўтиб қолишади, бири кўлида қоғози, яна қайсилари кушеткада ётган беморни судраб палатага олиб борарди. Ҳамма ўз иши билан оввора.

Отахоннинг орқасидан эргашиб бир хонага кирдик. Хона оппоқ бўлиб, баланд темир каравотда Баҳодир ётибди. Боши оппоқ бинт билан боғланган, икки оёғи гипсланган, тошлар осилган. Елкалари, бўйни ҳам гипсланган, оқ мато билан танғилган. Бу одамнинг қаери соғлигини ҳам билиб бўлмасди. «Худо билсин, бошдан-оёқ гипсланганми, ҳайронсан!» дедим ичимда.

– Шу Баҳодирми? – дедим зўрға.

– Ҳа, ука, мана шу ётган Баҳодир бўлади, – деди чуқур хўрсиниб отаси, – унинг кўзлари очик, аммо ҳозирча гапиролмайди.

Унинг гапидан сўнг Баҳодирнинг кўзларига боқдим, кўзлари менга мўлт-мўлт боқарди.

– Қалайсан, дўстим, аҳволларинг яхшими? – дедим. Менга тикилганча кўзларидан ёш томчилари юмалаб, ёноғига окди. Гапиришга ҳоли йўқ эди.

– Аллоҳнинг иродаси, ҳали яхши бўлиб кетасан сабр қилгин, – дедим.

У зўрға беўхшов тиржайди. «Яхши бўлмаслигимни билиб куляпсанми?» демоқчи бўлди шекилли. Олиб келган нарсаларимни олдига қўйиб, секин чиқиб кета бошладим. Қанийди бу даҳшатли ҳолатни кўришдан тезроқ узоқлашсам. Кечагина ҳамтовоқ бўлган ошнамга қарашдан борган сари кўрқиб кетаётгандим. Баҳодирнинг отаси мени кузатгани чиқди.

– Баҳодирни ким бу аҳволга солди? – дедим секин ерга қараб.

– Олган қарғишлари, ичган ичимлик ва чеккан нашалари шу кўйга солди. Ўғлимни асло бу ҳолатда кўришни хоҳламогандим. Аммо, начора, ўзим эркалатдим, ўзим шу кўйга солдим. Вақтида тергаганимда, эркаламаганимда шу кўйларга тушмасмиди? – деди кўзларидан ёш оқизиб.

– Ҳа, тақдири азал, – дедим нима деб тасалли беришни билмай.

– Ҳа, тақдир, бу азоблар бизнинг феъл-амалимиз самарасидир. Аллоҳ бандаларига ёмонликни хоҳламайди. Бизга нима яхши нима ёмонлигини яхши билади. Бизчи болаларимизни эркалатамиз, талгайтираамиз, бошларига оғир синовлар тушса, Аллоҳ таолонинг тақдирини айблаймиз. Аслида ҳаммасига ўзимиз айбдормиз, – деди.

– Ўзи нима бўлди, бир бошидан гапириб беринг, – дедим.

– Ўтган якшанба куни ҳаво совуқ эди. Тоққа тўйга борамиз, биз билан юр, деб мактабдошларидан иккита-

си келди. Мен: «ҳаво совуқ, бормагин» дея олмадим. Баҳодирнинг билганини қиладиган болалигини биласан. Улар тўйга боришибди. Бўкиб ичишган, эртасига тоққа чиқамиз деб яна «захри қотил»ларидан олишибди. Тоғнинг баланд жойига чиқиб, яна ичишибди. Баҳодир ўзини кўрсатиш учун пастда оқаётган сойга сакрайман, деб туриб олибди. Дўстлари шунча қайтарса ҳам қулоқ солмабди. Уларни туртиб-суриб, қаршиликларига қармай тепага чиқиб, ўзини пастга сувга отибди. Соининг қирғоғидаги харсангга урилиб, икки оёғи сонидан, товлари, икки елкаси майдаланиб синиб кетибди. Боши тошга тегиб ёрилибди. Икки қўл ҳам синган. Қисқаси, синмаган жойи қолмабди. Аммо ўлмай қолибди. Тезда шифохонага олиб келишибди. Докторлар бир неча соат ўғлимнинг синган суякларини битталаб териб, жойига қўйиб чиқишибди. Сўнгра менга хабар беришди. Бу хабарни эшитгач, жоним чиқай деди. Шифохонага кетиш олдидан онасига воқеани гапирган эдим. Йиғламади ҳам, аҳволини сўрамадиям, индамай ичкарига кириб кетди. Онасининг унга раҳми ҳам келмади.

Онасининг дуоси бунчалик тез қабул бўлганидан ёқамни ушладим ва муштипар онанинг дуоларини пардасиз қабул бўлганига шохид бўлдим.

– Менга шунча азоб берса ҳам барибир у болам! Унга раҳмим келиб ёнидаман, аммо ойиси келмади. Баҳодирни кечиролмаяпти. Мана бир неча кунки, аҳвол шу. Оғзига атала қуяман, оз-оз сув бераман. Ҳар замонда «мени кечиринглар», дегандек инграб қўяди. Мана, ўғлим Абдурашид, қарғиш, лаънат ва маишатбозлик балоси одамни қандай азобларга гирифтор қилади. Қарғиш ёшгина умрларни хазон қилади. Онаси тинмай «жувонмарг ўл, жувонмарг ўл», деб қарғар, мен бўлсам қарғаш ўрнига инсофини сўра, дердим. Онасининг қар-

ғипи Баҳодирни шу кўйга солди, – деди ота пешонасини чангаллагнича чуқур хўрсиниб.

– Ҳа, ёмон бўлибди! Аллоҳ шифосини берсин, – дедим.

– Албатта у жигаргўшам, Аллоҳ шифосини берсин. Сенга ўхшаганлар, гиёҳванд, ичкилик ичадиганлар шу аҳволотни кўриб, эшитиб ҳам инсофга келмаганларингизга ҳайронман. Бу ҳали ёруғ дунёдаги азоб-уқубат, охиратдагиси қандай бўлади, Аллоҳ билади? Нима бўлса ҳам, ўша кунни мени ва хотинимни калтақдан қутқариб қолганинг учун ҳаққингга астойдил инсофингни сўраб дуо қилдик, – деганича мени кузатиб кўйди.

Орадан саккиз ойлар ўтгач, Баҳодирни кўргани яна уйига бордим. Каравотда сочлари оппоқ, этлари суякларига ёпишган, қоқ суяк одам осмонга боққанча ётарди. Дард-алам, азоб инсонни шу кўйга солишини кўриб, ҳайрон қолдим. Дард филни пашша қилади, деганлари бежиз эмас экан. Унга қараб ачиниб кетдим, қип-қизил юзлар бўздай оқарган, нурсиз кўзлар маънисиз боқар, гўштар суякка қапишган, хумдек бош гўё қоқ суякка ёпиштирилгандек. Бу ҳолни кўриб, ёқамга туфладим. Ҳали ҳам оппоқ бинтлар билан ўралаганди. Унга ҳеч ким, ҳатто мен ҳам ёрдам беришдан ожиз, қўлимдан ҳеч қандай ёрдам келмаслигидан афсус чекиб тикилиб турардим. У менга қоқ суяк қўлини узатди. Қоқ суяк қўли мурданикидек совуқ эди. Этим жунжикиб кетди. Тезда қўлимни тортиб олдим ва ҳол-аҳвол сўрадим:

– Осмонга қараб, кўзғалолмасдан, ота-онаминг қўлига қараб ётибман, дўстим! Ота-онамни уриб-сўкканимнинг жазосини тортмоқдаман. Мен окпадар, расво одамман, Аллоҳ куч – қувват, соғлиқ-саломатлик берганида қадрига етмасдан, ҳаром ишларга сарфлабман. Ичкилик, бангиликка ружу кўйиб, гуноҳ ишларга ўзимни

урдим. Маст бўлиб муштипар онамни урдим, сочларидан судрадим, йиглаб ёлворишларига қарамай, раҳим қилмай азобладим. Унинг йиғи аралаш зорланишларидан роҳатланардим, нолалари зарра кўнглимни юмшатмасди. Мана оқибатини кўриб турибсан. Умуртқам синиб кетибди. Энди бир умрга юролмайман, ўрнимдан туролмайман. Бир пиёла сувимни ўзим ичолмайман. Афғарилиб ёнимга ҳам ётолмайман, шифтга бокқанча тақдирга тан бсриб, кечаю-кундуз ўлимимни кутиб ётибман. Тавба қилишга ҳам гоҳо тилим бормайди. Олқиш, дуо олганнинг умри узаяр экан, қарғиш ва лаънат умрни қисқартириб, бир кун уришини ўз кўзим билан кўриб, жисмим билан ҳис қилиб азобланмоқдаман, ўша қарғишлар самарасини тортиб, осмонга мўлтираб ётибман. Туну кун ётаверсанг уйку ҳам келмас экан. Кун кеч бўлмайди, тонг отмайди. Қачон ўлим келадию, бу азоблардан қутиламан. Аммо зерикмаслик учун бир амаллаб китоб ўқияпман. Кўп нарсани англаб етдим. Қилмишларимдан уяламан, дўстим! – деди йиглаб Баҳодир.

– Дўстим кошкийди, ўлим сабаб бу азоблардан қутилиб кетолсак. Қабр азобига дучор бўлиш, гўрдаги азоб бундан ҳам даҳшатли бўлиши мумкин. Шу сабабли тавба қил, ота-онангдан ҳар қуни, ҳар соат кечирим сўраб йиглаб, ёлвор. Менга ҳам инсоф сўраб дуо қилиб тур, хайр энди. Аллоҳ дардинга шифо берсин, тавбаларингни қабул этсин, – деб хайрлашар эканман, орқамдан унинг пиқ-пиқ йиғлаганларини эшитиб борардим.

Унинг мунгли ва изтиробли кўз ёшлари юрагимни яна ва яна тилка-тилка қилди. Майхўрлик, гиёҳвандлик бу дўстимни ҳам гулдек ёшлиги, новқирон умрини хазон қилди. Шу аҳволда бир неча вақт ётди. Оила қуриб ўзидан на бир зурриёт, на бир хайрли амал қолдирмай, азобу укубатларда оламдан кўз юмди. Бечора ота боласининг ўли-

мида ўзини айбдор санаб, «Сенга тўғри тарбия беролмаган отанг ўлсин, болам! Сени шу кўйларга солганларнинг уйи кўйсин, болам! Улар ҳам болаларининг устида мен каби фарёд чексин, болам!» деб гиёхванд модда тайёрловчи, бу дардга ўргатувчиларни, сотувчиларини тинмай дуоибад қилар, онаси отасидан ҳам ўтиб қарғанар, юм-юм йиғлаб, охириги манзилга кузатишда тоқат қилиб бўлмас даражада фарёд чекарди. Қалбим: «Наҳот бу йиғилар, қарғишлардан кўркмайсиз, наҳот «болам»лаб йиғлаётган оналар қарғишидан кўркмайсиз, эй нотавон гиёхвандлар, дорифурушлар, ҳаромдан дунё топувчилар?! Бечора муштипар онага, отага бир қаранг, уларнинг кўз ёшлари сизларни ҳам бир кун оқизиб кетишини наҳот ўйламайсизлар? Биласиз, қалбингиз азобда, руҳингиз безовта, аммо нафс деган балонинг кулисиз. Нафс бир кун домига тортиб, маломату азобларга солишини ҳис қиласиз, билиб-кўриб ҳам шу ишларни қиласиз. Охири нима бўлса бўлар дейсиз. Ҳар бир разиллик, маъсиятнинг охири вой бўлишини унутманг!» деб сирли нола чекарди.

### СОЧИДАГИ САРГУЗАШТЛАР

Шундай қилиб, ўн гулидан бири ҳам очилмаган яна бир навқирон шеригимиздан айрилдик. Аммо бу ҳодисадан етарли ибрат ололмадим, нафсимни жиловлай олмадим. Бу дард борган сари мени домига чуқурроқ тортиб борарди. Дадам урди-сўқди, бўлмади. Бир куни уйимизнинг ертўласига панжарали уй қамоғи тайёрлаб, қамаб ҳам кўйди. Дод десам, биров эшитмайди. Дард, дорининг хумори адойи тамом қилар, бир марта укол қилиб кўяман деган одамга жонимни, боримни тортиқ қилишга тайёр эдим. Кўзларим косасидан чиқиб кетгудай бўлар, аъзойи-баданим қақшаб оғрирди. Шу пайт онам овқат кўтариб кириб қолдилар.

– Сақолимни олмоқчийдим, сақол оладиган асбобим билан лезвия олиб келиб беринг, – дедим. Онам айтганларимни олиб келди. Лезвияни олиб, шундоқ онамнинг кўз олдида қорним, билакларимни тилиб ташладим, қон шовуллаб оқа бошлади. Бу ҳолни кўрган онам додлаб югурганича дадамни чақириб келди. Ҳамма жойим қонга беланганини кўрган дадам кўрқиб кетди, тили калмага келмай қолди.

– Дарҳол бу ердан чиқармасанглар, ўзимни ўлдираман, – дедим бор овоз билан бақириб.

Аҳволимни кўриб кўрқиб қолган дадам дарҳол панжара эшигини очди. Оиламизга қараб турадиган докторни чақирди. Унгача қонни тўхтатиш учун ҳамма жойимни бинт билан ўраб, дорилардан суртиб ташлашди. Тезда етиб келган доктор аҳволимни кўриб, гап нимадалигини дарҳол фаҳмлади, тинчлантирадиган укол қилди. Яраларимга қайта-қайта дори суртиб, қонларни тўхтатди. Бир соат нари-бери укол тинчлантирса-да, яна дард кўзиди. Шартта ўрнимдан туриб, ота-онамнинг ҳай-ҳайлашига қарамай тўғри Сотимнинг уйига югурдим. Уйининг эшигини қаттиқ тепа бошладим. Менинг шовқинимдан саросимага тушган Сотим эшикни очди. Ундан рухсат сўрамай туртиб юбориб уйига бостириб кирдим. Қон кўйлақларим, боғланган қўлларим, кўмкўк баданимни кўрган Сотим ака кўрқиб кетди.

– Сенга нима бўлди Абдурашид? – деди у дудуқлашиб.

– Ҳеч нарса, доридан олиб чиқ! Ҳозир ўлиб қоламан, сен ифлос мени шу кўйга солдинг! Худо жазойингни берсин, – деб сўкина кетдим.

– Тинчлан, укажон, ҳозир укол қилиб юбораман, ҳаммаси ўтиб кетади, – деб томиримга дори юборди. Энди дори кайф ҳам бермасди. Охирги пайтда гиёҳванд



моддани фақат суяк ва баданларим оғримаслиги учун оладиган бўлгандим. Укол олиб тинчлангач, пулини ҳам бермай чиқиб кетдим. Гиёҳвандлик шундай дард-ки, дориси топилмаса, ҳар қандай ишга тайёр бўласан. Иймонингдан кеч деса кечасан, ўзингни ўлдиришдан ҳам тоймайсан.

Эрталаб жароҳатланган жойларим қаттиқ азоб берди. Биз гиёҳвандлар жисмимиздаги оғриқни кетказиш учун ҳамма нарсага тайёр инсонлармиз. Керак бўлса, бир умр топган молу дунёмизни бир марталик гиёҳванд моддага алмаш деса, алмашишга тайёр бўламиз.

Гиёҳвандликка муккасидан кетган илк кунларимнинг бирида Сотим ака мени Розаникига бошлаб келди. У билан таништиргач:

– Роза опангнинг уйи хавфсиз, бемалол дамингни олишинг учун ҳамма имкониятларни яратиб беради. Дори керак бўлса, ўзи топиб беради. Ҳеч қандай муаммога дуч келмайсан. Жононларнинг ҳам энг зўрлари билан таништиради, – деб Розага қаради. – Роза, бу йигит энг қадрдон укаларимиздан бўлади. Отаси ҳам шаҳарда кўзга кўринган акахонлардан. Хафа қилма, айтганларини бажар. Укамиз бойвачча йигит, яхши нарсалар учун пулни аямайди. Бугун шу ерда қолиб дам олади.

– Хўп бўлади, Сотим ака! Сизнинг қадрдонингиз бизнинг қадрли меҳмонимиз бўлади, – деди аёл ялтоқланиб.

– Бўпти, мен кетдим, яхши қолинглар! Абдурашид, хайрли тун. Маза қилиб дам олинг, – деб чиқиб кетди. Орқасидан Роза ҳам эргашди. Дарвоза олдида Сотим ака унга нималарнидир тайинлади.

Ҳикоямнинг аввалида таништириб ўтган уйда юрагим сиқила бошлади. Бир оздан кейин Роза қайтиб келди. Менга хунук табассум қилиб:

– Укажон энди зиёфат уюштириш ва жононлар учун озгина эрийсиз-да! – деди мени синамоқчи бўлиб. Ўзимни кўрсатмоқчи бўлдим ва чўнтагимдан бир даста пул чиқариб:

– Етадимми? – деб сўрадим.

– Бошланиши чаккимас, сиз ўтириб туринг, мен ярим соатда ҳамма нарсани еъ қиламан, – деб чиқиб кетди.

У кетгач темир каравотга солинган кирдан рангини билиб бўлмайдиган, бадбўй ҳидли кўрпа устига чалқанчасига ётиб, унинг алебастр билан сувалиб ёрилиб кетган чий шифтига қараганча ўйга толдим. Инсонда тарбия, маданият бўлмаса, фаҳму фаросат бўлмаса қийин экан. Озгина алебастр билан шифтларни суваб, деворларни бўяб қўйса бўлади-ку, аммо шу ишларга ҳам эътиборсизлар бор. Ҳаммасига ялқовлик, дангасалик, ҳафсаласизлик айбдор. Ёниб турган чироқнинг симлари ҳам очилиб ётибди. Қачонлардир куйган симнинг қора доғлари кўриниб турибди. Шифтдаги патроннинг ҳам бир томони синган, ёпишқоқ тасма билан ўраб қўйилган. «Эҳ, Абдурашид, наҳотки сен шу даражага тушиб қолдинг? Ўзингни кимларга тенг қилдинг, энди дўстларинг ана шу бетайинлар бўлдимми?» дея хаёл суриб ётиб кўзим илинибди. Орадан қанча вақт ўтди билмадим, эшикнинг тарақлаб очилишидан уйғониб кетдим. Роза қўлида икки-учта пакет ва ёнида иккита сулув қиз билан кириб келди. Уларнинг овозидан сесканиб ўрнимдан секин турдим. Ёнидаги қизлар салом беришди. Биттаси рус, бошқаси ўзбекчани русчага, русчани ўзбекчага аралаштириб гапирадиган «чала ўзбек» қизи эди. Устларига тор кўйлак кийган, сепган атир-упалари димоғимни ёрай дерди. Иккиси ҳам бир-биридан гўзал, ёшлари ҳам йигирмадан нари-берида эди. Улар дастурхон тузашга киришиб кетди. Роза бўлса хурсанд:

– Укажон, танишганимиз муносабати билан бир бошлаб ош пишираман. Ошимнинг мазасини қўмсаб, соғиниб тез-тез келадиган бўласиз. Қизларим ошимдан ҳам ширинроқ. Сенга қизларимни таништирмабман, буниси Ларисичка, буниси Лўлохон, – деди Лола деб айтолмай, – Лўлодек очилиб турганини қаранг. Буларни унча-мунча одамга такдим қилавермайман. Энг азиз меҳмонларим бу гулларни ҳидлаш бахтига муяссар бўлади. Қани қизлар, менга ёрдамлашиб юборинглар. Пакетдагиларни чиқариб, дастурхонга қўйинглар, – деди.

Пакетдан одатий бир неча шиша ароқ, салатлар, нон ва бошқа нарсаларни тарелкаларга солиб, дастурхон устига қўйишгач, ош пиширгани ошхонага чиқиб кетишди. Бу қизларни кўрган одамнинг кўзи кувнайди. «Ичлари ҳам шундай гўзалмикан? Уларнинг кўпи одатда турли касаликка учраган бўлади. Агар атир-упа сепиб юришмаса, улардан келадиган бадбўй ҳидга чидаб бўлмайди. Айниқса, иссиқ кунлари яққол билинади. Уларнинг чиройли юзларига, нозу карашмаларига учганларнинг кўпи адашади. Юзлари чиройли, қалблари кир, дарди бедавога учраган бу каби аёлларнинг қанчасини кўриб, қочиб юришимга сабаб шуки, булар мени асло қизиқтирмай қўйди. Улардан жирканаман. Бундайлар аёллик номига иснод келтиришдан бошқасига ярамайди. Айниқса, ўз нафсини жиловлай олмаган йигитлар буларнинг тайёр ўлжаси ва қурбонига айланади».

Шу ҳақда хаёл суриб турганимда иккита эркак кириб келди. Улардан биттаси Соли ака эди. Бу одам билан шу хонада илк бор танишдик. Ош пишди. Дастурхон атрофига уч эркак, уч аёл ўтирдик. Шишалар очилди. Тилаклар билдирилди. Ўйин-кулги, қуйиш-ичиш бошланди. Шайтоннинг суви ҳаммани ўзига ром қилди. Магнита-

фонда гоҳ ўзбекча, гоҳ чет эл мусиқа ва ашулалари янгради. Менинг дардим тезроқ дорини қабул қилиш эди.

– Ҳа, укагинам! Қизларим ёқмадими, хомуш ўтирибсиз. Буларни касал бўлса керак, деб қўрқяпсиз, шундайми? – деди Роза.

– Тўғри, касал аёллардан қўрқаман, – дедим.

– Асло, қўрқманг! Роза опангиз иллати борларни уйига етаклаб келмайди. Булар энг тозалари, кўнглингизни хотиржам қилинг, – деди.

Розанинг гапидан сўнг хотиржам бўлдим. Навбат гиёҳванд моддага етди. Роза ичкаридан оқ қоғозга ўралаган оппоқ дорини олиб чиқди. Уни тайёрлаб, эркаклардан бошламоқчи эдим:

– Биринчи хонимлардан бошланг, жаноби олийлари, – деди Роза.

– Бу хонимчалар ҳам ўзимиздан экан-да! Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ ойимчалар, – деб бироз калака қилган бўлдим.

– Биз бу дориларни қабул қилишга кексалик қиламиз, юрагимиз кўтармайди. Ўзларинг бемалол қабул қилавeringлар, менга ароқнинг ўзи кифоя, – деди Роза.

Дори ўз кучини кўрсата бошлади. Шайтон бор вужудимизни қамраб олди. Дори ҳаммани йиқитди. Шу тариқа Роза ва унинг гумапталари билан танишув бошланганди. Уларнинг ичига кирганим сари турли миллатдаги йигит-қизларни кўриб, бир дона укол учун ҳар нарсага тайёр хайвонсифат одамлар сафига жипсроқ яқинлашардим. Дадам бўлсалар, бу дарддан қутқариш ва узоклаштириш учун бир неча бор бангиларни даволовчи махсус шифохонага ётқиздилар. Аммо фойдаси бўлмасди. Чиқишим билан дўстларим атрофимда гирдикапалак бўлар ва яна сафларига қўшиб олишарди. Дадам бошқа яна бир усулни қўлламоқчи бўлди. У ҳам бўлса мени Сочи-

га дам олишга жўнатиб, дўстларимдан узоқлаштириш, мусофирликни кўрса зора ақли кириб қолар деб ўйлаб, Сочига йўлланма олиб келдилар. Нарсаларимни жомадонга жойлар эканман, унинг тагини йиртиб, героиндан солдиму яна тикиб қўйдим. Дадам жомадонимдаги нарсаларимни битталаб текшириб, дори йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, самолётга чиқариб юбордилар.

У пайтда гиёҳванд моддалар қаттиқ назорат қилинмагани боис текширувдан бемалол ўтиб кетдим. Сочига етиб бордим. Ўзим билан қовун, анор каби совғалар олгандим. Сихатгоҳга жойлайдиган аёлга уларни совға қилиб бердим. Ўзимга алоҳида зўр хонани берди. Ҳар куни муолажага бораман, денгизда чўмилиб, офтобда мириқиб ётаман. Кечаси ўрнимдан туриб, ҳеч ким кўрмайдиган жойга бориб, кичкинагина гулхан ёқаманда, дори тайёрлаб ўзимга укол қилиб юрдим. Одатимга биноан яна бир кеча олов ёқиб, доримни тайёрламокчи бўлганимда, олдимда сочлари ўсиб кетган икки барзанги йигит пайдо бўлди ва кавказ шеvasида:

– Что ты тут делаешь, кто ты такой? – деди ёқамдан олиб. Бопқаси кичкина салафан пакетдаги игна ва до-риларимни топиб олди ва:

– Оказывается он наркоман, здесь для себя кое-что готовит, – деди.

– Ты знаешь, это наша территория, без нашего разрешения никто не имеет право заниматься тут разными делами. Ещё раз спрашиваю, откуда ты? – дедию ғазаб билан юзимга бир тарсаки туширди. Рус тилини унча яхши билмаганим, бундай одамларга авваллари сира йўлиқмаганим боис, титраб-қақшаб зўрға:

– Узбекистан, Ташкент, – дея олдим.

– Что это? – деди бири дори солинган халтачаларни кўрсатиб.

– Нарката, – дедим.

– Значит, ты наркоман! Есть ещё наркотики?

– Да, да, в гастинисе, – дедим чала-чулпа русчалаб.

– Хорошо, сейчас пойдешь в гостиницу и возьмешь все свои запасы и с нами пойдешь! Только не забудь, если обманешь, тебе хана будет, – деди бошмалдоғи билан кекирдагига ишорат қилиб.

Меҳмонхонага кириб, «дори»ларимни олиб чикдим. Озгинасини ҳар эҳтимолга қарши беркитиб кўйдим. Улар мени олдиларига солиб, кўзимни боғлаган ҳолда машинага судрашди. Атроф зим-зиё, гўё мени ўлдиргани олиб кетишаётгандек хаёлимга ҳар хил бўлмағур ваҳималар келади. Ичимда: «Ла илаҳа иллаллоҳ...» деб калима қайтариб боряпман. Ҳа, инсоннинг бошига ўлим яқинлашса, дарҳол Парвардигорни эслаб, гуноҳлари кўз олдидан турнақатор бўлиб ўтаркан. Жони ширин туюлиб, уни сақлаб қолиш учун ҳар қандай ишга тайёр бўларкан. Наркоманлигим ҳам эсимдан чиқиб, нукул калима қайтарардим. Машина ярим соатлар чамаси юргач, бир ерда «ғийк» этиб тўхтади. Мени машинадан тушириб, кўзимни очишди. Қора латта олингач, кўзим ёруғликка дош беролмай бир муддат қамашиб турди. Яхшироқ эътибор билан қарасам, бир ҳовли олдида турибмиз. Ҳовли кичкина, бежирим, уйлар рус халкининг эртақлардаги эски уйларига ўхшатиб дид билан қурилганди. Ичкаридан чиқроқ ёруғи тушиб турар, қандайдир чет эл мусикаси янграр, у ердан эркагу аёлларнинг қийқирик-шовқини эшитиларди. Барзангилардан бири эшикни очди, бошқаси елкамдан туртиб ичкарига итариб юборди. Учиб кетай дедим ва уйнинг ўртасида ўзимни бир амаллаб тўхтатиб қолдим. Хона анчагина катта экан. Ўртада стол, курсилар, столда турли туман нозу неъматлар, ичкиликлар қўйилган, хона спиртли ичимлик ва наша-сигаретанинг ҳиди-

дан сасиб кетганди. Бирданига мусиқа тўхтади. Сочлари елкасига тушган барзангининг олдида тўхтадим. Унга ярим яланғоч нккита қиз суйкалишарди. Менинг учиб киришимдан ҳаммалари ўйинни тўхтатиб, бу бахтиқаро ким бўлдийкин, деб ажабланганча менга қарашди. Рўпамдаги барзангига яхшироқ тикилиб қарадим. Кўзлари чакнаган, сочлари узун, мўйловлари оғзининг ярмини ёпган, бўйнига қалин тилла занжир осган, ҳар бармоғига қимматбаҳо катта узуклар таққан эди.

– Что случилось? – деди барзанги мени олиб келган йигитларга.

– Мы привезли того парня, о котором наши ребята сообщили, – дейишди.

Йигитларнинг сўзидан кейин барзанги менинг озғин танамга ва қўрқувдан титраётган қўлларимга ва оқарган юзимга бепарволарча тикилиб:

– Ты откуда парень? – деди русчага кавказча шева-ни аралаштириб.

– Узбекистан, Тошкент, – дедим яна.

– Значит, из солнечного Узбекистана. Что ты делаешь на нашей территории, – деди у ўсмоқчилаб. Мен унга келишим боисини чала-чулпа тушунтирган бўлдим. Йигитлардан бири салафандаги «дори» ва игналарни кўрсатиб:

– Вот его наркотики, – деди. Нарсаларимга синчиклаб кўз югуртирган мўйлов:

– Хорошо, теперь приготовь к нам свои «лекарства», попробуем как действует узбекская наркота, а потом спокойно обсудим твое будущее, – деди.

Ишга киришиб кетдим. Дорини тайёрладим. Йигитлардан бири ўрнидан туриб, эҳтиёт юзасидан аввал менга, сўнг бошқаларга укол қилиб чикди. Менинг «дорим» уларга маъкул келди. Санаторияда дам олиш

қолиб, гиёҳвандларнинг тайёр малайига айландим. Ҳар кеч дори тайёрлайман, эркак ва аёл гиёҳванд мубталоларга укол қиламан. Бу дард бу ердаги ёшларни ҳам аллақачон ўз домига тортган экан. Турли ёшдаги йигитлар, айниқса, қизларнинг бу дардга гирифторлиги ақлингни шоширади. Биттагина «патрон» (укол) учун қизлар сенга худди чўридай, айтганингни бажаради. Нима иш буюрсанг тайёр. Булар она бўлиш, ўзидан соғлом зурриёд қолдириш ҳақида умуман ўйлашмайди. Буларнинг бор дарди-хаёли бугун кимдан дори билан сийланиш, дорига пулни қаердан топиш муаамоси билан банд.

Кечкурунлари доридан қарз бўлиб қолган, гиёҳванд моддаларни вақтида етказиб келолмаган кўпларни азоблашарди. Азоб берганда ҳам уларга одамнинг ақли ҳам етмайдиган қийноқ усулларини қўллашади. Одамлар давлатнинг қонун-қондасидан эмас, бу кабиларнинг зулмидан қўрқишарди. Бу ишлар ўшанда шўролар давлатининг аҳволини, унинг таназзулга юз тутаётганини кўрсатарди. Наркотик савдоси корчалонлари жиноят олами хукмдорлари сафидан жой олган бир тоифа экан.

Мен хизмат қилаётган жиноятчи гуруҳ бошлиғи бувалари ва яқинлари урушнинг машаққатли даврларида ўзбеклардан яхшилик кўрганлардан экан. Шу сабабли у менга яхши муносабатда бўлди. Бу ердаги хўрланганлар ва азобланганларни кўриб, ажодларимизга минг раҳмат дедим. Ҳатто жиноятчи каллакесарлар, ўғрилар оламининг зўрлари ҳам ажодларимизга нисбатан ҳурматлари беқиёслигини кўрдим. Қачонлардир уларнинг юртимизга оч-яланғоч келганларида қилган яхшиликлари биз авлодларни турли ўлимлардан сақлаб қолиб, ҳурматимизни ҳам жойига қўйилишига сабабчи бўлаётган эди. Биз-чи, биз? Масалан, мenden нима қолади? Бу тўғрида ўйлашга ақл-фаросатим етармиди!



Шеф мен билан тез-тез суҳбат қураб, кўпроқ бу-  
вамнинг кийинишлари, юриш-туришлари, уйимизга  
келадиган меҳмонлар ва уларга қилган хизматларимни  
гапирсам, жим ерга тикилганча узоқ тинглаб ўтирарди.  
Яна бир куни шеф олдига чақириб, мен билан суҳбат  
қураб экан:

– Братан, как ты попал на эту грязь? – деб сўраб қол-  
ди. – Как я знаю, твои предки самые уважаемые люди в  
мире. Ты даже не представляешь, узбеки какой великий  
народ. По твоим рассказам, твой дед был очень хоро-  
шим человеком, раз так, тебя не стыдно так ходит? Тебе  
мой совет как можно по-быстрее уходи с этого грязя.  
Если уважаешь своих предков, иди по их дорогам, бро-  
сай наркотиков. Отправляйся домой. Здесь тебя грозит  
опасность. Сегодня или завтра попадешь в капкан, посе-  
ле этого даже я при всей желаниии не могу помочь тебе.

Ҳамма нарса ҳам бора-бора одамни зериктиради,  
юрагини сиқади. Буларнинг ичида юриш мени ҳам зе-  
риктириб юборди. Юртнинг соғинчи қалбимни ўртарди.  
Шеф Заур (унинг исми шунақа эди, ўзи мусулмон экан)  
Сталин зулми сабабли бизнинг юртга бориб, ота-бобо-  
ларимиз кўмаги сабаб тирик қолган кавказликларнинг  
фарзанди экан. Агар ота-боболарига бизнинг аждодлар  
ёрдам бермаганида ҳаммалари ҳалок бўлиб кетишлари  
аниқ экан. Аждодлари болаларига ўзбек халқининг бу-  
ларга кўрсатган ёрдамини такрор-такрор айтиб, бизга  
бошпана берган «бу халқнинг болаларини қўлингиздан  
келса, ҳимоя қилинлар», дейишган экан. Оталарининг  
васиятларига содиқ бўлган бу йигит мени қўйиб юбор-  
ди. Унга миннатдорчилигимни билдириб, маслаҳати  
билан она юртим – Ўзбекистонга қайтдим.

Бу балонинг ортидан бошимга нималар тушмадим  
ва неларни кўрмадим. Қанча ўлимлардан қолмадим.

Юртимга қайтгач, энди бу юришим, бу гуноҳимга нисбатан қалбимда нафрат туғён кўтарганди. Аммо бу иллатдан қутулишга иродам етмасди.

Дам олишдан қайтганимни эшитган дўстларим яна ўз сафларига тортишди. Орамизда гиёҳванд аёл ва қизларнинг сони ҳам кун сайин ортиб борарди. Улар билан бирга ўтирганимда насихат қилиб қолардим:

– Сизлар улуғ алломаларни дунёга келтирган, юртимиз донгининг дунёга танилишига улкан хизмат қилган оналаримизнинг зурриёдларисиз. Ота-боболаримиз, оналаримиз фарзандларини соғлом, ахлоқли инсонлар қилиб тарбиялаш учун ҳаром ва шубҳали нарсаларга яқинлашишмаган, асло хиёнат йўлига юрмаган, зиннинг номини эшитишдан ҳам қўрққанларнинг қизларисиз. Мусулмон аёлларнинг бу ишлар билан шуғулланиши ор ва иснод эмасми? Бу ишларингизнинг оқибати ўлим билан тугашини била туриб, гиёҳвандлик йўлини нега тарк этмайсизлар?

– Ўзингизчи ёки сиз каби эркаклар-чи? – дея аёллар ҳам ҳужумга ўтиб қолишарди. – Амир Темурдек саркарданинг, буюк уламоларнинг набираю-абиралари эмасмисиз?! Нега бу дарди бедавога учраб юрибсизлар?! Жамиятимизда гиёҳвандларни кўпайтиришни мақсад қилганмисизлар? Аслида биз ҳам сизлар каби Сотим каби айёр тулкиларнинг тузоғига тушиб, алданиб, мана шу дарди бедавога учраб юрибмиз. Оқибатимиз ўлим билан тугаши, ҳаётимиз фожиадан иборатлигини биламиз, кўнгилдан ҳис қиламиз. Аммо бу дард, нафсимиз бизни ҳамма нарсадан воз кечишга мажбур қиляпти. Ўзи бундан қутулишнинг чораси борми? Бўлса, айтинглар! Бу дарддан қутилиш учун шифохоналарда озгина даволаниб қайтсак, йўлимизда яна сиз ва Сотимхон қабилар пайдо бўлади, таҳдид қилади...

Ҳа, гиёҳвандлик ҳаёти улкан фожеа! Ҳар куни томирингизга игна санчаверсангиз, охири нима бўлади? Томирлар илма-тешик бўлиб кетади. Бир йилда уч юз олтмиш беш кун бўлса, ҳар куни бир мартадан томирингизга игна санчсангиз, ўн йилда уч минг олти юз эллик беш марта томирингизга игна санчишни ўйлаб кўринг! Соғ жойингиз қоладими? Дориларнинг қолдиғи ва шираси томирларни қоплаб, бора-бора қоннинг айланиш йўллари тўсиб қўяди. Томирлардаги қон айланмай қолгач, инсон ўлади. Озгина сохта роҳатни, карахтликни, бир неча соатда ўтиб кетадиган мастликни деб ўзимизни не кўйларга солиб, оғир гуноҳлар қиламиз? Ширин жонимиз, олтидан қиммат соғлигимиз ва умримизни йўқотамиз.

Гиёҳвандларнинг бошига тушадиган мусибатларнинг бир шингилинигина гапирдим. Чунки ҳаром, касофат бу ишнинг турган-битгани таҳликали, ҳалокатга бошловчидир. Ўз қадрини билмаган, кимлигини унутиб, ҳайвоний ҳирсга берилган гиёҳванд, майхўр инсонларнинг бошларига илоҳий раҳмат ёғилиб, саксон-тўқсон йил яшаганлари борми? Бўлса, айтинг! Обрў-эътибор топиб, «ҳурматли фалончи муҳтарам гиёҳванд, арокхўрларимиздан» деб қарсақлар билан олқишланганлари борми? Узоқ умр кўриб, фарзандларининг орзу-ҳавасини кўриб, бахтли яшаган гиёҳвандларни кўрганмисиз?

Қаерга борсак, биздан нафратланадилар, ҳайвондек муомала қиладилар, жирканадилар. Бунинг устига қилган гуноҳларимиз жазосиз қолармикан? Балки, бу ҳикояларим сизга кулгили кўринар? Аслида ҳаммаси ҳақиқат. Бу балойи азим орқали кўп дўстларимнинг бошларига турли офатлар ёғилди. Бирортасининг бахтли бўлганини кўрмадим. Ҳаммаларининг охири мудҳиш фожеа ва оғир мусибатлар билан якун топди. Балки ишонмасиз,

дўстларим учраган синов, оғир жазоларини эсласам вужудим титраб, қалбим безовта бўлади. Дўстларимдан яна бири ўз гуноҳининг қурбонига айланганди. Унинг ҳам ҳаётини ҳикоя қиламан.

### НОРҚУЛНИНГ ФОЖИАСИ

Норқул исмли яна бир сафдошимизнинг отаси ароқхўр эди. Ўғлига кичиклигидан ичкилик ичишни ўргатибди. Отаси ҳар доим ичиб юргани боис ўғлига: «Ёшлигингдан ичкилик ичиб борсанг, каттарганча жисминг ичкиликка, спиртга мослашади. Улғайганингдан сўнг ичишни бошласанг ароқхўр бўлиб қоласан», дея оз-оз ичириб, ўғлини майпараст қилиб қўйибди. У отаси айтгандек ароқхўр эмас, ундан ҳам бадтарроғи гиёҳванд бўлиб қолди. Ёшлиқдан спиртли ичимликка ўрганган аъзоларга сиртнинг кучи камлик қилганмиш, янада кўпроқ маишат қилиш мақсадида гиёҳванд моддани татиб кўргач, балойи офат уни чирмаб олибди. Қаранг-а, қандай оталар бор, фарзандини ёшлиқдан бошлаб маст қилувчи ичимлик билан тарбияламоқчи бўлибди.

Норқул улғайгач, тарбияли бола сифатида маст бўлиб, элликдан ошган отасини бир неча бор калтаклабди, роса таъзирини берибди. Ана шундагина отанинг кўзи очилиб, боласига кўрсатган йўлининг мутлақ нотўғри эканини англаб, пушаймонлар чекибди. Нега бандаи ожиз пушаймон қилмасдан олдин шу тўғрида ўйлаб кўрмайди? Нега бир ишни қилишдан олдин олим, зиёли ва кексалардан маслаҳат сўрамайди? Бир ишни қилиб қўйгач, гуноҳга йўл қўйгачгина маслаҳатчиларни излайди.

Норқул кўп болали бир аёл билан танишиб қолибди. Аёлнинг бошини айлангириб, ўзига ром қилибди. Аёл ҳам эридан яширинча спиртли ичимлик ичадиганлар хилидан бўлиб, шаҳар четидаги қишлоқлардан бирида

яшаркан. Эри дехқончилик қилиб ҳалол меҳнат билан болаларини боқар, хотин эса бой бўлиш, бунинг учун ҳар қандай йўл билан бўлса-да пул топиш илинжида экан. Эрига сездирмай бир «шаҳзода»ни топиб, ўйлаган ниятига эришишни мақсад қилибди. Гиёҳванд йигит бу аёлни турли ёлғон-ҳийлалар билан «Тижорат қилиб, бойиб кетамиз, сен эрингдан, мен хотинимдан ажраб, бирга зўр яшаймиз» деб алдар, молларини соттириб, пулларини еб юраркан. Бойлик ишқида куйган бу аёлни нафси шайтон ўрабди. Иш шу даражага бориб етибдики, ўйнаш эркак аёлнинг уйига боришдан, уникида ишрат қилишдан ҳам тап тортмай қўйибди. Фаҳш, зино, бангилик шунақа нарсаки, шаҳар-қишлоқ демайди. Шарманда бўлишдан кўрқитмайдиган, иффат, ҳаёнинг йўлини тўсиб ташлайдиган балою офатдир.

Булар тўғрисида қишлоқда турли миш-мишлар тарқабди. Эри бу гап-сўзларни эшитар экану, аммо хотинини фош қилиш учун исботи йўқ экан. Тунларнинг бирида аёлнинг эри кечаси уйининг орқа деразаси очилганини пайқаб қолибди. Ёнига қараса, хотини йўқ. Шубҳаси ортиб, ўғлини уйғотибди.

– Ўғлим, уйга ўғри кирганга ўхшайди, тез ўрнингдан тур, – дея ташқарига чиқиб, меҳмонхона эшигини очмоқчи бўлишса, ичидан кулфланган экан. Эшикни қаттиқ тортиб, «эшикни «оч», деб бақирибди. Буни кутмаган ўйнашларни ваҳима босибди. Эркак кийимларини киймай қўлтиғига қисганча деразадан пастга сакрабди. Сакраган пайтда товони «чимм» этибди. Оёғимга тикон кирди шекилли, деганича қочиб қолибди. Ичкаридан аёл ҳеч нарса бўлмагандай чиқиб келиб:

– Нега бунча бақирасизлар? Хуррак тортаверганингиздан асабим бузилиб ухлай олмай бу ёкқа чиқувдим. Шунга шунча ваҳимами? – дебди пинагини ҳам бузмай.

Эр унинг гапига ишонмай ичкарига отилибди. Икки кишига солинган тўшакка кўзи тушиб:

– Бир ўзинг ётувдингми ёки ўйнашинг ҳам бормиди? – деб хотинининг юзига тарсаки тортибди. Ўртада можаро чиқибди. Бақир-чақирлардан кейин аёлни қасам ичишга мажбурлашибди.

– Сизга, оиламга, болаларимга хиёнат қилган бўлсам, болаларимни ўртага қўйиб қасам ичаман, Худо урсин, охиратим кўйсин, икки дунёда хор бўлайин, – дебди.

Ҳа, бу қабила қасамни ўйин деб ўйлашади. Ёлғондан ичилган қасамлар бир куни томоғидан бўғишини улар қаердан ҳам билсин! Қасамлар ичилган бўлса-да эрининг кўнглидаги шубҳа тарқамабди. Юраги сиқилиб, асаби бузилиб, касал бўлиб қолибди. Бир-икки ой даволанибди. Аммо юрак хасталиги уни бу фоний дунёдан олиб кетибди. Фоҳиша хотин эрининг ўлимига сабабчи бўлиб қолаверибди.

Оёғимга тикон кирди деб ўйлаган гиёҳванд Норкул шундай бир бедаво дардга дучор бўлдики, гапиришга тил ожиз. Деразадан пастга сакраб тушганида унинг оёғига тикон эмас, Яратганнинг азоб игнаси кирган экан. Зинокорнинг оёғидаги оғриқ секин-аста кучайиб бораверибди. Бир кун товони қорайиб қолибди. Бу дарднинг охири ёмонлигини ҳис қилиб, шифохонага югурибди. Оёқни текшириб, анализлар олган шифокор оёқни кес-маса бўлмаслигини айтибди.

– Кесмасдан даволаса бўлмайдами, доктор! Бошқа чораси бордир? – деб ялинишга тушибди.

– Тезда кесмасак бўлмайди. Бу қорасон касаллиги, агар вақтида чора қўлламасак иллат тиззангиз ва сонингизга чиқиб кетади. Бу ўлимга олиб келади, – дебди.

Шундай қилиб оёғининг тўпиғидан пастини олиб ташлашибди. Тузалиб уйига қайтибди. Икки-уч кун ўт-

гач яна оғриқ бошланибди. Оғриқ устига оғриқ. Тунлари инграб дод солиб йиғлар, гуноҳлари кўз олдидан турнақатор бўлиб ўтарди. Инсон соғ-саломат юрганида соғлиқ, ёшлик ва тинчликнинг қадрига етмайди. «Гуноҳ қилмагин, бир куни жазоси бор, азоб тортасан», десангиз, айтганингизга қулоқ ҳам солмайди. Касаллик, оғриқ, дардни ўйин деб ҳисоблайди. Аммо бошига касаллик, дарду алам етгач, бир соат оғриққа чидай олмайди. Соғ пайтдаги қариллашлар, кеккайишлардан асар ҳам қолмайди. Шундай қилиб, бу зинокор, гиёҳванд опнамни Аллоҳ таолонинг кўринмас қиличи урган эди. Бу сафар тиззасидан кесишди. Уйига қайтиб келди. Оз фурсатда сочлари оқариб, қомаги букилди. Эрининг вафосизлигидан хабардор хотини унинг гуноҳини юзига солмади. Астойдил хизмат қилди. Эр бўлса хотинининг юзига қарашдан уяларди. Орадан икки ойлар ўтгач, иккинчи оёғида оғриқ сизди. Яна шифохонага олиб боришди. Энди иккинчи оёғида қорасон бошланганди. Бу оёқни ҳам тиззасидан кесишди. Энди ўзи юролмайди, ҳатто ўрнидан туролмайди, кўзлаган жойига боролмайди. Бундай азобни тасаввур қилиб кўринг, нақадар даҳшат. Ўзгаларнинг ёрдами ва шафқатига муҳтож бўлиб, мўлтираб ўтиришдан оғир дард борми? Энди у кечалари юм-юм йиғлаб чиқарди.

*Юзсизлигу уятдан юракларим эзилди,  
Қилган гуноҳим сабаб оёқларим узилди.  
Азобу уқубатдан, уйқусизлик, офатдан,  
Чекаётган оҳимдан роҳат уйим бузилди.*

*Уялмасдан эл-юртдан, иймонни ҳам унутдим,  
Аллоҳнинг ҳукмларин оёқ остига отдим.  
Насихат қилганларнинг барин устидан кулиб,  
Совуқ зино ичида қушдайин қанот қоқдим.*

*Ёрдам беролмас ўғлим, ёнга киролмас ёрим,  
Бугун адо бўларман йўқотиб, топган борим.  
Мендан олдин қабрга кириб борди оёғим,  
Тўнкадек ётибману, асло йўқдир мадорим.*

*Бировнинг уйин буздим, зинодан ўйин туздим,  
Яратганни унутиб, маъсиятларда ўздим.  
Бу дунёнинг азоби ўлим сабаб тугайди,  
Охират азобининг шиддатларини сездим.*

*Аё дўстларим, асло ўзганинг уйин бузманг,  
Мен бечора гарибдек оёқларингиз узманг.  
Энди афсус чекарман фойдаси бўлармикан?  
Кўрқарман азобидан У раҳм қилармикан?*

### АСЛ ҲАЁТГА ҚАЙТИШ

Шунча синовларни кўрсам-да, ақлим кирмасди. Кўр қалбим очилмасди. Арзимас бир нарса сабаб бўлиб, ка-бобхонам ҳам ёпилиб қолди. Кейин билсам, кабобхонани дадам ёптирган эканлар, пули қолмаса зора шу одатини ташласа, деб умид қилибди. Мен эса уйдаги қўлга или-надиган бор нарсани сотиб ишлатишга ўтдим. Дадам ва ойимдан пул сўрашни бошладим. Бора-бора улар ҳам пул бермайдиган, уйга киритмай ҳайдаб соладиган бўлишди. Дадамнинг итдек ҳайдаганлари, бир сўмга зор бўлиб қолишим ақлдан оздираёзди. Бир кун дорининг хумори шундай тутдики, ўйни ағдар-тўнтар қилиб ташладим.

Гиёҳвандликка мубтало бўлган одам агар дори то-полмай қолса, биринчи навбатда ўз уйидагиларни қак-шатади. Кейин кўни-қўшни, маҳалладагиларникига ўғ-рилиқка тушади. Хумори тутганда хотинини, қизини, ҳатто ватанини сотиб юборишдан тап тортмайди. Ас-лида, гиёҳванд моддаларни тайёрлаб сотувчиларнинг



нияти ҳам оғу воситасида ору номусини, керак бўлса ватанини соғадиган қулларни кўпайтириш. Гиёҳ, хамр, зино орқали касаллик ва иллатларни тарқатиб, одамларни мажруҳ ёки қатли ом қилиш, шу йўл билан давлатни заифлаштириш, ўтмиши улуғ, бобокалонлари буюк иисонларни ҳамма нарсага лоқайд манқурт кимсаларга айлантириш, уларнинг асосий мақсадидир.

Аммо Аллоҳ таоло инсоф, ирода берса, бу дардни енгиш анча осонлашар экан. Ота-онамнинг ёки хотинимнинг дуосими, масжидда ҳаққимга қилинган халқнинг дуоси сабабми, Аллоҳ таоло менга нажот эшигини очаётган эди. Ўзимга-ўзим: «Сен инсонмисан, ҳайвонмисан, кимсан ўзи? Кимнинг, қай юртнинг фарзанди эканингни унутдингми? Бувангни насихатлари, кўрсатмалари ёдингдан кўтарилиб, ўзингни дўзахга ташламоқчимисан?» деган саволларни кўп берадиган бўлиб қолгандим.

«Бугун дорига озгина пул тошиб, бир бор истеъмол қилсам, қайта бу ишга қўл урмайман, астойдил тавба қиламан, чин сўзим!» деб ўзимга ваъда бердим. Ҳозир дард хуруж қилмоқда. Нима қилиш керак? Уйда қўлга илинадиган ҳеч нарса қолмаган. Диванни кўтариб, тагидаги нарсаларни тита бошладим. Қўлимга кичкина бир тугунча тушиб қолди. «Нима экан?» деб очсам, қават-қават қилиб тугилган кичик-кичик тугунчалар... «Ичида нима бор экан, мени кутқарадиган сеҳрли куч балки шу тугунчададир», деб тезроқ очишга ҳаракат қилдим. Тугунчалар ҳам қаттиқ тугилган экан, уларни очишга анча вақт кетди. Ва ниҳоят, навбат охириги энг кичик тугунчага келди. Сабрим чидамай тезроқ очишга ошиқаман, аммо бу савил қолгур жудаям маҳкам тугилган экан, ечгунча тирноқларим кўчиб кетай деди. Ниҳоят тугунни ечдим. Қўлларим титраб секин оча бошладим, кўзим ялтираб, ёниб турган бриллиант

кўзли тилла узукка тушди. Дадам тўйимиз муносабати билан хотинимга совға қилган бриллиант кўзли олтин узук. Менинг нажоткорим. Хотиним сотиб юборишимдан кўрқиб, яшириб қўйган узук...

Хурсандлигимдан теримга сиғмай кетдим. Узукка қараб туриб, никоҳ тўйимиз эсимга тушди. Ҳа, худди ўша куни, тўйимизнинг эртаси, эрталаб бўладиган «келинсалом»да дадамнинг:

– Келин олсам, унга совға қиламан деган ният билан олиб қўйгандим. Худо ниятимга етказди. Яхши кунларингга таққин қизим, – деб келинига узукни бергани эсимга тушди.

Узук ниҳоятда қимматбаҳо эди. Ўша пайтнинг нархи бўйича нақ икки ярим-уч минг доллар турарди. Дадам хотинимга яхши ниятлар билан берган совға қаршисида довдираб турардим. Нима қилишни билмасдим. «Балки сотмасаммикан?» деган ўй ҳам мени қийнаётган эди. Аммо, бу дардим жуда оғир эди, узукни тезроқ сотиб, пулига дори олмасам, аҳволим ниҳоятда ёмонлашар, балки ажалимдан олдин ўлиб ҳам кетишим мумкин эди!

Ҳозирги ҳолатим узукни олишга мажбур қилди. Секин уни чўнтакка солдим. Диванни аввалгидек қилиб тахлаб чиқиб кетдим. Эндиги муаммо узукни кимга сотиш эди. Бунча пул берадиган одамнинг ўзи йўқ. Сотиб оладиган одам топилмади. Дард кучайиб борарди. Нима қилиш керак? Дори ҳам йўқ, узукка нақд пул берадиган одам ҳам йўқ. Гиёҳванд модда топиш ҳам кун сайин қийинлашиб борарди. Шериклар билан йиғилиб маслаҳатлашдик:

– Кўшни Қозоғистоннинг Жетисой томонида бир кишида дори бор экан, ўша ерга борамиз, – деб қолди шерикларимдан бири.

– Пул бўлмаса, нимамизга сотиб оламиз? – дедим.

– Э, юраверсанг-чи? Узукка алмашишга кўндирамиз, ҳозир машина топиб келаман, – деб кетиб бир оздан кейин битта Жигули машинасини ёллаб келди. Мен шеригимдан борадиган жойнинг аниқ манзили, дори сотадиган одамнинг исмини сўраб олиб:

– Менга қаранглар, ўзим бориб келаман. Сизлар ўтиришга тайёргарлик кўринглар, – деб йўлга отландим.

Машина текис йўлда бир маромда тебраниб, тобора шаҳримиздан узоқлашиб борарди. Гўё умрим поёнига етгану, ҳаёт сўқмоқларидан узоқлашаётгандек кўнглим нотинч, юрагим потирлаб урарди. Авваллари сира бу каби аҳволга тушмаган эдим. Йўл-йўлакай: «Нахотки нафс деб, унинг ҳирсини қондириш учун шайтоннинг малайига айландим. Худо, менга инсоф бергин, тўғри йўлни кўрсат», деган нидо қалбимдан отилиб чиқарди. Одамлардан ҳаё қилаётгандек бўлардим. Аслида, Аллоҳдан уялардим. Тонгла қиёматда гуноҳларим очилиб, шарманда бўлган ҳолатим кўз ўнгимда намоён бўларди. Бувам ва уларнинг дўстлари ҳайқирган: «Бу гуноҳкор банданинг қилмишларини қаранглар» деган нидоси қулоғим остида шунақанги қаттиқ жарангладики, кўзларим «ялт» этиб очилгандек бўлди. Лекин бу ҳолат бир зумда ўтиб кетди, яна ўша шайтоний нафс ўз хуружини бошлади.

Айтилган манзилга яқинлашдик. Бу жой қозоқлар яшайдиган овул экан. Қишлоқ унча катта эмасди. Уйларнинг кўпи шунчаки енгил-елпи қилинган пастак кулбалар ва офтобда унникиб-қорайиб кетган кигиз ўтовлардан иборат эди. Ҳар томондан ҳуриб, ташланиб келаётган итлар ҳамроҳлигида қишлоққа кириб бордик. Кўчада ҳеч ким кўринмасди. Қишлоқ оралаб борарканмиз, бир қарияни кўриб қолдим. Дарвозаси ёнидаги тут соясида ўтирарди. Машинани четроққа тўхтаттириб, пиёда унинг олдида бордим:

– Ассалому алайкум ота, – деб қарияга салом бердим. Ниманидир қўлидаги тешаси билан чопаётган соқоллари сийрак, бошига гулли қозоқча дўппи кийган, эғнидаги юпқа тўни ўзига ярашган, юзлари нурли отахон экан. Унинг олдида қўл қовуштириб турдим.

– Ваалайкум ассалом, кел, ширағим, – деди қария машғулотидан тўхтатганим учун сал оғрингандай бўлиб. Отахон бувамнинг эски қадрдонларидан бирига ўхшаб кетарди. Юзларига тикилиб, бирдан кўнглим ёришди, югуриб бориб икки қўллаб кўришдим. Менинг тавозеъ билан кўришишимдан одоб кўрганимни билган отахон:

– Ке балам, бизнинг овулларда не жумус билан журупсан, қайси шамаллар ушурди, – деб ёнидаги чойнақдан бир пиёла чой қуйиб узатди. Чойни икки қўллаб олиб, «рахмат» дедиму бир хўплашда ичдим. Отахоннинг юзидан кўпни кўргани билиниб турарди.

– Қишлоғингизни бир зиёрат қилай деб, айланиб келгандим, – дедим сир бой бермай. Менга ўсмоқчилаб тикилган отахон:

– Сен текка кемағансанов, сени бир дард бослаб келгангўй, дардингни кўрқпасдан айтабер, кимиз керакба, кази-карта керакба, жардам берамин, – деди.

– Раҳмат ота, кимиз, кази-карта керакмас. Қишлоғингизда яшайдиган бир одамни сўраб келгандим.

– Ким экан вў сен излаб журған кимсе, – деди.

– Шу кишлоқнинг четида яшаркан, оти Арғин экан. Уйини кўрсатиб юборсангиз, – дедим қўлим кўксимда. Отанинг боя кулиб турган юзи бирданига тундлашди:

– Сенинг адабинг, саламингни кўриб, жахси тарбия кўргенсен деб адасиппен. Сен бир куда безарини излаб кебсанмба, демек сен ҳам жахси адаммассен. Арақкўр, насабанд вў одамнинг вўзинида, уйинида кўрсатув улкен гуноҳ бўлади. Полбин, басаратши, ғайбдан гапи-

рувсиларнида, сен сўраватган Арғин пиянисталарни ёнида юрув, олдиға борув ҳатта вў каби инсонларни уйини кўрсатув улкан гунаҳ. Сенга жўл кўрсатиб, гуноҳларингға серик бўлувни истебеймен, – деб юзини тескари буриб олди.

Отахоннинг гаплари юрагимни яна бир бор тилка-пора қилди. Фолбин, башоратчи, гиёҳванд, ароқхўр, гуноҳкор одамларнинг уйини кўрсатишнинг оғир гуноҳлигини илк бор эшитишим эди. Бунинг устига узоқ бир овулда яшайдиган кекса қозоқ отахоннинг гуноҳ ботқоғига ботган одамнинг уйини кўрсатишни ор, гуноҳ деб билган кексачалик гуноҳ-савобни билмаслигимдан уялдим. Кейинчалик билсам, бу отахон кўп уламоларнинг суҳбатида бўлган ҳақиқий пок инсон экан.

– Ота, менга Худо инсоф берсин, дуо қилинг, – дедим.

Отахон юзимга ғалати боқиб, астойдил дуо талаб-лигимни англагач, қўлларини очиб овозини секин чиқариб пичирлаб дуо қиларкан охирида:

– Қудайим сенға ҳидоят жўлини ашиб, тўғрилиққа басласин Аллоҳу акбар, – деб юзига фотиҳа тортди.

Динимизнинг инсонпарварлигини қаранг етти ёт бегона, ўзга бир мусулмоннинг ўз фарзандига ачингандай бошқа бир мусулмон инсоннинг фарзандига ҳидоят сўраб, дуо қилиши нақадар олийжаноблик. Бошқа савол беришдан уялдим, одоб билан машина томон юрдим. Отахон ортимдан бошини чайқаганча афсус билан қараб қолди.

Бошқалардан сўраб-суриштириб Арғин оға деганининг уйини топиб келдим. Бу хонадон қишлоқдан анча четда, тақир очик даштда эди. Овулнинг катталари бу безорининг ишларидан безиб қишлоқдан кўчириб юборишганми, билмадим, ишқилиб Арғин оғанинг уйи аянчли эди. Сомон кўшиб катта-катта қуйилган хом ғиштдан

кўтарилган икки ёки уч хонали уй, унинг олдида кичик-роқ айвон. Деворлар чала сувалган, деразаларнинг бўёғи ўчиб кетган, томлар лой сувоқ. Томнинг қамишлари осилиб ётибди.. Ҳовлининг юқори қисмида кичик бир айвонча соясида туядек келадиган сарғиш бўрибосар ит, ялоғини пашша босиб, таланиб ётибди. Ит пашшаларнинг талашига парво қилмас, кимирлашга мадори етмай ҳар замонда олдинги оёғи билан пашшаларни ҳайдагандек тумшуғини бир силаб қўярди. Ҳовлининг ўртасида катта тешик тоғора тўнтарилиб ётибди. Беш-олти товук ҳамма жойни ифлос қилиб ташлаган, ҳовлининг саҳни супурилмаганига ҳам анча кун бўлган. Ҳовлининг бир четига иккита ёғоч одам бўйи қилиб қоқилган бўлиб, икки учига узун хода боғланганди. Иккита сурпдан қилинган сузма халта сарғайиб, сув томчилаб турибди. Унинг ёнидаги тоғорада кир ивителиб қўйилган. Арғин аканинг хотини йўқмикан, деб ўйладим. Уйнинг атрофида эса, биронта ҳам дарахт йўқ, ҳамма ёқ тап-тақир. Соялай десангиз чўп ҳам топилмайди.

Уйга қараб туриб: «Арғин деганлари ҳам менга ўхшаган бири икки бўлмаган гиёҳванддир-да, уйи қаср бўлармиди?» дедим ичимда. Итдан ҳадиксираб секин уй томон юра бошладим. Мени кўрган ит номига бўлсаям бошини кўтариб қўймади. Уям менинг кимлигимни билди шекилли, «Сени қоқиб тишимни оғритиб нима қилдим?» дегандек бир кўзини очиб юмди. Уйга яқинлашгач:

– Арғин аға, ҳов Арғин аға! – деб чақира бошладим. Бироздан кейин ичкаридан эркак кишининг «Ҳазир» деган овози эшитилди. Кейин эшик очилиб, эллик ёшларни қоралаган, бадбашара бир киши кўринди. Юзлари юмалок, чўтир, кўзлари қисик, бошида ёғи чиқиб кетган шляпа, эгнида кўкси очик қўйлак, кенг шалвар, катта йиртиқ калиш кийиб олган эди. Қовоғидан қор ёғар-

ди. Умрим бино бўлиб бундай турки совуқ ва бесўнақай одамни кўрмаганман. Бояги нур юзли отахон билан бу нашавандни кўз олдингизга келтириб кўринг. Унга:

– Ассалому алайкум! – деб овул бошида учратган отахонга салом бергандай кўлимни кўксимга қўйиб салом бердим.

– Санга не керек? – деб ўшқирди, саломимга алик ҳам олмай. Унинг сўзлари юзидан ҳам дағал, совуқ ва хунук эди.

– Сотим ака юборувди, – дедим талмовсираб.

– Не ис экен? – деди. Дардимни айтдим. Менга ўхшаганлар келавериб бездириб юборган шекилли, кўндириш жуда қийин бўлди. Охири:

– Ахшангни шикарши? – деди. Нима қилишни билолмай довдираб қолдим. Пул ўрнига бриллиант узук олиб келганимни, унинг ниҳоятда қиммат эканини қишлоқда ўсган бу одамга тушунтириш осон эмасди.

– Вўй бала, ақшанг бўса, шикар! Бу темиринг билан босимни оврутба, – деди. Ўртада Сотим ака турганини, узукнинг нархи бсзорда уч минг доллардан кам эмаслигини айтдим.

– Дўллўринг неси? Мен дўллўр-пўллўрингди билбайбан, деса бўладими?

У пайтларда кўпчилик шаҳарликлар ҳам доллар нималигини билишмасди. Узоқ қишлоқдаги бу одам ҳам қаердан билсин?! Арғин оғани бир амаллаб бир кило кўкнори ва озгина қорадорини узукка алмашишга кўндирдим. Ўша пайтда бир кило кўкнори нари борса икки юз сўм, қорадориси билан, ана боринг, беш юз сўм турар? Ҳозир беш юз сўмлик нарсани уч минг долларлик узукка алмаштираётган эдим. Қоп-қора, ёғи чиқиб кетган кир халтага солинган кўкнори ва қорадорини олиб чиқиб, уни айвонда ётган итнинг олдига отиб юборди.

Шу пайтгача қимирламай ётган ит ўрнидан сакраб туриб, халтачани ҳидлай бошлади. Катта оғзидан халтачага сўлаги оқди. Буни кўриб:

– Нимага бундай қиласиз? Пулини олгандан сўнг қўлимга берсангиз бўлмайдимиз? Ахир бунга ит тегди-ку!  
– дедим жаҳлим чиқиб.

– Сен не, ит не? Сендан су ит ҳам жахси, кўрдингба, ҳарам нарсага тиймади, – деди.

– Мен ит теккан нарсани истеъмом қиламанми? – дедим. Қўлларимни мушт қилиб уни бир туширмоқчи бўлдим. Аммо ниятимдан қайтдим. Дорининг хумори тутиб, оёғимда зўрға турибман, озиб кетганимдан эгим суякка ёпишган. Унга ташлансам, мени уриб, ўлдириб қўйиши ҳеч гапмас. Менинг норози қиёфамга қараб:

– Бор, жўғол, сассиқ ит! Олсанг су, олмасанг вўзинг биласан, – деб уйига кириб кетди.

Йўлда учратган отахон каби «ичкарига кир, бир пиёла чой ич, меҳмонимиз бўл», деган сўзлар бу одамга бегона эди. Инсонга бундан ортиқ ҳақорат бўладими? Йиғлаб-дод солишимга оз қолди. Пешонамга бир уриб, ортга қайтдим. Раҳматли бувамнинг ўлими олдидан айтган ушбу сўзлари миямга қуйилиб келди: «Ўғлим, шу нарсани унутмагин, одам билан ҳайвонни ақлу фаросат ажратиб туради. Агар одамда ақлу фаросат бўлмаса, ҳайвондан фарқи қолмайди. Шунинг учун мушкул аҳволга тушсанг, шу иккисини ишлатсанг, тўғри йўлингни топиб кетасан».

Фикру хаёлимда: «Сен кимсан? Ким эдинг, ким бўлдинг, ҳайвонмисан ёки одаммисан? Шайтондан нима фарқинг қолди?» деган саволлар чарх урарди. Шу турганимча қанча турдим, билмайман, дорини ҳам, узукни ҳам олмай орқага қайтдим. Келишда хуш кайфият билан келиб, қайтишда хомуш қайтаётганимдан ҳайдовчи



ҳам ҳайрон бўлди. Шаҳарга етгач, масжидга ҳайдашини сўрадим. Масжид дарвозаси олдида тушиб, тўғри имомнинг хонасига қараб юрдим. Домланинг эшигини тақиллатиб, киришга рухсат сўрадим. Ичкаридан «киринг» деган овоздан кейин аста эшикни очдим ва:

– Ассалому алайкум! Кирсам майлими? – дедим қўлларимни қовуштириб.

– Ваалайкум ассалом, келинг мулло Абдурашид! Соғ-омонмисиз, биз томонларга қайси шамоллар учирди? – деб кучоқ очиб кутиб олди. Ҳол-аҳвол сўрашгач:

– Домла, менга юкқан дардни биласиз. Энди шу дарддан қутилиб, астойдил тавба қилмоқчиман, менга тўғри йўл кўрсатинг, – дедим титраб.

– Астойдил тавба қилиб қайтмоқчимисиз ёки менга ҳазил қияпсизми?

– Авваллари ҳазил қилиб айтардим, бу сафар астойдил бангилик иллатидан қутулмоқчиман! – дедим.

– Аллоҳ таоло ниятингизга етказиб, ҳидоятда собитқадам қилсин. Кўп китобларимиз, устоз ва уломоларимиз инсоннинг қони қирқ кунда тозаланиши, кўп валийлар қирқ кун чилла ўтириб улуғликка етишгани тўғрисида китобларда ёзилган. Юнус алайҳиссалом қирқ кун балиқнинг қорнида ётгани ҳақида Қуръони карим оятларида баён қилинган. Сизга маслаҳатим, қирқ кун чилла ўтиринг, бир неча ўн минг марта гуноҳларингизни кечиришини сўраб, Аллоҳ таолога «астаффируллоҳ» деб, истиғфор айтинг, тоат-ибодат қилинг, Аллоҳ таолога ёлворинг. Сиздан чидам ва бардош, руҳий курашда, нафсингиз устидан голиб келишингиз талаб қилинади. Мана шу шартларни бажарсангиз, албатта, орзуингизга етасиз, – деб табассум қилди. Бу иллатдан қайтишини, астойдил тавбага қадам қўйганимдан хурсанд бўлиб, яхши дуо қилдилар.

– Қирқ кун нима бўлибди? Қирқ йил бўлса ҳам чидайман, сиздан илтимос мени астойдил отахонлар билан дуо қилинг, – дедим.

– Аллоҳ таоло бу дарддан қутилишингизга ўзи мадаккор бўлсин, – деб яна дилдан дуо қилдилар. Масжиддан чиқиб, тўғри уйга келдим. Тушқун ҳолатимни кўрган хотиним:

– Сизга нима бўлди? Рангларингиз жудаям оқариб кетибди, – деди мулойимлик билан.

– Хотин, ота-онамга, сенга, кўни-кўшни ва бошқаларга бангилигим билан кўп озор етказдим. Кўнгилларингизни қолдирдим. Аждодларимнинг руҳларини безовта қилдим. Мен бу дарддан қутулмоқчиман. Бу ишда менга елкадош бўлишингни хоҳлайман. Одам бўлишни хоҳлайман, шу ҳолда ўлиб кетишни истамайман, – деб кўнглим тўлиб кетди, илк бор кўзимга дардли ёш келди. Кўз ёшларим ёнокларимни ювиб оқди.

– Аллоҳ ўзи ёрдам беради. Албатта бу дарддан қутуласиз, кўлимдан келган ҳамма ёрдамни, керак бўлса жонимни фидо қилсам-да сизга кўмакдош бўламан, – деб хотиним ҳам йиғлаб юборди.

– Гапимга қулоқ сол! Ҳозир ертўладан жой тайёрлаймиз, мен чилла ўтираман, бу ердагилигимни ҳеч кимга, ҳатто ота-онамга ҳам айтмайсан, олдимга бирор киши кирмасин. Гиёҳвандликдан сенинг ёрдамнинг билан қутулмоқчиман, тушундингми? – дедим.

«Тушундим» ишорасини қилган хотиним билан ертўлага тушдик. Тозалаб супуриб, артиб-ювдик, ётишга темир каравот олиб тушдик. Уйимизнинг ертўласи катта ва ёруғ бўлгани сабабли бемалол яшаса ҳам бўларди. Ёзнинг иссиқ кунлари бўлса-да, ертўла муздек эди. Сув сепиб супуриб бўлгач, деразаларга парда тортиб, коп-қоронғи қилиб қилиб, чироқни ёқдик. Ҳаммомга

тушиш учун тепага чиқиб кетдим. Ювиниб-тараниб, таҳорат қилиб, қайта пастга тушдим. Хотиним стол устига дастурхон ёзиб, чойнак, пиёла ва мева-чевалардан қўйибди. Столнинг бир четида тахланган жойнамоз, Қуръони карим ва тасбеҳ турарди. Хотиним: «яна нима олиб келай», дегандек кўзларимга қаради.

– Энди сен чиқавер, керак бўлсанг темир қувурни ураман, етиб келасан, – дедим.

Биринчи ишни намоз ўқишдан бошладим. Ёшлигимда бувам ўргатганларидек икки ракат қилиб ўқидим. Гоҳо бувамга қўшилиб масжидга чиқиб турганим боис намоз ўқиш коидалари унча-мунча билардим. Сўнгра қўлимга тасбеҳ олиб «астағфируллоҳ» калимасини айта бошладим. Масжидимиз домласи «Астағфируллоҳ» қалбнинг таҳорати бўлади, уни кўп айтган инсоннинг кўнгли ювилиб, тоза бўлади ва ундан шайтон қочади. Тавбани шу калима билан бошланг», деган эдилар. Астағфируллоҳ калимасини айтишда давом этдим. Кечгача тинмадим, неча минг марта айтдим, билмадим. Чарчасам-да, уйқум келса-да, тўхтамадим. Кўнглимда хотиржамлик ва енгиллик сездим. Безовта қалбимда сакина пайдо бўлганди. Қилаётган гуноҳларимдан олдинлари доимо безовта бўлардим. Бугун қалбим тинчлангандек бўлди.

Кеч кириб, дунёни қоранғилик боса бошлади. Юрагимни қандайдир кўрқинч, ваҳима қоплади. Тун қоронғуси ўз қаърига тортгандек бўларди. Илк бор қоронғиликдан кўрқдим. Аммо ният ва мақсадимда қатъий турардим. Шу сабабли ҳар қандай ваҳима, кўрқинч тўғри йўлни танлашимга тўсқинлик қилса-да, ниятимдан чекинмадим. Мени қайтаришга ундаётган васвасалардан кўрқмайман, деб онт ичдим.

Шу пайт эшик «ғийқ» этиб очилди. Чўчиб тушдим. Қарасам қўлида патнис, овқат солинган коса ва бошқа

егуликларни кўтариб хотиним кириб келди. Ўзимни сездирмасликка солдим. Иштахам йўқ, ҳеч нарсани хоҳламасам-да, хотинимни хафа қилмаслик учун у олиб келганлардан бироз тотиндим. Номига бўлса-да озгина суҳбатлашдик. Дастурхонга фотиҳа тортдик. Хотиним дастурхонни йиғиштираркан:

– Мен ҳам ёнингизга тушақолай, ул-бул нарса керак бўлиб қолса, олиб келиб турардим, – деди.

– Йўқ, раҳмат, сенинг бўлишинг шарт эмас. Бу машаққатли синовдан ёлғиз ўзим ўтишим керак, – дедим. Чунки оғриқ бошланганда хотинимнинг олдида азоб чекиб, инграшдан уялардим. Олдимда тоғдек машаққат турганини билардим. Хотиним дастурхонни йиғиштириб, чойнақдаги чойни «ичарсиз» деб қолдириб чиқиб кетди.

Ҳақиқий ёлғизликни ҳис қилдим. Тун пардаси ҳамма ёқни қоплаб борар, аста қоронғилик туша бошлади. Кечкурун дард бошланди, дорининг хумори тутди. Аста-секин бошланган оғриқ ярим кечаси ниҳоятда кучайди. Оёқ-қўлим, аъзойи баданим болта билан чопилиб, бўлақларга бўлиниб ташланаётгандай оғриб, қақшай бошлади. Титраб, жунжикиб-қунишиб қолдим. Оғриқнинг зўридан инграй бошладим. Тишимни тишимга қўйдим. Чеккан азобимни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Олдин дори қабул қилганимда бутун вужудим, ҳамма томирларим, аъзойи баданим роҳатланган эди. Ўзим қушдай учгандим. Энди доридан роҳатланган ҳар бир аъзоим, томирларим, бармоғу тирноғимгача даҳшатли оғриқ азобини тортарди. Оғриққа чидай олмай бетон полни гурс-гурс тепа бошладим. Кейин деворни ура бошладим, қўлларим қонаб кетди. Охири томирларим тортишиб, букланиб қолдим. Тун тугаб, тонг ота қолмасди. «Туннинг узунлигини бемордан сўра!» деган ҳикматни шу кеча билдим. Сониялар дақиқага, да-

қиқалар соатга жуда секинлик билан айланарди. Булар гиёҳвандлик иллатидан қутулиш учун олдимда турган азоблар синовининг бошланиши эди.

Гиёҳвандлар дори қабул қилса, фақат осмонда учиб юрар экан, роҳатланиб маза қиларкан деган тушунчага асло-асло борманг. Бошланишида роҳатланган жисмингиз бошқа азобларга ҳам тайёр туриши керак. Мен тортаётган азоблар гиёҳвандлар бошига ҳам кунда, кунора тушиб туради. Кунда игна тикилаверган билакларнинг оғриши, томирларнинг увишиб, тортишиб (энг қаттиқ оғриқлардан бири томир тортишишидир) соатлаб қўл ва оёқларимиз акашак бўлиб қотиб қолиши, тинмай уқалашлар, юракнинг оғриши, қон босимининг ошиши, дори топилмай қолгандаги оғриқлар энг оғир дард бўлади. Гоҳо юрагим қаттиқ санчади, рангим докадек оқариб мурдадек бўлиб қолади. Тўлғоқ тутган аёллардек қийналиб, букчайиб, оғриқнинг зўридан ҳушимдан айрилай дердим. Гиёҳвандларнинг бошида мана шундай оғриқ-азоблар ҳам бор. Етмаганига қабрнинг ваҳми, ўлимдан кўркиш ҳам безовта юракни тарк қилмайди. «Емоқнинг қусмоғи, роҳатнинг азоби бор»лиги ёдимдан кўтарилмайди. Шайтон: «Эй банда! Ўзингни бунча қийнайсан, беш кунлик дунёда азоб чекишинг нимаси? Кайфу сафоингни қилсанг-чи? Барибир ҳеч нарсага эришолмайсан!» деб васваса қиларди. Аммо одамнинг иймон ва матонати бўлса, унинг яхши ният йўлини ҳеч қандай ғов тўсолмас экан.

Тонгга яқин кўзим илинибди, ваҳимали тушлар кўрдим. Бир лаҳзалик тушимда баданини жун қоплаган, кўзларидан ўт чакнаб, турган қоп-қора одамлар қайнаб турган қозонга ташлашди. Қозонда жизғанагим чиқиб, вақирлаб қайнардим, улар бўлса қаҳ-қаҳ отиб кулишиб: «Сен бангининг жазоси мана шу», дейишарди. Қозон-

дан чикмоқчи бўлсам, учли найзаларини санчиб, яна қозонга отишарди. Бундан қаттиқ кўрқиб «дод», деб уйғониб кетдим. Аъзойи баданим жикка ҳўл, бошим қаттиқ оғриб, иссиғим кўтарилиб кетганди. Яна кўзим илинди, энди қоп-қора одамлар қўлларида тўқмоқ, найза ва пичоқ кўтариб қувлашди. Шу зайлда бутун тунни таҳлика ва кўрқинча ўтказдим.

Тонг отаётганидан хабар қилувчи хўрозларнинг кетма-кет қичқириқлари эшитила бошлади. Тонг ёришиб, куёш олам узра чиқишини билдириб, дунёни ёрита бошлаганини деразадан тушган ёғдудан кўрдим. Тунни соғ-омон ўтказганим ва бир кечанинг ортда қолганига шукр қилиб, ўрнимдан турдим. Секин ертўла деразасини очдим. Муздай шабада кўксимга урилиб, қандайдир роҳат инъом этди. Бомдод намозини ўқидим. Жойнамоз устида ўтириб яна истиғфор айтдим, узок дуо қилдим. Дардимга даво сўраб, гиёҳвандлик иллатидан кутқаришини сўраб, илтижолар қилдим. Аммо томир тортиши кўйиб юбормаганди. Турган жойимда югурдим, баданим исиди. Оғриқ бир оз пасайгандай бўлди. Яна хотиним дастурхон кўтариб олдимга тушди. Увишиб қолган қўл-оёқларимни уқалади. Кошқийди бу уқалашлар оғриқни бир лаҳзага бўлса-да пасайтирса! Ўзимни қўлга олдим, неъматлардан озгина тотиндим. Кечгача яна Аллоҳ таолога ялиниб тинмай дуолар қилдим.

Иккинчи куннинг туни бошланди. Ҳақиқий оғриқ, ҳақиқий синов энди бошланди. Кечки овқатни қилиб бўлишим билан оғриқ кўзғади. Оғзимдан тинмай сўлак окди, юрагим гурс-гурс уриб, қинидан чикқудай бўларди. Оғзимдан оқаётган сўлак, мурданикидек оқарган юзим, қалтираётган жисмим, танам ғужанак бўлиб буралиб азобланаётганини кўрган хотинимнинг раҳми келиб, қайтадан дори қабул қилишимга ҳам рози эди.

– Жуда қийналиб кетдингиз, майли, озгина бўлса-да дорингиздан қабул қилинг, – деди у кўзлари жикқа ёшга тўлиб.

– Йўқ хотин, асло! Мен аҳд қилганман, ҳар қандай азоб ҳам ўтқинчи. Роҳатли кунларимни қандай ўтказган бўлсам, унинг азобларини ҳам шундай ўтказаман. Сен менга раҳм қилма, менга Парвардигор раҳм қилсин, – деб уни ертўладан чиқариб юбордим.

Дард билан яна кураш бошланди. У билан курашиш жанг майдонидаги курашдан оғирроқ эди. Аммо мард одам урушда ҳам матонат кўрсатади, дард билан ҳам кўркмай олишади. Дардим эса кетма-кет кўзир, кўзгиган пайт юрагим кинидан чиқиб кетгудай урарди. Мен бўлсам: «Эй Худойим, дардимни енгиллат, гиёҳвандлик дардидан кутказ, бу дунёнинг азоби шунча бўлса, охира-тингники қандай бўларкан? Банданг тугамас дарду алам, оғриқларга қандай чидаркан? Мен дунё машаққатларига чидасам ҳам охира-тингникига чидамайман, менга мадад бер, Аллоҳим», деб, дод солиб Худодан мадад сўрардим.

Тун қалбимга кўрқинч солди. Ҳамма дард ва касалликлар тунда авжга миноси. Кўп беморларнинг иссиғи ҳам тунда чиқади. Менинг дардим ҳам тунда кундузгидан бир неча бор ортгандан-ортди. Чунки дориларни асосан тунда олганим боис, дори қабул қиладиган вақт ўтгани сари оғриқ кучайиб борарди. Ҳақиқий синов дамлари бошланганди. Икки йўл бор холос – сабр ёки шайтоний йўл! Қайси бирини танлаш ўзимга боғлиқ, раҳматми, офатми? Мен сабр йўлини танлаган эдим.

Бир вақт ўнг оёғимнинг томири қаттиқ тортишди. Оғриқ зўридан вой-войлаб, тинмай уқалай бошладим. Бироз оғриқ ўтгач, чап оёғимнинг томири тортди. Уни уқалашни бошладим. Бу оғриқларни енгиллаш осон кечмади. Ўз жис-мим, таним билан туни билан курашиб чиқдим.

Дард билан олиша-олиша тунни ухламай ўтказдим. Тонгга яқин кўзим илинди. Кимнингдир «Ўрнингдан тур, ибодат вақти бўлди», деган сўздан чўчиб уйғондим. Ташқарида яна хўрозлар кичқиришни бошлаб юборишганди. Бу кун ҳам аввалгисидек ўтди. Ҳали азоблар енгиллашгани йўқ. Шайтон ва нафси бад тинмай: «Чеккан бу азобларинг нимаси? Ўзингни қийнаб нима қиласан, барибир ташлай олмайсан! Ҳали ҳеч ким бу дарддан қутилмаган, сен қутилмоқчимисан?!» деган васвасадан тинмасди. «Шу пайтгача ҳеч ким ташламаган бўлса, мен биринчи бўламан, мана кўрасан?» деб ўзимга тасалли бердим, ишончимни ошириб, ихлосимда қаттиқ турдим.

Эрталабки нонуштага кўшиб бир идишда қимиз олиб келган хотиним:

– Сизга қимиз олиб келдим, шундан ҳар куни ичиб турасиз, қимиз одамни тинчлантириб, оғрикни енгиллатармиш, дориларингизнинг хуморини кетказиб, қонни тозалар экан. Ҳиндистон подшоҳи Акбаршоҳ майхўрлик балосидан қутулиш учун ўрмонга ўтов тиктириб, ўша ерда қирқ кун қимиз ичган экан, – деди.

– Нима бало, дўхтир бўлиб кетдингми? Буларни сенга ким ўргатди?

– Китобдан ўқидим, – деди у гуноҳ қилиб қўйгандек бошини эгиб.

– Қимизда шунақанги хусусият борлигини сендан эшитишим!

– Юртимизнинг сут-қаймоғидан тортиб, гиёҳу сувлари ҳамма-ҳаммаси дардларга малҳам бўлади. Биз уларга эътибор қаратмас эканмиз, – деди хотиним кўп нарсани биладигандек.

– Балли, хотин, кўп нарсага ақлинг етаркан. Қани, қимиздан қуй-чи, – дедим. Ярим косадан кўпроқ қи-



мизни менга узатди. Уни унча хушламасам-да, ўзимни мажбурлаб симирдим. Унинг нордон таъми томоғимни қириб ўтгандек бўлди. Бироз ўтгач, иштаҳам озроқ очилиб, оғриқлар пасайгандек бўлди. Овқатдан сўнг яна озгина қимиз ичдим, уйқум келди. Ётиб, анча тиникиб ухладим. Тушликда бир коса, кечга бориб яна бир коса қимиз ичдим. Ётишдан олдин тинмай Аллоҳга истиғфор айтиб, дардимга шифо сўраб, ёлвориб дуо қилдим. Аллоҳга шукр, учинчи кечам аввалгиларига қараганда анча хотиржам ўтди. Хотиним тўғри айтган экан, қимиз ичиб иштаҳам секин-секин очилиб, оғриқлар пасайди. Ўзимдаги ўзгаришларни сеза бошладим. Гоҳо оғриқ бошланса, кайфу сафоларни қўмсаб қоларкансан, киши. Шайтон тинмай хаёлимни ўғирлайди. Нафсим роҳат истайди. Шу пайт: «Эй банда! Кўп гуноҳлар қилдинг, Аллоҳнинг олдида бу гуноҳларингга қандай жавоб берасан? Кўз олдингга ўз нафсларига кучи етмаган бандаларга бериладиган азобларни келтир, сен ҳам ўшандай жазога гирифтор бўлишни истайсанми?» деган ҳайқирик эшитилса, гоҳо Арғин оғанинг: «Сен не, ит не?» деган масхаромуз гаплари қулоғим остида жаранглайди. Аммо ўз нафсим билан курашим давом этарди. Ўйлаб кўринг, ҳар куни ўйин-кулги, маишат қилиб юрган одам бирдан ўзини ёлғизлик домига ташласа, ҳеч кимни кўрмайин, гаплашмаса, шайтоний нафси билан курашса, бу осон кечадами? Йўқ-йўқ, жуда-жуда оғир. Аммо иймони ва матонати бўлса, ҳеч қандай ғов йўлини тўсолмас экан.

Хотиним сутли овқат ва қатикли маставадан кўпроқ тайёрлаб мажбурлагандай таомлантирар, қимизни қанда қилмай ичирарди. Ичмайман десам қўймасдан илтимос қилар, ялиниб-ёлворарди. Қимиз гиёҳвандлик йўлини тўсиб, тинч ухлатар, қонимни тозаларди. Уни ичиб, тинчлик ва хотиржамлик топдим, ором олиб ух-

лардим. Яхши тушлар кўрардим. Фикрлашим, дунёқарашим ҳам секин ўзгариб борарди. Бошимдан ўтказган кунларимни ақл тарозисига солардим. Гоҳо қилган гуноҳларимни эсласам, ўзимдан ўзим уялардим. Азобларга сабаб эшигини очдим ва ундан кутулиш учун кўзланган мақсад сарн чидам билан интилардим, сабр отини миниб янги орзулар сари чопардим.

Бунда елкадошим, суюкли сабрли ёрим ёрдамчим бўлди. Охирги пайтларда ҳеч жойда ишламасам-да, уйга бир сўм олиб келмасам-да, юзимга солмади, кўзимга тик боқмади. Аллоҳ таолодан менга яхшилик, ҳидоят, бахт йўлларни очишини сўради. Бу садоқатда сабри синалган ўзбек қизи эди. Бу каби аёлларга дунёларни берсанг кам, бошидан сув ўгириб ичсанг арзийди. Менинг Зебунисойим оилани ҳамма нарсадан устун қўйган, ўзбек хотин-қизлари ибрат оладиган аёл эди. Келинлар сабр-қаноатни хотинимдан ўрганса арзирди. Бунинг сабрига тасанно, менинг нўжиқликларим, сўкиш ва таҳқирларим, гиёҳвандлигимга сабр қилиб, келажакка умид билан яшади.

Сабрнинг таги сарик олтин, деганларидек мана бир ой ҳам ортда қолди. Отам билан онам кўргани келишди. Менинг қаердалигимни ҳеч кимга айтмайсан, деб талаб қўйганим боис, хотиним улардан ҳам сир сақлабди. Кўринмай қолганимдан хавотирга тушган онам хотинимдан қайта-қайта сўрайвергач, сирни очишга мажбур бўлибди. Тавба қилмоқчилигимни эшитган онам шодланганидан кўлларини дуога очиб, астойдил дуо қилибди. Барибир фарзанд соғинчи устун келибди, аҳволимни билиш, соғлигимни сўраш мақсадида олдимга келишди. Хотиним уларнинг олдимга тушаётганларини айтганда, қаттиқ уялиш ва ҳаяжондан хотинимга жойларимни тезроқ йиғиштиришини айтиб, ойнага қараб

олдим. Гўё ҳаётимда ота-онамни узоқ кўрмаганману уларнинг соғинчи ва меҳри вужудимни қамраб олаётгандек эди. Уларга кўп озор берганларимни эслаб, улардим. Қандай юзларига боқаман, айбларимни юзимга солиб койишмасмикан, деган ҳаёл бошимда чархпалакдек айланарди. Кечагина ҳаё, уялишлиқдан йироқ одам нимагадир қаттиқ ҳаяжонланардим. Тепадан оёқ товушлари дурс-дурс эшитила бошлади. Юрагим ҳам ҳаяжондан тез-тез уриб кетди. Ғийқ этиб ертўла эшиги очилди. Юрагим «шиғ» этди. Уларни хуш кайфият билан кутиб олиш учун, кўринишлари билан кўлимни кўксимга қўйиб, бошимни бироз эгилтириб:

– Ассалому алайкум! – дедим. Онам кўзларида ёш: «Илоҳо инсоф бергани рост бўлсин, айланай болажоним», деб бағрига босиб йиғлаб юборди. Онамнинг меҳр тўла тафти вужудимни сел қилди. Дадам онамнинг эркалашларини кўриб:

– Бизга ҳам навбат беринг, онаси! Биз ҳам кўришайлик, – деб бағрига босиб, қаттиқ кучоқлади. Дадамнинг кўзларидан ҳам ёш томчилади. – Аллоҳим бахтингни берсин, тўғри йўлидан адаштирмасин, янги ҳаётинг муборак бўлсин. Дадамнинг бағридан чиққанимда яна онам юз-кўзларимдан ўпиб рангимга тикилганча:

– Анча озиб кетибсан, болажоним, рангларинг ҳам сарғайибди. Соғлигинг яхшими, ҳеч жойинг оғримаяптими? – дея айланиб-ўргилар, оғзимга ширинликлар тутарди.

– Ўғлинг ёш гўдакмиди, бунчалар эркалаб, оғзига ширинлик соласан? – деди дадам ҳазиллашиб.

– Отаси, болажонимиз қайта туғилди, ахир! Бизнинг парвариш ва ёрдамимизга муҳтож. Келин ишқилиб болажонимни овқатдан қисиб, қийнаб қўймадингизми? – деди келинига қараб. Ойимнинг эркалашлари ва ширин

сўзларини эшитиб, зимдан кузатиб турган хотинимнинг юзида қувонч, лабида табассум қалқиди:

– Йўқ, ойижон! – деди ерга қараб.

– Она, бу келинингиз ҳақиқий профессор экан. Дардларимни енгиллатиш учун китобларни титиб, бир неча хил гиёҳлардан малҳам тайёрлаб берди. Ҳатто қимизнинг даво бўлишини аниқлаб, бир ойдан буён уч маҳал қимиз ичириб, мени даволади, – дедим хотинимни мақтаб.

– Умрингдан барака топ, қизим. Ҳақиқий жуфти ҳалол мана шундай бўлади. Оила бошига оғир синовлар тушганда, оила бошлиғи қийинчиликларга учраганда, сабру бардош билан оилани сақлаб, эрига елкадош бўлади. Оиласининг шаъни-обрўсини ҳимоя қилиб, оила, фарзандлар бахти учун курашган аёл ҳақиқий аёл бўлади, – деб келинининг икки юзидан ўпиб қўйди. Хижолатдан хотинимнинг юзларн қип-қизариб кетди.

– Аслида, ойижон, сизга минг раҳмат. Эрнинг ҳурмати тўғрисида айтган пандларингиз, кўрсатмаларингиз, насиҳатларингизга, эрим олдидаги бурчларимни тушунтириб, сабр йўлларини кўрсатганингизга амал қилдим, – деди хотиним қимтинибгина. Қайнона-келиннинг ўзаро мулойим сўзлашуви, чиройли гапларини эшитиб:

– Дада, қайнона-келин роса чиқишаркан-а! Шу пайтгача билмас эдим, – дедим.

– Ўғлим, мен ва сен дунё тапивишларини деб кўп нарсани ҳатто ўз масъулиятимизни унутиб қўйишимизга озгина қолди, – деди дадам кулимсираб. Гапимизни эшитган онам:

– Ахир, бу менинг келиним эмас, қизим бўлади. Мана шу қизим бизнинг насл-насабимиз давомчиларининг дунёга келишига сабабчи бўлади. Оиламиз шаънини кўтарувчи келин қизимдан ҳам азизроқ, – деди. Биз анча вақт самимий гаплашдик, бувамни ва дўстларини

эсладик. Кундалик машқларимни такрорлаш вақти бўлган эди, шу сабабли:

– Дадажон, меҳрибоним онажон, яна бир неча кунлик синовим қолди. Ягона Аллоҳ таолога ёлвориб, вазифамни адо этишим керак. Мени кўргани келганларингиз, кўнглимни кўтарганларингиз учун минг ташаккур. Фарзандлик бурчини адо қилмасдан, сизларнинг насиҳатларингизга кирмасдан кўп ранжитдим. Мен осий фарзандингизни кечиринглар, ҳаққимга дуо қилинглар. Албатта, ҳамма ёмон иллатлардан халос бўлиб, одамлар сафига одам бўлиб қайтаман, – дедим.

Улар мени қайта-қайта дуо қилишди. Уларнинг хурсандлиги, дуолари кучимга куч қўшса, ранжитиб, хафа қилганларимдан афсус чекдим, маст ҳолдаги ҳайвоний ҳолатим ва тайинсиз гапларимдан уялдим. Қалбимда уят туйғусини ҳис қилдимми, демак, бу яхшилиқдан дарак эди. Чунки инсоннинг ҳаё-уятни унутиши инсонийлик сифатини йўқотишидир. Ҳаёмизни унутганимизда ота-онамизни ҳам танимасдан кўпол сўзлар айтамиз. Мен ҳам пул тополмай қолганимда, ўта маст бўлганимда ота-онамга қаттиқ гаплар гапирганман. Одам маст бўлса, кўпол гапларини эслай олмайди деган гап-сўзларнинг ҳаммаси бекор. Чунки мастлигимдаги кўполликларимнинг аксарияти ёдимда қолган.

Яна ўн кун астойдил тавба-тазарру қилдим, ертўладаги қирқ кунлик ҳаётим, оғир синовлар тугади. Бутун оламга қарата «Мен энди гиёҳванд эмасман. Одамлар, мендан нафратланманглар, сизларнинг соғлом, кучли, қалби пок сафдошингизман», деб бақиргудек хуш кайфиятда ертўладан чиқдим. Кечки ёзнинг салқин, мусаффо ҳавоси кўксимга тегиб, тўйиб-тўйиб нафас олдим. Хузурбахш ҳавони тутун билан ютиб, жонимга нечоғли зарар етказганимни тасаввур қилдим. Ҳовлимиз меҳ-

монга тўлди. Мени кўргани қариндошларим, дўстларим келишди. Ҳамма менга бахт тилар, янги ҳаётимда омад тиларди. Ҳаммадан ҳам ота-онам, садоқатли севиқли ёрим кўпроқ мамнун эдилар.

Кейинроқ кўргани келган «улфат»ларим:

– Абдурашид сафимиздан чиқибсан деб эшитдик, тўғрими ёки одамларнинг миш-мишларими? – деб сўрашди.

– Ҳа, биродорлар, бу балойи азимдан қутулдим, сизларга ҳам маслаҳатим шуки, узоқ умр, бахтли ҳаёт кечиришни хоҳласангиз, бу разилликдан қайтинглар, – дедим.

– Э, қўйсанг-чи, бир марта бериладиган ҳаётда роҳат ва фароғатда яшасак бўлмайдими?

– Сиз ҳақиқий ҳаёт, роҳат нималигини билмайсиз! Қалб хотиржамлигини топиб, ота-она меҳри, юртдошларнинг ҳурмати билан вужудинг лиммо-лим тўлса, бундан ортиқ роҳат-фароғат йўқ. Буни англаш учун мен босиб ўтган машаққатли йўлдан юриб кўришингиз керак. Шундагина қалб хотиржамлигининг нималигини англаб, ҳақиқий роҳат нималигини тушиниб, ҳайвоний амалингизнинг нақадар разиллигини англайсиз, – дедим.

– Амалингиз дейсанми, энди бу йўлдан мутлоқ узилдим, демоқчимисан? – деди Турғунбой.

– Эски қадрдонларим бўлганингиз учун тўғри йўл қайси эканини айтдим. Агар бу йўлдан қайтиб, инсонийлик йўлида юрсангиз ҳамма вақт эшигим очик. Аммо гиёҳвандликдан қайтмай шу йўлда давом этиб, мени йўлдан урмоқчи бўлсангиз ҳозирданок дўстлигимиз узилиб, сизлар учун эшигим ёпилди. Нафақат уйим олдидан, ҳатто кўчамдан ҳам ўтманглар. Агар мен билан ўйнашадиган бўлсангиз, нимага қодирлигимни яхши биласизлар! Қани сизларга жавоб, – дедим. Менинг бу

ишимдан ажабланганларича ўринларидан туриб кетишди. Шерикларимдан шу зайлда қутилмасам бўлмайди, озгина ширин гапирсам, яна эски ҳолимга туширишлари ҳеч гапмас.

Гуноҳкорлар барибир жазоланар экан. Гуноҳидан қайтиши ва тавба қилишига имкон бўларкан, қайтмаса бошига турли азоблар солинар экан. Сотим ака гиёҳвандлик ортидан катта бойликка эришганди. Аммо бойлиги унга буюрмади. Жиноий гуруҳи билан қўлга тушиб, қамалиб кетди. Доимо тўқ, бировнинг меҳнати эвазига кун кўрган, қийинчилик, қайғу нималигини кўрмаган одамнинг бошига бирдан ғам-ташвиш тушса, нима қилишини билмай талвасага тушиб қоларкан. Сотим ака Россиянинг қайсидир шаҳарида қамоқ муддатини ўтаётганда касалликдан вафот этибди. Аслида, уни қонундаги ўғрилар улуш бермагани учун хорлаб ўлдиришибди. Яна нима бўлганини ёлғиз Парвардигор билади. Нима бўлганда ҳам ўз миллатдошларини бангилик балосига ботиргани, ёш-ёш қизларнинг номусини топтагани, ота-оналарнинг кўз ёшларини оқизгани, гуноҳисён қилгани сабабли мазлум бечораларнинг кўзларидан оққан сел-сел ёшларнинг сувида чўкиб, ғарқ бўлди. Уй-жойлари мусодара бўлиб, қолганларини бошқалар тортиб олишди. Ҳаромдан топган дунёси ўзига, фарзандларига буюрмай хорликда ўлиб кетди. Охиратдаги азоби қандай бўлишини яратган Парвардигор билади. Балки ёшгина ўлим топган йигитларнинг, номуси топталган қизларнинг қўллари бўғзидан олаётгандир? Нима бўлганда ҳам ёмонликнинг оқибати ёмонлик билан тугар экан. «Ёмонликдан яхшилик кутиш нодонлик бўлади», дегандилар бувам.

Розага келсак, у бир вақтлар қотил жарроҳлар томонидан операция қилинган жойидан саратон касалига

учраб, фарзанду зурриётсиз, маъсият ботқоғига ботиб, хорлиқда вафот қилди. Маҳалла аҳли ҳар қандай одам вафот қилсаям инсонийлик кўмагини қилади. Ювиб-кўмадиганлари бўлмаса, гуноҳсизу гуноҳқор бўлса-да барибир ювиб, жанозасини ўқиб, охирги манзилга кузатиб кўяди. Роза кабилар маҳала, халққа қўшилмай, бирор кимсага манфаат етказмай бу дунёдан кўз юмса-да, маҳалладошлар барибир яхшиликларини қилишаверади. Ажру савобни Яратгандан сўрайверадилар. Ачинарли томони Розанинг орқасидан дуо қиладиган, яхши амалини эслайдиган кимса қолмади. Эслаганлар Розанинг маъсиятларидан паноҳ тилардилар. Розадан ёмон амал, бузгунчилик ва қилган гуноҳлари қолди, холос.

Аллоҳнинг меҳрибонлиги билан юртимизда истиқлол шамоли эса бошлади. Масжиду мадрасалар очилиб, ҳажга борувчилар сони ортиб борарди. Аждодларимиз орзу қилган умидлар рўёбга чиқа бошлаганди. Бир вақтлар омборхона ва турли жойларга берилиб хароб ҳолга келган зиёратгоҳлар мусулмонлар кўлига қайта топширилиб, ҳақиқий эгалари бу масканларни обод қилишга киришгандилар. Ҳамма жойда оммавий ҳашарлар бошланиб кетганди.

Энди аввалги гиёҳванд Абдурашид эмас балки, инсофли, одобли, ҳақиқий Абдурашид эдим. Яхшилар суҳбатдошим бўлганди. Бувамнинг йўлларини танлаган, дўстларини кадрлайдиган инсон бўлмоқда эдим.

Дардларимни кўп тинглаган масжидимиз имом домласи бир кун катта бир йиғинда жамоага савоб ишларнинг улуғлиги тўғрисида маъруза қилиб, шундай бир мисол келтирдиларки оқил инсон учун бошқасининг кераги бўлмаса керак: «Бир инсон хайрли иш қилса, бу яхши амали учун улкан ажр ва савоб олади. Ўзида бўлган яхшиликларни, илм-хунар, одоб-ахлоқни ва бошқа фой-



дали ишларни ўзгаларга ўргатса, ўзидан яхши ном қолдирса, биринчилардан бўлиб гўзал ишга қадам қўйгани ва амалга оширгани учун улуғ ажр-савоб олади. Бошқаларга ўргатгани ва бошқалар амал этгани учун ўрганган ва амал этганларнинг савоби камайтирилманган ҳолда шу ишга даъват этган, ибрат бўлганга ҳам ёзилади. Вақти-соати етиб, бу дунёдан кўз юмса, унинг хайрият ва савоб йўлларида юрганларнинг яхшилик ва савобларидан руҳига яна ва яна ажру мукофот етиб туради.

Кимда-ким гуноҳ амаллар ичида юрса, ўзгаларга гуноҳ, зулм, ноҳақ қон тўкиш, ароқхўрлик, гиёҳвандлик каби ёмонликларни ўргатса, ёмонлиги ва гуноҳлари номаи аъмолига ёзилиб бораверади. Вафот қилгач, гуноҳига жазо олади. Ундан гуноҳ ишларни ўрганган, шогирдлари ва бошқаларнинг ёмонлигидан, гуноҳларидан унинг руҳи азобланаверади. Хусусан ёш болаларимиз, қизларимизни ичкилик, гиёҳвандлик, қотиллик, турли фирқа, оқим ва бузғунчилик каби иллатларга бошлаб, ёмонликни ўргатадиганлар огоҳ бўлишсин! Гуноҳларингиз бир куни хароб қилишини унутманг. Асло ўзгаларга ёмонликни раво кўрманг. Ўзингиз, фарзандларингизга офият, хайрият ва яхшиликни хоҳлаганингиздек, жамиятимиздаги ҳаммани, ҳар бир ёшни ўз фарзандингиздек билинг ва уларга ёмонлик тиламанг», деб маъруза қилди. Домланинг маърузасидан тўлқинланганимдан жирканч амалларим, зим-зиё тунларим кўз ўнгимдан бир-бир ўтиб: «Илоҳим, мени кечир, мен осийни кечир!» деб такрорлардим.

Мени зиёга бошлаган, ҳидоят эшикларини очган Аллоҳ таолога ҳамдларимни айтиб, адашганларга ҳидоят йўлларини очишини ёлвориб сўраб, дуолар қиламан. Янги ҳаёт, хуррият даври борган сари яқинлашарди.

Яхшилик йўлини танлашим, гиёхвандлик, ароқхўрлик балосидан қутилишимга меҳрибон бувамнинг ёплигимда берган тарбиялари, дуолари, ота-онам, жуфти ҳалололимнинг Аллоҳ таолога қилган илтижолари, ҳаммага яхшилик тилагувчи маҳалламнинг намозхон, кекса отахонларининг тилаклари, масжид имомининг жамоат билан ҳидоятимни сўрашлари сабаб бўлди. Ҳаммаларидан миннатдорман, марҳум бувам ва уларнинг марҳум дўстларини Аллоҳ раҳматига олган бўлсин.

– Буважон, мен энди ҳар куни сизнинг ҳаққингизга дуо қиламан, қабрингиз нурга тўлсин, руҳингиз шод бўлсин. Умримнинг охиригача босиб ўтган йўлларингиз, иймонли юзингиз, хайрли амалларингизни давом эттираман ва фарзандларимга ўргатаман.

Орадан мана анча йил ўтди. Қоним, вужудим гиёхванд моддалардан, маст қилувчи нарсалардан мутлақо пок бўлди, шириндан-шакар эгизак ўғил ва қизим бор. Бир-биридан шўх ўғилчаларимни етаблаб истироҳат боғига бордим. Болалар билан овуниб, ширин хаёллар оғушида боғ оралаб юрсам, кимнингдир менга тез-тез тикилаётганини сезиб қолдим. Ёнида хотини, икки ўғил бола ва яна бир қизчани етаклаб олишганди. Яна бир-икки тикилгач, аста менга яқинлашди. Олдимга келгач:

– Абдурашид, ўзингмисан? Танимадингми? Мен Шералиман, – деди.

Башанг кийинган, бошида дўппи, юзларидан нур балқиб турган йигит менга табассум қилиб боқар, таниш гўзал чеҳра севинчдан порлар эди. Кечагина одамгарчилигини йўқотиб қўйган, боласининг ногиронлигидан афсусга тушиб, бутунлай ўзини олдириб қўйган Шералини бу ҳолда танимабман. Иккаламиз кучоқлашиб кетдик. Ҳол-аҳвол сўрашдик.

Фарзанди ногирон туғилгач, қишлоғига кўчиб кетган Шерали бир амаллаб гиёҳвандликдан қутулибди. Хотини соғайибди. Аллоҳ таоло уларга икки ўғил, бир қиз берибди. Ногирон боласи узоқ яшамай вафот қилибди. Қисқаси, ногирон боланинг туғилиши унинг кўзини очиб, бахтли ҳаётга қайтарибди.

Уни уйга таклиф қилдим, кейин алоҳида келаман, деди ва ака-укадек хайрлашдик. Ҳа, Шерали ҳам, мен ҳам, маслаҳатимга амал қилган гиёҳвандларнинг анчаси ҳаётда ўз ўринларини, ҳақиқий бахтларини топишди. Аллоҳ берган неъматларининг шукрини қилиб, саодат қучишди. Яратганнинг муҳаббатини қалбларига жо айлаб, хур Ватанда шукр қилган ҳолда бахтиёр яшашмоқда. Илоҳо, гуноҳ ботқоғига ботганлар ҳаётини қиссаларимдан хулоса чиқариб, ҳидоят сари одимлашсин, энг улуг неъматларга ва бахт-саодатга мушарраф бўлишсин!

## ХУЛОСА ҰРНИДА

«Бир миллатни қул қилиш учун унинг тарихини, олимларини, китобларини йўқотиш кифоя қилади», деган фикрга асосланиб иш олиб борган Чор Россияси ва, хусусан, шўролар ҳукумати шонли тарихимизни, юксак маънавиятимизни, бебаҳо қадриятларимизни, муқаддас динимизни йўқ қилишга ҳаракат қилишди. Бу йўлда улар бир қадар натижаларга эришди ҳам. Аммо улар қабих ишга берилиб кетиб, бор куч-ғайратларини шу йўлга сарфбар қилишса ҳам бошқа бир фикрни, ҳикматни унуттишди. Бу ҳам бўлса «Бировга чоҳ қазисанг, унга ўзинг йиқиласан» деган мақол эди. Уларнинг дин-диёнати, маънавиятини йўқ қиламиз деб ўзлигини йўқотдилар. Етмиш йилча умр кўрган совет давлатининг фақатгина номи қолди, холос. Мана шу воқеалардан сўнг миллий қадриятларимиз тиклаганлигининг ўзи ҳам динимизнинг ҳақлиги, маънавиятимизнинг буюклигига исботдир.

Бу ҳақда Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарларида: «Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсиндирмоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади», деб ёзганлар.

Истиклол неъматига етгунча ёруғ кунлар орзусида қанча-қанча олимларимиз, шоир-ёзувчиларимиз шўролар зулмининг қурбонига айланишган бўлса, минг-минглаб ватандошларимиз Сибир ва бошқа совуқ ўлкаларда азоб-қийноқлар чекишди. Совуқ, изғиринли киш кунининг аёзларида оч-наҳор ишлаб эзилишди. Ўша ерда жон берганларнинг жасадлари ҳам бегона юртда қолиб кетди.

Иккинчи жаҳон уруши ҳам минглаб ёш ўғлонларимизнинг фожиали ўлим топишига сабаб бўлди. Урушдан кейин яна «қама-қама»лар бошланди. Яна маънавиятимиз, ахлоқимиз, диний қадриятларимизни топташга, ёшларимиз онгини бузиш орқали ароқхўр, гиёҳвандларни кўпайтириш учун турли-туман ҳийлалар амалга оширила бошланди. Зиёлий, мансабдор, халқ эътиборидаги инсонлар ва бадавлат кишиларга қарши фитналар кўзгалди. Фарзандларининг онгига ёт мафкураларни сингдиришга уринишди. Миллатимиз душманларининг мақсадлари илмли, маънавиятини англаган ҳамда шижоаткор ёшларни йўқ қилиш орқали халқни осонлик билан бошқариш эди. Мухолифлар миллий қадрият, гўзал урф-одатларимизни поймол қилиш учун кўпроқ ўзлимизга ёт китоб ва санъатдан фойдаланишди. Санъат орқали ўзимизни масхаралашди. Бунинг учун миллий туйғусини бой берган санъаткор, отарчилардан фойдаланишди. Санъат аслида халқнинг яхшилигига хизмат қилиши керак бўлса-да, шўролар ўзларининг мафкураларига мафтун бўлган баъзи савиясиз санъаткорлардан ҳам фойдаланарди. Юртбошимиз: «Собиқ Марказдаги кино институтларида таълим олган оз сонли ўзбек режиссёрлари ва кинодраматурглари эса, афсуски, миллий рух, миллий заминдан бегона бўлган мутахассислар бўлиб етишар эди...» деганлари ҳам аини ҳақиқат.

Ана шундай савиясиз режиссёр ва санъаткорлар юртимиз қишлоқлари, ҳатто узоқ тоғлардаги чекка овулларга бориб, уларнинг ҳам онгини заҳарлашга, ота-онага итоат қилмаслик, ор-номус муҳаббатдан кейин туриши, никоҳсиз, ота-онанинг розилигисиз турмуш қуриш каби ахлоқсизликларни тарғиб қилишга уринишди.

Бундайларга қарши ўлароқ, ушбу асар аждодларимизнинг гўзал одоблари, аёлларимизнинг шарму иболари,

ҳақиқий ўзбек оиласининг турмуши ва кўплаб тарихий воқеаларни ўзида мужассам этган. Диёнатли, зиёли оилада камол топган Абдурашид исмли йигитни аввал ичкиликка, сўнгра бангилик балосига учратган манфурлар бу йигит орқали бойлик орттириш ва обрўли оиланинг шаъни ва ҳурматини ерга уришга ҳаракат қилишади. Шу билан бирга, фоҳишалик ботқоғига ботган, охир-оқибат ўз «касби»нинг қурбонига айланган Рўзигул (Роза) исмли аёлнинг фожиавий ҳаёти ҳам кенг ёритиб ўтилган.

Халқнинг диний эътиқодини бузиб, диёнатсизлик, моддапарастлик ғоясини илгари сурган шўроларнинг баъзи ноқобил раҳбарларининг давлат мулкани талон-тарож қилишлари, ўз нафслари йўлида ҳар қандай қинғир ишлардан қайтмасликлари ҳам кўрсатилган. Зеро, инсон Аллоҳ таолонинг раҳматига интилиб, қаҳридан кўркмаса, уни ҳеч нарса гуноҳ амаллардан тўхтатолмаслиги ҳақида ҳам баён қилинган. Қисса охирида турли хорлик, камситиш, таҳқирлар туфайли одамийлик хислатини йўқотган, борган сари бангилик балоси қуршаб, ўлим сари етаклаб кетаётганини англаган Абдурашиднинг астойдил тавба қилиб, гиёҳвандликдан қутулгани ҳам ҳикоя қилинди.

*Усмонхон Ашимов*

## МУНДАРИЖА

Келиннинг сўнгсиз сабри .....	3
Надомат тунлари .....	6
Абдурашиднинг ҳикояси .....	10
Тоғамнинг ҳикояси .....	23
Ҳасрат .....	36
Истироҳат боғи ва бозор .....	63
Нафс кули .....	71
Кабир кабобпаз ва Ғани ота .....	102
Ўтганлар хотираси .....	119
Ҳаром луқма .....	131
Шералининг ўғли .....	153
Бало қаердан келади? .....	174
Адашишнинг бошланиши .....	179
Бувамнинг вафоти ва янги ҳаёт .....	202
Йўлдан тойиш .....	212
Биринчи муҳаббат .....	219
Тузок .....	227
Ноқобил фарзанд .....	247
Сочидаги саргузаштлар .....	262
Норкулнинг фожиаси .....	275
Асл ҳаётга қайтиш .....	279
Хулоса ўрнида. Усмонхон Алимов .....	307

Шермурод Тоғай

# ТАВБА ЙЎЛИ

*Қисса*

«HILOL-NASHR» нашриёти  
Тошкент -- 2016

Ношир: *Исмоил Муҳаммад Содиқ*

Мухаррирлар: *Йўлдош Эшбек, Аҳмад Муҳаммад*  
Адабий маслаҳатчи: *Санъатулло Қорахоний*  
Бадний муҳаррир: *Абдулбосит Қамбаров*  
Мукова дизайнери: *Нажотбек Жўрабоев*  
Саҳифаловчи: *Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ*  
Мусахҳих: *Ёрқинжон Ҳайдаров*



**Нашр лицензияси № А1 235, 13.02.2013 нил.**

Босишга рухсат этилди 29.07.2016. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>.  
Апо Pro гарнитураси. Офсет босма. Босма табағи 19.5.  
Шартли босма табағи 16,38. Адади 1000нуса.  
Буюртма № 57. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Hilol-Nashr» нашриёт босмахонаси**  
100185, Тошкент шаҳри, Сўгалли ота, 5





ISBN 978-9943-4633-0-1



9 789943 463301